

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ҚОНУНЛАР БАЖАРИЛИШИ  
УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК  
НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**





Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ҚОНУNLAP БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН  
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ**



Ташкент — 2019

**УЎК 342.7(575.1)**

**КБК 67.404(5Ў)**

**С 21**

## **Сайдов, А.Х.**

Ўзбекистон Республикасида қонунлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш [Матн] / А.Х.Сайдов, Ф.Х. Бакаева, М.А. Тиллабаев. — Тошкент: Baktria press, 2019. — 256 б.

Ўзбек тилидаги тўлдирилган иккинчи нашри.

### **Масъул муҳаррир:**

ю. ф. д., академик А.Х. Сайдов

ю. ф. н. Ф. Х. Бакаева

ю. ф. д., доцент М. А. Тиллабаев

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг конституциявий-хукуқий, илмий-назарий ва амалий асослари, халқаро хукуқ нормаларининг ҳамда қонунларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши баён қилинади. Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва мониторингини амалга оширишнинг шарт-шароитлари ва имкониятлари, жамоатчилик назоратининг мақсадлари, принциплари ва субъектларига алоҳида эътибор қаратилган. Китобда шунингдек, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун ҳамда жамоатчилик назорати ва мониторинги тўғрисида бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида унинг асосий шакллари ва уларни амалга оширишнинг тартиби очиб берилади.

Қўлланма давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ўқув ва илмий таълим муассасаларининг вакилларига ҳамда Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини ташкил этиш масалалари билан қизиқадиган фуқароларга мўлжалланган.

Инсон хукуqlari бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази EXXT лойиҳаларини мувофиқлаштирувчисига ушбу китобни ўзбек тилида нашр этишга ёрдам берганлиги учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

ISBN 978-9943-5812-3-4 © Инсон хукуqlari бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази, 2019

© EXXTning Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори,  
2019

© Baktria press, 2019

**“Халқ давлат идораларига әмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг нинг 24 йиллигига багишлиланган тантанали мажлисда қилган маърузасидан

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>7</b>
<b>БИРИНЧИ БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>21</b>
<b>БИРИНЧИ МАВЗУ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>22</b>
§1. Жамоатчилик назоратини халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг шаклланиши ва ривожлантирилиши.....	22
§2. ЕХХТнинг жамоатчилик назоратининг амалга ошириш соҳасидаги стандартлари .....	39
§ 3. Қонунлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга oshiришнинг чет эл тажрибаси .....	55
<b>ИККИНЧИ МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>74</b>
§1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамоатчилик назоратини ривожлантириш бўйича асосий қоидалари .....	74
§2. Жамоатчилик назоратининг қонунчилик асослари.....	84
§3. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун асосий сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар .....	106
<b>УЧИНЧИ МАВЗУ: ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ, МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ, ПРИНЦИПЛАРИ, ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЬЕКТЛАРИ .....</b>	<b>126</b>
§1. Жамоатчилик назоратининг тушунчаси, мақсад-вазифалари ва принциплари .....	126
§2. Жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари ва объектлари .....	136
§3. Жамоатчилик назорати субъектлари ва улар вакилларининг ҳуқуқий мақоми .....	157

<b>ИККИНЧИ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ ИЖРОСИННИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ.....</b>	<b>167</b>
<b>ТЎРТИНЧИ МАВЗУ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИННИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ.....</b>	<b>168</b>
§1. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар.....	168
§2. Давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиши .....	184
§4. Жамоатчилик мониторинги.....	195
§5. Қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси .....	203
§6. Жамоатчилик фикрини ўрганиш.....	216
§7. Жамоатчилик назоратининг бошқа шакллари: жамоатчилик текшируви.....	221
<b>БЕШИНЧИ МАВЗУ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ .....</b>	<b>229</b>
§1. Жамоатчилик назорати натижаларини расмийлаштириш.....	229
§2. Жамоатчилик назорати якунларини эълон қилиш.....	235
§3. Давлат органларининг ўз фаолиятида жамоатчилик назорати соҳасидаги хуқуқлари ва мажбуриятлари.....	238
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>244</b>
<b>Тавсия этилаётган адабиётлар.....</b>	<b>247</b>



## КИРИШ

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик хуқуқий, давлат барпо этиш ваadolатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг асосий стратегик мақсадидир. Ўзбекистон бошقا мамалакатларнинг тажрибаси ва ривожланиш моделидан кўр-кўронада нусха кўчирмасдан, улардаги турмуш даражаси ва сифатига эришиш, миллати ва эътиқодидан қатъи назар ҳар бир инсон учун барча хуқуқ ва эркинликлар, фаровонлик ва муносиб турмуш кафолатланадиган мамлакатнинг демократик, иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлашга интилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон миллий ҳамда тарихий анъана ва қадриятларга содиқлигини сақлаб қолмоқда.

Очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти — жамоатчилик институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига” принципини амалда изчил таъминлаш, яъни мамлакатда қабул қилинаётган ва амал этаётган қонунчилик нормалари амалга оширилиши, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришdir.

Давлат ва фуқаролик жамиятининг нисбатини ўзгартириш — узоқ муддатли мақсаддир. Ана шунга эришиш қатор стратегик вазифаларни изчил ҳал қилишни талаб этади ва фақат самарали ривожланаётган демократик хуқуқий давлат бунга қодирдир.

Инсоният жамиятининг ривожланиш тарихи бундай жамиятнинг муваффақияти амал этишини фақат давлат ва шахснинг ўзаро биргалашиб ҳаракат қилиши таъминлашидан далолат беради. Буни ҳисобга олмасдан жамиятда демократик ўзгартиришлар учун зарур бўлган тартиби үрнатиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, тараққий этган демократик, хуқуқий, ижтимоий йўналтирилган, дунёвий давлат ҳамда аҳолининг фаол яратувчан қисми биргалиқда бир йўналишда, ижтимоий шериклик асосида иш кўришлари керак<sup>1</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнининг мақсадга йўналтирилиши, жўшқинлиги ва самарадорлиги аниқ шахслар, аниқ одамларга тўла-тўқис боғлиқлиги тушунчаси шаклланган. Ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг демократик келажаги яқин истиқболда бу шахс қандай бўлишига, у қандай маънавий, маданий ва ахлоқий қадриятларга содиқлигига боғлиқдир. Вазифа шундан иборатки, барча одамлар учун даставвалги кенг имкониятлар ишонарли кафолатланадиган ҳамда улар ўз қобилиятларини рўёбга чиқарадиган, эҳтиёжларини қондирадиган давлат-хуқуқий механизми яратилиши талаб қилинмоқда.

Шахс давлат билан биргалиқда иш кўрар экан, у сиёсий муносабатларга, сиёсий жараёнларга киришади, бу билан ўзининг сиёсий хуқуқлари ва эркинликларини амалга оширади. Бундай биргалиқдаги ҳаракатлар натижасида:

<sup>1</sup> Қаранг: Тихомиров Ю. А. О модернизации государства // Журнал российского права. 2004. №4. С. 3–16.

**биринчидан**, шахс фаоллашади, унинг турмуши ва фаолияти тартибга солинади, бу ҳам ўзи, ҳам умуман жамият учун событқадамлик хусусиятига эга бўлади;

**иккинчидан**, шахс ва жамиятга таъсир ўтказиш самарали механизmlарини яратадиган, инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини оладиган норматив доирани шакллантирадиган давлатнинг фаолияти кучаяди;

**учинчидан**, шахс ва жамият манфаатларининг мутаносиблиги ўрнатилади, фуқароларнинг сиёсий ташабbusи умуммиллий мақсадлар билан бирлашади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатнинг демократия йўлидан боришининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қиласи. Асосий Қонуннинг демократик жамиятнинг шакллантиришдаги улкан ҳиссаси конституциянинг мавхум жамият ёки умуман ҳалқнинг эмас, балки аниқ бир инсоннинг эҳтиёжлари манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига йўналтирилганлигидир. Конституция инсонни олий қадрият сифатида белгилар экан, бу билан шахс, жамият давлат ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституциявий нормалар ва қонунларнинг устунлиги, инсонга йўналтирилганлиги ва ана шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларнинг мақуллаштирилиши мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакиллантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Давлат билан шахснинг самарали ўзаро муносабатлари ҳуқуққа асосланган ва бунинг негизида фуқароларнинг сиёсий фаолияти тартибга солинади. Давлат фуқароларнинг ташабbusи, фаоллиги ва ўзини-ўзи бошқаришини рағбатлантирадиган, оқилона, ичидан мувофиқлаштирилган тизимни яратади, уларнинг давлатни бошқаришдаги ролини оширади, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Шахс ва давлат Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган, қонун билан кафолатланган ва муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлар ижро этилиши орқали ўзаро биргаликда ҳаракат қиласи. Улар ҳуқуқий муносабатларда бўлиб, бир-бирларининг ҳуқуқларини бузганлик учун ҳуқуқий масъуль бўлади.

Мустақиллик йилларида фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро масъулият жиддий равишда янгиланди ҳамда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва амал этишида сезиларли роль ўйнай бошлади. Шу билан бир қаторда бу ҳали давр талабига тўлиқ жавоб бермайди.

Бундай ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштириш учун жумладан, қонунлар, қонун ости ҳужжатлари амалга оширилиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолияти устидан жамоатчилик ва давлат назоратини кучайтириш зарур.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев “Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича**

<sup>1</sup> Бакаева Ф. Х. Государство и личность: взаимные права и обязанности // Журнал «Гражданское общество», 2005. №1 С. 49.

**сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда” деб таъкидлади<sup>2</sup>.**

Жамоатчилик назорати қонунга амал қилиниши таъминланишига, давлат органдар томонидан ўз вазифаларини масъулият билан ва малакали бажаришлари имконини беради.

**Жаҳон тажрибаси жамоатчилик назорати ҳам жамият, ҳам давлат ҳокимияти учун манфаатли эканлигини кўрсатади.** Ҳақиқатан ҳам бу давлатни масъулиятли бўлишга — қонун амал этишини таъминлашга, инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилишга, демак умумий манфаат йўлида самарали иш олиб боришга мажбур қилади. Жамоатчилик назорати давлатга ҳам ўзининг муттасил такомиллашишини рағбатлантириш учун манфаатлидир.

**Биринчидан,** жамоатчилик назорати давлат хизматчиларининг давлат ҳокимиятининг табиати туфайли уларга ҳамиша хос бўлган ноҳуқуқий қарорлар ва иш қўришлардан тийилиб туришига даъват этдиган таъсирчан куч сифатида намоён бўлади. Жамоатчилик назоратининг босими туфайли мансабдор шахслар ўз фаолиятига ўзгартиришлар киритади, масъулиятлироқ ва натижада малакалироқ бўлишади.

**Иккинчидан,** жамоатчилик назорати жамиятнинг ҳокимият билан алоқа қилиш воситаси сифатида намоён бўлиб, фуқароларга мамлакатнинг мақсадлари ва ривожланиш устуворликлари тўғрисида ҳокимият билан ҳалол ва очиқ мулоқот олиб боришга ёрдам беради. Давлат ҳокимияти жамият билан бундай ўзаро алоқа қилиш ёрдамида мавжуд муаммолардан хабардор бўлади ва фуқароларнинг мамлакатда демократик ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган талабларини қўллаб-кувватлайди.

**Учинчидан,** жамият таъсири остида давлат самаралироқ иш олиб боради, бу билан жамоатчилик назорати фуқароларнинг давлатга ишончини ва уни қўллаб-кувватлашларини таъминлайди. Жамоатчилик назорати ваколатли ҳокимият фуқароларнинг конструктив таклифлари асосида мамлакатда зарур ислоҳотларни ўтказишига йўналтирилган<sup>3</sup>.

Ҳозирги пайтда давлат ва фуқароларнинг бир-бирига қарши турган — бошқарадиган ва бошқариладиган анъанавий модели Ўзбекистонда бесамар эканини амалда кўрсатди. Бутун жаҳонда бўлгани каби фуқаролик жамияти институтлари томонидан назорат қилиш функцияларини амалга ошириш кўзда тутиладиган давлат бошқарувини такомиллаштириш зарурати англана бошланди. Бундай тенденция турли даражаларда ўз ифодасини топмоқда. Бунинг учун “**Очиқ ҳукумат**” тизими

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

<sup>3</sup> Қаранг: Аринин А. Мировой опыт общественного контроля над деятельностию власти: уроки для России // URL: <http://www.lawinrussia.ru/mirovoi-opyut-obshchestvennogo-kontrolya-nad-deyatelnostyu-vlasti-uroki-dlya-rossii>, 22.03.2010.

яратилмоқда, эксперт жамоатчилик кенгашлари, жамотчилик назоратининг турли шакллари тизими жорий этилмоқда. Жамоатчилик ташкилотлари сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар-маданий мұхиттің фаол иштирокчилариға айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина қўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз.

Бу жараёнда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни бекиёсdir. Шу мақсадда келгуси йилдан бошлаб “Жамоат фикри” порталини ишга туширишга қарор қилдик.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ғоят мұхим ўрин тутади.

Мен оммавий ахборот воситалари фаолиятини мунтазам қузатиб бораман. Лекин, афсуски, ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижроси билан боғлиқ муаммолар, аҳоли мурожаатлари юзасидан газета, теле ва радиоканалларда танқидий мақола, қўрсатув ва эшилтиришлар жуда кам”<sup>1</sup>.

Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш **жамоатчилик назорати — давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини кузатиш ва текшириш бўйича турли чоралар мажмуаси** эканлигидан далолат бермоқда. Бу фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари (оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоатчилик бирлашмалари, жамоатчилик палаталари, жамоатчилик кенгашлари ва қасаба уюшмалари) томонидан амалга оширилмоқда. Агар 10–15 йил муқаддам жамоатчилик назоратининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида масала мунозарали бўлса, бугунги кунда тадқиқотчилар ва амалиётчилар бу муваффақиятли ижтимоий-давлат ва сиёсий-ҳуқуқий ривожланишнинг ажралмас унсури эканлиги тўғрисида яқдил фикрдалар.

Жамоатчилик назоратининг маҳаллий даражада мухимлигини таъминлаш лозим. Бу маҳаллий раҳбарлар учун минтақада, худудда, ташкилотда нима бўлаётганлиги тўғрисида объектив маълумотга эга бўлиш, фаолиятни яхшилаш, янги имкониятларни излаш йўлларини топишнинг ноёб имкониятидир. Вазиятни мониторинг ва таҳлил этишга, қарорларни баҳолашга қанча кўп одам жалб этилган бўлса, марказий, минтақавий даражаларда, шунингдек, ташкилот ва корхоналар даражасида ривожланиш ва бошқариш жараёнлари шунча самарали бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти очиқлиги тўғрисида”** қонунининг қабул қилиниши жамоатчилик назорати давлат органларининг ахборот очиқлигини, фуқарлик жамияти-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Билимли авлод — буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ — фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир /Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Ҳалқ сўзи, 2018 йил 7 декабрь.

нинг ижроия ҳокимият органларининг қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишга таъсирини таъминлаш қаби омилларни ривожлантиришга катта эътибордан далолат беради.

Фуқаролар ва фуқаролик жамиятининг давлат ва жамоатчилик ишларини бошқаришда фаол иштирок этишини уларнинг давлат органлари билан қалин ўзаро ҳамкорлигисиз имконияти йўқ. Бундай ўзаро ҳамкорлик, унинг ташкилий-хуқуқий механизмларини аниқлаш учун **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”**ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун “Давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун билан биргалиқда қўйидагиларга йўналтирилган:

**биринчидан**, давлат ҳокимияти ҳамда жамиятнинг давлат амал этишини такомиллаштиришга йўналтирилган манфаатларининг вакили бўлган жамоатчилик тузилмаларининг қонунга асосланган биргалиқдаги фаолиятини ташкил этишга;

**иккинчидан**, давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ бўлишига;

**учинчидан**, тайёрланаётган қарорларнинг ошкора муҳокамасини ўтказишга;

**тўртинчидан**, ижроия ҳокимият органларининг ижтимоий жиҳатдан муҳим қарорларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишга;

**бешинчидан**, фуқаролик жамияти органларининг фуқаролар ва ташкилотларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорларни тайёрлаш бўйича назорат органлари, ишчи гурухлари, бошқа тузилмалар ҳайъатларига киритишига;

**олтинчидан**, ижроия ҳокимияти органларига фуқаролик жамияти вакиллари иштирокидаги жамоатчилик кенгашларини тузиш ва уларнинг фаолият олиб боришларига.

Давлат-жамоатчилик шериклиги давлат ҳокимияти ва барча даражадаги бошқарув органлари, бизнес ҳамжамияти, жамоатчилик бирлашмалари ва нотижорат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни назарда тутади. Бунда саъй-ҳаракатларни жамият ва давлатнинг манфаатлари муштарак бўлган муайян соҳаларда бирлаштириш кўзда тутилади.

Ўзбекистонда сўнгги пайтда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари фаолиятини назорат қилишда расман эмас, балки амалда иштирок этишларининг ижобий мисоллари пайдо бўлди. Қонунларга амал қилиниши, инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устидан жамоатчилик мониторинги каби мансабдор шахсларнинг фаолияти қонунийлиги даражасига ижтимоий таъсир кўрсатиш шакли шакллана бошлади. Бунга «Хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар давлат дастури»да асос солинди. Жумладан, Президент Ш.М. Мирзиёев асосли таъкидлаганидек, “Судьялар корпусини шакллантириш тизимини суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига тўлиқ мослаштириш, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш зарур.

Бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада жамоатчилик фикри ва судьяларнинг улар олдида ҳисобот бериш масаласи ўз ифодасини топиши зарур<sup>1</sup>.

Ҳозирги пайтда ННТ фаолиятининг амалиётида экологик жамоатчилик назоратининг турли шаклларидан фойдаланилмоқда, жумладан:

**биринчидан**, давлат органлари томонидан атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка амал қилиниши бўйича парламент эшитишлирида иштирок этиш;

**иккинчидан**, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар ва ташкилотлар томонидан экологик қонунчиликни бажариш бўйича жамоатчилик эшиттиришларини ўтказиш (парламент ва жамоатчилик эшиттиришлари иштирокчилари томонидан тегишли ташкилотлар ва идоралар ижро этишига йўналтирилган тавсиялари ишлаб чиқилган);

**учинчидан**, давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирокида экологик ҳаракатнинг ишонч телефонлари маълумотлари асосида рейдлар ташкил этиш.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда касаба уюшмалар салмоқли роль ўйнайди. Касаба уюшмаларининг жамоатчилик бирлашмаси сифатидаги ноёблиги шундан иборатки, улар ижтимоий-мехнат муносабатларини ҳуқуқий тартиба солишда, қонунчиликнинг бузилишларини олдини олишда, шунингдек, ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда иштирок этади. Касаба уюшмаларининг бозор иқтисодиёти шароитларида ҳимоя қилиш функцияси, асосан, бандлик, иш ҳақи, меҳнат ҳавфсизлиги, ҳуқуқий ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда амалга оширилади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт тадқиқотларига кўра, кейинги 4 йил давомида сўров ўтказилган ННТларнинг 72% да норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасида иштирок этган. ННТнинг фаоллари 40 тадан кўпроқ фаолият олиб бораётган давлат раҳбари ва ҳуқумат қарорларига мувофиқ ташкил этилган республика идораларо комиссиялари, кенгашлари, ишчи гурухларининг аъзолари ҳисобланади. ННТ ва давлат органларининг биргаликда тадбирларни ташкил этишлари кенг оммалашмоқда. Бунда ана шундай тадбирларни ўтказишнинг ташаббускорлари кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотлари (71%) бўлмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан 85 та норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасининг жамоатчилик экспертизаси ўтказилиб, уларни кўриб чиқиш якунлари бўйича тегишли органларга амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2018 йилги Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

бўйича 1320 та таклиф тақдим этилган. 4,6 млн. дан қўпроқ одам ННТнинг иш билан бандликни таъминлаш, ёшлар ва аёлларга ахборот, услугбий, таълим ва бошқа хизматларидан, шунингдек, аҳолининг энг ночор тушунчаларига руҳий ва моддий ёрдам кўрсатишларидан фойдаланган.

Ҳозирги пайтда давлат органлари ва ННТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъминлаш бўйича қўйидагилар орқали фаол ҳамкорлик қилишлари кузатилмоқда:

- у ёки бу давлат органлари ёхуд у ёки бу минтақаларида ННТдан инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги вазият тўғрисида маълумот олиш;
- миллий маърузалар лойиҳаларини ННТдан таклифлар олиш учун юбориш;
- ННТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот алмашиш, маслаҳатлашувлар ўтказиш ва фаолиятни мувофиқлаштириш учун идоралараро органлар ишида иштирок этиши;
- ННТлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича муқобил маърузалар тайёрлаш;
- БМТ Қўмиталарининг тавсияларини бажариш бўйича Миллий ҳаракат режаларини тайёрлашга ННТларни жалб этиш;
- ННТ вакилларини Миллий ҳаракат режасига ижрочилар сифатида киритиш;
- ННТнинг инсон ҳуқуқлари бузилишини аниқлашга йўналтирилган мониторинг ва тадқиқотларни ўтказишида иштирок этиши;
- ННТнинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ахборот-маърифий фаолиятида иштирок этиш;
- ННТ томонидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор тушунчаларига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши;
- ННТларни давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини бажаришга кўмаклашишга йўналтирилган халқаро лойиҳаларда иштирок этишга жалб қилиш.

Қисқа муддат ичida Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми — аҳолининг кенг қатламлар томонидан қўллаб-қувватланадиган мустақил барқарор ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари тизимини ривожлантиришга йўналтирилган катта кўламли иш қилинди.

Моҳияти фуқаролик институтлари ҳуқуқлари ва ваколатларини, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этишда кенг иштирок этишини таъминлаш кўзда тутилган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига” принципи амалга оширилмоқда.

Давлат томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар ушбу фуқаролик институтларининг жамият ва давлатни бошқаришда фаол иштирок этишларини таъминламоқда, аҳолининг жамоатчилик, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ёрдамлашмоқда. ННТ одамлар онгода демократик қадриятлар ва нормаларни мустаҳкамлашга, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ва юксак маънавиятини, фуқаролик фаолиятини миллий ўзини англашни оширишга ёрдам беришга даъват этилган.

Ўзбекистонда 10 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, 30 тага яқин ҳалқаро ва чет эл ННТларининг ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла-ларнинг сони 10 мингтадан қўпроқни ташкил этади.

Ноҳукумат ташкилотлари фаолиятини таъминлайдиган қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар: “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик бирлашмалари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Жамоатчилик фондлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Хайрия тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ва ҳуқуқ эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим роль ўйнамоқда. “Нуроний”, Ёшлар итифоқи, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа эгалари каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат Олий Мажлисининг палата-ларига 2017 йилги Мурожаатида **“...аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-кувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айтилган танқидий гаплардан хулоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясади, деб ишонамиз... Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизmlарини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарур”**<sup>1</sup> деб таъкидлади.

Ушбу жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашлари ва аҳоли билан алоқада бўлиш ролини бажаришлари керак.

Амалдаги норматив-хуқуқий базанинг таҳлили Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 40 тадан қўпроқ норматив-хуқуқий ҳужжатларда фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назортини амалга ошириш ҳуқуқи кўзда тутилганлигидан далолат беради.

Бироқ қонунларни фуқароларнинг жамоатчилик тузилмаларининг давлатни бошқаришдаги ролини ошириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш ва қонунларнинг бажарилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш лозим.

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.

Жамоатчилик назоратини ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурати қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқдир. Жамоатчилик ташкилотлари назоратни амалга оширад экан, ваколатлари ва фаолият олиб боришиларининг тартиби қонунчилик билан белгиланадиган давлат бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларга киришади. Назорат қилишнинг ушбу шакли субъектларининг назорат остидаги обьектлар билан ўзаро муносабатларида жамоатчиликнинг бошқарув аппарати фаолиятига ихтиёрий “бостириб кириши” туфайли унинг ишини издан чиқаришларига йўл қўймаслик учун ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши керак. Зоро, жамоатчилик тузилмаларининг давлат аппаратига таъсир ўтказиши мансабдор шахсларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириши, аммо давлат органларининг функцияларини жамоатчилик ташкилотлари томонидан ноқонуний равища ўзлаштирмаслиги, уларни камситмаслиги керак.

Ҳуқуқий тартибга солиш назорат фаолиятини пухта ташкил этиш учун ҳам зарур: назорат ишида параллелликка ва бир-бирининг ишини тақрорлашга йўл қўймаслик учун ҳуқуқ нормалари ёрдамида давлат ва жамоатчилик назоратининг соҳалари чегараланади.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликни шакллантириш икки йўналишда: **биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш; **иккинчидан**, жамоатчилик ташкилотларининг назорат функцияларини тартибга соладиган янги қонунлар қабул қилиш орқали олиб борилмоқда. Бу ишда жамоатчилик назорати ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг чет эл тажрибаси дикқат билан ўрганилмоқда.

Ҳозирги пайтда давлат органларининг қонунчилик томонидан белгилаб қўйилган чегараларда жамоатчилик фикрига боғлиқлигининг механизмлари ва тартиблари яратилмоқда. Қонун давлат органларининг фаолияти жамоатчилик эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқлигини баҳолаш мезонига айланмоқда, шунингдек, жамоатчилик фикри томонидан амалга ошириладиган назоратнинг ҳажми, мазмуни оқибатларини белгилаб бермоқда. Назорат ҳуқуқига давлат органларининг жамоатчилик фикри томонидан билдирилаётган мулоҳазалари ва таклифларига жавоб беришлари мажбурияти мос тушади<sup>2</sup>.

Бугунги кунда ҳуқуқий тартибга солишнинг кўпчилик соҳаларида жамоатчилик назоратининг зарурати ва муқаррарлигидан далолат берадиган ҳуқуқий база мавжудdir. Республиkaning қатор норматив ҳужжатлари бевосита жамоатчилик назорати субъектларининг фаолиятини тартибга солишига бағишлиланган. Жумладан, меҳнат ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш соҳасида жамоатчилик назорати тўғрисидаги низом бевосита Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг

<sup>2</sup> Қаранг: Бакаева Ф. Х. Общественный контроль за реализацией законов: организация и правовые основы: В кн.: Узбекистан на пути к гражданскому обществу. — Т., 2003. С. 165–170.

асосий йўналишлари сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига амал қилиш устидан жамоатчилик назоратига ёрдам кўрсатиш қайд этилган.

Меҳнат кодексининг 223-моддасига мувофиқ, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар ва қоидаларига амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа ваколатли органлари амалга оширади. Шу муносабат билан иш берувчи меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини текширишни ҳамда ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар, касб касалликларини текшириш мақсадида жамоатчилик назорати органлари вакилларининг корхона ва ташкилотларга эркин киришини таъминлаши шарт<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонунига мувофиқ, давлат таълим муассасаларида, жумладан, олий ўқув юртларида юридик ва жисмоний шахсларнинг умумтаълим муассасалари эҳтиёjlари учун мақсадли бадаллари ва қўнгилли хайрияларидан фойдаланилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадларида васийлик кенгашлари ташкил этилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, васийлик кенгашлари институтларининг ўзи ҳам жамоатчилик назоратининг субъекти ва ҳам таълим хизматларининг ижтимоий буюртмачиси сифатида қўшимча ҳуқуқий тартибга солинишни талаб этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жамоатчилик назорати институтини кенгайтириш билан биргаликда олиб борилиши керак. Бу институт давлат органларининг назорат қилиш фаолиятининг ўрнини эгалламасдан давлат сиёсатини амалга оширишда бебаҳо ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашга қодирдир. Сиёсий-ҳуқуқий тизим доирасида ташкиллаштирилиб ва событқадамлик билан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати қонун томонидан белгиланган ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро масъулият механизmlари орқали фуқаролар ва давлат ўртасида пайдо бўладиган муаммоларни жуда замонавий тарзда ҳал этиши мумкин. Бундай назорат Конституция томонидан эълон қилинган халқ ҳокимиютини амалга оширишнинг энг муҳим шарти бўлиб хизмат қиласди. Давлат ҳокимиюти механизми устидан жамоатчилик назорати ўрнатилмас экан, ҳеч қачон реал халқ ҳокимиюти бўлмайди деб тасдиқлаш мумкин<sup>3</sup>.

**“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, — деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев, — давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1966 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-мода.

<sup>2</sup> Қаранг: Кутыбаева Е., Шабаев А. Общественный контроль за деятельностью государственных органов в Республике Узбекистан: состояние и перспективы: в кн. Общественный контроль и его формы: научно-теоретические аспекты. — Т., 2012. С. 158–160.

<sup>3</sup> Қаранг: Юсупов А., Кенжав Т. Ўша жойда, Б. 190–191.

## **муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуларини жорий этишимиз даркор<sup>4</sup>.**

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ҳали етарлича ривожланмаган. Бунинг қуйидаги уч асосий сабаби бор:

**биринчи сабаб**, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида шаффоффлик механизми мукаммал эмас;

**иккинчи сабаб**, жамоатчилик назоратининг қоидалари ва тартиблари мукаммал ишлаб чиқилмаган;

**учинчи сабаб**, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзларида жамоатчилик назоратининг моҳияти, воситалари, усуллари, шакллари, механизmlари тўғрисида зарур билимлар мавжуд эмас.

Мамлакатда жамоатчилик назоратини фаоллаштириш мақсадларида қуйидаги чоралар кўрилмоқда:

**бириңчидан**, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинган. Унга мувофиқ, аҳоли учун қулай бўлган “ишонч телефони”, мобил ва видеоконференция алоқа воситалари орқали мурожаат қилиш усуллари жорий қилинди. Конституция фуқароларнинг мустаҳкамлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига мурожаат қилиш хуқуқини таъминлаш мақсадида ҳалқ вакилларининг аҳоли билан учрашувлари пайтида мурожаатларни қабул қилиш тартиби жорий қилинди. Бугун фуқаролар давлат органлари ҳузурига эмас, балки мансабдор шахслар ҳалқ ҳузурига келмоқда;

**иккинчидан**, “Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонун фуқароларнинг хуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли ҳужжатлар, бошқа материаллар билан танишиш учун янада кенгроқ имкониятлар яратиб берди. Эндилиқда фуқароларга ҳар қандай давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан хуқуқий ахборотларни ҳеч бир чеклашларсиз олиш кафолатланади;

**учинчидан**, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунинг қабул қилиниши давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу иллат билан курашишда саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 17 январда тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 4-бандида “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали механизмларини яратиш” вазифаси қўйилган бўлиб, уни амалга ошириш учун норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида ҳар бир давлат ташкилотида жамо-

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш. М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровон-лигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Ҳалқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

атчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ички дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда коррупция ҳолатларини аниқлашга ёрдам кўрсатувчи «холис фуқаро» тизимини жорий этиш, бунда жамоатчилик назорати ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ролини оширишни назарда тутиш белгиланган;

**тўртингчидан**, Маъмурий ислоҳотлар концепцияси қабул қилинган. Унга мувофиқ, давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилган олтита устувор йўналиш белгиланган. Махсус “йўл харитаси” асосида ижроия ҳокимиятнинг 100 тадан кўпроқ органларининг фаолияти қайта кўриб чиқилмоқда;

**бешингчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32-моддасида жамоатчилик назорати институционаллаштирилиб, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгаликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 22 январда тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»**да амалга оширишга оид давлат дастурининг 33-бандига мувофиқ, **2018 йил 12 апрелда** давлат ва жамият бошқаруvida жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тъсирчан ва амалий механизmlарини жорий этишни назарда тутувчи **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди;**

**олтинчидан**, 2018 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди;

**еттингчидан**, 2019 йил 10 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди, унда асосий мақсади илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шаклланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни кодекслаштириш ва тизимлаштириш орқали **Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси** лойиҳасини тайёрлаш бўлган ишчи гуруҳ ташкил қилиш назарда тутилган ва бошқалар.

Фикримизча, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига фойдали бўлиши мумкин бўлган, ривожланган мамлакатлардаги жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг асосий назарий ва амалий жиҳатларини очиб бериш, унинг мақсад ва вазифаларини

жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқ ва имкониятларни тушунтириш долзарб ҳисобланади.

**Ушбу ўқув-услубий қўлланма фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг қонунчилик, халқаро, чет эл ва миллий тажриба қоидаларини ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича фаолиятни ташкил этиш соҳасидаги билимлари, малакалари даражасини оширишга қаратилган.**

Қўлланмада Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат ва жамоатчилик ишларини бошқариш ҳуқуқини амалга ошириш учун яратилган конституциявий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар, жамоатчилик назоратининг моҳияти, унинг принциплари ва шакллари ва амалга ошириш тартибини англашга эътибор қартилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунлар бажарилиши соҳасида давлат органлари фаолиятининг жамоатчилик назоратида иштирок этиш, давлат органлари фаолиятининг хусусиятлари, улар ишидаги мавжуд камчиликларнинг жамоатчилик текширувларини ўтказиш, шунингдек, давлат органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича асосланган тавсиялар тайёрлаш чуқур билимларни талаб қиласди.

Аввал рус тилида нашр этилган ушбу китобда биринчи марта жамоатчилик вакилларига “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунга асосланган ҳолда қонунчилик бузилишига олиб келадиган сабаблар ва шароитларни аниқлаш, ушбу масала бўйича жамоатчилик фикрини тегишли давлат органларига етказища ёрдам беришга ҳаракат қилинган.

Ушбу қўлланма ҳам марказда, ҳам жойларда иш олиб бораётган давлат органлари вакиллари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Чунки жамоатчилик назорати улар фаолиятини, олиб бораётган ишларининг жамият эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқлигини баҳолашга хизмат қиласди. Мамалакатда жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисидаги билимлар давлат органларининг ўз вазифаларини жамоатчилик фикри томонидан билдирилган мулоҳаза ва таклифларга мувофиқ самарали бажаришларига ёрдам беради.



**БИРИНЧИ БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ  
ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

## **БИРИНЧИ МАВЗУ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ХАЛҚАРО-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **§1. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ХАЛҚАРО-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ**

Хозир дунёда фуқаролик жамияти институтлари халқаро фаолиятининг роли ортиб бормоқда. Улар халқаро мулоқотнинг муҳим механизмига айланниб, халқлар ўртасида ўзаро англашувни яхшилаб, халқаро ҳаётда умумий ҳуқуқ қоидаларини мустаҳкамлаб, давлатлааро биргаликда иш олиб боришни уйғун равишида тўлдириб бормоқда.

Бутун жаҳонда фуқаролик жамияти институтлари ички ва халқаро вазифаларни ҳал этишга фаол киришмоқда. Глобаллашув шароитларида ноҳуқумат ташкилотлари, турли ва илмий жамоатчилик фондлари инқизорзли вазиятларни тартибга солишига ёрдам берадиган ғоялар ишлаб чиқиши, у ёки бу халқаро муаммоларни ҳал этишга янгича ёндашувларни шакллантириш ташаббусини ўз зиммасига олмоқда.

Жамиятнинг давлат устидан назорат қилиш бўйича халқаро тажрибаси фуқаролик жамияти шакллангандинга у ривожланиб бориш ижобий тенденциясига эга бўлишидан далолат бермоқда. Бу ижтимоий демократик давлатни шакллантиришнинг шарти ҳам ҳисобланади. Амал қиладиган демократия эркин, фаол, жўшқин ва масъулиятли фуқаролик жамияти бўлишини талаб этади. Шу муносабат билан фуқаролик жамияти, жумладан, ноҳуқумат ташкилотлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, касаба уюшмалар, касбий жамиятлар вакилларисиз иш кўриб бўлмаслигини таъкидлаш лозим.

Фуқаролик жамиятининг тушунчаси давлат устидан назоратни амалга оширадиган, шунингдек, давлатни ҳуқуқий, ижтимоий демократик тарзда шакллантиришга, ўз фуқароларининг манфаатини ҳимоя қилишга ҳамда юқори сифатли давлат хизматлари кўрсатишга қодир бўлган мустақил, ўзини-ўзи бошқарадиган институтционал жамият сифатида талқин этилади.

Давлат ва жамият манфаатларининг турлича бўлиши ҳамиша қўпгина тўйнаришлар, инқилоблар, фуқароларнинг бўйсунмаслиги ва бошқа салбий ҳодисаларнинг сабаби бўлган. Чет элларда ана шу омил давлатнинг ички ва ташқи сиёсати йўлини белгилашда энг асосийси ҳисобланган.

Давлат ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг бирдамлигига эришишнинг асосини муросасозлик, яъни ижтимоий шартнома барча иштирокчиларнинг умумий оқилона натижага, шунингдек, ижтимоий фаровонликка эришиш учун ўз манфаатларининг бир қисмини қурбон қилишга қодирлиги ҳисобланади. Ушбу тушунча иқтисодий ўсиш, барча фуқаролар фаровонлигини яхшилаш, ижтимоий адолат, ижтимоий иштирок, қулай мухит, маданий ва маънавий ривожланиш, демократик

ва инсонпарварлик қадриятларини құллаб-қувватлаш, ҳуқүқ ва әркинликларни ривожлантириши қамраб олади.

Жамоатчиликни ҳокимият устидан назорат қилиш институти фуқаролик жамияты пайдо бўлиши ва амал эта бошлиши билан бирга шаклланди. А.де Токвиль таъкидлаб ўтганидек, давлат фуқароларнинг бирлашиш ҳуқүқини тан олишлари билан оқулар бу ҳуқүқдан фойдалана олади. Фуқароларнинг бирлашиши эса “Шахсларнинг бир қанчаси ўзининг уёки бу принципга содиқлиги тўғрисида ошкор эълон қилишлари билан бошланади. Бунда бирлашиш ҳуқүқи деярли матбаа сўзи әркинлиги билан аралашиб кетади, бироқ бирлашиш матбуотга қараганда каттароқ кучга эгадир”<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини<sup>2</sup>, шу жумладан, унинг EXХТнинг иштирок этувчи давлати сифатидаги мажбуриятларини эътиборга олган ҳолда ушбу соҳада асосий халқаро механизmlарни ўрганиш жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалаларига алоҳида ургу берган ҳолда муҳим деб ҳисобланади.

### **Жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида халқаро стандартларни ўрганиш қўйидагиларга аниқлик киритиш имкониятини беради:**

**Биринчидан**, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг халқаро-ҳуқуқий асоси Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ҳужжатлар ҳисобланади. Уларда давлатларнинг инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий әркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, жумладан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий, шунингдек, бошқа соҳаларда барча зарур шарт-шароитлар яратиш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни қўриш ҳамда давлат юрисдикцияси остида бўлган ва бошқалар билан биргалиқда барча ушбу ҳуқуқлар ва әркинликлардан фойдалана олинадиган барча шахсларга ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш учун керак бўлган чораларни қўриш мажбурияти белгиланган<sup>3</sup>;

**Иккинчидан**, Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида ҳукуматларга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалардаги стандартларни ички қонунчиликка жорий этиш ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишда муайян роль ўйнайдиган миллий тузилмалар, институтлар ва органларни мустаҳкамлашга даъват қилинади;

<sup>1</sup> Токвиль А. Демократия в Америке / А. Токвиль; пер. с фр.; предисл. Г. Дж. Ласки. — М.: Прогресс, 1992. — С. 155.

<sup>2</sup> Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида қўйидаги халқаро механизmlарга кўшилган: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Конвенцияга иккита Факультатив протокол; Ирқий камситишнинг барча шаклларини тутатиш тўғрисидаги халқаро конвенция; Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда пактга иккита Факультатив протокол; Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция; ҲМТнинг Бирлашиш әркинлиги ва касаба уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сон конвенцияси ва бошқалар.

<sup>3</sup> Масалан қаранг: Айрим шахслар, гурӯҳлар ва жамият органларининг умумътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий әркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятлари тўғрисида декларациянинг 2-моддаси. БМТ Бош Ассамблеясининг 1998 йил 9 декабрдаги 53/144 резолюцияси билан қабул қилинган.

**учинчидан**, жамоатчилик назоратининг шакланиши ва ривожланиши халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бу семинарлар ташкил этиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини ўқитиш, техникавий ёрдам қўрсатишда ўз ифодасини топмоқда. Фуқаролик жамиятининг институтлари ўз фаолиятлари билан мамлакатнинг халқаро мажбуриятларини бажаришда муҳим роль ўйнагани ҳолда инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ва уларни ҳимоя қилишни яхшилашга қўмаклашади;

**тўртингидан**, фуқаролик жамиятининг институтлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмида, жумладан, БМТнинг устав ва конвенциявий органларига, халқаро ташкилотларга (ХМТ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, Европа Иттифоқи ва бошқалар) ахборот материаллари тақдим этиш, ушбу соҳада халқаро шартномаларни ишлаб чиқишида иштирок этиш орқали фаол иштирок этмоқда.

БМТ фуқаролик жамияти билан шерикликнинг муҳимлигини тан олади, чунки фуқаролик жамияти Ташкилотнинг қадриятларини илгари суради, шунингдек, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди. БМТ ушбу мақсадларда фуқаролик жамиятининг институтлари билан қўйидаги шаклларда ҳамкорликни амалга оширади:

**1. БМТнинг фуқаролик жамияти бўйича гуруҳи ўзининг салмоқли коммуникациявий ва ташкилий салоҳиятига таянган ҳолда қатор муассасаларни жуда муҳим ахборотлар билан ва таҳлилий қўллаб-қувватлайди ҳамда маданият, таълим, инсон ҳуқуқлари, тинчлик ва хавфсизлик, экология, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, соғлиқни сақлаш ва аҳолишунослик йўналишлари бўйича кўп томонлама мулоқотни таъминлайди ва биргалиқда марказлар ташкил этади.**

**2. БМТ тизимишининг муассасалари билан ҳамкорлик.** Ноҳукумат ташкилотлари (ННТ) БМТнинг фаолиятида қўйидаги тарзда иштирок этиш имкониятига эга: Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳузуридаги маслаҳат мақомини олиш, ёхуд Жамоатчилик ахбороти департаменти рўйхатидан ўтган ҳолда БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашидаги Маслаҳатлашув мақоми ННТга фақат ЭКОСОС билангина эмас, шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланадиган кўпгина ёрдамчи органлар, БМТ тузилмалари ҳамда маҳсус гуруҳлар, масалан ўқотиш қороли бўйича гуруҳ билан биргалиқда иш олиб бориши мумкин. ННТ, шунингдек, Бош Ассамблея Раиси томонидан ташкил этиладиган маҳсус тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга. Ҳозирги пайтда 4500 тадан кўпроқ ННТ ЭКОСОС ҳузурида маслаҳатлашув мақомига эга.

**3. БМТнинг демократия фондидан** Бош Котиб томонидан 2005 йилнинг июлида жаҳонда демократлаштириш жараёнинга қўмаклашиш учун таъсис этилган. Фонд фуқаролик жамияти ролини ошириш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ҳамда барча гуруҳларнинг демократик жараёнларда иштирок этишини таъминлашга қўмаклашиш учун таъсис этилган. Фонд жаҳоннинг турли минтақаларида лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағ ажратади. Ушбу лойиҳалар фуқаролик жамияти ташкилотларига раҳбарлик қилишдан ҳамда ушбу жараёнларда хотин-қизлар ва

ёшлар иштирок этишига күмаклашишдан бошлаб фуқаролик жамиятига ўз мақсад-ларини етказиш имконини берадиган медиа дастурларини ишлаб чиқишигача бўлган кўламни қамраб олади. Фонд 150 тадан қўпроқ иштирок этувчи давлатларнинг фуқаролик жамияти институтларини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, демократик мулоқотни фаоллаштириш, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқ усутунлигини тъминлашга мўлжалланган 400 тадан қўпроқ лойиҳани қўллаб-қувватлайди.

**4. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича низомий ва шартномавий органлари билан ҳамкорлик қилиш.** Ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа вакиллари кузатувчилар сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг таркибий қисми ҳисобланади. ЭКОСОС ҳузурида маслаҳатчи мақомига эга НHT Кенгашга интерфаол мунозаралар ва муҳокамалар давомида мурожаат қилишлари мумкин ва шу тарзда улар бутун жаҳонда инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятни ёритиб боради. НHT Универсал даврий шарҳи кўриб чиқилаётган давлат тўғрисида ёзма ахборот тақдим этган ҳолда ушбу жараёнда иштирок этади. Ана шу ахборот шарҳ жараёни асосини ташкил этадиган уч ҳужжатдан бири бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва БМТнинг бошқа шартномавий органлари фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятидан фаол фойдаланади. Ушбу институтлар Кенгаш ва шартномавий органлар мажлисларида иштирок этади, ҳужжатларни тарқатиш ҳуқуқига эга, шунингдек, халқаро шартномаларнинг матнлари лойиҳалари бўйича ўз таклифларини тақдим этишади. Бундан ташқари улар шартнома органларига муқобил маъruzalар тақдим этиш ҳуқуқига ҳам эга. Фуқаролик жамиятининг институтлари, шунингдек, Кенгашнинг маҳсус маърузачилари, мустақил эксперtlари ва ишчи гурӯҳлари ҳамда Бос котибининг маҳсус вакиллари билан ҳамкорлик қиласди.

### **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича органлари**

БМТнинг низомий органларига **Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш** ва маҳсус тартиблар тааллуқлидир. Кенгашнинг таркибига уч йилга сайланадиган БМТга аъзо 47 давлат киради. Кенгаш инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик, тенгсизлик ва камситишни тугатиш, энг ночорларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарларни фош этиш ваколатига эга.

**“Маҳсус тартиботлар (процедуралар)”** — бу мамлакатдаги аниқ вазиятн ёки жаҳоннинг барча қисмларидағи мавзули масалаларни кўриб чиқиш бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш механизmlарига берилган умумий номдир. Маҳсус тартиботлар ёки алоҳида шахсдан (маҳсус маърузачи, маҳсус вакил ёки мустақил эксперт), ёхуд ишчи гурӯҳидан иборатdir.

Маҳсус тартиботларнинг мандати алоҳида мамлакатларда ёки алоҳида ҳудудларда (мамлакат мандатлари) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият тўғрисида, ёхуд бутун жаҳонда инсон ҳуқуқлари оммавий бузилиши тўғрисида (мавзули мандатлар)

жамиятни хабардор қилиш, ўрганиш, кузатиш маслаҳат беришни назарда тутади. 2018 йилгача бўлган ҳолатда 44 та мавзули мандат ва 12 та мамлакат мандати мавжуддир.

Хозирги пайтда мустақил эксперталар қўмиталари сифатидаги 10 та **шартномавий органлар** мавжуддир. Уларнинг тўққизаси БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномаларида иштирок этувчи давлатлар бажариши устидан кузатади, ўнинчиси — Қийноқларга қарши конвенцияга Факультатив протоколга мувофиқ таъсис этилган. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича кичик қўмита Факультатив протоколда иштирок этувчи давлатларнинг маҳбуслар сақланадиган жойларини текширади.

Шартномавий органлар уларни таъсис этган шартномалар қоидаларига мувофиқ қатор функцияларни бажаради. Иштирок этувчи давлатлар даврий маъruzаларини кўриб чиқиш, шахсий шикоятларни кўриб чиқиш, жойларда текширишлар ўтказиш, шунингдек,

шартномаларнинг алоҳида қоидаларига аниқлик киритадиган умумий тартиб мулоҳазаларини қабул қилиш ҳамда шартномаларга тааллуқли мавзули мунозараларни ташкил этиш шулар жумласидандир. Шартномавий органлар фуқаролик жамияти ташкилотлари, профессионал групҳар ва илмий институтлардан мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ахвол тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Қўмиталарнинг кўпчилиги ўз ялпи мажлислари доирасида фуқаролик жамиятлари ташкилотлари тақдимотларини эшлиш учун маҳсус вақт ажратади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг 2000 йил 26 апрелдаги резолюцияси билан таъсис этилган **БМТнинг ҳуқуқ ҳимоячилари билан боғлиқ вазиятлар бўйича маҳсус маъruzачиси** хабарлар жўнатиш орқали инсон ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги тасдиқлар муносабати билан ҳукуматлар билан бевосита ўзаро иш кўриш мандатига эга. Маҳсус маъruzачининг мандати қўйидаги функцияларни қамраб олади:

а) шахсан ёки бошқалар билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланаётган барча шахсларнинг ҳолати ва ҳуқуқларини излаш, олиш, кўриб чиқиш, шунингдек, бундай маълумотга жавоб бериш;

б) ҳукуматлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан Декларацияни рағбатлантириш ва самарали амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш ва мулоқот олиб боришни йўлга қўйиш;

с) ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳимоя қилиш самарали стратегиясига нисбатан тавсиялар тайёрлаш ва ушбу тавсиялар бўйича кейинги чораларни кўриш.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг халқаро стандартларини уч гуруҳга бўлиш мумкин.

**Биринчи гурух: халқаро шартномалар ва декларациялар.** Уларга қуйидагилар тааллуқлидир:

**биринчидан,** қийноқларнинг олдини олиш халқаро ва миллий механизмларини яратишни кўзда тутадиган БМТнинг 2002 йил 18 декабрдаги Қийноқларга қарши конвенцияга Факультатив протокол. Протоколнинг 3-моддасига мувофиқ, қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш мақсадларида ҳар бир иштирок этувчи давлат бориб кўриш учун миллий даражада бир ёки бир неча орган ташкил этади, тайёрлайди ёки уларни қўллаб-қувватлади;

**иккинчидан,** 2006 йил 13 декабрдаги Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 33-моддаси фуқаролик жамияти, жумладан, ногиронлар ва улар вакили бўлган ташкилотлар тўла ҳажмда кузатиш жараёнига жалб қилинишлари ва унда иштирок этишларини кафолатлади;

**учинчидан,** 1998 йил 25 июндаги Атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида ва одил судловдан фойдаланиш имкониятидан жамоатчиликни ахборот олиш ва иштирок этиш тўғрисидаги конвенциясида (Орхус конвенцияси) “атроф-муҳитга тааллуқли масалаларда жамоатчиликнинг ахборот олиш имкониятини ва қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этишини такомиллаштириш қабул қилинаётган қарорлар ва уларни амалга ошириш сифатини яхшилайди, жамоатчиликнинг экологик муаммолар тўғрисидаги хабардорлигини яхшилашга ёрдам беради, жамоатчиликка ўз хавотирларини ифода этишларини тақдим этади ҳамда давлат органларига ана шу манфаатларни зарур тарзда ҳисобга олиш имконини беради” деб эълон қилинади;

**тўртминчидан,** 1993 йилги Вена декларацияси ва Инсон хукуқлари бўйича ҳаракатлар дастури инсоннинг барча хукуқарини рағбатлантириш ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда гуманитар фаолиятни рағбатлантиришда ноҳукумат ташкилотларининг муҳим ролини тан олади. Инсон хукуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси уларнинг жамоатчиликни инсон хукуқлари масалаларида хабардорлигини оширишга, ушбу соҳада таълимни, кадрлар тайёрлаш ва тадқиқотларни ташкил этишга ҳамда инсоннинг барча хукуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссаларини юқори баҳолайди. Конференция стандартларни ўрнатишда биринчи даражали масъулият давлат зиммасида эканлигини тан олиши билан бирга ноҳукумат ташкилотларининг ушбу жараёнга қўшаётган ҳиссанини юқори баҳолайди;

**бешинчидан,** 2011 йил 19 декабрдаги Инсон хукуқлари соҳасида таълим ва тайёрлаш тўғрисидаги декларациянинг 7-моддасида “давлатлар фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва бошқа тегишли субъектларни инсон хукуқлари бўйича таълим ва тайёрлаш жараёнига жалб этиш учун инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан, ушбу жараёнга жалб этилганларни тўлиқ ҳимоя қилиниши таъминланадиган хавфсиз ва қулай шароит яратишлари лозимлиги” таъқидланади;

**олтинчидан**, 1998 йил 9 декабрдаги Айрим шахслар, гурухлар ва жамият органларининг инсоннинг умумэтироф этилган ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятлари тўғрисидаги декларациянинг 16-моддаси “Алоҳида шахслар, ноҳуқумат ташкилотлари ва тегишли муассасалар ўзларининг таълим бериш, касбий тайёрлаш ва ушбу соҳаларда тадқиқотлар ўтказиш каби фаолиятлари орқали жамоатчиликни инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари билан боғлиқ масалаларни чуқурроқ англаб этишига кўмаклашишда муҳим роль ўйнашини...” кўзда тутади.

**Иккинчи гуруҳ — БМТнинг ихтинослаштирилган муассасалари:** БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ), Умумжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС), Жаҳон қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) ва бошқалар томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатлардир. Масалан, ХМТ ва ЮНЕСКО мурожаатлар ва шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда қабул қилинган қарорларни имплементация қилиш тизимини яратган. Бу инсон ҳуқуқлари бузилишига таалуқли ҳолатларда ҳимоя қилишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

ХМТнинг ўзига хос ҳусусияти — трипартизм, унинг уч томонлама тузилмасидир. Ушбу доирада ҳукумат, меҳнаткашлар ва тадбиркорлар ташкилотлари ўртасида музокаралар ўтказилади. Ушбу уч гуруҳнинг делегатлари Ташкилотнинг барча даражаларида тенг асосларда тақдим этилган ва кенгашади. Жумладан, ХМТ конвенциясини ратификация қилган давлатлар уларнинг бажарилиши бўйича мунтазам равишда ҳисбот тақдим этишлари шарт. Ушбу жараённи ХМТнинг Маъмурий кенгashiдан ташқари яна икки орган: конвенция ва тавсияларни бажариш бўйича мустақил эксперт қўмитаси ҳамда эксперт кенгашининг маърузалари асосида масалаларни мухокама қиладиган Халқаро меҳнат конференциясининг уч томонлама қўмитасидан (ҳукумат, тадбиркорлар ва касаба уюшмалар вакилларидан) иборатдир. ХМТнинг ваколатлар соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича алоҳида механизми ушбу ташкилотнинг Маъмурий кенгashi ҳузуридаги Бирлашиш эркинлиги бўйича сунъий суд қўмитаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Учинчи гуруҳ — минтақавий ҳужжатлар.** Шуни таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратини амалга ошириш фаолияти масалалари бўйича минтақавий даражада ҳам ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, масалан, Европа Кенгashi томонидан 2004 йилда Европа Иттифоқининг (ЕИ) ҳуқуқни ҳимоя қилувчиларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланмаси қабул қилинган эди. Иштирок этувчи давлатлар Қўлланмадан қонунчиликни амалга ошириш сиёсати ва амалиётини белгилашда,

<sup>1</sup> Қаранг: Globalization and the future of labour law /Ed. Graig J.D.R., Lynk S.M. — Cambridge etc.: Cambridge univ. press, 2006. — XX, 498 p.; Protecting labour rights as human rights: Present and Future of International Supervision: Proc. of the Internationsl colloquium on the 80th anniversary of the ILO Committee of experts on the application of conventions and recommendations, Geneva, 24-25 November, 2006 /Ed. B Politakis G.P. — Geneva: ILO, 2007. XIX, 292 p.

шунингдек, ушбу соҳада халқаро стандартларнинг мониторингини амалга ошириш орқали учинчи мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишда дастурамал сифатида фойдаланади.

Евropa Кенгashi доирасида Парламент ассамблеяси ва Вазирлар Қўмитасининг қатор тавсиялари қабул қилинган. Жумладан, Вазирлар Қўмитасининг Европада ноҳукумат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги CM/Rec (2007) 14 тавсияси ННТга нисбатан қонунчилик ва амалиётни ишлаб чиқиш, шунингдек, ННТнинг демократик жамиятдаги фаолияти стандартларини белгилайди. Евropa Кенгashi-нинг 2008 йилдаги Расмий ҳужжатлардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси “ҳар бир инсоннинг унинг қандайдир бир белгиси бўйича камсишишиз талаблари бўйича давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган расмий ҳужжатлардан фойдаланиш” ҳуқуқини кафолатлайди.

ЕК бир неча йилдан бўён Европада фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий доира-ларини мустаҳкамлаш устида иш олиб бормоқда. Натижада Европанинг халқаро ноҳукумат ташкилотларини юридик шахслар сифатида тан олиш тўғрисидаги конвенцияси (1986 йил 24 апрелдаги 124-конвенция) қабул қилинди. У бугунги кунда ушбу ташкилотларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлган ягона халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. 1996 йилда ННТ мақомини аниқ муҳокама қилиш бошланди, натижада 1998 йилда “Европада ННТни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дастурамал принциплари” ва 2002 йилда “Европада ННТ мақомига тааллуқли асосий принциплар” қабул қилинди. Улар 124-сон Конвенцияга ННТ миллий фаолиятига тааллуқли мантиқий ва зарур қўшимча бўлди.

### **Жамоатчилик назорати соҳасида халқаро ҳужжатлар**

(Кўчирмалар)

**Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури.** Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида қабул қилинган, Вена, 1993 йил 25 июнь.

38. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси ноҳукумат ташкилотларининг миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда инсоннинг барча ҳуқуқларини рағбатлантиришда ва гуманитар соҳадаги муҳим ролини тан олади. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси уларнинг инсон ҳуқуқлари, ушбу соҳада таълим, кадрлар тайёрлаш ва тадқиқотларни ташкил этиш масалаларида инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ишида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қўшаётган ҳиссаларини юқори баҳолайди. Конференция стандартларни ўрнатиш учун биринчи даражали масъулият давлатлар зиммасида эканлигини тан олган ҳолда шу билан бирга ноҳукумат ташкилотларининг ушбу жараёндаги ҳиссанини юқори баҳолайди. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси ҳуқуматлар ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасида мuloқot ва ҳамкорликни давом эттиришнинг муҳимлигини таъкидлайди. Инсон ҳуқуқлари

масалалари билан фаол шуғулланаётган ноҳукумат ташкилотлари ва уларнинг аъзолари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эътироф этилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан, шунингдек, ўз мамлакатларидағи қонунлар томонидан ҳимоя қилинишидан фойдаланишлари керак... Ноҳукумат ташкилотлари миллий қонунчилик ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз фаолиятларини ҳеч бир аралашувсиз амалга ошириш эркинлигидан фойдаланишлари керак.

39. Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар масалалар бўйича объектив, масъулиятли ва ҳолис ахборот муҳимлигини таъкидлаган ҳолда миллий қонунчилик доирасида эркинлик ва ҳимоя қилиниш кафолатланган тарзда оммавий ахборот воситаларининг янада кенгроқ иштирок этишини қўллаб-қувватлайди.

66. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси демократия, ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига қўмаклашиш бўйича миллий ва халқаро чораларга биринчи даражали эътибор беришни тавсия этади.

67. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муассасаларни мустаҳкамлаш ва ташкил этиш, плюралистик фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва ночор гурухларни ҳимоя қилишга қўмаклашиш бўйича чораларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Шу маънода ҳукуматнинг илтимоси бўйича эркин ва адолатли сайловларни ўтказишга қўмаклашиш, шу жумладан, сайловларга тааллуқли инсон ҳуқуқлари масаласида ва жамоатчиликни сайловлар тўғрисида хабардор қилишга ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Қонунчиликни мустаҳкамлаш, эркинлик, фикр билдириш, шунингдек, одил судловни амалга ошириш, халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида реал ва самарали иштирок этишини рағбатлантириш бундан кам аҳамиятга эга эмас.

71. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни такомиллаштириши мумкин бўлган чоралар санаб ўтилган миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани қўриб чиқишини тавсия этади.

**Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияга Факультатив protokol**

Бош Ассамблеяning 2002 йил 18 декабрдаги 57/199 резолюцияси билан қабул қилинган

## **19-модда**

Миллий превентив механизмларига энг камида қуйидаги ваколатлар тақдим этилади:

а) озодлиқдан маҳрум этилган шахсларни қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларидан ҳимоя қилишни, зарурат бўлса, қучайтириш мақсадларида 4-моддада белгиланган, улар билан қамоқда сақлаш жойларида муомала тўғрисидаги масалани мунтазам кўриб чиқиш;

б) озодлиқдан маҳрум қилинган шахслар билан муомалани ва уларнинг сақланиш шароитларини яхшилаш мақсадларида тегишли органларга тавсиялар тақдим этиш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли нормаларини ҳисобга олган ҳолда қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш;

с) амалдаги қонунчиллик ёки қонун лойиҳаларига тааллуқли таклиф ва мулоҳазаларни таклиф этиш.

## **20-модда**

Мазкур Протоколнинг иштирок әтувчи давлатлари миллий превентив механизmlари ўз мандатларини бажаришлари учун қуидагиларни тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) 4-моддада белгиланган, қамоқда сақлаш жойларида озодлиқдан маҳрум қилинган шахслар сони, шунингдек, ана шу жойларнинг миқдори ва уларнинг манзили тўғрисидаги ҳар қандай ахборотдан фойдаланиш имкониятини;

б) ушбу шахслар билан муомалага, шунингдек, уларнинг қамоқда сақлаш шароитларига тааллуқли ҳар қандай ахборотдан фойдаланиш имкониятини;

с) ҳар қандай қамоқда сақлаш жойларида, улар иншоотларида ва обьектларида бўлиш имкониятини;

д) озодлиқдан маҳрум қилинган шахслар билан гувоҳларсиз, юзма-юз ёки, зарурат бўлса, таржимон орқали, шунингдек, миллий превентив механизmlари фикрига қўра тегишли ахборот тақдим этиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа шахс билан яккама-якка сухбатлар ўтказиш имкониятини;

е) улар бўлишни истаётган жойни ва сухбатлашишни хоҳлаётган шахсни тўсиқсиз танлаш ҳуқуқини;

ф) олдини олиш бўйича кичик қўмита билан алоқа ўрнатиш, унга ахборот юбориш ва у билан учрашиш ҳуқуқини.

## **21-модда**

1. Бирорта орган ёки мансабдор шахс миллий превентив механизmlарига ҳар қандай ахборотни — бу ҳаққоний ёки ёлғон ахборот бўлсин — маълум қилган бирорта шахс ёки ташкилотга бирор жазо белгилаши, қўллаши, бунга рұксат бериши ёки йўл қўйиши мумкин эмас ва бундай бирорта шахснинг ёки ташкилотнинг манфаати қайсиdir тарзда чекланиши мумкин эмас.

2. Миллий превентив механизмлари томонидан түгланган махфий ахборот ошкор қилинмайды. Шахсий хусусиятга эга маълумотлар тегишли шахс томонидан бевосита билдирилган рухсат асосида эълон қилинади.

## **22-модда**

Тегишли иштирок этувчи давлатнинг ваколатли органи миллий превентив механизмлари тавсияларини ўрганади ва амалга ошириш имконияти бўлган чоралар юзасидан улар билан мулоқотга киришади.

## **23-модда**

Мазкур Протоколнинг иштирок этувчи давлатлари миллий превентив механизмларининг ҳар йиллик маъruzаларини эълон қилиш ва тарқатиш мажбуриятини оладилар.

**Умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича алоҳида шахслар, жамиятнинг гуруҳлари ва органлари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги декларация.** БМТ Бош Ассамблеясининг 1998 йил 53/144 резолюцияси билан қабул қилинган.

## **5-модда**

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадларида ҳар бир инсон шахсан ва бошқалар билан биргаликда миллий ва халқаро даражаларда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) тинч учрашувлар ёки йиғилишлар ўтказиш;
- б) ноҳуқумат ташкилотлари, ассоциациялари ёки гуруҳларини ташкил этиш, уларга аъзо бўлиш ва улар фаолиятида иштирок этиш;
- с) ноҳуқумат ёки ҳуқуматлараро ташкилотлар билан алоқани ушлаб туриш.

## **6-модда**

Ҳар бир инсон, шахсан ва бошқалар билан биргаликда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида ахборотни билиш, қидириш, топиш, олиш ва у ихтиёрида бўлиши, шу жумладан, бу ҳуқуқлар ва эркинликлар ички қонунчилиқда, суд ёки маъмурий тизимларда қай тарзда таъминланиши тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш;
- б) инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда, бошқа қўллансан бўладиган халқаро шартномаларда назарда тутилганидек, бошқалар ўртасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги фикрларни, ахборотларни ва билимларни эркин эълон қилиш, узатиш ёки тарқатиш;
- с) ҳам қонунчилиқда, ҳам амалиётда инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига амал қилинишига нисбатан фикрларни ўрганиш, муҳокама қилиш, шакллантириш ва эга бўлиш ҳамда жамоатчилик эътиборини

бу ва бошқа тегишли воситалардан фойдаланган ҳолда ушбу масалаларга жалб этиш.

## **8-модда**

1. Ҳар бир инсон шахсан ва бошқалар билан биргалиқда қамситмаслик асосида ўз мамлакатини бошқаришда ва давлат ишларини юритишда иштирок этиш учун реал имкониятга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Бу жумладан, шахсан ва бошқалар билан биргалиқда ҳукумат органлари ва муассасаларига, шунингдек, давлат ишларини юритиш билан шугулланадиган ташкилотларга улар фаолиятини яхшилашга нисбатан танқидий мuloҳаза ва таклифларини тақдим этиш ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва амалга оширишни қийинлаштириши ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган улар фаолиятидаги ҳар қандай жиҳатга эътиборларини жалб этиш ҳуқуқини қамраб олади.

Жамоатчилик назорати субъектларга боғлиқ равиша ҳалқаро, чет эл ва миллий даражага бўлинади, улар, ўз навбатида, қўшимча турларга бўлинади.

Жамоатчилик назорати соҳасида ҳалқаро назорат қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

**биринчидан**, БМТнинг шартномавий органларга инсон ҳуқуқларига амал этилиши тўғрисидаги муқобил маърузаларни тақдим этиш;

**иккинчидан**, инсон ҳуқуқлари бўйича ННТнинг баёнотлари ва хабарлари, ҳалқаро органларга шахсий шикоятлар;

**учинчидан**, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари томонидан жойларда бўлиш (масалан, пенитенциар муассасаларида бўлиш, сайловларни кузатиш, экологик мониторинг, суд мажлисларининг мониторинги ва ҳоказолар);

**тўртинчидан**, жамиятни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича ҳалқаро анжуманлар ишида иштирок этиш (масалан, БМТ, ЕХХТ, Евropa Иттифоқи ва бошқа ташкилотларининг анжуманларида иштирок этиш).

Ҳалқаро назорат усуслари қўйидагилардан иборат: ахборотларни айрибошлаш; ҳалқаро мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги маслаҳатлашувлар; ҳалқаро инспекциялар ва текширишлар; сунъий суд ва арбитраж назорати<sup>1</sup>. Агар ахборотлар билан айрбошлаш, маслаҳатлашувлар, ҳисоботлар, маърузалар тақдим этиш, назорат воситаси сифатидаги кузатув, қоида бўйича, назорат қилишнинг илк босқичларида қўлланилса, назорат, асосан, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, таклифлар билан якунланса, ҳалқаро органлар томонидан

<sup>1</sup> Каранг: Контроль за выполнением международных обязательств / Под ред. У. Батлера, — М., 1991. С. 67; Chowdhury T.M.R. Legal Framework of International Supervision (Doctoral Dissertation. Department of IL, University of Stockholm). Edsbruk, 1986. P. 209–230.

халқаро кузатувлар, инспекциялар, текширишлар, халқаро мажбуриятлар бузилишини күриб чиқышлар давлатнинг тегишли жавобгарлигига олиб келиши мумкин.

Ривожланишнинг демократик йўлига ўтган давлатларда жамоатчилик назорати институтини шакллантириш жараёни, уларнинг жамиятдаги ҳуқуқий нигилизм билан курашишда, ноҳукумат ташкилотлари фаолиятини моддий-техник, кадрлар, ахборот таъминотида учрайдиган қийинчилклар халқаро ташкилотлар томонидан эътиборни ва ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни талаб этади. Шу мақсадларда халқаро ҳукуматлароро (БМТ, ЕХХТ, Европа Кенгаши ва бошқалар) ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан фуқаролик жамияти институларининг самарали фаолиятига бағишланган қўлланмалар шарҳлари нашр этилган.

**Орхус конвенцияси** — БМТнинг “Атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ва одил судловдан фойдаланишда жамоатчиликнинг иштироки тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш ҳақида”ги конвенцияси. Конвенция 1998 йил 25 июнда Орхус шаҳрида (Дания) “Европа учун атроф-муҳит жараёни” доирасида Европа мамлакатлари атроф-муҳит вазирларининг 4-конференциясида 38 та мамлакат томонидан имзоланган.

**Конвенциянинг мақсади** — инсоннинг унинг соғлиғи ва фаровонлиги учун қулай муҳитга эга бўлишини, қарорлар қабул қилишда жамоатчиликнинг иштирок этишини, атроф-муҳитга тааллуқли ахборотдан ҳамда одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишни қўллаб-қувватлашдир.

Конвенциининг ҳар бир тарафига конвенциянинг қоидаларини амалга ошириш учун аниқ, очиқ ва келишилган тузилмаларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур қонунчилик, тартибга соладиган чораларни кўриш бўйича мажбуриятлар юкланган.

*Ахборотлардан фойдаланиш:*

фойдаланиш эркинлиги (асослаш талаб қилинмайдиган сўров бўйича зарур ахборотни мажбурий тақдим этиш);

Интернет, атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни эълон қилиш орқали жамоатчиликни фаол хабардор қилиш;

ахборот тақдим қилишни рад этишдан аввал жамоатчиликни унга қизиқиш даражасини ҳисобга олиш зарур;

ўзига мурожаат қилинган органда ахборот мавжуд бўлмаганда бу сўровни қондириш имкониятига эга органга сўровни юбориш;

инсоннинг саломатлигига ва/ёки атроф-муҳитга бостириб келаётган хавфдан жамоатчиликни дарҳол хабардор қилиш.

Экологик ахборотни тақдим этишни рад этишга фақат ушбу ахборот қўйидагиларга таъсир этгандагина йўл қўйилиши мумкин:

давлат органлари ишининг маҳфийлиги;

халқаро муносабатлар, миллий мудофаа ёки давлат хавфсизлиги;

одил судловни амалга ошириш, шахслар учун адолатли суд текшируви ёки давлат органларининг жиноий ёхуд интизомий хусусиятга эга текширишларни ўтказишга қодирлиги;

тижорат ва саноат ахборотининг маҳфийлиги;

интеллектуал мулк ҳуқуқи;

шахсий маълумотларнинг маҳфийлиги;

сўралаётган ахборотни тақдим этган учинчи томоннинг манфаатлари;

ушбу ахборотга тааллуқли бўлган атроф-муҳит (ноёб турлар кўпайтириладиган жойлар).

Манфаатдор жамоатчилик атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш тартибининг энг илк босқичида ўз вақтида ва тушунарли тарзда хабардор қилинади.

*Хабардор қилиш:*

режалаштирилаётган фаолият тури ва бу хусусда қарор қабул қилинадиган буюртма;

эҳтимол тутилган қарорлар ёки қарор лойиҳаси хусусияти тўғрисида;

қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган давлат органи тўғрисида;

кўзда тутилаётган тартиб тўғрисида (тартибнинг бошланиши, иштирок этиш эҳтимоли шакллари, барча ошкор эшитишлар мўлжалланган вақт ва жой, ахборот олиш мумкин бўлган давлат органи, экологик ахборотнинг мавжудлиги, ушбу фаолият турининг қамраб олинишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тартиби), шу жумладан, ушбу ахборот қачон ва қай тарзда тақдим этилиши мумкинлиги.

Томонлар жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишда иштирок этиш тартибини соддалаштиришга интилишлари керак. Конвенцияга Отилиб чиқишлиар ва ифлослантиришларни кўчириш регистрлари тўғрисидаги протокол (2003) ва ирсий ўзгартирилган организмлар тўғрисида тузатиш (2005) қабул қилинган. Конвенциянинг бажарилишини 15-моддага мувофиқ ташкил этилган Орхус конвенциясига амал қилиш бўйича суд бўлмаган маслаҳат назорат қўмитаси амалга оширади.

Ўзбекистоннинг ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар қоидаларини бажариш бўйича миллий маърузаларни тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этади. Ўз навбатида БМТнинг шартномавий қўмиталари ҳукуматга тавсияларида фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида иштирок этишлари муҳимлигига эътиборни қаратади.

## **БМТ шартномавий қўмиталарининг Ўзбекистоннинг 2013–2018 йиллардаги даврий маъruzаларини кўриб чиқиши якунлари бўйича тавсиялари (Кўчирмалар)**

### **1. Хотин-қизларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича қўмита**

Ўзбекистоннинг тўрттинчи даврий маъruzasi бўйича якунловчи мулоҳазалар (2015 йил 29 июнь–24 июлдаги 114-сессияда қабул қилинган)

27. Иштирок этувчи давлат Пактни ва биринчи Факультатив протоколни, ўзининг тўрттинчи даврий маъruzаси ва ушбу якунловчи мулоҳазаларнинг матнини мамлакатда амал қилаётган суд, қонунчилик ва маъмурий идоралар, фуқаролик жамияти ва ННТ, шунингдек, кенг жамоатчилик ўртасида кенг тарқатиши лозим.

29. Кўмита иштирок этувчи давлатдан ўзининг навбатдаги даврий маъruzасини Қўмитанинг ва умуман Пактнинг барча тавсияларини амалга оширилиши тўғрисидаги янгиланган аниқ ахборотни кўшган ҳолда 2018 йил 24 июлгача тақдим этишини сўрайди. Кўмита иштирок этувчи давлатдан маъruzувани тайёрлашда мамлакатда амал қилаётган фуқаролик жамияти ва ННТ билан тенг маслаҳатлашишини сўрайди. Бош Ассамблеянинг 68/268-резолюциясига мувофиқ маъruzанинг ҳажми 21 200 сўздан ортиқ бўлмаслиги керак.

### **2. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита**

Ўзбекистоннинг бешинчи даврий маъruzasi бўйича якунловчи мулоҳазалар (2015 йил 26 октябрь — 20 ноябрдаги олтмиши иккинчи сессияда қабул қилинган)

40. Кўмита иштирок этувчи давлатнинг Конвенциянинг қоидаларини мунтазам ва узлуксиз бажарилиши тўғрисидаги мажбуриятини ёдга солади. У иштирок этувчи давлатни ҳозирги пайтдан бошлаб кейинги даврий маъruzани тақдим этгунга қадар ушбу якунловчи мулоҳазалар ва тавсияларга устувор эътибор беришга чақиради. Шу муносабат билан Кўмита иштирок этувчи давлататга ушбу якунловчи мулоҳазаларни расмий тилда барча даражалардаги (миллий, минтақавий ва маҳаллий) тегишли давлат муассасаларига, жумладан, ҳукумат, вазирликлар, Олий Мажлис ва суд органларининг тузилмаларига уларни тўлақонли бажариш имкониятини таъминлаш учун ўз вақтида юборишни таклиф этади. Кўмита иштирок этувчи давлататга иш берувчилар ассоциациялари, касаба уюшмалари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва хотин-қизлар ташкилотлари, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва оммавий ахборот воситалари каби барча манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилишни тавсия этади. Кўмита ушбу якунловчи мулоҳазаларни уларни бажариш имкониятини таъминлаш учун маҳаллий жамоалар даражасида зарур шаклда тарқатишни тавсия этади. Бундан ташқари Кўмита иштирок этувчи давлататга Конвенцияни ва Қўмитанинг умумий тавсияларини барча манфаатдор томонлар ўртасида тарқатиш илтимоси билан мурожаат қиласи.

### **3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита**

Ўзбекистонинг иккинчи даврий маърузаси бўйича якунловчи мулоҳазалар (2014 йил 28 апрель — 23 майдаги эллик иккинчи сессияда қабул қилинган)

30. Қўмита иштирок этувчи давлатдан ушбу якунловчи мулоҳазаларни жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, парламент депутатлари, давлат мансабдор шахслари ва судьялар ўртасида кенг тарқатишни таъминлашни ҳамда ўзининг навбатдаги даврий маърузасига якунловчи мулоҳазалардаги тавсияларни бажариш мақсадларида қўйилган қадамлар тўғрисидаги ахборотни киритишни сўрайди. Қўмита, шунингдек, иштирок этувчи давлатни ноҳукумат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа вакилларини ўзининг навбатдаги даврий маърузасини тақдим этгунга қадар умуммиллий муҳокамасига жалб этишни таъминлашга даъват этади.

### **4. Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмита**

Ўзбекистоннинг бирлаштирилган саккизинчи ва тўққизинчи даврий маърузалари бўйичаякунловчи мулоҳазалар (2014 йил 19 февралда қабул қилинган)

### **Фуқаролик жамияти ташкилотлари билан маслаҳатлашувлар**

28. Қўмита навбатдаги даврий маърузага таайёргарлик қўриш ҳамда ушбу якунловчи мулоҳазаларни бажариш бўйича бундан кейинги чораларни амалга ошириш муносабати билан иштирок этувчи давлатга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги, жумладан, ирқий камситишга қарши курашиш доирасида фаолиятни амалга ошираётган фуқаролик жамияти ташкилотлари билан маслаҳатлашувларни давом эттириш ва мулоқотни кенгайтишни тавсия этади.

### **5. Қийноқларга қарши қўмита**

Ўзбекистоннинг тўртминчи даврий маърузаси бўйичаякунловчи мулоҳазалар (2013 йил 28 октябрь — 22 ноябрдаги эллик биринчи сессияда қабул қилинган)

### **Қамоқда сақлаш жойларида мустақил мониторинг**

18. Қўмита иштирок этувчи давлатни барча озодликдан маҳрум қилинган жойларда аввалдан хабардор қилмасдан мустақил ва мунтазам мониторинг ва инспекция ўтказиш миллий тизимини ташкил этишга даъват этади. Бу олинган ахборотни эълон қилишни таъминлайди ҳамда маъмурлар олдига моҳияти бўйича қийноқлар ёки шафқатсиз муомалага тенг бўлган қамоқда сақлаш жойларида сақлаш вазияти тўғрисидаги масалаларни қўяди. Иштирок этувчи давлат мустақил миллий ва халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва гуманитар ташкилотларнинг бўлимларини тақороран очишига ёрдам берадиган, уларда бўлишни таъминлайдиган ва бу бўлимлар тўлақонли амал этадиган масалаларни ўзининг қонунчилиги, норматив ҳужжатлари ва сиёсати чораларига зарур ўзgartiriшлар киритиши лозим. Иштирок этувчи давлат бундай ташкилотларнинг вакиллари барча озодликдан маҳрум этилган жойларда ўзларининг стандарт тартибларига мувофиқ мустақил режадан ташқари мониторинг ўтказиш имкониятига эга бўлишларини кафолатлашлари лозим.

## **6. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита**

Ўзбекистоннинг бирлаштирилган учинчи ва тўртинчи даврий маърузалари бўйича якунловчи мулоҳазалар (2013 йил 27 май — 14 июнда олтмиш учинчи сессияда қабул қилингандан)

### **Фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик**

18. Қўмита иштирок этувчи давлат томонидан ҳукуматнинг фуқаролик жамияти билан маслаҳатлашувлари, шу жумладан, фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолияти шароитларини яхшилашга қаратилган янги қонунчиликни жорий муҳокама қилишни кенгайтириш бўйича қўйилган ижобий қадамларини таъкидлайди.

19. Қўмита иштирок этувчи давлатни фуқаролик жамияти билан ишонч ва ҳамкорлик муҳитини яратиш мақсадларида, шу жумладан, ноҳукумат ташкилотлари ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотларни болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ сиёсат, режалар ва дастурлар бўйича чоралари мониторингини ва баҳолашни режалаштириш, амалга ошириш жараёнига мунтазам жалб этиш бўйича аниқ қадамлар қўйишга даъват этади. Жумладан, Қўмита иштирок этувчи давлатга фуқаролик жамиятини мажбурий рўйхатга олишни талаб этадиган ҳамда фуқаролик жамиятининг “ноқонуний” деб атала-диган фаоллари ва ташкилотларига қўлланадиган жазолаш тартибини қайта кўриб чиқишига қатъий даъват этади. Бундан ташқари Қўмита иштирок этувчи давлатга фуқаролик жамияти ташкилотлари мустақиллигини мустаҳкамлаш, шу жумладан, улар фаолиятини молиялаштириш манбаларига чекловларни олиб ташлаш бўйича чоралар кўришига қатъий даъват этади.

74. Қўмита, шунингдек, бирлаштирилган учинчи ва тўртинчи даврий маърузаларни ҳамда иштирок этувчи давлатнинг ёзма жавобларини, шунингдек, тегишли тавсияларни (якунловчи мулоҳазаларни) мамлакат тилида, шу жумладан, (факат мутлақ эмас) Интернет орқали кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ёшлар ва касбий гурухлар ҳамда болалар ўртасида муҳокама қилишни рағбатлантириш ва Конвенция ҳамда унга Факультатив протоколлар тўғрисида, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторинги тўғрисидаги хабардорлик даржасини ошириш учун кенг ёйишни таъминлашни тавсия этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Халқаро ҳамжамият томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида халқаро ҳужжатларнинг қайси турлари қабул қилинган?
2. Орхус конвенциясининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
3. Ўзбекистонга БМТнинг шартномавий қўмиталари якунловчи мулоҳазаларида фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича қандай тавсиялар тақдим этилган?

## **§.2. ЕХҲТИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ СТАНДАРТЛАРИ**

1975 йилда имзоланган Хельсинки Яқунловчи ҳужжати Европа ва ЕХҲТнинг барча минтақаларида хавфсизлик умумий концепциясининг фақат тамал тоши бўлибгина қолмасдан, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини халқаро эътирофи масаласи сифатида тан олинган биринчи халқаро ҳужжат бўлди. Бу ҳозирги даврнинг энг бошидан маълум бўлган халқаро муносабатларнинг классик қоидаларидағидек мақомга эга бўлган давлатлароро муносабатларни йўлга қўйишнинг ўнта асосий принципларидан бири ҳисобланади.

1989 йилдаги тарихий ўзгаришлардан сўнг Европа мамлакатлари Хельсинки Яқунловчи ҳужжатининг умумий концепциясини қабул қилдилар ва унинг асосида инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган нормалар ва стандартларнинг кенг қамровли рўйхатини туздилар. Ушбу базавий ҳуқуқлар демократия ва қонун устунлиги принциплари билан бир қаторда ЕХҲТ хавфсизлигининг инсонийлик мезонлари сифатида белгилайдиган тушунчанинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

1990 йилда Копенгагендаги инсонийлик мезонлари бўйича конференцияда ЕХҲТда иштирок этувчи давлатлар ЕХҲТнинг бутун минтақаси учун ўзига хос *acquis* (қонунлар тўплами) жаҳондаги кўпгина ривожланган демократиялар учун келгусида керак бўладиган пойdevor қўйдилар. Шуни таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш ЕХҲТ томонидан қабул қилинган хавфсизлик концепциясида: “давлатлар ўзларининг барча фуқаролари ва бир-бирлари олдида ушбу ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳақиқатан ҳам ҳурмат қилиниши ва ҳимояланишини таъминлаш учун масъулиятга эгалар” деб қайд этилиши марказий ўринни эгаллайди.

Копенгаген ҳужжатида, шунингдек, “иштирок этувчи давлатлар ҳаётбахш демократия, демократик қадриятлар ва амалиётнинг миллий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлишига, шунингдек, демократик институтларнинг кенг доираси амал этишига боғлиқлигини тан олади. Шунинг учун улар биргаликдаги амалий саъй-ҳаракатларини ҳамда ахборот, ғоялар ва тажрибалар билан алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасида бевосита алоқалар ва ҳамкорлик доирасида ўзаро айрибошлишни рағбатлантиради, енгиллаштиради ва мақсадга мувофиқ бўлган жойларда қўллаб-қувватлайди...” (26-банд).

ЕХҲТ атамашунослигига “**инсонийлик мезонлари**” атамаси 1989 йилда Вена учрашувининг яқунловчи ҳужжатига биринчи марта киритилган ва ЕХҲТ томонидан ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий-экологик мезонлар билан бир қаторда учта хавфсизлик мезонидан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва демократия билан боғлиқ фаолиятнинг нормалари ва турларини белгилаш учун фойдаланилади. Ушбу атама,

шунингдек, инсонийлик мезонларига тааллуқли ЕХХТ нормалари анъанавий инсон ҳуқуқларига қараганда кенгроқ соҳаларни қамраб олишидан далолат беради<sup>1</sup>.

ЕХХТ доирасида пайдо бўлган инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни кенг қамровли ва узоққа мўлжалланганлиги, баъзан ўз хусусиятига кўра “англатадиган” сифатида таърифлаш мумкин. ЕХХТ фақат фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг “анъанавий” соҳасидаги стандартларнигина яратибина қолмасдан, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича анъанавий ҳужжатларда эришилган чегаралардан анча узоққа чиқадиган гуманитар соҳалардаги кўпгина ташаббуслар ташаббускори бўлди. Жумладан, ЕХХТнинг ҳужжатларида давлатларнинг ички ишларига анъанавий тааллуқли бўлган кўп миқдордаги қоидалар, бевосита улар сиёсий тузилишига доир қоидалар мавжуддир. ЕХХТ доирасида аниқ ва равshan равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда плюралистик демократияга асосланган сиёсий тизим бўлинмаслигига қарор қилинган.

ЕХХТ нормаларининг “англатадиган” хусусиятининг яна биттасига ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципини ман этиш тўғрисидаги келишувга келганлари ифодалайди<sup>2</sup>.

Қатор ҳолатларда ЕХХТнинг инсон мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги “анъанавий” ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлган механизмлардан анча илгарилаб кетган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги анъанавий шартномаларда шахсий (ёки жамоавий) ҳуқуқлар шакллантирилган, иштирок этувчи давлат эса ушбу ҳуқуқларга амал қилиш ва/ёки кафолатлаш мажбуриятини олган. Бироқ кўпгина ҳолатларда ушбу мажбуриятларни бажариш тартиби давлатнинг ихтиёрида қолади. ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари мезони инсон ҳуқуқларини давлатнинг институтционал ва сиёсий ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолда бундан анча илгарилаб кетган.

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари соҳасида ўз зиммаларига мажбуриятлар олиб, моҳият жиҳатидан қонун устунлигига асосланган плюралистик демократия инсон ҳуқуқларини самарали кафолатлашга қодир бўлган бошқарувнинг ягона тизими эканлигига рози бўлди. Бу нима учун ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари Умумевропанинг ижтимоий тартиби (*ordre public*) деб аталганлигини тушуниради.

Бошқача қилиб айтганда, ЕХХТ — шунчаки 57 давлатни бирлаштирган ташкилот бўлмасдан, у “қадриятлар умунийлигидир”. Ушбу алоқадорликни қонун устунлигига фаол содиклик ҳамда инсон шахсининг қадр-қиммати ва қонунлар ҳамда суд-ҳуқуқий тузилмалар орқали амалга ошириладиган ҳуқуқлар тизимининг концепцияси ифода этади.

<sup>1</sup> ЕХХТ Маълумотномаси. Учинчи нашр. ЕХХТ нашриёти. — Вена, 2000. 243-бет.

<sup>2</sup> 1991 йил октябрдаги ЕХХТ нинг Инсон мезонлари бўйича Конференциясининг Москва учрашуви ҳужжати.

ЕХХТ жараёни, асосан, хукукий жиҳатдан мажбурий бўлган нормалар ва принципларни яратмайдиган сиёсий жараён ҳисобланади. Инсон хукуқлари билан боғлиқ бошқа ҳужжатлардан фарқли равища ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари хукукий жиҳатдан эмас, балки сиёсий жиҳатдан мажбурий ҳисобланади. Бу жуда муҳим фарқdir, чунки ана шу ЕХХТ стандартларига амал қилиш учун хукукий механизмлардан фойдаланиш имкониятларини чегаралайди. Бошқача қилиб айтганда, ЕХХТ мажбуриятларининг бажарилишини суд орқали таъминлаш мумкин эмас. Бироқ буни уларда мажбурий кучга эга қоидалар мавжуд эмаслиги далолати сифатида хато равища тушунмаслик лозим. Бу масалада тафовут “хукук” ва “сиёsat” ўртасида эмас, балки “мажбурий” ва “мажбурий эмас” ўртасидадир.

Бу ЕХХТнинг мажбуриятлари ироданинг ёки эзгу ниятларнинг оддий декларациясидан анчагина муҳимроқ эканлигини англатади: бунда гап ушбу стандартларга амал этиш бўйича сиёсий ваъда тўғрисида кетмоқда. Агар халқаро-хукукий ҳужжатларнинг якуний матни келишиб олгунга қадар, одатда, уларни муҳокама қилиш учун кўп вақт талаб этилса, шунингдек, якуний ҳужжатларни ратификация қилиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутса, бу тартиб ЕХХТ ҳужжатларига тааллуқли эмас. Уларнинг сиёсий табииати ноёб вазиятни яратиш имкониятини беради: давлатлар ўртасида келишувга эришилгандан сўнг қарор дарҳол кучга киради ва принцип жиҳатидан ЕХХТда иштирок этувчи барча давлатлар учун мажбурий ҳисобланади (универсаллик принципи).

Аввал бошдан стандартларни ишлаб чиқишнинг ўзи инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни амалга ошириш учун етарли даражада самарали бўлмаслиги равshan эди. Ушбу масалада халқаро тартиблар муҳим қўшимча функцияни бажариши керак. Шунинг учун ЕХХТ инсонийлик мезонлари бўйича ЕХХТ мажбуриятларини амалга оширишни назорат қилишга ёрдам берадиган тартиблар, конференциялар ва институтлар жамланмасини яратди. ЕХХТ инсон хукуқлари соҳасидаги бошқа шартномалардан фарқли равища ЕХХТ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун алоҳида шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун суд ёки бошқа органни ташкил этмади. Бу ЕХХТ жараёнлари сиёсий хусусиятини ва мавжуд механизмларни тақрорламаслик ниятини акс эттиради. Аксинча, ЕХХТ ушбу муҳим механизмларни кучайтиromoқда ва иштирок этувчи барча давлатларни мавжуд имкониятлардан фойдаланишга ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ўрнатилган стандартларга риоя этишга даъват этмоқда. Шахсий шикоятларни кўриб чиқиш учун механизмнинг мавжуд эмаслиги ЕХХТнинг сиёсий органлари эътиборига ушбу ҳолатларни етказиш имкониятини истисно этмаслигини ҳам таъкидлаш муҳимдир.

Хельсинки Якунловчи ҳужжати келишувларни амалга ошириш учун доимий жараён талаб қилинишидан келиб чиқсан ҳолда шундан кейинги кенгашларни доимий ўтказиб туришни кўзда тутади. Узлуксиз жараёнга асосланган ана шундай ёндашув вақт ўтиши билан ЕХХТ мажбуриятларининг бажарилиши билан боғлиқ

масалалар муҳокама қилинадиган олий даражадаги сиёсий учрашувлар ва бошқа кенгашлар ўтказиш тизимини яратиш имконини берди. Олий даражадаги учрашувлар — саммитлар, кенгашлар, конференциялар ва семинарларнинг комплекс тузилмаси иккита муҳим натижага келтиради. Биринчидан, бу иштирок этувчи давлатларга ҳужжатлар ижодкорлиги уйғун жараёнига қўшилиш имкониятини беради. Иштирок этувчи давлатлар янги эҳтиёжларга тезкор муносабат билдиришлари мумкин ва ЕХХТнинг аввал қабул қилган мажбуриятларига таянган ҳолда уларни қўллаш тартибига аниқлик киритади. Иккинчидан, ана шундай тузилма ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар ихтиёрига инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг амалда бажарилиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш учун анжуман вазифасини ўтайди. Ана шу ЕХХТнинг мажбуриятлари барча иштирок этувчи давлатларнинг бевосита ва қонуний ташвишга соладиган масала ҳисобланади ҳамда аниқ бир давлатнинг ички масалаларига тааллуқли эмас.

### **ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси**

(ДИИХБ) Варшавада жойлашган бўлиб, инсонийлик мезонлари соҳасида иш олиб борадиган ЕХХТнинг асосий институти ҳисобланади. 1992 йилги Хельсинки ҳужжати ДИИХБ мандатини белгилаб берди. Ушбу мандат ЕХХТда иштирок этувчи давлатларга "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла ҳурмат қилинишини таъминлаш, қонунийлик асосида иш қўриш, ҳаётга демократия принципларини жорий этиш..., демократик институтларни ташкил этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш, шунингдек, бутун жамият қўламида муросасозлик принципини ривожлантириш" да ёрдам қўрсатишдан иборатdir.

ДИИХБ ўзининг мандатлари ва вазифаларига мувофиқ равишда сайловлар ўтказиш соҳасида демократик жараёнларни қўллаб-қувватлашни, сайловларни ҳар тарафлама кузатиш ҳамда сайловларга қўмаклашиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади. ДИИХБ, шунингдек, эксперт баҳолашни тақдим этиш ва демократик институтларни ташкил этишда амалий ёрдам қўрсатиш орқали ЕХХТда иштирок этувчи давлатларга уларнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларини бажаришларида қўмаклашади. Бу қонун устунлигини таъминлаш, демократик бошқарувни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурлар ёрдамида амалга оширилади<sup>1</sup>. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари масалалари бўйича учрашувларининг муҳим хусусияти уларнинг ноҳукумат ташкилотлари (ННТ) учун очик эканлигидир. ННТ шутарзда инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни амалда бажариш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда иштирок этишлари ва ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлларини таклиф этишлари мумкин.

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар / Учинчи нашр / Масъул муҳаррир: А.Х. Сайдов — юридик фанлар доктори, профессор. — Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. — 368-6.

ЕХХТ мунтазам учрашувлар ўтказиш билан бир қаторда инсонийлик мезонлари механизмини, яњи бевосита Вена механизми ва Москва механизмини яратди. Бунда Москва механизми қисман Вена механизмини янада ривожлантирилганлигидир. Уларнинг ҳар иккиси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш жараёнини ташкил этади. ЕХХТда иштирок этувчи айрим давлатлар унинг ёрдамида аниқ бир вазиятларни кўриб чиқилиши учун мурожаат қилишлари мумкин.

Вена механизми иштирок этувчи давлатларга ЕХХТда иштирок этувчи бошқа давлат томонидан инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари бажарилиши билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиш учун тартиблар жамланмасидан фойдаланиш имкониятини беради.

Тўрт босқичдан иборат бўлган Вена механизмига 1989 йилги Вена Якунловчи хужжатида асос солинган эди. Шундан кейин у айниқса инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген (1990), Москва (1991) ва Хельсинки (1992) конференцияларда янада ривожлантирилди.

Ҳозирги пайтда ушбу механизм қўйидаги тўрт унсурдан иборатдир:

- ЕХХТга аъзо давлат томонидан ЕХХТнинг бошқа иштирокчисига иложи борича қисқа, ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда инсонийлик мезонлари билан боғлиқ масалалар бўйича йўлланган саволлар юзасидан ахборот айрибошлиши ва ёзма жавобларга доир алоқалар, одатда, дипломатик каналлар орқали амалга оширилади;
- ташкилотнинг бошқа иштирокчилари билан уларнинг илтимоси бўйича инсонийлик мезонлари муаммоларини, шу жумладан, аниқ бир вазиятлар ва алоҳида ҳолатларни ҳал этиш мақсадида икки томонлама учрашувлар ўтказиш; бундай учрашувларнинг вақти ва жойи ўзаро келишув асосида иложи борича тезроқ, қоида бўйича, илтимос қабул қилинган санадан бошлаб бир ҳафта давомида белгиланиши керак; икки томонлама учрашув давомида ЕХХТ мамлакатлари, agar ҳар икки томон бу масалада истак билдирган бўлмаса, муҳокама қилинаётган муаммо билан боғлиқ бўлмаган масалаларни кўтармасликлари керак; бундай учрашувларни ўтказиш жойи ДИИХБ бўлиши мумкин;
- ЕХХТда иштирок этувчи ҳар бир мамлакат, ўзи буни зарурат деб ҳисобласа, бошқа иштирокчиларни дипломатик каналлар ёки ДИИХБ орқали у ёки бу вазиятлар ҳамда инсонийлик мезонлари масалаларига эътиборни жалб қилиши мумкин;
- ЕХХТда иштирок этувчи давлат, буни зарур деб ҳисобласа, икки томонлама учрашувлар, шу жумладан, ЕХХТдаги, айниқса давлатлар раҳбарлари кенгашларидаги, ҳар икки йилда ўтказиладиган шарҳ конференциялари ва ижро учрашувлар натижалари, ўзининг сўровлари ва тақдимотлар, шу жумладан, вазиятлар ва аниқ ҳолатлар тўғрисидаги ахборотлар билан айрибошлиши мумкин.

Вена механизми давлатлар ўртасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартибини ёдга соладиган доимий амал этадиган назорат тизими ҳисобланади; ушбу механизм

доирасида ЕХХТ мамлакатидан хоҳлаганининг ахборотга сўрови тушган мамлакат бу сўровга жавоб тақдим этиши шарт; у, шунингдек, бундан кейинги икки томонлама учрашув тўғрисидаги илтимосни қондириши шарт.

Вена механизмининг камчиликларига инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлар бузилишининг тасдиқланган далолатлари бўлган ҳолатларда жазо чоралари қўллаш қўзда тутилмагани ва ЕХХТ қарорларини қабул қилишда келишиш талаби йўқлиги киради. ЕХХТ қарорларини қабул қилишда келишиш талаби йўқлиги учун ушбу қарорга тааллуқли давлат иродасига қарши чора кўриб бўлмайди. Демак, Вена механизмининг самарадорлиги қўп жиҳатдан сиёсий босимга боғлиқдир.

Вена механизмининг жиддий камчилиги мустақиллик унсури этишмаслиги хисобланади: бундай механизм фақат хукуматларо даражада амал этган. Ушбу камчилик Европа Кенгаши хавфсизлик кенгашининг (ЕХХК) инсонийлик мезонлари бўйича 1991 йилги Москва кенгashiда тузатилди. Ушбу Москва учрашувда Вена механизми ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасида мустақил эксперталар ёки маъruzachilar missияси tizimi bilan tuldirildi.

Москва механизми Вена механизмига таянади ва инсонийлик мезонлари масалалари билан боғлиқаниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам кўrsatiш учун мустақил эксперталарнинг маҳсус миссиясини шакллантиришда қўшимча имкониятларни яратади. Бу инсонийлик мезонлари соҳасида мажбуриятлар бузилиши тўғрисидаги хабарларни текшириш хуқуқини назарда тутади, буни истисно ҳолатларда ҳатто айбланаётган давлатнинг розилигисиз ҳам қилиш мумкин.

Мазкур тизим маъruzachilar ёки эксперталарнинг миссияларини бир-биридан мустақил равишда таъсис этиш учун фойдаланиш мумкин бўлган бешта алоҳида тартибларни қамраб олган. Уларнинг қуйидаги иккитаси Вена механизми билан боғлиқдир:

- Вена механизмини қўллашнинг биринчи ёки иккинчи босқичидан сўнг ташаббускор мамлакат бошқа давлатга эксперталар миссиясини таклиф этишни таклиф этиши мумкин;
- агар бошқа давлат буни қилишни рад этса, сўраётган томон ЕХХТнинг яна бешта давлати мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаши шарти билан бошқа давлатнинг иродасига қарши эксперталар миссиясини жўнатиш ташаббусини амалга ошириши мумкин. Шу тарзда Вена механизми доирасида инсонийлик мезонлари мажбуриятлари бузилган ҳолатларда мустақил экспертизаларни ўtkazish имконияти яратилди.

Москва механизми эса миссияни таъсис этиш учун фойдаланиш мумкин бўлган бошқа учта тартибни қамраб олган. Ушбу Вена механизмини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган тартиблар қуйидагилардан иборат:

- ЕХХТ мамлакати томонидан эксперталар миссиясини ихтиёрий равишда таклиф этиш;

- Давлат бошлиқлари кенгашининг экспертлар миссиясини ёки маъruzачиларни таъсис этиш тўғрисидаги қарори;
- инсонийлик мезонлари қоидаларини бажариш мақсадида “алоҳида жиддий хавф” ҳолатларида маъruzачиларнинг “фавқулотда миссияси”ни таъсис этиш ушбу миссиялар EXХТнинг ҳар бир давлати томонидан тайёрланган учтагача эксперт бўлган рўйхатдан танлаб олинган мустақил эксперталардан иборат бўлиши керак.

Инсонийлик мезонлари соҳасидаги эксперталар ёки маъruzачилар миссияси тизими шу пайтгача EXХТнинг қатъий хукуматлароро назорат тартибида биринчи маротаба чекиниш бўлди. Ушбу миссияларнинг мандатлари шундай таъсис этилгандагига тартибдан фарқланиши мумкин. Умуман эксперталар миссиясининг ваколатлари маъruzачилар миссиясига нисбатан кенгроқ эканлигини таъкидлаш мумкин. Маъruzачилар миссиясининг ваколатлари, асосан, далилларни тўплаш ҳамда муҳокама қилинаётган масалани ҳал этиш йўллари бўйича маслаҳат хизматлари ёки таклифлар киритиш билан чегараланади.

Эксперталар миссиясининг мандати анча кенгроқдир. Бундан EXХТнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли аниқ бир масалани ёки муаммони ҳал этиш жараёнини енгиллаштириш мақсади кўзланади. Ушбу мақсадга эришиш учун ана шу миссиялар ахборот тўплаши ҳамда “мақсадга мувофиқлигига боғлиқ ҳолда манфаатдор томонлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш учун ўзларининг яхши идораларини ва воситачилигини тақдим этиши мумкин”. Факат давлат бошлиқлари кенгashi (ёки Доимий Кенгаш) шундан кейинги чораларни кўриш масаласи бўйича қарор чиқариши мумкин. Бундай ҳолатларда консенсус принципини қўлласа (ягона, кўпроқ назарий жиҳатдан, консенсусни истисно этиш — битта минус) бўлади.

Инсонийлик мезонлари талабларига амал этилишини назорат қилиш учун инсонийлик мезонлари механизмидан ташқари қуидаги бошқа тартиблар ва воситалар ҳам ишлаб чиқилган:

- ҳар қандай, инсонийлик мезонига тааллуқли масала EXХТнинг жуда турли сиёсий органлари, айниқса Доимий Кенгаш, Давлат раҳбарлари ва Вазирлик органлари кенгашлари, шунингдек, EXХТнинг ҳар йилги ижро этиш учрашувларида кўтарилиши мумкин;
- инсонийлик мезонлари масалаларини EXХТнинг баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш ёки Берлин фавқулодда механизми каби умумий механизмларга даъво аризалари орқали ҳал этилиши мумкин.

**Шар бирга EXХТ қандайдир инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бузилиши бўйича шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш механизmlарига эга эмаслигини тушуниш муҳим.** Бир йўла бу ННТнинг EXХТнинг тузилмаларига мурожаат қилиши ҳамда унинг эътиборини далилларга (вазиятларга) у ёки бу мамлакатда

инсон ҳуқуқлари бузилиши далилларига (вазиятларига) қаратиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан маҳрум этмайди.

Амалиётда ЕХХТ доимий амал этадиган ташкилотга айланганлиги, шунингдек, бундай маҳсус механизмлардан фойдаланиш билан боғлиқ сиёсий муроҳазалар сабабли инсонийлик мезонлари механизми камдан-кам ҳолатларда қўлланилади. ЕХХТ аввалги йилларда қўллаб келган “конференциявий” ёндашишлардан чекинди ҳамда иштирок этувчи давлатларга ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришларига ёрдам кўрсатиш учун қатор доимий институтларни ташкил этди. Ушбу институтлар тобора муҳим роль ўйнамоқда.

ЕХХТ мажбуриятларини ҳар бир иштирокчи давлатнинг миллий даражасида бажариш уларнинг ички масалаларини ҳал этишни ҳисобга олиш орқали содир бўлади. Ушбу мажбуриятлар мазкур мамлакатларнинг қонуншунослари учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўтайди, бунда ана шу мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган қонунлар мазмунини белгилаб беради. Мамлакатни бошқариш органлари, миллий трибуналлар ва маъмурлар мавжуд нормалар, шу жумладан, ҳуқуқларни қўллашда ушбу мажбуриятларни эътиборга олишлари керак.

ЕХХТ доирасида ЕХХТ мажбуриятлари бажарилишини назорат қилишнинг тобора такомиллаштириб борилаётган тизими яратилган. Ушбу тизим инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган тартиблардан қисман фарқ қилган ҳолда амал қиласди. ЕХХТ тартибларини амалга ошириш, жумладан, катта эгилувчанлик хусусиятига эга, аммо буни тизимнинг самарадорлигига тенглаштирасмаслик лозим.

ЕХХТ стандартларининг хусусиятли унсури кўпгина қабул қилинган мажбуриятларнинг жуда батафсиллигидир. Шу жиҳатдан ННТ фаолиятининг шароитлари, шунингдек, фикр билдириш эркинлиги, кўчиб юриш эркинлиги ва бошқа принциплар билан боғлиқ мажбуриятлар бунга яхши мисол бўла олади. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик назоратининг ривожлантириш соҳасидаги кўп сонли ҳужжатларини шартли равишда бир неча гурухларга бўлиш мумкин.

### **Биринчи гуруҳ — ноҳукумат ташкилотлари ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг мақомига тааллуқли стандартлар**

ЕХХТнинг қатор ҳужжатларида (1975 йилги Хельсинки Якунлоовчи ҳужжати, Вена, Копенгаген, Москва учрашувлари ҳужжатлари ва бошқалар) ЕХХТда иштирок этувчи давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги ахборотни тарқатиш, инсонийлик мезонлари соҳасидаги шароитларни кузатиш мақсадидаги ноҳукумат ташкилотларининг самарали фаолияти масалалари бўйича мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган.

ЕХҲТНИНГ НОҲУКУМАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ  
МАҚОМИ БЎЙИЧА СТАНДАРТЛАРИ

### **1. 1975 йилги Хельсинки яқунловчи ҳужжати**

(Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1. (a) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларда амал қиласиган принциплар декларацияси — VII принцип)

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг умумий аҳамиятини тан олади (...) Улар шахсларнинг ушбу соҳадаги ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини билиш ҳуқуқини ва уларга мувофиқ иш кўришини тасдиқлайди (...)

Улар ташкилотлар ва одамлар ўзларининг ҳамкорлиги ушбу мақсадларга эришишга кўмаклашишда тегишли ва ижобий роль ўйнаши мумкинлигини тасдиқлайдилар (...)

### **2. 1989 йилги Вена учрашувининг яқунловчи ҳужжати**

(Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: принциплар)

(12) иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини самарали амалга оширишни кафотлатлашга ўзларининг қатъиятларини ифодалайди (...)

(13) шу муносабат билан улар қўйидагиларни қиласи: (...)

(13.4) шахсларнинг ушбу соҳада ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиши ҳамда уларга мувофиқ иш кўришини самарали таъминлаш ва шу мақсадда инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига тааллуқли барча қонунлар, маъмурий қоидалар ва тартибларни эълон қиласидар ва бундан фойдаланиш имкониятини яратадилар.

(13.5) ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мустақил ёки бошқалар билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантиришни ҳимоя қилишга фаол ҳисса қўшиш;

(13.6) мактаблар ва бошқа таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш масалаларини рағбатлантириш, муҳокама қилиш (...);

(13.9) ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бузилганлиги тўғрисида билдирганларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали воситалари билан, шунингдек, улар тўғрисидаги тўлиқ ахборотдан хабардор бўлишини таъминлаш; улар, жумладан, қўйидаги ҳуқуқий воситаларини самарали қўллайди:

- шахсларнинг ижроия, қонун чиқарувчи, суд ёки маъмурий органларига шикоят қилиш ҳуқуқи;

- мустақил ва холис судда оқилона муддатларда адолатли ва ошкор текширилиши, шу жумладан, ҳуқуқий далилларни келтириш ва ўз танловига құра адвокатининг бўлиши ҳуқуқи;
- ҳар қандай шикоят, шу жумладан, қарор асосланган ҳуқуқий асослар тўғрисидаги қарорлардан тез ва расман хабардор бўлиш ҳуқуқи. Ушбу ахборот, қоида бўйича, ёзма шаклда ва ҳар қандай ҳолатда шахсга бошқа ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятини берадиган тарзда тақдим этилади (...).

(26) (...) шу мақсадда шахсларнинг Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХҚ) ҳужжатлари қоидаларини бажаришга ёрдам бериш ва кузатиш ҳамда шу мақсадда бошқаларга қўшилиш ҳуқуқини хурмат қилади. Улар ушбу шахслар, иштирок этувчи давлатдаги ташкилотлар ва муассасалар ҳамда иштирок этувчи давлатлар ўртасида бевосита алоқаларни енгиллаштиради ва ЕХХҚ ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ келмайдиган қонунчиллик ва маъмурӣ тўсиқларни бартараф этади. Улар, шунингдек, ЕХХҚ ҳужжатлари қоидалари бажарилиши тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши ҳамда ушбу масалалар бўйича фикрларини эркин ифода этишини енгиллаштириш мақсадида самарали чоралар кўради.

### **3. 1990 йилги Копенгаген кенгashi ҳужжати**

[Иштирок этувчи давлатлар] ўзлари ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг фаол иштирок этиши уларнинг умумий мақсадлар сари мунтазам илгарилаб боришини таъминлаши учун жиддий жиҳатдан зарурлигини тан олади (...)

(10) алоҳида шахснинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини билишни ва уларга мувофиқ иш кўришни ҳамда мустақил ёки бошқалар билан биргалиқда уларни ривожлантириш ва ҳимоя қилишга фаол ҳисса қўшишни самарали таъминлаш мажбуриятини тасдиқлаган ҳолда иштирок этувчи давлатлар ўзларининг қуйидаги мажбуриятлари тўғрисида баён этади:

(10.1) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги фикрларни ва ахборотни ҳар бир шахснинг мустақил ёки бошқалар билан биргалиқда сўраш, олиш ва узатиш, шу жумладан, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш, айни пайтда бундай фикрлар ва ахборотларни тарқатиш ва эълон қилиш ҳуқуқини хурмат қилиш;

(10.2) ҳар бир шахснинг биргалиқда ёки бошқалар билан биргалиқда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига амал қилишни ўрганиш ва муҳокама қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларга амал этишини таъминлашнинг янада мукаммал воситалари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини яхшилашга нисбатан ўз мuloҳазаларини тайёrlаш ва муҳокама этиш;

(10.3) алоҳида шахсларга уюшиш ҳуқуқини, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга интилаётган ноҳукумат ташкилотларининг, шу жумладан, касаба уюшмалар ҳамда инсон ҳуқуқларига амал қилиш устидан қузатиш бўйича гуруҳларини ташкил қилиш, уларга қўшилиш ва уларда самарали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга рухсат берилишини таъминлаш;

(10.4) бундай гуруҳлар ва ташкилотлар аъзоларига ўз мамлакатларида ва унинг ташқарисидаги шу каби органлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқа ушлаб туриш, фикрлар алмашиш, ҳамкорлик қилиш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадларида қонунда кўзда тутилганидек миллий ва халқаро манбалардан кўнгилли молиявий бадаллар олишни сўраш, олиш ва фойдаланиш.

#### **4. 1990 йилги Янги Европа учун Париж хартияси**

*(Демократия, тинчлик ва бирликнинг янги аспи)*

Биз ноҳукумат ташкилотлари, диний ва бошқа гуруҳлар ҳамда алоҳида шахслар ЕХҲК мақсадларига эришишда муҳим роль йўнашини эслатиб, бундан буён ҳам уларнинг иштирок этувчи давлатлар томонидан ЕХҲК бўйича мажбуриятларини бажаришга йўналтирилган фаолиятига кўмаклашамиз. Ушбу ташкилотлар гуруҳлар ва алоҳида шахслар ўзларининг муҳим вазифаларини бажаришлари учун ЕХҲК фаолиятига ва янги тузилмаларга зарур тарзда жалб этилган бўлишлари керак.

#### **5. 1991 йилги Москва кенгашининг ҳужжати**

Иштирок этувчи давлатлар (...) инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўзларининг барча мажбуриятларини бажариш ва улар билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни шахсан ёки биргаликда ўзаро хурмат ва ҳамкорлик асосида тинч воситалар билан ҳал қилиш қатъиятини баён этади. Шу маънода улар алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг фаол иштирок этиши ушбу йўналишда мунтазам равишда олфа силжишни таъминлаш учун мутлақ муҳимлигини тан олади (...)

(43) иштирок этувчи давлатлар ННТ сифатида тегишли миллий тартибларга мувофиқ ўзларини шундай деб эълон қилган ташкилот сифатида тан олади ва бундай ташкилотларнинг ўз худудларида эркин фаолиятни амалга ошириш учун шароитлар яратишга кўмаклашади; шу мақсадларда улар қўйидагиларни қиласди;

(43.1) ННТ ҳамда тегишли миллий органлар ва давлат муассасалари ўртасида алоқа ўрнатиш ва фикр алмашиш учун шароитларни янада яхшилаш имкониятларини излашга интилади;

(43.2) инсонийлик мезонлари соҳасидаги шароитларини қузатиш мақсадида ҳар қандай иштирок этувчи давлат ноҳукумат ташкилотларини ўз мамлакатларида бўлишларига кўмаклашишга интилади;

(43.3) ННТ фаолиятини, жумладан, ЕХХҚ доирасида инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни бажаришни текшириш бўйича фаолиятини маъқуллайди;

(43.4) ННТнинг ЕХХҚ инсонийлик мезонлари доирасидаги муҳим роли туфайли уларга ўз ҳукуматларига ва бошқа иштирок этувчи давлатларнинг ҳукуматларига ЕХХҚ инсонийлик мезонлари соҳасидаги келажақдаги фаолияти пайтида фикрларини билдириш имкониятини тақдим этади;

(43.5) ЕХХҚ инсонийлик мезонлари соҳасидаги келажақдаги фаолияти давомида ННТга ЕХХҚ инсонийлик мезонларининг аниқ муаммолари бўйича ёзма иловаларни барча делегатлар ўртасида тарқатиш имконияти берилади;

(43.6) ЕХХҚ Котибияти ННТларнинг ўзларига ЕХХҚ умумий тарқатиладиган ҳужжатларини тақдим этиш тўғрисидаги илтимосларини ўзларидаги мавжуд ресурслар доирасида қондиради.

## **6. 1992 йилги Хельсинки учрашувининг Якунловчи ҳужжати**

*(Қарорлар: халқаро ташкилотлар билан муносабатлар, иштирок эттамётган давлатлар билан муносабатлар, ноҳукумат ташкилотларининг роли (ННТ)*

(14) Иштирок этувчи давлатлар ноҳукумат ташкилотларининг ЕХХҚ фаолиятида янада фаолроқ иштирок этишлари учун имконият яратади.

(15) Улар қўйидагиларни амалга оширади:

- ЕХХҚнинг барча учрашувларида ННТнинг ЕХХҚ муайян учрашувларида бўлишга тааллуқли аввал келишилган дастурамал принципларини қўллайди;
- ННТга ЕХХҚнинг шарҳлар, семинарлар, амалиётлар ва учрашувлар бўйича конференцияларининг барча мажлисларида, иқтисодий форум сифатида тўпланадиган, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқиш бўйича кенгашларда ва эксперталарнинг бошқа кенгашларида иширок этишни тақдим этади. Бундан ташқари ҳар бир учрашувда ННТнинг айрим бошқа мажлисларда иштирок этишлари тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин;
- ЕХХҚ институтларининг директорларига, ЕХХҚ учрашувларининг ижрочи котибларига ўз ходимлари орасидан “ННТ билан алоқа учун масъул”ни тайинлаш тўғрисида кўрсатма беради;
- заруратга қараб ўз Ташқи ишлар вазирлиги ходимларидан бирини ва ЕХХҚ учрашувларида ўз делегациялари аъзоларидан бирини ННТ билан алоқа учун масъулни тайинлайди;

- ЕХХҚ учрашувлари ўртасидаги даврда ННТ билан тегишли миллий органлар ва ҳукумат муассасалари ўртасида алоқаларни ва фикрлар алмашинувины ривожлантиради;
- ЕХХҚ учрашувлари пайтда игштирок этувчи давлат ва ННТ вакиллари ўртасида норасмий муҳокама қилиш учун мажлислар ўтказилишига кўмаклашади. ННТларнинг ЕХХҚ институтлари ва учрашувларига ёзма тақдимотларини жўнатишни рағбатлантиради, уларнинг номланиши сақланиши ва иштирок этувчи давлат сўровига мувофиқ тақдим этилиши мумкин;
- ЕХХҚ билан боғлиқ масалалар бўйича семинарлар ташкил этадиган ННТни кўллаб-қувватлади;
- ЕХХҚ институтлари орқали ННТни ЕХХҚ бўлажак учрашувлари муддатлари тўғрисида хабардор қилиб, имконияти бўлган ҳолатларда муҳокама қилиш учун саволларни кўрсатиб ва сўров бўлган ҳолатларда ЕХХҚ механизмлари ишлатилган ҳолатлар тўғрисида барча иштирок этувчи давлатларга маълум қилингандан ахборотни тақдим этади.

(16) Юқорида келтирилган қоидалар зўравонликни кўллаётган, шунингдек, террорчиликни ёки зўравонлик қилишни очиқ рағбатлантираётган шахслар ёки ташкилотларга нисбатан қўлланмайди.

## **7. 1999 йилги Истамбул ҳужжати**

*(Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умуний жавобимиз)*

27. Ноҳукумат ташкилотлари (ННТ) инсон ҳуқуqlари, демократия ва қонун устунлигини қарор топтиришга кўмаклашишда фавқулодда муҳим роль ўйнаши мумкин. Улар кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Биз ННТда мавжуд имкониятларни кенгайтириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга ҳамда инсон ҳуқуqlари ва асосий эркинликларни таъминлашга ўзимизнинг тўлиқ ҳиссамизни қўшиш учун ваъда берамиз.

## **8. 2010 йилги Остона юбилей декларацияси**

6. (...) Биз инсон ҳуқуqlари, асосий эркинликлари, демократияни, шу жумладан, эркин ва ҳалол сайловларни ҳамда қонун устунлигини ҳурмат қилишни тўла ҳажмда таъминлашда бизга ёрдам бераётган фуқаролик жамияти ва эркин ОАВ ўйнаётган муҳим ролни қадрлаймиз.

## **Иккинчи гурӯҳ — ЕХХТнинг бевосита инсонийлик мезонларига тааллуқли бўлган институтлари/тузилмалари мақомига тааллуқли стандартлар**

ЕХХТнинг ушбу соҳадаги стандартлари иштирок этувчи давлатларнинг инсонийлик мезонлари масалалари бўйича, ЕХХТ тузилмалари (Миллий озчиликни ташкил этувчилар ишлари бўйича Олий комиссар, ЕХХТ, ОАВ эркинлиги масалалари бўйича Вакил ва бошқалар), шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ЕХХТнинг

кенгашларида иштирок этиш масалалари бўйича иштирок этувчи давлатларнинг мажбуриятларини белгилайди.

## **ЕХХТНИНГ ИНСОНӢЛИК МEZONLARI SOҲASIDAГI ИNSTITUTLARI MAҚOMI МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЕХХТ СТАНДАРТЛАРИ**

### **1. 1999 йилги Истамбул ҳужжати**

(Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

14. (...) Биз шахсий тартибда ўзимиз қабул қилган мажбуриятларни тўла бажариш бўйича ўз ниятимизни тасдиқлаймиз, биз, шунингдек, ЕХХТ принципларини ҳимоя қилиш учун биргаликда масъулмиз, шунинг учун биз ЕХХТ доирасида, шунингдек, унинг институтлари ва вакиллари билан ҳамкорлик қилиш қатъиятидамиз... Биз ижро этиш масалаларини кўриб чиқишда доимий асосда бирдамлик ва шериклик руҳида ҳамкорлик қиласиз.

### **2. 2010 йилги Остона юбилей декларацияси**

5. (...) Биз ЕХХТ Котибияти, Миллий озчиликни ташкил қилувчилар ишлари бўйича Олий комиссар, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро ҳамда ОАВ Эркинлиги масалалари бўйича Вакил, шунингдек, ЕХХТнинг жойлардаги тузилмалари — уларнинг мандатларига мувофиқ — иштирок этувчи давлатларга ўзларининг ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларини бажаришга кўмаклашиш бўйича олиб бораётган муҳим ишларини таъкидлаймиз. Биз ЕХХТнинг Парламент Ассамблеясида ҳамкорликни фаоллаштириш қатъиятидамиз ва унинг ЕХХТ барча минтақаларида ва иштирок этувчи давлатларда хавфсизлик ҳамда фаровонликни ошириш, шунингдек, иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончини кучайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини рағбатлантирамиз (...)

### **3. 1990 йилги Копенгаген кенгашининг ҳужжати**

(3) [Иштирок этувчи давлатлар] демократия ҳуқуқий давлатнинг ажралмас унсури эканлигини тасдиқлайди. Улар сиёсий ташкилотларга нисбатан плюрализмнинг муҳимлигини тан олади.

(4) Улар бир-бирларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ эркин танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқларини ҳурмат қилишларини тасдиқлайди. Улар ушбу ҳуқуқни амалга оширап экан, ўзларининг қонунлари, маъмурий қоидалари амалиёти ва сиёсати ўзларининг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлари билан мувофиқлаштирилишини ва Принциплар декларацияси қоидалари ҳамда ЕХХТнинг бошқа мажбуриятлари билан уйғуналашишини таъминлайди.

(26) Иштирок этувчи давлатлар ҳаётбахш демократия миллий ҳаётнинг таркибий қисми сифатидаги демократик қадриятлар ва амалиёт, шунингдек, демократик институтларнинг кенг доираси мавжуд бўлишига боғлиқлигини тан олади. Шунинг учун улар ўзлари ўртасида ҳамда алоҳида шахслар, гурухлар ва ташкилотлар ўртасида бевосита алоқалар ва ҳамкорликлар доирасида биргалиқдаги амалий саъй-ҳаракатларни ва ўзлари ўртасида ахборот, ғоялар ва тажриба алмашишни рағбатлантиради, енгиллаштиради ва мақсадга мувофиқ бўлганда қўллаб-қувватлайди. Бу қуйидагиларни қамраб олади:

- Конституциявий ҳуқуқ, ислоҳотлар ва ривожланиш;
- сайловлар тўғрисидаги қонунчилик, сайловларни ўтказиш ва уларни кузатиш;
- судлар ва ҳуқуқий тизимларни яратиш ва уларни бошқариш;
- ҳолис ва самарали давлат хизматини ривожлантириш, унинг доирасида ишга қабул қилишда ва хизматда қўтарилишда ходимларнинг шахсий фазилатларини ҳисобга олиш тизимиға асосланиш;
- қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш;
- маҳаллий бошқариш ва номарказлаштириш;
- ахборотдан фойдаланиш ва уларнинг маҳфийлигини таъминлаш;
- шакланаётган сиёсий партиялар ва уларнинг глоралистик жамиятлардаги роли;
- Эркин ва мустақил касаба уюшмалари;
- ширкатчилик ҳаракати;
- жамият манфаатларини кўзлайдиган эркин ассоциациялар ва гурухлар бошқа шаклларини ривожлантириш;
- журналистика, мустақил оммавий ахборот воситалари, интеллектуал ва маданий ҳаёт;
- таълим муассасаларида демократик қадриятлар, институтлар ва амалиёт тўғрисидаги билиmlарни ўқитиш, шунингдек, эркин билим эгаллаш мухитини таъминлаш.

Бундай саъй-ҳаракатлар ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари доирасидаги ҳамкорлик кўламларини, шу жумладан, ахборот, китоблар ва ўқув материаллари билан айрибошлишни, биргалиқдаги дастурлар ва лойиҳаларни, илмий ва професионал айрибошлиш ва конференцияларни, стипендиялар, имлий тадқиқотлар учун субсидияларни, эксперт билимлари ва маслаҳат хизматларини тақдим этишни, амалий ва илмий алоқалар ва дастурларни қамраб олиши мумкин.

(27) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлиги соҳасидаги мустақил миллий институтларни ташкил этиш ва мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беришлари мумкин. Улар, шунингдек, иштирок этувчи давлатларда бундай институтлар ўртасида мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик марказлари сифатида иш кўришлари мумкин. Улар иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиришни, шу жумладан, мавжуд парламентлараро ассоциациялар ва жумладан, биргалиқдаги комиссиялар, телевиденияда парламент аъзолари иштирокидаги

баҳс-мунозаралар, учрашувлар ва давра сұхбатидаги мұхокамалар орқали рағбат-лантиришиңи таклиф этади. Улар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Кенгашы тизими ташкилотлари каби мавжұд мұассасаларни уларнинг ушбу соңда бошлаган ишларини давом эттириш ва көнгайтиришга рағбатлантиради.

**ЕХХТнинг фуқаролик жамияты билан ўзаро иш күриш масалалари бўйича стандартлари, жамоатчилик назоратининг халқаро ва миллий назорат институтларининг таҳлили қуйидаги фарқланадиган нарсаларни таъкидлаш имкониятини беради:**

**Биринчидан,** ЕХХТ анжуманларидаги доимий мұхокамалар доирасида фуқаролик жамияты билан ўзаро ҳамкорлик соңасида қатор аниқ принциплар ишлаб чиқилган. Жумладан, ҳуқуматлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатишига кўмаклашиш учун ЕХХТнинг бирлашиш эркинлиги бўйича, ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳимоя қилиш бўйича дастурамал принциплар ишлаб чиқилган. Дастурамал принциплар ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар ва фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида ҳар тарафлама ва очиқ мулокот ўтказиш мақсадларида жамоатчилик бирлашмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнида шаффоффлик билан, адолатли ва тенг иштирок этишларини таъминлашга даъват этилган;

**Иккинчидан,** ЕХХТнинг стандартларида фуқаролик жамияты институтларининг, шунингдек, давлат ҳокимияти органларига сиёсатининг ва уни амалга оширишининг таъсирини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши мумкинлиги таъкидланади. Бундан ташқари, қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш жамоатчилик, айниқса фуқаролик жамияты, шунингдек, манфаатдор томонлар ва иштирокчиларнинг манфаатига тааллуқли бўлган ёки бўлиши мумкин сиёсат ва қонунчilikни ишлаб чиқишида уларнинг иштирок этишлари имкониятини англатади;

**Учинчидан,** фуқароларнинг самарали иштирок этиши ва қарорлар қабул қилишининг шаффофф жараёни сиёсий ва қонунчilik даражасида қабул қилинаётган қарорлар сифатини оширишга ёрдам беради, уларнинг муваффақиятли амалга ошириш имкониятларини көнгайтиради ва жамоатчиликнинг давлатга ишончини оширишга хизмат қиласи. ЕХХТнинг ҳужжатлари ваколатли демократия ва қарорлар қабул қилишининг очиқ шаффофф жараёни самарали ва мунтазам мулокотни ҳамда бирлашмаларнинг давлат ҳокимияти органларининг сиёсати ва амалиётини, шунингдек, қонунлар ва қонунчilikкага ўзgartiriшларни ишлаб чиқиш ва таҳлил этишда иштирокини қамраб олиши кераклигини уқтиради. Жумладан, қарорлар қабул қилишининг очиқ ва шаффофф жараёни манфаатлари, биринчи навбатда, мұхокама қилинаётган сиёсий ва қонунчilik қарорларига боғлиқ бўлган фуқаролар бирлашмаларининг самарали ва чинакам иштирок этишига олиб келиши керак;

**Тўртинчидан,** жамоатчилик ишлари олиб боришга иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, давлат ҳокимияти органларини танқид қилиш ҳамда улар фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар билдириш ғамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини илгари суриш, ҳимоя қилиш ёки амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин

бўлган фаолиятларини ҳар қандай жиҳатларига эътиборни жалб қилиш хукуқини ҳам назарда тутади. ЕХХТ стандартларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг органлари, шунингдек, давлат органларининг иши устидан назоратни амалга оширишга жамоатчилик бирлашмаларини ҳам фаол жалб қилишлари шарт.

### **Назорат саволлари:**

1. ЕХХТнинг “инсонийлик мезонлари” нимани англатади?
2. ЕХХТ стандартлари мониторинги бўйича Вена механизмининг қандай фарқунаидиган хусусиятлари мавжуд?
3. ЕХХТ стандартлари мониторинги бўйича Москва механизмининг қандай фарқунаидиган хусусиятлари мавжуд?

## **§ 3. Қонунлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг чет эл тажрибаси**

АҚШда ва Фарбий Европанинг ривожланган мамлакатларида XIX–XXI асрлар бошлиридаги ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш таҳлили буни амалга оширишнинг муайян воситалари бўлғанлигидан далолат бермоқда. Жамоатчилик назорати воситалари деганда фуқаролар томонидан ҳокимият фаолияти устидан ўз назоратини амалга оширишда қўллайдиган хатти-ҳаракатлари ёки хатти-ҳаракатлари тизмини тушуниш лозим.

Жамоатчилик назорати иккита асосий воситалар — фуқароларнинг тўғридан-тўғри (бевосита) иродасини ифода этиш ҳамда тўғридан-тўғри бўлмаган (ваколатли) топшириклари бўйича иш олиб борадиган фуқаролар томонидан сайланган органлар орқали амалга оширилади.

Жамоатчилик назоратининг бевосита ва ваколатли воситалари амалга оширилишининг турли шакллари мавжуд. Жамоатчилик назоратини бевосита амалга оширишда фуқаролар иродаси қўйидаги шакллар орқали тўғридан-тўғри амалга оширилади:

- фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши;
- журналистлар текширувлари;
- петициялар — фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига шахсий ёки жамоавий мурожаатлари;
- фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқароларнинг йиғилишлари ва йиғинлари, ошкоравий эшитишлар орқали иштирок этиши;
- жамоатчилик фикрини шакллантирадиган ва ҳокимиятга таъсир кўрсатадиган илмий-тадқиқот, публицистика ва бадиий асарлар;
- қонунлар лойиҳалари ва давлат фаолиятининг бошқа муҳим масалаларини ошкора муҳокама қилиш;

- ҳалқнинг қонунчилик ташаббуси;
- қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси;
- одил судловни амалга оширишда иштирок этиш.

Тўғридан-тўғри бўлмаган — фуқароларнинг назорат қилишнинг ваколатли воситалари ўз шаклларига эга. Уларга парламент назорати, минтақанинг (штат, худуд, вилоят) қонунчилик органини назорат қилиш ҳамда маҳаллий ўзини бошқариш ваколатли органини назорат қилиш киради.

### **Давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш**

**Давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш** тўғридан-тўғри жамоатчилик назоратининг энг муҳим шакли ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳокимият фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ўз вақтида хабардор бўлиши уларнинг инсон ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, самарали бошқариш, давлат хизматларини сифатли кўрсатишни таъминлаш мақсадида унга таъсир кўрсатишга қодирилигига боғлиқдир.

Фуқароларнинг давлат органлари ахборотларидан фойдаланиш имконияти принципининг қарор топтиришини бошлаган жаҳондаги биринчи мамлакат **Швеция** бўлди. У 1766 йилда нашрларнинг эркинлиги тўғрисидаги қонунни қабул қилган. Бу хужжат 1812 йилда матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонунга айлантирилган. Ушбу қонун расмий хужжатлардан фойдаланишни сўраган ҳар бир фуқарога улар дарҳол ва бепул тақдим этилишини талаб қиласди. Давлатнинг ижроия ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари фуқароларнинг сўровларига дарҳол жавоб тақдим этиши керак. Ҳокимиятнинг ҳар бир органи расмий хужжатларнинг рўйхатини олиб боришлари шарт. Бу рўйхатлардаги кўпчилик хужжатлардан фуқаролар ва уларнинг институтлари фойдалана олади.

Ҳозирги пайтда ушбу рўйхатларнинг электрон туридан фойдаланиш мумкин. Бунда хужжатларни рўйхатга олишнинг тўртта истисно қоидаси мавжуд. Биринчи истисно — ҳокимият органлари фаолияти учун у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмаган хужжатлардир. Иккинчиси — бу маҳфий бўлмаган ҳамда улар олинган ёки яратилганлиги равshan бўлиши ҳолатида сақланадиган хужжатлардир. Учинчisi — давлат сири тушунчасига тааллуқли бўлган хужжатлардир. Ниҳоят, тўртинчи истисно — электрон турда бўлган, рўйхатга киритилган ва фойдаланиш мумкин бўлган тушунчага тааллуқли хужжатлардир.

Швециянинг ижроия ҳокимият фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича тажрибасидан **Финляндия**да кенг фойдаланилди. 1951 йилда Финландиянинг парламенти “Расмий хужжатларнинг ошкоралиги тўғрисида”ги қонунни маъқуллadi. 1999 йилги “Хукумат фаолиятини очиқлиги тўғрисида”ги, 2001 йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасидаги электрон хизматлар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда 2000 йилда Конституцияга киритилган тузатишлар туфайли фуқароларнинг ахбо-

ротдан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши жамоатчилик назоратини фаолаштиришни таъминлади.

“Хўкумат фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун ҳокимият органларида ва давлат функцияларини бажараётган хусусий ташкилотлардаги жамоатчилик манфаатларига тааллукли ҳар қандай расмий хужжатдан фуқароларнинг фойдаланиш ҳукуқининг асосини таъминлади. Фуқаролар ва корпорацияларнинг ҳокимият органлари фаолияти устидан кузатиш имкониятини таъминлаш, фикрларни эркин шакллантириш, давлат ҳокимиятига сиёсатини амалга оширишга таъсир кўрсатиш ҳамда ўзининг ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ушбу қонуннинг мақсади ҳисобланади.

Қонун фуқароларнинг хужжатлардан фойдаланиш ҳукуқини амалга оширишнинг барча тартибларини: хужжатдан фойдаланиш сўрови, фойдаланишни тақдим этиш тўғрисидаги қарор, сўровни ҳокимиятнинг бошқа органига узатиш, фойдаланиш турларини ўрнатади. Қонунга мувофиқ, ахборотни сўраётган фуқаролар бу сўровларини асослилигини тушунтиришлари шарт эмас. Сўровларга жавоблар 14 кун ичida тақдим этилиши керак. Қонун давлат ҳокимияти органларига фуқароларни ўз фаолиятидан хабардор қилиш мажбуриятини юклайди. Бунинг учун улар ўз фаолиятининг асосий йўналишларини, ҳисботларини, статистика маълумотларини эълон қилишлари керак. Ҳукумат мажлислари жамоатчилик учун очиқдир. Барча ҳукумат департаментлари ўзларининг веб-саҳифаларига эга ва электрон ҳукумат стандартларини амалга оширади.

2001 йилда Финляндия “Давлат бошқаруви соҳасида электрон хизматлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилган жаҳондаги дастлабки давлатлардан бири ҳисобланади. Ушбу қонуннинг асосий мақсади давлат бошқаруви хизматлари фаолиятининг масъулияти, тезкорлиги ва асослилигини оширишdir. Қонун давлат бошқаруви органлари ва электрон хизматлар соҳасидаги мижозларининг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти тўғрисидаги қоидаларга эга.

Етарли техникавий, молиявий ва бошқа ресурсларга эга бўлган ҳокимият органлари ва идоралари фуқароларга электрон хабарларни уларнинг ўзлари учун энг қулай бўлган тарзда: кўрсатилган электрон манзилларга жўнатиш ёки масалани ҳал этишнинг бошқа механизмидан фойдаланиш имкониятини таклиф этишлари керак. Бундан ташқари, маъмурлар фуқароларга билдиргилар, ҳисобварақлар, бошқа шу каби ҳужжатлар ва маълумотларни электрон етказиб беришни танлаш имкониятини тақдим этишлари керак. Ҳокимият органлари ўз қарорларини электрон имзо орқали расмийлаштиришлари мумкин.

Ҳозирги пайтда Финляндияда барча идораларнинг 90% дан кўпроғи фуқароларга ўз хизматларини Интернет орқали тақдим этади. Ушбу хизматлар буюртмалар ва сўровлар, ҳукуқий ҳужжатларни тақдим этиш, фуқароларнинг миллий лойиҳаларда иштирок этиш тўғрисида, бўш иш жойлари, таълим олиш имкониятлари ва бошқа хизматлардан хабардор қилиш билан боғлиқдир.

Финляндиянинг фуқаролари Интернет тизими ёрдамида Адлия вазирлиги ўз сайтида эълон қилиб борадиган барча қарорлар, норматив ҳужжатлар, Финляндиянинг ҳуқуқий қарорлари ва давлат битимларини назорат қилишлари мумкин. Шуниси эътиборга моликки, давлат сайтларида жойлаштирилган барча материаллар, қонунлар ва бошқа расмий ҳужжатлардан фуқаролар бепул фойдаланади.

**Буюк Британия**нинг фуқароларнинг ҳокимиият фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланиш учун яратган шароитлари эътиборга молик. Буюк Британияда 2000 йилда “Ахборот эркинлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қонун ҳар бир фуқарога давлат ҳокимиияти органлари иҳтиёрида бўлган ахборотдан фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Фуқаролар сўровига давлат органлари 20 кун мобайнида жавоб беришлари керак. Ахборот тақдим этишнинг уч истисно этиш тушунчаси кўзда тутилган. Улар: суд ҳужжатлари, шунингдек, шахсий ахборотнинг кўпчилиги; хавфсизлик хизмати, разведканинг маҳфий хизматига тааллуқли ҳужжатлар; маҳфий олинган ахборотлардан иборатdir.

**Ноҳукумат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши** Кўпгина Европа мамлакатларида ноҳукумат ташкилотлари ҳам ҳукумат, ҳам парламент билан маслаҳатлашув жараёнида бевосита иштирок этади. Кўпчилик мамлакатларда парламентнинг ноҳукумат ташкилотлари билан муносабатларини, жумладан, уларнинг қонунларни яратиш жараёнига ҳиссасини тартибга соладиган расмий қоидалар мавжуд эмас. Бироқ, қоида бўйича, бошқа ташкилотларнинг қонунчилик жараёнида иштирок этишини тартибга соладиган кўплаб бошқа воситалар мавжуддир. Улар, асосан, парламент регламенти нормаларида тақдим этилган. Лекин қатор мамлакатларда уларни айрим қонунларда, жумладан, ахборотдан фойдаланишни ёки ижтимоий шериклик муносабатларини тартибга соладиган қонунларда топиш мумкин.

Парламентда ҳамкорликнинг одатдаги институционал шакли ННТ масалалари билан шуғулланадиган ихтисослашган қўмиталар ҳисобланади. Масалан, **Венгрия**да 1990-йиллар бошидан бери фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-куватлаш бўйича парламент қўмитаси мавжуд. Учинчи сектор фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликни шакллантириш бўйича фаолиятни амалга оширади. Бундан ташқари, Венгрияда ахборот маркази ролини бажарадиган, ННТ маълумотлар базасини олиб борадиган, уларни қизиқтирадиган соҳалардаги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш режалари тўғрисидаги ахборотни жўнатадиган, ННТ сўровларига жавоб берадиган, ННТнинг турли қўмиталар мажлисларида иштирокини ташкил этадиган парламентнинг Куйи палатаси мавжуд.

**Германия**да Оила, кекса ёшдаги фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича қўмита (Фуқаролар фаоллиги кичик қўмитаси) 2003 йил майда ташкил этилган. Унинг вазифаси — Германия фуқаролик жамиятини йирик тадқиқ қилиш тавсияларини бажаришга қўмаклашиш ҳамда ўз соҳасидаги қонун лойиҳалари ва ташабbusларини муҳокама қилишдир.

Масалан, **Буюк Британия**да ушбу соҳада қўлланиладиган, қонун билан ўрнатилган бирорта қоида мавжуд эмас. Лекин Буюк Британия парламентининг Қуий палата-сида ҳукумат сиёсатини, шу жумладан, қонунчилик бажарилишини дикқат билан ўрганадиган қатор қўмиталар мавжуддир. Бу сайлаб қўйиладиган қўмиталардир. Улар Ички ишлар вазирлиги ва ҳоказолар қаби асосий ҳукумат идораларининг ҳар бирида биттадан ташкил этилган. Парламент қўмиталарининг бошқа бир грухи — доимий комиссиялар қонунчиликнинг Қуий палатаси орқали ўтишини синчиклаб назорат қиласди.

Сайлаб қўйилган қўмиталар баъзан ҳукумат томонидан таклиф этилган қонунчилик лойиҳаларини синчиклаб текшириб чиқади ҳамда қонун лойиҳаси етарли даражада яхшилиги ва сиёсат мақсадларга мувофиқлиги тўғрисида ўз шарҳларини тақдим этади. Улар, шунингдек, ҳукумат сиёсати бажарилиши тўғрисидаги фикрларни билиш учун гувоҳларни чақиради. Ноҳукумат ташкилотлари кўпинча сайлаб қўйилган қўмиталар олдида шахсан ва ёзма шаклда гувоҳлик бериш истагини билдиради. Масалан, Фуқаролик кенгашлари бюросининг Миллий ассоциацияси (National Association of Citizens Advice Bureaux) кўпинча ижтимоий сиёсат масалалари бўйича гувоҳлик беради. Миллий трест (National Trust) экология масалалари бўйича гувоҳлик тақдим этади.

**Словения**да парламент билан ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар парламент билан фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар сифатида белгиланади. Фуқаролик жамиятини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири ноҳукумат ташкилотлари ҳисобланади. Фуқаролик жамияти улар орқали парламентда, яъни қонунчилик фаолиятида манфаатдорлар сифатида иштирок этиши мумкин. Славения Республикаси Миллий кенгашининг тартиблари парламентнинг фаолияти омма учун очиқдир. Миллий кенгаш агар ўзи ёки ишчи органи маҳфий муаммоларни муҳокама қилмаётган бўлса, оммага ўз фаолияти, қарорлар ва муҳокама қилинаётган муаммолар бўйича фикрларини маълум қиласди. Миллий кенгаш ва унинг ишчи органлари учрашувлари омма учун очиқдир. Тартиб қоидалари масъул орган унга фуқаролик жамияти томонидан йўлланган барча тақлифлар, ташабbusлар ва масалалар тўғрисида маълум қилиши кераклигини кўзда тутади. Фаолияти бевосита муҳокама мавзууси билан боғлиқ бўлган муассасаларнинг вакиллари, шунингдек, экспертлар ва манфаатдор омма вакиллари кун тартибида турган айрим бандларни муҳокама қилиш учун ишчи органидаги учрашувга тақлиф қилиниши мумкин. Улар бу ерда муҳокама қилинаётган муаммо тўғрисида ўз фикрлари ва нуқтаи назарларини тақдим этишлари ва тушунтиришлари мумкин.

**Словакия**да омма ва ноҳукумат ташкилотларининг қонунчилик жараёнидаги ҳолатини тартибга соладиган қуйидаги бир нечта қонунлар мавжуд:

а) Ахборотдан эркин фойдаланиш тўғрисидаги қонун — бу барча ноҳукумат ташкилотлари қоидаларини белгилаб бердиган асосий қонун бўлиб, у “маҳфий бўлмаган ҳамма нарса омма учун очиқ” принципига мувофиқ зарур барча ахбо-

ротдан фойдаланиш имкониятини беради. Қонун, шунингдек, парламент фаолияти ва қонунчилик жараёнида қабул қилинаётган хужжатларга ҳам таллуқлидир;

б) Словакия Республикаси Миллый кенгаши (парламенти) нинг регламенти қоидаси — бу қонунчилик жараёнининг расмий қисмини тартибга соладиган хужжатdir;

с) Иқтисодий ва ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун. Унга мувофиқ, ҳодимлар ва иш берувчилар, иқтисодиёт, ижтимоий муаммолар, меҳнат шароитлари, иш ҳақи ва ҳоказоларга нисбатан таъсир кўрсатиши мумкин бўладиган ҳар бир қонун хукумат аъзолари, Касаба уюшмалари конфедерацияси вакиллари ва Словакия тадбиркорлари ассоциацияси томонидан шакллантирилган Иқтисодий ва ижтимоий битим кенгашида муҳокама қилиниши керак;

д) Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва тақдим этишнинг хукумат регламенти ҳам ноҳукумат ташкилотларининг лойиҳаларга таклифлар қонунчилик жараёнининг парламент босқичига тақдим этилмасдан хукумат даражасида қонунларни яратиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларининг иштирок этиши учун қонунчилик асосларини ўрнатади.

**Финляндия**да парламент регламенти қоидаларига мувофиқ, қўмита эксперталар фикрларини тинглаши мумкин. Қўмита у қайси ташкилотдан кимнинг фикрини тинглашини хоҳлашини мустақил ҳал этиш хукуқига эга. Парламентнинг ноҳукумат ташкилотлари билан муносабатларни ўрнатадиган тартибга солувчи аниқ қоидалар мавжуд эмас, аммо амалиётда ноҳукумат ташкилотлари кўпинча парламент қўмита-ларининг эксперталари сифатида иш олиб боради.

**Дания**да қонун лойиҳаларини тайёрлаш хукумат вазирликлари босқичида ҳар бир вазирлик тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан тайёргарлик босқичида бўлган қонун лойиҳалари бўйича фикрларини аниқлаш учун улар билан алоқада бўлади.

**Венгрия**нинг Давлат кенгашида (парламентида) 2008 йилдан бошлаб Барқарор ривожланиш бўйича миллый кенгаш амал қиласди. У маслаҳат органи ҳисобланиб, Кенгашга сиёсий партиялар, ҳукумат, фан, черков ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари киради. Кенгаш вазифаларига парламент аъзолари қонунчилик таклифларининг қалтислиги ва эҳтимол тутилган оқибатлари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик доирасида Барқарор ривожланиш миллый стратегиясини амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш киради.

**Руминия**да мамлакат Конституцияида парламент ҳузурида иккита маслаҳат органи: Қонунчилик кенгashi ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш бўлиши кўзда тутилган. Қонунчилик кенгashi қонунчиликни тизимлаш, бирхиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида норматив хужжатлар лойиҳаси бўйича хуносалар бериши мумкин. У, шунингдек, Руминия қонунчилигининг расмий ҳисобини олиб боради. Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш фақат парламентнинг эмас, шунингдек, ҳукуматнинг ҳам ихтисослаштирилган соҳаларида маслаҳат органи ҳисобланади.

**Парламентларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги бўйича чет эл амалиётининг таҳлили бундай фаолият учта асосий шаклда:**

**ишли органларда, шунингдек, маҳсус ташкил этиладиган жамоатчилик эшитишлари ва одатий қўмита мажлислирида иштирок этиш тарзида бўлишидан далолат беради.**

Жумладан, **Буюк Британия**да ноҳукумат ташкилотлари қўмита котибияти томонидан расмий равиша сайлаб қўйилган қўмиталар ёки маҳсус доимий комиссиялар олдида гувоҳлик бериш учун таклиф этилади. Одатда, бу тегишли ҳолатлар тўғрисида ахборот билан баҳам кўришни ҳоҳлайдиган ҳар қандай шахса қўмитанинг веб-саҳифасида ёки танлаб олинган маслаҳатчилар гуруҳига расмий хат орқали мурожаат қилинади. Ёзма гувоҳлик тақдим этилгандан кейин танланган гуруҳлар қўмита аъзоларига оғзаки гувоҳлик бериш учун таклиф этилади, таклиф этилганлар қўмита аъзоларининг қатор саволларига жавоб берадилар, улар, шунингдек, айрим умумий шарҳлар бериш имкониятига эга бўлади.

**Словения**да ноҳукумат ташкилотлари икки даражада: ишли органларида, шунингдек, жамоатчилик эшитишлари пайтида ҳамкорлик қилишади. Ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари ишли органларида учрашувларга ва жамоатчилик эшитишларига муҳокама масаласига боғлиқ равиша тақлиф қилинади. Агар ноҳукумат ташкилотлари вакиллари учрашувга келса, уларга, шунингдек, сўз ҳам берилади. Ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари кўпинча барваҳт тегишли хужжатлар, шу жумладан, ишли органига тузатишлар тўғрисидаги тақлифларни юборади. Жамоатчилик эшитишлари Регламент қоидалари билан батафсил тартибга солинади: ишли органи ахборотни тўплаш учун жамоатчилик эшитишлари ташкил этиши ҳамда фойдали ахборот тақдим этиши мумкин бўлган эксперталар ва бошқа одамларни тақлиф қилиши мумкин. Жамоатчилик эшитишлари, шу жумладан, ахборот тўпланиши керак бўлган муаммо оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Ишли органи тақлиф этилганларни ўз фикрларини ёзма тарзда тақдим этишларини сўраши мумкин.

**Словакия**да мандат комиссияси ҳамда назорат бўйича маҳсус қўмиталар мажлислиридан ташқари бошқа қўмиталардаги учрашувлар омма учун очиқ бўлиши керак. Қўмита хонасида ўтириш мумкин бўлган бўш жойлар тўлмагунча келувчилар киритилаверади. Ноҳукумат ташкилотлари ўз материаллари, шарҳлари, тақлифларини муайян муаммо бўйича иш олиб бораётган қўмитага юборишлари мумкин ва қўмита, одатда, ҳар бир юборилган материалга эътибор беради. Қўмитада муҳокама пайтида сўров бўлган тақдирда парламент аъзолари омма ёки ноҳукумат ташкилоти вакилларига аниқ муаммога нисбатан ўзларининг қарашларини ёки манфаатларини ҳимоя қилиш учун сўз беришга рози бўлишлари мумкин.

**Польша**да профессионал ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари қўмитанинг раёсати ёки унинг раиси тақлифи бўйича қўмита сессияларида иштирок этишлари мумкин. Қўмитанинг сессияларида раис профессионал ёки жамоатчилик ташкилотлари вакилларига сўз бериши мумкин. ННТ кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасига нисбатан ўзининг нуқтаи назарини билдириш, шунингдек, буни ёзма шаклда билдириш ҳуқуқига эга.

**Норвегия**да қонунчиллик таклифини илгари сурган нохукумат ташкилотлари Ҳукумат томонидан қонун лойиҳаси парламентга юборилишидан олдин, қонунни ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичларида ўз фикрларини билдириш учун ҳамма вақт Ҳукумат томонидан таклиф этилади ва уларнинг фикрлари қонун лойиҳасига ҳавола тарзида кўрсатилади. Бундай ёзма “эшитишлар” мажбурий хусусиятга эга ва, одатда, кенг кўлланилади. Кўмиталар томонидан парламентда ўтказиладиган оғзаки эшитишларнинг асосий мақсади — қўшимча ахборотни тақдим этиш ва парламент аъзоларига тегишли нохукумат ташкилотлари билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятини яратишга қаратилган.

Парламентнинг кўмиталари, шунингдек, ҳар қандай нохукумат ташкилотини эшитишларда бўлиш ёки қонун лойиҳасига нисбатан ёзма баёнотлар тақдим этиш учун таклиф қилиши мумкин. Кўмиталар эшитишлар санаси ва вақтини парламентнинг веб-сайтида эълон қиласи, барча манфаатдор томонларни иштирок этишга таклиф этади.

**Португалия**да нохукумат ташкилотлари ахборотларни оммавий ахборот воситалари ва “электрон демократия воситалари” (парламент веб-сайти ва электрон почтаси) орқали олади. Баъзан тегишли қўмита қонун лойиҳасига ёки таклиф этилаётган қонунга фикрларни ёзма тарзда тақдим этишни ёки у ёки бу масала бўйича эшитишларга келиб, ўз қарашларини билдиришни сўрайди. Ҳар бир доимий комиссия ўзининг электрон почта манзилига эга. Фуқаролар ҳам, шунингдек, нохукумат ташкилотлари ҳам ўзларининг сўровлари ва шикоятларини ана шу электрон почталарга юборишлари мумкин. Бундан ташқари, яқинда парламентнинг веб-сайтида янги механизм ташкил этилди. У фуқароларнинг қонун лойиҳалари ёки таклиф этилган қонунларга нисбатан ўз фикрларини ифода этиш учун фойдалана оладиган анжуман ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Латвия**да барча манфаатдор кишилар, шу жумладан, нохукумат ташкилотлари парламентнинг веб-сайти орқали парламент кўмитасининг мажлислари ва уларда кўриб чиқиладиган муаммолар тўғрисида ахборот олишлари мумкин. Парламентнинг веб-сайтида ҳам барча қонун лойиҳалари, қонун лойиҳаларининг тўлиқ матни ҳамда ушбу қонунлар лойиҳалари юзасидан барча танишиши мумкин бўлган таклифлар жойлаштирилган. Шу тарзда ҳар қандай одам аниқ бир муаммо кўриб чиқилишини кузатиши ва бу ҳақда ўз фикрини билдира олиши мумкин.

Европанинг кўпгина парламентлари болалар ва ўсмирлар учун алоҳида сайtlар жорий этдилар ёки жорий этиш босқичида турибдилар. Бунинг асосий мақсадларидан бири ёшларни демократиянинг принциплари ва парламент тартиблари билан таниширишга йўналтирилган. Ушбу сайtlарда коммуникациянинг замонавий воситалари, ёшларга таниш бўлган ижтимоий тармоқлардан (Twitter, Facebook, YouTube ва бошқалар) фаол фойдаланилади.

---

<sup>1</sup> <http://www.parlamento.pt/forum/pub/>.

Кўпгина парламентлар расмий сайтни тақрорлайдиган ёки сайтга кириш мумкин бўлган бир ёки бир неча сервис мобил иловаларига эга. Бундай сервисларга сўровлар, овоз беришлар, қонун лойиҳаларининг онлайн муҳокама қилиш, мажлисларни тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш, парламент бўйлаб виртуал саёҳат тааллуқидир.

## **Жамоатчилик кенгашларини ҳуқуқий тартибга солиш<sup>2</sup>**

**Демократик мамлакатларда жамоатчиликнинг у ёки бу масалалар бўйича фикр-мулоҳазалари давлат сиёсатини шакллантириш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади. Давлатнинг жамоатчилик билан биргаликда иш кўриши, маслаҳатлашиши механизмларидан бири жамоатчилик кенгашлари ва бошقا шу каби органлар ҳисобланади. Мазкур институтларнинг амал қилиши жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бир қаторда давлат сиёсатига таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Бунда ушбу органлар бевосита кенгашлар шаклида, шунингдек, турли қўмиталар, комиссиялар, гуруҳлар, маслаҳат кенгашлари ва ҳоказолар шаклида ташкил этилиши мумкин.**

Жамоатчилик кенгашлари XX асрнинг бошларида пайдо бўлди ва ҳозирги пайтда амалда барча мамлакатларда кўпинча маҳаллий ўзини ўзи бошқариш шаклида мавжудdir. Улар жамоатчилик ташаббусларини ривожлантириш, аҳоли гурухлари манфаатларига йўналтирилган бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёnlарига таъсир кўрсатиш вазифасини бажармоқда. Айни пайтда жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш масалаларини кўриб чиқиша қонунчилик ролининг: кенгашларни ташкил этиш, фаолиятининг тартиби ва ваколатларини инобатга олмай бўлмайди. Чунки бу кенгашлар фаолиятининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш масалаларни тартибга соладиган норматив ҳужжатлар узоқ вақт давомида такомиллаштириб келинмоқда. Бу ушбу тузилмаларни тартибга солишнинг камчилклари ва афзалликларини аниқлаш имконини беради.

Жаҳон амалиётида жамоатчиликнинг қарорларни қабул қилишда иштирок этишини таъминлайдиган жамоатчилик кенгашларининг маслаҳатлашув шаклларининг қўйидаги икки энг самарали ва кўпинча бир-бири билан рақобат қиласидиган шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) давлат ёки маҳаллий ҳамжамиятлар томонидан ташкил этиладиган жамоатчилик кенгашлари;

---

<sup>2</sup> Батафсилроқ қаранг: Сайдов А., Боржелли Н., Асьянов Ш. Международный опыт по вопросам социального партнерства и общественного участия в принятии государственных решений. — Т.: ART FLEX, 2014. 600 с.

2) нодавлат ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган қўнгилли жамоатчилик кенгашлари. Уларнинг энг муҳимлари, фикримизча, фуқаролар ҳайъати деб аталаидиганлариридир.

Даниянинг ногиронлик бўйича кенгashi, Озчиликни ташкил этадиган миллатлар ташкилоти (Чехия Республикаси) каби тор ихтисослашган маслаҳат жамоатчилик кенгашлари ҳамда универсалроқ жумладан, Франциянинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгashi, Россиядаги жамоатчилик палаталари мавжуддир. Давлат ёки маҳаллий ҳамжамият томонидан ташкил этилаётган маслаҳат жамоатчилик кенгашларининг ҳукукий мақомини белгилашда доимо катта қийинчилеклар пайдо бўлади. Бир томондан, ушбу кенгашлар кўпинча давлат бошқарувининг жамоатчилик органлари сифатида кўрилади. Бошқа томондан, улар давлат ёки муниципиал органлар хисобланади. Ушбу зиддиятлар айрим маслаҳат жамоатчилик кенгашлари ҳукукий мақомини белгилашда ўзининг ифодасини топади.

### **Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш** Франция Республикаси

Конституциявий кенгашининг аҳамияти бўйича учинчиси ҳисобланиб, давлат ҳокимиюти органларига таклиф этиладиган тавсияларни ишлаб чиқади. Кенгаш парламент эшлишиларида муҳокама қилинадиган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича қонунчилик жараёнида иштирок этади.

Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгашнинг вазифалари ниҳоятда кенг кўламлидир: бу баъзан Ҳукумат, баъзан ўз ташабbusи бўйича давлат ҳокимиюти органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати бўлган долзарб масалаларни қамраб олади. Кенгашнинг маслаҳат функцияси иқтисодий, ижтимоий, экологик, шунингдек, маданият соҳаларида амалга оширилади.

Органик қонун матнига мувофиқ, Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш томонидан тайёрланадиган тавсиялар, маъruzалар ва олиб бориладиган тадқиқотлар давлат ҳокимиюти органларига мўлжалланган. Кенгаш Раиси кейин уларни Франция Президенти, Буш вазири ва Парламентга юборади.

Бу ерда гап Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш таркибида бўлган профессионал ташкилотларнинг тавсияларини Ҳукумат ва Парламент эътиборига етказиш тўғрисида кетмоқда. Бу ҳокимиётнинг давлат органлари учун алоҳида муҳим аҳамиятига эга. Чунки улар асосий жамоатчилик — профессионал ташкилотларнинг вакиллари Кенгашнинг мажлислари пайтида ўз фикрларини қандай жамоавий ифода этганликларини, буни қандай билдирганликларини, фикрларида қандай тафовутлар борлигини, уларни нима яқинлаштириши ва нима ажратишини билиш заруратидир. Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгашнинг асосий роли, унинг ваколати бевосита ана шундан иборатdir. Унинг бу роли мутлақ равиша кенгаш, маслаҳат хусусиятига эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Хукумат ва Парламент қарорлар қабул қилишда тұла әркинликларини сақладаңыздар. Улар қайсиdir бир лойиха күпчилик томонидан маъқулланғанлыгини ёки, аксина, иқтисодий, ижтимоий, экологик күчлар томонидан баҳс-мунозараларга сабаб бўлганлигини билишади. Шу тарзда Хукумат ва Парламент ушбу күчларнинг ўзаро нуқтаи назарлари тўғрисида ахборотга эга бўлади. Хукумат Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгашни олинган тавсияларнинг бундан кейинги тақдири тўғрисида хабардор қилиши шарт. Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш, шунингдек, йилига икки марта иқтисодий конъюнктура бўйича маслаҳатлар бериши ва ўз фикрини билдириши шарт.

Конституция Кенгаш ўз ваколати доирасига кирадиган ҳар қандай муаммони кўриб чиқиши мумкинлигини назарда тутади. Кенгашга Франция учун муҳим бўлган иқтисодий ёки ижтимоий хусусиятга эга лойиха бўйича маслаҳатлашиш учун мурожаат қилиш мумкин.

Бош вазир Хукумат номидан мажбурий ёки факультатив маслаҳатлашув тўғрисида гап кетишдан қатыи назар Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгашга мурожаат қилиши мумкин. Агар Хукумат қайсиdir бир масалани шошилинч деб эълон қилса, Кенгаш ушбу масала бўйича тавсиясини ва ўзининг фикрини бир ой давомида беради.

Кенгаш, шунингдек, ўз ташаббуси бўйича зарур деб ҳисоблайдиган ислоҳотларга Хукуматнинг эътиборини жалб қилиши мумкин. Кенгаш бирор масалани кўриб чиқиш учун қабул қилганида, бу ҳақда Хукуматни хабардор қилади. Кенгаш ана шу ташаббусидан кенг фойдаланади, чунки бу унга қўп сонли ислоҳотларда иштирок этиш имкониятини беради.

Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш таркиби асосида қуйидаги икки асосий мезон ётади:

биринчидан, унда иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг барча асосий турлари тақдим қилинган;

иккинчидан, энг нуғузли ташкилотлар вакилларини ўзлари танлайди ва Бош вазирга тақдим этади.

Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш таркибида беш йилга тайинланадиган 233 аъзо бор. Бу аъзолар камида 25 ёшга кирган ҳамда ўзлари кейин Кенгашда вакил бўладиган профессионал тушунчага камида икки йил мансуб бўлиши керак. Бундай тартибининг мақсади Кенгаш таркибига иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида масъулиятли вазифаларни бажарган кишилар киришига қаратилган. Бундан маслаҳатчининг мандати депутат, сенатор фаолияти, Конституциявий кенгаш аъзоси функциясига мутлақо ўхшаш эмаслиги холосаси чиқади.

Кенгашда аъзолик қуйидаги тартибда тақсимланган:

**Иқтисодий масалалар ва ижтимоий мулоқот бўйича 140 аъзо**, шу жумладан: 69 таси — ходимлар вакиллари, 27 таси — хусусий саноат, савдо ва

хизмат вакиллари, 20 таси — фермерлар вакиллари, 10 таси — хунармандлар вакиллари, 4 таси — эркин қасблар вакиллари, 10 таси — иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан, иккитаси давлат корпорацияси ва биттаси Франциянинг чет эллардаги иқтисодий манфаатлари вакили бўлган малакали мутахассислардир;

### **Ижтимоий ва ҳудудий тузилмалар ҳамда ижтимоий турмуш соҳасида**

**60 аъзо**, шу жумладан: 8 таси — иқтисодиётнинг қишлоқ ҳўжалик соҳасига алоқаси бўлмаган вакиллар, 4 таси — қишлоқ ҳўжалик ва қайта ишлаш ширкатларининг вакиллари, 10 таси — оиласвий бирлашмалар вакиллари, 8 таси — бошқа ассоциациялар ва фондлар вакиллари, 11 таси — Франциянинг денгиз ортидаги департаментлари ва ҳудудларининг иқтисодий ва ижтимоий фаолияти вакиллари, 4 таси — ёшлар ва студентларнинг вакиллари, 15 таси — ижтимоий, маданият, спорт ва фан соҳаларида, ижтимоий турар жой, ногиронлиги бўлган фуқаролар ва пенсионерлар манфаатини илгари суриш бўйича малакали мутахассислар;

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича 33 аъзо**, шу жумладан, 18 таси — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида амал қилаётган бирлашма ва фондларнинг вакиллари, 15 таси — барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида малакали мутахассислар, шу жумладан, уч нафари ушбу соҳаларда фаол иш олиб бораётган компанияларнинг бизнес-етакчиларидир.

Франция ҳукумати Кенгаш ишида иштирок этиш учун тегишли кўникмага эгалиги асосида танланган 72 нафар жамоатчилик арбобини тайинлаши мумкин.

Кенгашнинг барча аъзолари мандатларининг бутун муддати давомида ўзларининг одатдаги қасбий ва қасаба уюшма вазифаларини бажаришни давом эттиради. Улар парламент аъзоларининг маошинининг учдан бир қисмига тенг иш ҳақи олади. Бунга ваколат ҳаражатлари учун маблағ қўшилади. Улар парламент аъзоси дахлсизлигидан фойдаланади.

Кенгаш аъзолари Кенгаш раиси ва Бюронинг бошқа аъзоларини сайлайди. Раис Бюронинг бошқа аъзолари ва Биш котибият билан биргаликда Кенгаш ишини ташкил этиш учун масъулдир. Бюро Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгашнинг коллегиал раҳбар органи ҳисобланади. Унга кенгашнинг 14 тадан 18 тагача аъзоси киради, улар орасида: раис, унинг тўртта ўринбосари, икки квестор, тўрт котиб бор. Бюронинг таркиби имконияти борича Кенгаш таркибига мутаносиб бўлади. Бюро яширин овоз бериш йўли билан икки ярим йилгача муддатга сайланади.

Ҳукумат ҳар йили Кенгашга унинг тавсиялари қандай бажарилганлигини маълум қиласи. Кўпгина ҳужжатлар Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш давлат ҳокимияти органларига кўрсатаётган реал таъсирини баҳолаш ҳамда Кенгашнинг тавсиялари етарлича тез-тез бажарилаётганлиги тўғрисида хуласа чиқариш имкониятини беради.

## **Жамоатчилик кенгашларини таъсис этиш**

Давлат қарорларини қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг иштирок этиши масалалари турли мамлакатларда жамоатчилик иштироки масалаларини тартибга соладиган конституциялар, маъмурий қонунлар ёки кодекслар, маҳсус норматив ҳужжатлар, шунингдек, давлат органлари фаолиятининг регламентлари, давлат билан ноҳукумат ташкилотларининг ўзаро иш олиб бориши концепцияларида тартибга солинади.

Аниқ бир жамоатчилик кенгашларини миллий, маҳаллий ҳокимият органлари, декретлари, ҳузурида тегишли жамоатчилик кенгаси ташкил этиладиган мансабдор шахс қарорлари ёки буйруқлари асосида ташкил этиш амалиёти жуда кенг тарқалган.

Муайян жамоатчилик кенгашини ташкил этиш имконияти маҳсус норматив ҳужжатларда кўзда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, Чехия Президенти томонидан 2001 йил 10 июлда қабул қилган Миллий озчиликни ташкил этганларнинг ҳукуқлари тўғрисидаги ҳужжат ва айрим ҳужжатларга тузатишларда миллий озчиликни ташкил қилувчилар жамоатчилик, минтақа ёки умуман давлат даражасида маданий, ижтимоий ва иқтисодий турмушда ҳамда жамоатчилик ишларида, айниқса маҳсус ҳукуқий қарорларга асосланган миллий озчиликни ташкил қилувчилар қўмитаси орқали фаол иштирок этиш ҳукуқидан фойдаланади.

Польшада "Ижтимоий-фойдали фаолият тўғрисида"ги қонунга асосан Ижтимоий-фойдали фаолият бўйича кенгаш ташкил этилган. Унинг вазифаси "Ижтимоий-фойдали фаолият ва қўнгиллilar тўғрисида"ги қонун ижросини назорат қилишни амалга оширишдан иборатdir. Бу, масалан, ижтимоий-фойдали фаолият ва қўнгиллilarга тааллуқли қонунлар ва қонун лойиҳаларини қўллаш давомида пайдо бўладиган муаммолар бўйича ўз мулоҳазаларини шакллантириш, шунингдек, ижтимоий-фойдали ташкилотлар тўғрисида ахборотни тўплаш ва таҳлил этиш орқали амалга оширилади.

Истисно ҳолатларда ижтимоий кенгашларнинг ташкил этилиши Конституцияда кўзда тутилган бўлиши мумкин. Бунга давлат ҳокимияти органлари ҳузурида маслаҳат органи сифатида амал қиладиган Иқтисодий ва ижтимоий кенгашни ташкил этиш Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган Франция мисол бўла олади.

Жамоатчилик кенгашининг батафсил таркиби, вазифалари ва иш тартиби қоида бўйича, устав, қоидалар ёки Кенгаш регламенти каби ички норматив ҳужжатларда ўрнатилади.

**Турли мамлакатлардаги қонунчилик ва жамоатчилик кенгашлари фаолияти амалиётининг таҳлили жамоатчилик кенгашлари таъсири чегараланганинг асосий сабабларидан бири — улар фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик ёки қонун ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги, шу жумладан, бундай кенгашлар фаолиятининг фақат идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиниши чегараланганигидан далолат беради.**

## **Жамоатчилик кенгашларини шакллантириш тартиби ва таркиби**

Жамоатчилик кенгаши жамоатчиликтининг оммавий ваколатли органи ҳисобланиб, унинг биринчи навбатдаги вазифаси жамоатчилик манфаатлари кўзлаб давлат сиёсатига таъсир кўрсатищdir. Турли мамлакатларнинг қонунчилиги жамоатчилик кенгашларини шакллантиришга қуидаги учта асосий ёндашувни мустаҳкамлаб қўйган:

- жамоатчилик кенгашларининг аъзоларини сайлаш;
- жамоатчилик кенгашлари аъзоларининг давлат органлари томонидан тайинланиши;
- жамоатчилик кенгашларида аъзоликка билдирги тартибида эга бўлиш.

Кўпчилик жамоатчилик кенгашлари аъзоларининг бир қисми давлат органлари, бошқа қисми жамоатчилик тузилмалари томонидан тайинланадиган аралаш тизим асосида шакллантирилади. Масалан, Россия Федерациясининг Жамоатчилик палатаси уч тенг сонли бўлган гуруҳдан иборат 168 та аъзога эга. Уларнинг 40 нафар аъзоси Россия Федерацияси Президенти томонидан тасдиқланади, 85 нафар аъзо — минтақавий жамоатчилик палаталарининг вакиллари, 43 нафар аъзо — Россия жамоатчилик бирлашмаларининг аъзолариdir.

Хоҳлаган ҳар бир кишининг жамоатчилик кенгashiда иштирок этиш учун номзодини ўзи кўрсатиш имконияти амалиёти кенг ёйилган. Кенгаш аъзоларини давлат органлари томонидан тайинлаш, кўпчилик чет эл мамлакатларининг қонунчилигида ахборот ва маслаҳат ваколатларига эга эксперт кенгашлари учун хосдир. Бироқ ҳатто бу ҳолатда ҳам Кенгаш аъзоларини тайинлаш учун кўпинча жамоатчилик тузилмаларининг тавсиялари талаб қилинади. Масалан, Даниянинг Ногиронлиги бўлганлар бўйича кенгаш Ижтимоий ишлар вазирлиги томонидан тайинланган раис ва 14 аъзодан иборатdir. Кенгашнинг етти аъзоси Даниянинг ногиронлиги бўлганлар ташкилоти кенгаши, битта аъзо — Дания графлиги кенгашларининг ассоциацияси, биттаси — Дания Маҳаллий маъмурлар миллий ассоциацияси, биттаси — Копенгаген шаҳри ва Фредериксберг маҳаллий маъмурлари, биттаси — Таълим вазирлиги, биттаси — Соғлиқни сақлаш вазирлиги, биттаси — Мехнат вазирлиги ва биттаси — Ижтимоий ишлар вазирлиги тавсияси бўйича тайинланади.

Жамоатчилик кенгашларининг таҳлили жамоатчилик кенгаши аъзоларини сайлаш энг самарали ёндашиш эканлигидан далолат беради, чунки бунда жамоатчиликни кенгашга ишончи ортади, айни пайтда кенгаш тартиби шаффофорқ бўлади. Жамоатчилик кенгашлари аъзоларига таркиби сайловчиларнидек, қоида бўйича, амалда барча мамалакатларда муайян ёшга етган, одатда, 18 ёшдаги ва шу давлатнинг фуқароси сайловчи бўлади. Бироқ жамоатчилик кенгаши вазифаларига боғлиқ равишда бўлажак аъзолар доираси кенгайтирилиши мумкин, яъни улар фуқаро бўлмаслиги ёки балоғат ёшига етмаган бўлиши мумкин.

Ташкилот фаолиятининг янада самарали бўлиши учун норматив ҳужжатларда уларда аъзоликка қўшимча чеклашлар жорий этилиши мумкин. Масалан, Германияда 1992 йил 8 апрелдаги Кенгашни ташкил этиш тўғрисидаги умумий декрет билан Атроф-муҳитда глобал ўзгаришлар бўйича маслаҳат кенгаши-нинг аъзолари Ҳукумат (федерал) билан ёки Федератив Республиканинг ёхуд Ўлканинг ҳуқуқий корпорацияси, ёки ижтимоий (давлат) хизмати, ёхуд омма ҳуқуқининг юридик шахси (университет профессорлари ва илмий-тадқиқот институтларининг штатдаги ходимларидан ташқари) боғлиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Улар, шунингдек, ёлланма ходимлар ёки иш берувчиларни бирлаштирадиган иқтисодий ассоциациялар ёки ташкилотлар билан ёхуд улар орқали ўз манфаатлари учун домий хизматдагилар ёки бизнес вакиллари бўлиши мумкин эмас. Улар, шунингдек, Кенгашга аъзо бўлиб тайинлашдан аввалги бир йил мобайнида ана шундай лавозимларни эгаллаган бўлишлари керак.

Россияда Россия Федерациясининг Президенти, Парламент ва Ҳукумат аъзолари, судьялар, Россия Федерациясида давлат лавозимида бўлган бошқа шахслар, суд қарори асосида нолойиқ деб топилган шахслар, судланганлар, икки давлат фуқаролигига эга бўлганлар Жамоатчилик палатасининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларини сайлаш тартиби Кенгашни шакллантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан унда давлат органлари ва жамоатчилик вакилларининг нисбати масаласини аниқ ҳал қилиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, Чехия Республикаси Ҳукуматининг 1994 йил 11 майдаги 259-сон “Чехия Республикаси Ҳукуматидаги Миллий озчиликлар кенгаши тўғрисидаги ҳужжат” қарорига мувофиқ, Кенгаш Раисдан (Ҳукуматнинг вазири), Раис ўринbosари ва қолган қуйидаги аъзолардан иборат бўлади:

- 1) озчилиkn ташкил қилувчи миллатлар аъзолари ташкилотининг тавсияси бўйича ҳар бир озчилиkn ташкил қилувчи миллатдан сайланган аъзолар ёки ўzlари муайян озчилиkn ташкил қилувчи миллат аъзоси бўлган озчилиkn ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича мутахассислардан;
- 2) вазирликлар: Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Мехнат ва ижтимоий ишлар вазирлиги, Таълим, ёшлар ва ижтимоий таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг вазир ўринbosари даражасидаги миллий масалаларга алоқадор вакилларидан ёки вазирликларнинг доимий ўринbosари даражасида;
- 3) Чехия Республикаси Парламентининг Палата раиси тақлифи бўйича сайланган Депутатлар палатаси вакилидан;
- 4) Республика Президентининг Бюроси раҳбари тақлифи бўйича сайланган ушбу Бюро вакилидан.

**Россия Федерациисининг Жамоатчилик палатаси** “Россия Федерации-сининг Жамоатчилик палатаси тўғрисида”ги Федерал қонунга мувофиқ шакллантирилган. Жамоатчилик палатаси аъзолари ҳар уч йилда сайланади ҳамда фуқароларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олиш, давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадларида фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргалиқда иш олиб боришни амалга оширади.

Жамоатчилик палатаси, шунингдек, “Мажбурий сақланадиган жойлардаги шахсларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва мажбурий сақланадиган жойлардаги шахсларга ёрдам кўрсатишни таъминлаш устидан жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Федерал қонунга мувофиқ, жамоатчилик кузатув комиссияларини шакллантириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради. Жамоатчилик палатаси ва Давлат Думаси қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш мақсадларида ахборот бўйича ҳамкорлик ва ўзаро иш кўриш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган барча қонун лойиҳалари мажбурий тартибда Жамоатчилик палатасининг экспертизасидан ўтказилади.

Палата ўз фаолиятида турли: жамоатчилик эшлишилари, давра суҳбатлари, сайёр мажлислар ва бошқа шакллардан фойдаланади. Ҳар йили бир неча юзлаб оммавий тадбирлар ўтказилади. Ялпи мажлислар Палатанинг барча аъзоларини тўплайди. Уларда мамлакатни ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари кўриб чиқилади.

Палата Жамоатчилик палатасининг Котибини ва унинг ўринbosарларини сайлайди, ишли органлари — комиссиялар ва ишли гуруҳларини шакллантиради. Ҳар йили Россия Федерациисида фуқаролик жамиятининг ҳолати тўғрисидаги маъруза тайёрланади. Палата халқаро ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Жамоатчилик палатаси ташкил этилган пайтдан бери турли мамлакатлардаги фуқаролик жамиятининг шу каби институтлари билан ҳамкорлик тўғрисида йигирма бештадан кўп меморандум ва битимлар имзоланган. 2011 йилдан бери Россия Федерациисининг Жамоатчилик палатаси Халқаро иқтисодий ва ижтимоий кенгашларнинг ассоциацияси Раёсатига киради.

## **Жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш ва уларни молиялаштириш**

Жамоатчилик кенгашларининг қарорлари улар фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда, қоида бўйича, тавсиявий хусусиятга эга. Қатор мамлакатларнинг қонунчилиги жамоатчилик кенгашлари қарорларининг тавсияси хусусиятига аниқлик киритар экан, уларни тартибга солиш ҳамда жамоатчилик кенгашлари ҳуқуқлари

ва давлат органларининг уларга нисбатан мажбуриятларини чегаралаб қўйишга аниқ ёндашади. Кенгашлар таклифларининг тавсиявий хусусиятига қарамасдан, қатор мамлакатларнинг қонунчилиги улар давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши шарт эканлигини кўзда тутади. Масалан, Украина нинг қонунчилиги тегишли соҳада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш масалалари бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг таклифлари кўриб чиқилиши шарт эканлигини белгилайди.

Фақат айрим ҳолатлардагина қонунчилик жамоатчилик кенгашлари қарорлари мажбурий хусусиятига эгалигини мустаҳкамлаб қўйган. Бунга Россия Федерацияси Жамоатчилик палатасининг парламент палаталарининг ялпи мажлислари, ҳукумат мажлислари, ижроия ҳокимият тегишли федерал органларининг ҳайъатлари мажбурий равиша кўриб чиқишилари керак бўлган қонунлар, норматив хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизалири натижалари бўйича хulosаси бунга мисол бўла олади.

Жамоатчилик кенгашлари, қоида бўйича, ўзлари шакллантирган бутун муддат давомида доимий асосда иш олиб боради. Норматив ҳужжатлар, шу жумладан, ушбу кенгашларнинг уставлари ва регламентлари мажлислар ўтказиш, кенгашлар томонидан қарорлар қабул қилиш тартибларини етарли даражада батафсил ўрнатади. Жамоатчилик кенгашларининг фаолияти кўпинча ўзлари ташкил этган органларнинг фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилади.

Кенгаш таркибига сайланган жамоатчилик вакиллари ўзларининг фаолияти учун, одатда, маош олмайди. Шунингдек, жамоатчилик кенгашлари аъзоларининг кенгаш фаолиятида иштирок этишлари билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Германияда Атроф-муҳитда глобал ўзгаришлар бўйича маслаҳат кенгашининг аъзолари компенсация, шунингдек, сафар билан боғлиқ харажатлар учун кўшимча компенсация олади.

Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини молиялаштириш ҳукуқий тартиба солишининг муҳим масаласи ҳисобланади, чунки бу бевосита ушбу органнинг мустақиллиги масаласи билан боғлиқдир. Кўпчилик давлатларнинг қонунчилиги жамоатчилик кенгашларининг фаолияти тегишли даражадаги бюджет маблағлари ҳисобига таъминланишини кўзда тутади. Айни пайтда Чехияда Чехия Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар кенгashi аъзоларининг транспорт харажатлари Чехия Республикаси Президенти идорасининг бюджет маблағларидан қопланади. Ҳузурларида ташкил этилган органлар кўпинча қонунчиликка мувофиқ уларнинг моддий-техникавий базасини таъминлайди. Айни пайтда баъзи мамлакатларда жамоачилик кенгашлари молиявий жиҳатдан давлат органларидан мустақилдир. Масалан, Россия Федерацияси Жамоатчилик палатасининг ташкилий, ҳукуқий, таҳлилий, ахборот, ҳужжат, молиявий ва моддий-техник таъминоти федерал ғазначилик муассасаси ҳисобланган Жамоатчилик палатаси аппарати томонидан таъминланади.

Турли мамлакатларда жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги қонунчилик таҳлили жамоатчилик кенгашлари фаолиятини шакллантириш ва таъминлаш масалалари турлича ҳал этилишини кўрсатади. Кенгашларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш шундай тартибга солиниши керакки, уларнинг қарорлари давлат органларидан холис ва мустақил бўлиши керак. Германияда Атроф-мухитдаги глобал ўзгаришлар бўйича маслаҳат кенгашининг мустақиллиги норматив даражада ўрнатилган. Кенгашни таъсис этиш тўғрисидаги умумий декретда кенгашнинг топшириқларини бажариш бўйича фаолияти ушбу Декрет томонидан тартибга солиниши, бошқа масалаларда эса Кенгаш мустақил эканлиги ўрнатилган.

Давлат билан фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни хуқуқий тартибга солишнинг чет эл тажрибаси жуда турличадир. Бу тўла равища ана шундай ҳамкорликнинг институционал шакллантириш шакли бўлган жамоатчилик кенгашларига ҳам тааллуқлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат бошқарув тизимидағи турли жамоатчилик институтлари ва жамоатчилик назоратининг шаклланиш жараёнларида бошқарувнинг турли шакллари, сиёсий тизимнинг, жамият ва давлат ўзаро муносабатларининг ички давлат хусусиятларида фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга ёрдам берадиган жамият билан давлат томонидан янада сифатли давлат хизматлари тақдим этиш масалалари бўйича келишув, мuloқотга тайёрлик қузатилмоқда.

Жамоатчилик институтларини ривожлантиришнинг ҳалқаро тажрибасини тадқиқ этиш жиҳатидан **Халқаро иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар ва шу каби муасасалар ассоциацияси** (AICESIS) алоҳида эътиборга молиқдир. Ассоциациянинг таъсис мажлиси 1999 йил июль ойида Порт-Луи (Маврикий Республикаси) бўлиб ўтди. Унинг қароргоҳи Брюсселда (Бельгияда) жойлашган. Даставвал Ассоциация таркибига 24 ташкилот ва учта ташкилот ассоциациянинг доимий аъзолари мақомида кирган. Бугунги кунда Ассоциация Осиё, Африка, Европа ва Жанубий Америкадаги 71 та мамлакат фуқаролик жамияти институтларини бирлаштиради ва унинг таркиби ҳар йили кенгаймоқда.

Ассоциацияда аъзолик барча аъзо ташкилотларнинг мустақиллигини тенг ҳурмат қилиш принципига асосланган. Ассоциация ўз фаолиятида қўйидаги асосий мақсадларга амал қиласди:

- аъзо ташкилотлар ўртасида ва кейинчалик барча иқтисодий ва ижтимоий шериклар ўртасида мuloқот ва фикрлар/энг яхши амалиётлар алмашишни рағбатлантириш ва чуқурлаштириш;
- маслаҳат функцияларини ривожлантиришга, жамоатчилик-фуқаровий мuloқотни ва кенгроқ маънода уч томонлама ижтимоий шерикликни ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа таркибий тузилмаларига ҳақиқий барқарор демократлаштириш ва ҳозирги даврда самарали бошқарувнинг ажralmas шарти сифатида кўмаклашиш;

- учрашувларни ташкил этиш, амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва бундай маслаҳат тузилмаларининг мавжудлиги афзалликлари түғрисида ахбортоларни тарқатиш орқали ҳозирги пайтда ижтимоий ва иқтисодий кенгашлар бўлмаган мамлакатларда улар ташкил этилишини рағбатлантириш;
- ассоциацияга аъзо давлатлар, уларнинг ваколатхоналари самарали фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиш ҳамда ассоциация доимий кузатувчи мақомига эга бўлган Халқаро меҳнат ташкилоти ва БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгashi каби халқаро ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этиш;
- ниҳоят, глобал қўламда БМТ ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, шунингдек, ХМТнинг барча аъзолари томонидан тан олинадиган меҳнат соҳасидаги туб асосий принциплар ва ҳуқуқларга мувофиқ, инсониятнинг гуллаб-яшнаши ва иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Чет эл мамлакатларининг амалиётида жамоатчилик назоратининг қайси асосий шакллари мустаҳкамлаб қўйилган?
2. Ноҳукумат ташкилотлари қонун ижодкорлиги жараёнида қандай иштирок этади?
3. Хорижий мамлакатларда жамоатчилик кенгашларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги роли қандай?

## **ИККИНЧИ МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **§1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамоатчилик назоратини ривожлантириш бўйича асосий қоидалари**

Хозирги пайтда дунёда икки юзтага яқин мустақил давлат бор. Уларнинг ҳар бири ўз конституциявий-хуқуқий ривожланиш хусусиятларига эгадир. Лекин барча мамлакатлар учун хос бўлган умумий белгиларни, конституциявий ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мумкин. Конституциялар демократиянинг энг муҳим институтидир. Хозирги маънода улар XVIII аср охирида пайдо бўлган. Хозиргача амал қилиб келаётган биринчи Конституция 1787 йилда АҚШда пайдо бўлди. XVIII асрнинг 90-йилларида Францияда (1791 ва 1793 йиллар) ва Польшада (1793 йил) ҳам Конституциялар қабул қилинган. Хозирги пайтда амалда жаҳоннинг барча мамлакатлари ўз Конституцияларига эга.

**Конституция (лотинча: *constitutio* — ўрнатиш, тузилма) — моддий маънода, энг аввало, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қиласиган ва кафолатлайдиган, шунингдек, конституциявий тузум асослари, марказий ва маҳаллий ҳокимияти органларининг бошқарув шакллари ва ҳудудий тузилиши, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатлари, давлат рамзлари ва пойтахтлари белгилаб қўйиладиган ёзилган ҳужжат, ҳужжатлар ёки конституциявий одатлардир.**

Конституция — қадриятлар, институтлар ва Конституциявий тузумнинг нормалари, ижтимоий алоқалар ва давлат ҳокимияти муносабатларини давлат-хуқуқий тартибга солишнинг асосий расмий мустаҳкамлаб қўйиладиган энг олий хуқуқий шаклдир. Конституция — давлатчиликнинг энг муҳим белгисидир<sup>1</sup>.

Конституция миллий хуқуқий тизимдаги алоҳида ўрни туфайли ҳар бир давлат ҳаётида улкан роль ўйнайди. Конституцияни жуда умумий тарзда олий хуқуқий кучга эга бўлган ҳамда давлатни ташкил этиш асосларини ва давлат билан фуқаро ўзаро муносабатларини, шунингдек, фуқаролик жамиятининг институтларини тартибга соладиган хуқуқий ҳужжат (ёки хуқуқий ҳужжатлар жамланмаси) сифатида белгилаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг тўғридан-тўғри амал этиши — бу бевосита конституциявий қоидалар асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларидағи фаолият ҳал қилинадиган ижтимоий муносабатларни реал тартибга солишга қодирликдир. Конституциянинг

<sup>1</sup> Энциклопедический юридический словарь // под общ. ред. В. Е. Крутских. — М.: ИНФРА-М, 1998. 368 с.

тўғридан-тўғри амал этиши унга аниқлик киритадиган ва ривожлантирадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар мавжудлигидан қатъи назар амалга оширилиши шартлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бевосита амал қиладиган асосий, принципал қоидаларни мустаҳкамлаб қўяди, айни пайтда бу бошқа қонунчилик ҳужжатларида очиб берилади ва аниқлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддалари конституциявий нормаларни амалга ошириш тартибини белгилайдиган қонунлар қабул қилиниши заруратини кўрсатади. Кўпгина нормаларда қонунга тўғридан-тўғри ҳавола мавжуд бўлиб, бу ушбу нормани жорий қонунчилик билан муқаррар равишда боғлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш хуқуқини тақдим этади.** Конституциянинг Муқаддимасида ишлатилган “Ўзбекистон халқи” тушунчасига Конституциянинг 2-, 7-, 8-, 9-, 10-моддаларида батафсил аниқлик киритилган.

2-моддада “**Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар**” деб белгиланади.

7-моддада “**Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир**” деб эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

8-моддада “**Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади**” дейилади. Бу тушунча Конституциянинг 9- ва 10-моддаларида ҳам қўлланилади.

9-моддада “**Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади**” деб кўрсатилган.

10-моддада эса “**Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоатчилик бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас**” деган муҳим қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шундай қилиб Муқаддимада қўлланилган “Ўзбекистон халқи” тушунчasi Конституциянинг асосий матни қоидалари билан қалин ўзаро боғлиқдир. Унда давлат, жамият ва фуқаролар ўзаро муносабатларининг аниқ хуқуқий тавсифи берилади.

**Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Халқ давлат идоралариiga эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни**

аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур” деб аниқ ва лўнда таъкидлаган<sup>1</sup>.

Конституцияда қўлланилган “**инсон ҳуқуқлари**” тушунчаси унинг энг мазмунли қисми ҳисобланади, чунки бу энг аввало Конституциянинг 13-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ва ўзининг энг чуқур таърифини топган: “**Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

**Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.**

Конституциянинг 18-моддасида инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий принципи, инсонни қандай бўлмасин белги бўйича камситишга йўл қўймаслик принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу модда қўйидагиларни ўрнатади: “**Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.**

**Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”.**

Инсон ҳуқуқлари барча тоифаларини бусиз таъминлашнинг имконияти бўлмаган навбатдаги принцип Конституциянинг 19-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унда “**Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас**” деб эълон қилинади.

Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари давлатга ҳам, жамиятга ҳам, бошқа шахсларга ҳам зарар етказмаслиги керак ва бу муҳим принцип Конституциянинг 20-моддасида қўйидаги таҳрирда мустаҳкамлаб қўйилган: “**Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”.**

“Инсон ҳуқуқлари” тушунчаси иккинчи бўлимда, яъни бевосита VII бобда (**шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар**), VIII бобда (**сиёсий ҳуқуқлар**), IX бобда (**иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар**), ва X бобда (**инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари**) янада ривожлантирилган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг алоҳида жиҳатлари, шунингдек, Конституциянинг XII–XV бобларида тартибга солинади.

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Ҳалиқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистон Республикасининг **демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлигини мустаҳкамлаб қўйди ҳамда устувор вазифа сифатида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш** вазифасини белгилади. Ушбу қоидалар Конституциянинг матнида ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига батафсил очиб берилган.

Конституцияга мувофиқ давлатнинг **демократик** хусусияти Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи унинг кўп миллатли ҳалқи эканлиги ва у бу ҳокимиятни ҳам бевосита, ҳам демократик асосда шакллантириладиган давлат ҳокимияти органлари орқали амалга ошириши орқали таъминланади. **Давлат ҳалқи иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.**

Давлатнинг ҳуқуқий эканлиги мамлакатнинг Асосий Қонунига кўра, давлатни ташкил этиш ва фаолиятида сиёсий мақсадга мувофиқлик ҳамда идоравий қарашлар эмас, балки қонун устунлиги принципи устуворлигини англатади. **Ҳуқуқий давлат Конституция ва қонун нормаларининг устунлиги, давлат томонидан шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари сўзсиз таъминланишидан келиб чиқади.**

Ўзбекистонда давлат **инсонпарвар** эканлигининг тасдикланиши унинг жамиятга, ҳар бир аниқ инсонга хизмат қилишини, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишини, давлат иқтисодий тизими ривожланишининг тадрижийлигини, асосий мақсади инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш эканлигини англатади<sup>2</sup>.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг машҳур қоидаси **давлат томонидан ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари устунлигини тан олишидир.**

Ушбу қоида Конституциявий принцип сифатида Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон мустақиликка эришгач, ҳалқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлди, жаҳондаги турли давлатлар билан тўғридан-тўғри дипломатик муносабатлар ўрнатиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий хусусиятга эга ҳалқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилишда иштирок этиш, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан муҳим ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига қўшилиш, шунингдек, ҳалқаро ташкилотларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Кейинги пайтда ҳалқаро ҳуқуқни тартибга солиш жиддий равища кенгайганлиги муносабати билан давлатлараро ҳамкорлик масалаларини тартибга соладиган нормалар эмас, балки уларнинг ички давлат муносабатлари соҳасига таъсирини тартибга солиш кучайди. Миллий ҳуқуқни тартибга солиш соҳасининг муайян

<sup>2</sup> Қаранг: Саидов А., Бакаева Ф. Конституция Республики Узбекистан и права человека: от норм к реализации. — Т., 2010, С. 14–20.

қисмлари ҳам ички давлат, ҳам давлатлараро нормалар иштирокида биргалиқда тартибга солиш обьекти сифатида қарала бошланди. Уларнинг чамбарчас бўлиши тобора уйғун бўлиб бормоқда. Уларнинг ҳаммаси умумий манба — давлатнинг турли кўламдаги оммавий ишларни келишилган ҳолда ҳал этиш суверен иродасидан келиб чиқади.

Бугунги кунда давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз худудида халқаро ҳуқуқий кўрсатмаларни амалга ошириш йўллари ва воситаларини танлашда улар ички давлат ҳуқуқи томонидан нақадар тартибга солинганлиги ва халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинмаганидан келиб чиқсан ҳолда эркинdir<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро ҳужжатларга қўшилди, уларнинг 70 таси инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалаларига бевосита тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида **инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришнинг асосий принциплари — инсон ҳуқуқларини давлат органлари томонидан таъминлаши** ҳисобга олинадиган қуйидаги принциплар белгилаб қўйилган:

- барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги (18-модда);
- имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши (18-модда);
- фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, уларнинг суд қарорисиз бундан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳақли эмаслиги (19-модда);
- Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши (22-модда);
- чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши (23-модда);
- ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги (қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги) (25-модда);
- ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикқа дучор этилиши мумкин эмаслиги (26-модда);
- ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги (26-модда);

<sup>1</sup> Батафсироқ қаранг: Понятие национальной и международной правовых систем // Журнал российского права. 2004, №11 С. 98–112.

- ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгалиги (27-модда);
- ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари биронинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмаслиги (27-модда);
- фуқароларнинг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга қўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгалиги (қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир) (28-модда);
- ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги (қонун билан белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир) (29-модда);
- (фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги (32-модда);
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказилишининг таъминланиши (33-модда);
- озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги (34-модда);
- қонун асосида ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқвакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги (35-модда);
- қонун томонидан омонатларнинг кафолатланиши (36-модда);
- қонун асосида ишсизлиқдан ва мажбурий меҳнатдан ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши (37-модда);
- давлат томонидан дам олиш, ижтимоий таъминот таъминланишининг кафолатланиши (38-, 39-моддалар);
- давлат органлари ва мансабдор шахслар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши (44-модда);
- иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатланиши (53-модда).

Юқорида қайд қилинган нормалар — Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш принциплари давлатнинг фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларни амалга оширишда шароитлар ва имкониятлар яратиши юзасидан мажбуриятларидир. Мамлакат Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари биргалиқда уларнинг ҳуқуқий мақомини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат органлари фаолиятини ташкил этиш ва фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишининг демократик принципларини ўрнатади. Давлат аппаратини ташкил этиш ва унинг фаолияти принциплари дейилгандан, давлатнинг тузилиши ва амал этиши асосидаги энг муҳим ҳал қилювчи ғоялар

ва қоидалар тушунилади. Улар давлат органларининг моҳияти, ижтимоий мазмуни, асосий мақсадлари ва вазифаларини очиб беради. Давлат аппаратини ташкил этиш ва унинг фаолияти принциплари фақат давлат органларига эмас, балки мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларига қўйиладиган умумий талабларни қамраб олган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг қўйидаги қатор асосий принципларини мустаҳкамлаб қўйган:

2-модда — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллиги;

7-модда — халқ ҳокимияти принципи;

9-модда — халқнинг жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама этишда референдум орқали иштирок этиши принципи;

11-модда — ҳокимият бўуниши принципи;

13-модда — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари устунлиги принципи;

14-модда — ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари;

15-модда — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги принципи;

16-модда — қонун ёки бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар принципларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституция принципларига мувофиқлиги принципи;

58-модда — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик бирлашмалари фаолиятига аралашмаслик принципи;

61-модда — диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмаслик принципи;

67-модда — оммавий аҳборот воситалари цензурасига йўл қўйилмаслиги принципи;

166-модда — суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципи ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятининг таърифи берилмаган бўлса ҳам унда фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва фаолиятининг хукуқий асослари, уларнинг давлат билан ўзаро иш олиб бориш принциплари белгиланган.

Конституция қўйидагиларни ўрнатади:

- касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоатчилик бирлашмалари қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади;
- Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзgartиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг,

- миллий ва диний рухдаги сиёсий партияларнинг жамоатчилик бирлашмаларининг ҳамда маҳфий жамиятлар ва ўюшмаларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади;
- жамоатчилик бирлашмалари ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятларга эга, давлат уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди;
  - давлат органлари ва мансабдор шахслар жамоатчилик бирлашмаларининг фаолиятига аралашса-да, ўз навбатида жамоатчилик бирлашмалари давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашмайди;
  - сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибида ошкора хисоботлар бериб туради;
  - давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди;
  - жамоатчилик бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади;
  - сайловларнинг тартиби, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил қилиш ва уларнинг ваколатлари қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва амалиёти Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси 29-моддасининг ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоатчилик тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши кераклиги тўғрисидаги қоидага тўлиқ мосдир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида давлат томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий чегараланишининг аниқ талаблари ўрнатилган. Улар қўйидагиларда ўз ифодасини топган:

**Биринчидан**, чегаралашлар фақат қонунга асосланади;

**Иккинчидан**, чегаралашлар фақат демократик жамиятда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, ахлоқ талаблари, жамоатчилик тартиби ва умумий фаровонликни таъминлаш мақсадларида амалга оширилади. Бунда ҳуқуқ ва эркинликларни чегаралашга фақат истисно ҳолатларда йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишни тартибга солиш тартиби ва механизмларида фуқаролар айрим ҳуқуқ ва эркинликлари тоифаларини чегаралашнинг аниқ ва равшан шартлари ҳамда асослари ўрнатилган.

Мамлакат Конституциясида **ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**нинг усууллари мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциянинг 35-моддаси ҳар бир шахсга бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалиқда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тақдим этади. Консти-

туциянинг 44-моддаси эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоатчилик бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлади.

Шикоятларни суд тартибида кўриб чиқиш мансабдор шахсларнинг ноҳуқуқий хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилишининг ишонарли усули ҳисобланади. Бу суддаги ишлар идоравий таъсир ва манфаатлардан эрkin бўлган судьялар томонидан кўриб чиқилиши, судда фуқаро тенг ҳуқуқли томон сифатида иштирок этиши ва ўз манфаатларини фаол ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалигида ўзининг ифодасини топади. Фуқароларнинг органлар ва мансабдор шахслар қарорлари ва хатти-ҳаракатларига шикоятларини кўриб чиқиша суд ҳокимият органлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлигини текширади, ноқонуний қарорларни бекор қилади ва айборд шахсадан етказилган зарарни ундиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари ва унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқли нормаларини қўллаш амалиётининг айrim жиҳатлари таҳлили қўйидаги хulosалар чиқариш имконини беради:

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қоидаларига тўла мосдир;

**иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қайд этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бутун жамланмаси: инсоннинг шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилган;

**учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқаро аҳамияти шундан иборатки, унда демократик жамиятнинг олий қадрияти — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда бошқа ажralmas ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган;

**тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг ҳам бевосита, ҳам миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали амалга ошириладиган умумэтироф этилган нормалари устунлиги принципи эълон қилинган;

**бешинчидан**, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг асосий усуллари ва воситалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-, 44-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Уларда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини суддан ташқари ва суд шаклида ҳимоя қилиш кўзда тутилади;

**олтинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқаро стандартлар ва асослар мужассамлашган. Уларда истисно ҳолатларда инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари чегараланиши мумкинлиги кўзда тутилган. Яъни, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 29-моддасининг ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини

демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишининг таъминланиши, ахлоқ, жамоатчилик тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши кераклиги қоидаси имплементация қилинган;

**еттинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг демократик принципларини белгилаб берди, ҳам алоҳида фуқаро, ҳам фуқаролик жамиятининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатини ўрнатди;

**саккизинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғридан-тўғри амал қиласиган ҳужжатdir, унинг қоидаларига амал қилиш барча давлат органлари ва мансабдор шахслар учун мажбурийdir, унинг нормалари инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка тўлиқ имплементация қилинган ҳамда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилмоқда;

**тўққизинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилиш ва уларни ҳимоя қилишнинг барқарор ҳуқуқий асоси шакллантирилган. Уларда ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш механизмилари ва тартибларининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари белгиланган, шунингдек, мамлакатда жамоатчилик назорати институтининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назорат қилиш учун зарур Конституциявий-ҳуқуқий омиллар белгиланган;

**унинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги Конституциявий қоидалар Ўзбекистонда давлат, шахс ва жамият ривожланишида эришилган даражага мутаносиб бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг пухта ўйланган миллий тизимини ташкил этиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси “**инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари — олий қадрият**” эканлигига асосланади (13-модда). Ушбу туб асосий кўрсатма Ўзбекистон конституциявий тузумининг асосларидан бири ҳисобланади. У Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги роли ва аҳамиятини белгилаб беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Конституциянинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш ҳуқуқини таъминлашга қайси конституциявий қоидалар таъсир кўрсатади?
3. Фуқаролар ҳуқуқларини чегаралашнинг асослари нимадан иборат?
4. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қандай конституциявий воситалари мавжуд?

## **§2. Жамоатчилик назоратининг қонунчилик асослари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол қонунчилик фаолиятининг муқаддимаси бўлди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни яратиш — бу демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш хусусиятининг белгисидир. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларга мувофиқ қонунчиликни шакллантириш — бу узок давом этадиган ва доим такомиллашиб борадиган жараёндир.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тизимини шакллантирган 18 та кодекс ва 900 тадан кўпроқ қонун қабул қилинди.

### **Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик қўйидаги энг муҳим йўналишлар бўйича қабул қилинди.**

**Биринчи йўналиш** — фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни яратишдир. Ушбу йўналиш доирасида виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги, таълим тўғрисидаги, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар юзасидан судга мурожаат қилиш тўғрисидаги, муқобил хизмат тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

**Иккинчи йўналиш** — фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунчиликни шакллантириш. Жамоатчилик бирлашмалари тўғрисидаги, сиёсий партиялар тўғрисидаги, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, Президент, Олий Мажлис, маҳаллий Кенгашларга сайловлар тўғрисидаги, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги, касаба уюшмалар тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Бу йўналишдаги қонунлар орасида мулк тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисидаги, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, бандлик тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни келтириш мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий принципларини амалга ошириш аниқ, яхши ривожлантирилган, ҳаётнинг муттасил ўзгариб бораётган ва тобора ортиб бораётган талабларига жавоб берадиган қонунчилик томонидан таъминланмоқда. Ушбу қонунчилик юқоридаги принципларга амал этилиши таъминланадиган ташкилий-ҳуқуқий механизmlар ва тартибларга таянади.

Жумладан, **халқ ҳокимияти, давлат органларининг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулияти, давлат масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг иштирок этиши принципини амалга ошириш мақсадларида қонун чиқа-**

**рувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолиятини тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари қабул қилинган.** Улар: 2012 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"<sup>1</sup>, 2012 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"<sup>2</sup>, 2017 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"<sup>3</sup> конституциявий қонунлар; 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"<sup>4</sup>, 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"<sup>5</sup>, 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"<sup>6</sup>, 2000 йил 14 декабрдаги "Судлар тўғрисида"<sup>7</sup>, 2012 йил 24 декабрдаги "Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида"<sup>8</sup> ги<sup>8</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 215-модда, 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда, 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 178-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда; 29-30-сон, 298-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2009 й., 15-сон, 179-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2013 й., 16-сон, 215-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда; 29-30-сон, 298-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2009 й., 15-сон, 179-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2013 й., 16-сон, 215-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2009 й., 50-51-сон, 532-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2007 й., 29-30-сон, 296-модда; 2009 йил, 52-сон, 553-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2015 й., 32-сон, 2425-модда; 2016 йил, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон. 19.04.2018 й. 03/18/476/1087-сон.

қонунлар; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий-процессуал кодекси<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги кодекси<sup>4</sup> ва бошқа қонун хужжатлариридир.

Юқорида қайд қилинган қонун хужжатлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларининг мақомларига аниқлик киритишга салмоқли ҳисса қўшди, улар фаолиятининг асосий принциплари, йўналишлари ва шаклларини тартибига солишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ижтимоий ва давлат аҳамиятига эга масалаларини ҳал этишда иштирок этишлари тартибини белгилайдиган қатор қонунлар қабул қилинган. Улар — 2000 йил 14 декабрдаги “Қонунлар муҳокамасининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”<sup>5</sup>, Ўзбекистон Республикасида Референдум тўғрисида”<sup>6</sup>, 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»<sup>7</sup>, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”<sup>8</sup>, 2003 йил 29 августдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 1-2-сон, 11-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 176-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 132-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2012 йил, 51-сон, 574-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида”<sup>9</sup>, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”<sup>10</sup> ги ва бошқа қонунлардир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади (**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси**).

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши уларнинг умумхалқ референдумларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари ва маҳаллий Кенгашлари депутатларининг сайловларида, Ўзбекистон Республикасининг қонунларининг лойиҳаларида умумхалқ муҳокамасида бевосита ва шахсан иштирок этиши билан амалга оширилади.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг Конституциявий принциплари қўйидаги қонунларда ўз ифодасини топди: улар — 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик бирлашмалари тўғрисида”<sup>11</sup>, 1999 йил 14 апрелдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”<sup>12</sup>, 2003 йил 29 августдаги “Жамоатчилик фондлари тўғрисида”<sup>13</sup>, 1996 йил 26 декабрдаги “Сиёсий партиялар тўғрисида”<sup>14</sup>, 2004 йил 30 апрелдаги “Сиёсий партияларни молиялаш тўғрисида”<sup>15</sup>, 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”<sup>16</sup>,

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 3-сон, 38-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 296-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2003 й., 9-10-сон, 134-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда, 51-сон, 514-модда, 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2012 й., 51-сон, 574-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2017 й., 35-сон, 914-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 520 сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/9512-сон. 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон. 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 76-модда; 1992 й., 9-сон, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/1087-сон.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 7115-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 141-модда.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 248-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 546-модда.

2016 йил 28 ноябрдаги “Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳукуқлари ва қафолатлари тұғрисида”<sup>1</sup>, 2017 йил 15 январдаги “Оммавий ахборот воситалари тұғрисида” (янги таҳрір)<sup>2</sup>, 1997 йил 24 апреддаги “Журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тұғрисида”<sup>3</sup>, 1998 йил 1 майдаги “Виждон әрқинлиги ва диний ташкилоттар тұғрисида”<sup>4</sup> ги (янги таҳрір)<sup>4</sup> ва башқа қонунлардир.

Жумладан, 1991 йил 15 февралдаги **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик бирлашмалари тұғрисида”** ги қонуннинг (шундан сўнгги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан) 15-моддасида шундай дейилган:

Жамоатчилик бирлашмаларининг ҳукуқлари уларнинг уставларида қайд этилади.

Жамоатчилик бирлашмалари уставларда, дастурий, башқа ҳужжатлarda белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тұғрисидаги ахборотни әрқин тарқатади, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;
- давлат ва жамоатчилик идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;
- ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг башқа Қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам ўзга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ваколатларни амалга оширади.

2006 йилнинг декабрида Ўзбекистонда **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тұғрисида”** ги қонун<sup>5</sup> қабул қилинди. Ушбу қонун барча НИТларга уларнинг ташкилий-ҳукуқи шаклидан қатын назар, шу жумладан, касаба уюшмалар, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва башқа НИТларга тааллуқлидир. Қонун НИТларнинг қонунчилиқда кўзда тутилган фаолият әрқинлиги ҳукуқи; ахборотдан фойдаланиш ҳукуқи; мулкка әгалик ҳукуқи (5–7-моддалар) каби ҳукуқлари кафолатини мустаҳкамлаб қўйди. Ушбу ҳукуқлар кафолатлари кўзда тутилган барча моддаларда мазкур ҳукуқлар давлат ҳимояси остида эканлиги кўрсатилган. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тұғрисида”<sup>6</sup> ги қонуннинг асосий афзаллиги шундан иборатки, унда НИТларни **давлат**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Маҗlisининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2007 й., 1-2-сон, 2-модда; 2008 й., 51-сон, 500-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

**томонидан қўллаб-қувватлашнинг субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар тарзидаги шакллари** мустаҳкамлаб қўйилди.

2007 йил 2 майдаги “**Ҳомийлик тўғрисида**”ги қонун<sup>6</sup> да ННТларнинг хайрия фаолияти соҳасидаги мақоми белгилаб қўйилган. Жумладан, хайрия ташкилоти дейилганда жамият, юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари манфаатларини кўзлаб хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари англашади. Ушбу ташкилотлар жамоатчилик бирлашмалари, жамоатчилик фонди ва қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин (б-модда).

Ўзбекистонда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳузурида Жамоатчилик фонди ташкил этилган. Унинг вазифаларига давлат бюджетидан ва бошқа, қонунчилик билан ман этилмаган манбалардан тушадиган маблағларни жамлаш ва уларни долзарб ижтимоий-иқтисодий, гуманитар муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этаётган ННТлар томонидан фойдаланишларини ташкил этиш киради.

Ушбу фонд маблағларини бошқариш Қонунчилик палатаси депутатлари, сенат аъзолари, адлия ва молия вазирликлари, ННТ ва фуқаролик жамияти ҳамда бошқа институтлари вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Парламент комиссияси томонидан амалга оширилади<sup>7</sup>.

2017 йил 11 сентябрдаги «**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ги қонун<sup>8</sup> фуқароларга давлат органларига ўз ҳуқук ва эркинликларини амалга оширишга, агар улар бузилган бўлса тикишга қаратилган шикоятлар ва аризалар, балки давлат ва ижтимоий фаолиятни такомиллаштириш бўйича тавсиялар битилган таклифлар билан мурожаат қилишлари мумкин. Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳар чорақда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабабларни аниқлаш мақсадида мурожаатларни умумлаштиради ва таҳлил қиласи (5-, 35-моддалар).

2014 йил 5 майдаги “**Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиқлиги тўғрисида**”ги қонун<sup>9</sup> жисмоний ва юридик шахсларга ахборот олиш тўғрисидаги сўровни амалга ошириш, ушбу органлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш орқали давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 17-18-сон, 174-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

<sup>7</sup> Батафсилоқ қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2008 йил 3 июлдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномас, 2008, 7(1387)-сон, 409-модда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 12-сон, 209-модда; 2017 й., 978-сон.

фаолияти тўғрисида ахборот олиш, ўзларини қизиқтираётган ахборот билан танишиш учун ушбу органларнинг ахборот хизматлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятини яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамоатчилик назорати масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш муайян хусусиятларга эга.

**Биринчидан, ҳозирги пайтда амалда барча янгидан қабул қилинаётган қонунларда фуқаролар, ННТ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари фаолиятининг у ёки бу соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари тартибга солинмоқда.**

Жумладан, ушбу қоидалар 2016 йил 19 сентябрдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг<sup>1</sup> 22-моддасида, 2016 йил 21 сентябрдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг<sup>2</sup> 24-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Жамоатчилик назорати масалалари табиатни муҳофаза қилиш ва экологияга доир қонунчилиқда, айниқса муфассал ишлаб чиқилган. Фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мазкур соҳада жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этиш масалалари жуда аниқ ва батафсил тартибга солинган.

1992 йил 9 декабридаги **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги қонунда<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган (12-модда). Қонуннинг 29-моддасида экологик назоратнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат эканлиги белгилаб қўйилган:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 439-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 440-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда; 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 36-сон, 365-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

- атроф-мухит ҳолатини қузатиб бориш, атроф-мухитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;
- мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;
- атроф-мухитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;
- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

2002 йил 5 апрелдаги **“Чиқиндилар тўғрисида”**ги қонунда<sup>4</sup> фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларини тегишли ҳудудда жойлаштириш масалаларини ҳал қилишда иштирок этишлари белгиланган (12-модда). Фуқаролар эса чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектлари қурилишига доир қарорларнинг лойиҳалари муҳокамасида иштирок этишлари кўрсатилган (13-модда).

2013 йил 27 декабридаги **“Экологик назорат тўғрисида”**ги қонунда<sup>5</sup> экологик назорат субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар эканлиги кўрсатилган (8-модда). Қонуннинг 15-, 16-, 17-моддаларида ушбу субъектларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишида иштирок этишлари, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 72-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 512-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2011 й., 36-сон, 365-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги қарори<sup>1</sup> билан тасдиқланган “**Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом**” алоҳида эътиборга молиқdir.

Намунавий Низомда жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби, унинг ҳуқуқий асослари, субъектлари, принциплари, вазифалари, объектлари, институтлари, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро муносабатлари белиглаб берилган. Низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий шакллари ва тартиблари, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган. Низомда жамоатчилик назоратининг атроф-муҳитнинг ҳолатини кузатиш; давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш; тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитиш; жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш шакллари қайд этилган.

Низомнинг VI бўлимида жамоатчилик экологик назоратининг натижалари тўғрисида маҳсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилиш белгиланган тартибда бериладиган оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатлар (аризалар, таклифлар ёки шикоятлар) шаклида бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳккамасининг юқоридаги қарори билан **Экологик назоратнинг жамоатчилик инспектори тўғрисида Намунавий низом** тасдиқланган.

Экологик назоратнинг жамоатчилик инспектори бўлиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролар йиғинларининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларига ёки атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотига яшаш жойидан ариза билан мурожаат қилади. Намунавий низомда экологик назорат жамоатчилик инспекторининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг фаолиятини ташкил қилиш, молиявий асослари, белгиланган маҳсус тайёргарлиқдан ўтиши ва экологик назоратда иштирок этиши тартиби ўз ифодасини топган.

**Иккинчидан, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ва ОАВ фаоли-**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 526-модда; 2017 й., 37-сон, 996-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон, 22.02.2018 й., 09/18/134/0809-сон.

**ятини бевосита тартибга соладиган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик назорати тұғрисидаги қонунчилікнинг мұхим таркибий қисми ҳисобланади.**

1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тұғрисида”ги қонунга киритилган тузатишлар алоҳида әထиборга молиқидір. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндагы Қонун билан янги 25-1-модда киритилган. Ушбу моддага мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокими **хар ыйили** тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иктисодий ривожланишининг әңг мұхим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этади. Бу ҳисобот тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиши яқунлари ва жорий йилга мүлжалланған ижтимоий-иктисодий дастурнинг әңг мұхим устувор йўналишларига бағишенланған мажлисіда әшитилади.

Шуниси әထиборлики, вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини әшитишига тегишли ҳудудда жойлашған бошқа давлат органларининг, **фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг**, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан, **нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари** ва бошқа шахслар таклиф этилади.

Бунда вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қылыш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, унда тегишли ҳоким ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигига комплекс баҳо берилади, уларнинг ишини такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар, шунингдек, қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади. Мазкур қарор ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрларда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шарт.

Ушбу қоида фуқаролик жамияти институтларининг жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқларини кенгайтиришга, улар фаолиятининг жамият учун очиқлиги, шаффоғлиги ва ҳисобот беришини таъминлашга, айни пайтда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янги даражага кўтариш, амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

2013 йил 22 апрелдаги **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тұғрисида”**ги қонуни (янги таҳрир)<sup>2</sup> фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қылыш борасидаги Ўзбекистон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон.

Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолияти эканлиги қоидасини мусаҳкамлаб қўйди (3-модда).

Фуқаролар йиғини тегишли ҳудудларида қонунлар ва тегишли қонунчилик ҳужжатлари бажарилишининг жамоатчилик назоратини амалга оширади, ўз ҳудудларидаги ижро этувчи ҳокимият органлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди.

Қонуннинг 16-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати шакллари белгилаб қўйлган.

### **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:**

- тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;
- тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш;
- давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиқда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар қўриши шарт.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қўлган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қўлган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёхуд суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Фуқаролар йиғинларида **жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия** ташкил этилади.

**“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонун<sup>1</sup> га 2016 йил 28 ноябрда киритилган қўшимчаларга мувофиқ, касаба уюшмаси ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидағи фаолият турига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 344-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 546-модда.

кўра ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган фуқароларнинг жамоатчилик бирлашмасидир.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси меҳнатга ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқища иштирок этиш ҳуқуқига эга. У меҳнатга ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат органларига киритишга ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси олдиндан хабардор этилган ҳолда давлат органлари томонидан қабул қилинади.

Касаба уюшмалари иш берувчи томонидан меҳнат ва касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли. Иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида касаба уюшмасига ўн беш кунлик муддат ичидаги хабар берниш шарт.

Касаба уюшмалари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси билан, шунингдек, суд буйругини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Касаба уюшмалари иш берувчидан, шунингдек, давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган статистика ҳисоботлари доирасида бепул ахборот олишга ҳақлидир.

Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари жамоа шартномалари, келишувлари шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда, касаба уюшмалари ушбу қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли, бу тақдимнома бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади. Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари касаба уюшмаларининг ушбу талабларини қаноатлантиришни рад этган ёки кўрсатилган муддатда улар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда, келишмовчиликлар жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Иш берувчилар ва мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиши шарт. Улар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини бузганлик ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўйсунлик қилганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Иш берувчилар ва мансабдор

шахслар қасаба уюшмалари вакилларининг шу қасаба уюшмалари аъзолари ишлатётган ташкилотларга уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳамда қонун ҳужжатларида берилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

1998 йил 1 майдаги **“Аҳолининг бандлиги тўғрисида”** ги қонун (янги таҳрир)<sup>1</sup> қасаба уюшмаларининг давлат бандлик сиёсати масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ва маҳаллий кенгашларнинг қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ҳуқуқини тартибига солади.

1997 йил 24 апрелдаги **“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”** ги қонун<sup>2</sup> жамоатчилик назоратининг “журналист текшируви ўтказиш” каби шаклини амалга оширишни тартибиغا солади. Жумладан, Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, журналист ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш, давлат органларининг очиқ ҳайъат, судларнинг мажлисларида ва оммавий тадбирларида ва ҳоказоларда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадир. Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади. Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди. Давлат органлари, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари журналистни цензура қилганлик, ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига тўсқинлик қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**Учинчидан, қатор қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик назорати бошқа шаклларининг тартибига солинишини таъқидлаш лозим.** Қонунларнинг бу гуруҳига қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қонунчилик фаолиятини тартибиغا соладиган қонунларни киритиш лозим. Масалан, булар 2000 йил 14 декабрдаги “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”,<sup>3</sup> 2006 йил 11 октябрдаги “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”,<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 17.10.2018 й., 03/18/501/2056-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тұғрисида”<sup>5</sup> ғи<sup>5</sup> ва бошқа қонунлардир.

Фуқароларнинг қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этишларининг муҳим шакли қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш хуқуқи, шунингдек, фуқаролар ва ННТларнинг давлат органлари томонидан тайёрланган қонунлар ва бошқа норматив хуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасида бевосита иштирок этиш хуқуқи ҳисобланади.

2000 йил 14 декабрдаги **“Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тұғрисида”** ғи қонунга күра, фуқаролар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи башкариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик бирлашмалари қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари бўлишлари мумкин. Улар фуқаролар учун очиқ, ошкора ўтадиган муҳокамаларда қатнашиш билан бирга қонун лойиҳалари юзасидан ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини парламент, ҳукумат, бошқа давлат органлари сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик бирлашмаларига, оммавий ахборот воситаларига киритишлари мумкин. Фуқаролар, шунингдек, депутатлар билан, давлат ҳокимиюти ва башкарув органларининг вакиллари билан ташкил этилган учрашувларда ва бошқа тадбирларда қатнаша олади. Қонун лойиҳалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши туфайли улар амалда бу ҳужжатларни муҳокама қилишда иштирок эта оладилар.

Фуқароларнинг қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш хуқуқининг ҳеч бир чекланишлари йўқ. Бундан ташқари 2012 йил 24 декабридаги **“Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тұғрисида”** ғи қонунда қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш норматив-хуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқаётган органнинг мажбурияти ҳисобланади. Норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун танловлар ўтказишга ҳақлиди. Қонун лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар бир қўмитасида мутахассислар ва ноҳукумат ташкилотлари вакилларидан иборат жамоатчилик эксперт комиссияларини шакллантириш амалиётга киритилди.

Жумладан, 2006 йил 11 октябрдаги **“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тұғрисида”** ғи қонунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2005 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2005 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгаришлар, қўшимчалар киритилиши, шунингдек, амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз қучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкинлиги баён этилган.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилган қонунлар лойиҳаларини ёки таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи ишлаб чиқаётган қонунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиши мумкин.

Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фуқаролар қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига киритилиши мумкин. Улар қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва ўзга маълумотларни тақдим этишлари, шунингдек, муқобил қонун лойиҳаларини тайёрлашлари мумкин.

**Тўртингчидан, давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатлари масалаларини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам жамоатчилик назорат соҳасига тааллуқлидир.**

Жумладан, 2014 йилдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг 6–8-моддаларида ижтимоий субъектлар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, ижтимоий шериклик қуйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин:

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;
- атроф-муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;
- ҳар томонлама барқамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;
- оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оиласи шакллантириш;
- фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;
- аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;
- миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш;

- истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Бошқача қилиб айтганда, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлик қилиш ва биргаликда иш олиб боришнинг аниқ йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунда ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ ва бошқаларнинг) ижтимоий шериклик соҳасида, шу жумладан, жамоатчилик назорати масалаларида иштирок этишлари батафсил мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонуннинг б-моддасида ижтимоий шерикликнинг қуйидаги шакллари тартибга солинади:

- **нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;**
- **нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;**
- **нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;**
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар (бундан буён матнда битимлар ва шартномалар деб юритилади) тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш.

Давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда манфаатдор нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан таклифлар тўплашни амалга оширади. Ушбу фаолият нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда давлат органлари ҳузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қуйидагиларга ҳақлидир:

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслар билан чиқиша, тегишли таклифлар ва лойиҳаларни тайёрлашда иштирок этишга, шунингдек, уларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишида, ишлаб чиқувчилар билан келишувга кўра, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқишида иштирок этишга, лойиҳалар юзасидан таклифларни ишлаб чиқишига, уларни тўплашни ва умумлаштиришни амалга оширишига, шунингдек, ушбу таклифларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишига;
- биргалиқда тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан давлат органларига таклифлар киритишига;
- **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишига, унинг якунлари бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли давлат органларига киритишига ҳақли.**

Шуни таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратини ва жамоатчилик назорат субъектларининг хуқуқини амалга ошириш ижтимоий шерикликнинг муҳим йўналиши бўлиб, унинг доирасида жамоатчилик тузилмалари ва давлат органлари ўз хуқуқлари ва мажбуриятларига эгадир.

Жумладан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасида ННТларнинг, жумладан, қуйидаги хуқуқлари белгилаб қўйилган:

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишида ўз аъзолари ва иштирокчиларининг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг турли масалалари бўйича ташабbusлар билан чиқиш, давлат органларига тегишли таклифлар киритиш;
- **фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;**
- **давлат органларига ахборот олиш тўғрисида сўровлар билан мурожаат этиш, шунингдек, ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиши;**
- ижтимоий шериклик масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш ҳақида ташабbusлар билан чиқиш, битимлар ва шартномалар тузиш тўғрисида таклифлар киритиш, битимлар ва шартномаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилишида иштирок этиш;
- **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар, битимлар ҳамда шартномалар, шунингдек, бошқа қўшма**

**хўжжатларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш** ва бошқалар.

ННТ фаолиятининг асосий йўналишлари ва шакллари уларнинг уставларида ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос хусусиятлари (ихтиослашиши) ҳисобга олинган ҳолда мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролик жамиятининг институтлари ўз аъзолари ва иштирокчиларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий шерикликнинг йўналишлари ва шаклларини танлаш ҳукуқларини сақлаб қолишлари керак.

Болалар ва хотин-қизлар ННТларининг ижтимоий шериклик йўналишлари ва обьектлари экологик ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВдан фарқланиши мумкин.

**Бешинчидан, ННТ тўғрисидаги қонунчиликнинг таҳлили жамоатчилик назоратининг масалалари айрим ННТларнинг таъсис ҳўжжатларида тартибга солинишини кўрсатади.** Жумладан, **Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Устави** касаба уюшмаларининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш, меҳнат қонунчилигига амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича фаолияти, хўжалик органларининг амалдаги қонунчиликка зид қарорларини бекор қилиш масалаларини тартибга солади. Уставга мувофиқ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг Раёсати давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органларидан меҳнаткашларнинг ҳукуқлари ва манфаатларига зарар етказадиган ва қонунчиликка зид бўлган қарорларнинг, мулк шаклидан қатъи назар, ижросини тұхтатиш ёки уларни ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир.

**Олтинчидан, жамият ҳаётининг у ёки бу томонини тартибга солишга тааллуқли амалдаги барча қонунлар фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари фаолиятида иштирок этиши тўғрисидаги қоидалари мавжудлигига** эътиборни қаратиш зарур. Бунда қонунларнинг баъзиларида факат давлат органлари, ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги **ижтимоий шериклик шакллари**, бошқаларида — ижтимоий шериклик тўғрисидаги нормалар **жамоатчиликнинг жамоатчилик назоратини турли шаклларда ўтказиш ҳукуқлари билан тўлдирилган**.

Масалан, 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”**ги қонунда<sup>1</sup> муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик назоратининг шаклларига бағишлиланган ижтимоий шериклик тўғрисидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳўжжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда, Қонун ҳўжжатлари маълумотлари миллый базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

худудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига кўмаклашадилар. Давлат органлари ана шу тадбирларни амалга ошираётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар.

Айрим муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқаришга аҳолини жалб этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар вакилларидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан **маслаҳатлашув комиссиялари** тузилиши мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий худудларни ва уларнинг қўриқланма зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги, ана шу худудларда яшовчи аҳолининг манфаатларига даҳлдор қарорлар маслаҳатлашув комиссияларининг хуносалари инобатга олинган ҳолда қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар **тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида ахборотлар талаб қилиш ҳамда олиш ҳуқуқига эга**.

2015 йил 26 августдаги “**Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида**”ги қонунда<sup>1</sup> ушбу қонунни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокига худди шундай ёндашув ўз ифодасини топган. Қонуннинг 14-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

- аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;
- санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;
- тегишли худудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи худудларидағи қурилишлар ҳамда ҳовли ва уй атрофи худудларини сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида тегишли худудда яшовчиларнинг ихтиёрий асосда иштирок этишини ташкил этади.

2014 йил 14 майдаги “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**”ги қонуннинг<sup>2</sup> 21-моддасида давлат органлари билан жамоатчиликнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан муносабатлари худди шундай тартибга солинган. Унга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил 2 сентябрь, 34-сон, 451-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- тегишли худудда жамоатчилик тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмаклашади;
- ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- яратириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга қўмаклашиб ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

Бошқа бир мисол. 2008 йил 11 июлдаги “**Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонунда (янги таҳрир)<sup>3</sup> нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қўмаклашиши, шунингдек, ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва белгиланган тартибда ҳалқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқмуаммоларни ҳал қилишда, шунингдек, тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши мумкинлиги баён этилган.

**Еттинчидан**, жамоатчилик назорати тўғрисидаги айрим қонунлар бир-бирига зидлигига ҳам эътиборни қаратиш керак. Масалан, 2000 йил 25 майдаги “**Экологик экспертиза тўғрисида**”ги қонуннинг<sup>4</sup> 23-моддасида шундай дейилади: жамоатчилик экологик экспертизаси экологик асосланиши тақозо этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик экологик экспертизаси амалга оширишга тўсқинлик қилиш тақиқланади. Жамоатчилик экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

Ўз навбатида 2013 йил 22 декабридаги “**Экологик назорат тұғрисида**” ги қонунда<sup>1</sup> жамоатчилик экологик экспертизани үтказишга фақат ННТ әмас, балки фуқаролар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам хукуқи борлиги күрсатилған.

Фикримизча, бу зиддиятни бартараф этиш лозим, чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда биринчи даражали роль ўйнайды, улар ўз худудларида қонунлар ва қонунчиликнинг бошқа хужжатлари ижросининг жамоатчилик назоратини үтказади.

### **Амалий ишлар:**

Жамоатчилик назоратини үтказишга тайёргарлик даражасида қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқидир:

- фуқаролар, ННТ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида дикқат әътиборида бўлган жамоатчилик назорати мавзуларини белгилаб олиш;
- жамоатчилик вакиллари томонидан энг қўп тилга олинадиган давлат органлари фаолиятидаги асосий муаммоларни ўрганиш;
- давлат тузилмалари фаолиятининг қонунчилик асосларини, уларнинг хукуқлари, мажбуриятлари ва топширилган соҳа учун масъулиятини чукурроқ тадқиқ этиш;
- ҳалқаро хужжатлар ва қонунчилик бўйича маълумотлар базасини яратиш, бунда бир йўла тегишли соҳаларда давлат органлари ва аҳоли ўзаро муносабатларининг хукуқий тартибга солишдаги камчиликларини белгилаб олиш;
- агар сиз ушбу муаммолар билан жиддий шуғулланишни хоҳласангиз, жамоатчилик назоратчи хукуқлари ва мажбуриятларини ўрганишни бошланг.

Шуни ёдда туtingки, жамоатчилик назоратининг малакаси ва билими жамоатчилик назорати самарадорлиги, аҳолининг жамоатчилик назорати институтига ишончи даражасига боғлиқидир.

2018 йил 12 апрелда “**Жамоатчилик назорати тұғрисида**” ги қонуннинг<sup>2</sup> қабул қилиниши билан жамоатчилик назорати бўйича тадбирларни амалга ошириш механизмларини тартибга соладиган қонунлар ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларни тўлиқ инвентаризация қилиш заруратини туғдирди.

**Асосий “Жамоатчилик назорати тұғрисида” ги қонунинг қабул қилиниши қуйидаги имкониятларни яратди:**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>2</sup> Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

- фуқаролар, ННТ ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этишлари учун зарур ташкилий-хуқуқий шарт шароитлар яратди;
- давлат ва жамоатчилик назорати субъектлари ўртасида давлат органлари фаолиятининг қонунийлиги даражаси ўртасида биргаликда иш кўриш ва ҳамкорлик қилиш асосларини аниқлаб берди;
- жамоатчилик тузилмалари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини аниқлаш механизмларини яратиш ва ушбу соҳада вазиятни яхшилаш бўйича чораларни ишлаб чиқиша иштирок этиш имкониятини яратди;
- жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жамоатчилик назорати соҳасидаги фаолият шаклларини мустаҳкамлаб қўйди;
- фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонулари ижросини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинлари соҳасида умумеътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини белгилаб берди;
- давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик назорати якунини ўз вақтида кўриб чиқиши аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш бўйича самарали чоралар кўриш юзасидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг мажбуриятларига аниқлик киритди;
- инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун нормаларининг бажарилиши, ижтимоий социалогик тадқиқотлар ва жамоатчилик эшитишлари соҳасидаги вазиятнинг мунтазам жамоатчилик мониторингини ўтказишни, муайян масалалар бўйича марказий ва маҳаллий давлат органларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қилишни амалиётга киритди;
- фуқаролик жамияти институтларининг қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик назоратини ўтказиш, шахснинг ҳуқуқлари ва манбаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилиш, шунингдек, давлат органлари ҳайъати мажлисларида иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар яратди;
- давлат органлари томонидан айрим мансабдор шахслар фаолиятини такомиллаштириш ва уларга қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўллашда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши заруратини мустаҳкамлаб қўйди.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун фуқароларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишга жиддий равишда таъсир кўрсатмоқда, Ўзбекистонда инсон, унинг манбаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадриятга айланишига ёрдам бермоқда.

“Жамоатчилик назорати тўғрисда”ги қонуннинг қабул қилиниши амалдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “ННТ фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Касаба уюшмалар, уларнинг ҳуқуқлари фаолияти кафолатлари тўғрисида”, “Фуқаролоарнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги қонунларга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати қонунчилиги ривожлантирилишининг асосий йўналишлари нимадан иборат?
2. Жамоатчилик назорати институтини ҳуқуқий тартибга солишнинг қандай асосий хусусиятлари бор?
3. Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини самарали тартибга солишда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинишининг аҳамияти нимадан иборат?

### **§3. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун асосий сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан, жамоат назоратини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлашнинг кафолатлаш ривожлантирилди. Ушбу кафолатларни ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқаларга тақсимлаш мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг **ҳуқуқий кафолатлари**га Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Конституция асосида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг нормалари ва принциплари тааллуқлидир.

Фуқароларнинг жамият ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа универсал ва минтақавий халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларининг халқаро стандарти ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларга қўшилган давлатлар бу стандартлар бажарилишини таъминлаши шарт<sup>1</sup>.

Фуқароларнинг умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий даражадаги масалаларни ҳал этишда иштирок этишини таъминлаш учун мамлакатда даставвал қандай **шарт-шароитлар** шакллантирган эди?

---

<sup>1</sup> Қаранг: 1-мавзу: «Жамоатчилик назоратининг халқаро-ҳуқуқий асослари».

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади эълон қилинган. Бунда **демократия** — бу халқ (бевосита ёки ўз вакиллари орқали) давлат қарорларини қабул қилиш орқали ҳокимиятни амалга оширишга ҳақли бўлган сиёсий тузумдир. Демократия фуқароларнинг давлатни бошқаришда самарали иштирок этишини: фуқаролар учун сайлов ҳуқуқининг тенглиги, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, фуқароларнинг жамиятнинг барча соҳаларига жалб этилишини кўзда тутади<sup>2</sup>.

Давлат ва жамиятни бошқаришнинг демократик принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга мувофиқ, “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўзлаб ва Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тұхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистонда демократиянинг ажралмас унсури **хуқуқий давлат** ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларни устунлиги, жамият билан давлат ўртасида ижтимоий шартнома, ҳокимиятнинг ажратилиши принципи, ривожланган фуқаролик жамияти ва сиёсий демократия институтлари мавжудлигига асосланган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда **инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлиги принципи** ўрнатилган (Конституциянинг 13-моддаси).

Мамлакатда **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг сўзсиз устунлиги** тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Конституцияда инсон ҳуқуқларининг барча авлодларини тўла қамраб оладиган **инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқ рўйхати**: шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар баён этилган. Уларга изчил амал этиш, давлат ҳокимияти бир тармоғининг бошқаси фаолияти устидан назорат

<sup>2</sup> Қаранг: Права человека. Энциклопедический словарь // под ред. С. С. Алексеева. — М., 2016. С. 201-202.

<sup>3</sup> Ўша жойда, Б.162-163.

қилиши мақсадларида Конституцияда ҳокимиятни қонунчилік, ижро этувчи ва суд тармоқларига ажратиш принципи мустаҳкамлаб қўйилган.

**Учинчидан**, Ўзбекистонда конституциявий нормалар ва кафолатлар билан ҳозирги давр демократик нормалари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган, **нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин ривожланишини кафолатлайдиган ҳамда таъминлайдиган қонунчилік, норматив-хуқуқий асос** яратилган ва мунтазам ривожлантирилиб борилмоқда.

ННТ фаолиятини фаоллаштириш ва қўламларини кенгайтириш, уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ваколатларини кенгайтиришнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти Ислом Каримов томонидан таклиф этилган ва мамлакат парламенти томонидан 2010 йилда қабул қилинган **Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси** янги босқичини очиб берди.

**Тўртинчидан**, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларининг муҳим белгиларидан бири инсоннинг хуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан бузилган ҳолатларда қонунчилик томонидан ҳимоя қилиниши ҳисобланади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари томонидан ҳимоя қилинади**.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар, шу жумладан, хуқуқ ҳимоячилари бир хил хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (Конституциянинг 18-моддаси). Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Фуқаролар ўз хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, хуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт (Конституциянинг 19–20-моддаси).

Ўз хуқуқлари бузилган ҳолатларда хуқуқ ҳимоячилари ҳар бир фуқаро каби бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда **ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хуқуқига эга** (Конституциянинг 35-моддаси). Ушбу хуқуқни амалга оширишнинг тартибига 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунида тўла аниқлик киритилган.

Фуқароларнинг, шунингдек, Конституциянинг 44-моддасига мувофиқ, **давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланади**.

Хуқуқ ҳимоячилари ва бошқа шахсларнинг суддан ташқари ҳимояси улар ўз хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлганларидан кейин **Омбудсман институти** томонидан амалга оширилиши

мумкин. Бу 2004 йил 27 августдаги **“Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”**ги Қонун (янги таҳрир)<sup>1</sup> билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясининг кафолатлари “Тұхмат”, “Ҳақорат қилиш”, “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик бузилиши”, “Хужжатлар билан танишишни асоссиз рад этиш” каби ҳуқуқбузарликлар содир этилганлик учун маъмурий жавобгарлик билан қучайтирилган.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг **ташкилий кафолатлари** давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал амалга оширишни таъминлаш бўйича фаолиятига тааллуқlidir. Ўзбекистонда **инсон ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилишнинг миллий тизими** яратилган бўлиб, унинг зиммасига қуйидагилар юкланган:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг стратегияси ва тактикасини тақомиллаштириш;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий стандартларини, давлат ва жамоатчилик механизmlарини қамраб олган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яхлит ва комплекс тизимини яратиш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш, ушбу соҳада қонунчиликни тартибга солиш бўйича амалда Конституция ва қонунлар устунилиги принципига эришиш;
- инсон ҳуқуқларининг замонавий, жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган институционал асосларини, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ва миллий нормаларга сўзсиз амал қилиш давлат механизмини яратиш ва ривожлантириш;
- давлатнинг суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга йўналтирилган ушбу соҳадаги тизимнинг ислоҳотини ўтказиш орқали инсон ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилинишини тақомиллаштириш;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими фаолиятини БМТ тизимининг халқаро ташкилотлари, Европа тузилмалари ва чет эл мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тузилмалари билан ўзаро муносабатлари ва мувофиқлаштиришнинг замонавий моделини ўрнатиш;
- давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ижтимоий шерикликни ривожлантириш;
- жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан, ОАВнинг салоҳиятидан фойдаланилган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқий тарбияси, давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқий онги юксак даражасини таъминлаш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарали мониторинги, назоратини амалга ошириш ва баҳолаш асосида инсон ҳуқуқлари ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда.

эркинликларини ҳимоя қилишда аҳоли учун самарали бўлган воситаларини шаклантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини **ижтимоий-иқтисодий кафолатлари** мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бутун тизимини молиялаштириш имкониятини берадиган иқтисодий асосни яратишдан иборатdir.

Ўзбекистонда **фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини**, кўп болали кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

**Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш-нинг кафолатлари.** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижобий хусусияти фуқароларнинг расмият учун эмас, балки ҳақиқатдан ҳам бошқаришда иштирок этишларининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ва реал муаммоларини ҳал этишда давлатнинг устувор роли ҳисобланади.

Давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлиги ўз-ўзидан эмас, балки давлатнинг жамоатчилик бирлашмаларига қандайдир ўзга ва душман сифатидаги муносабатининг ўзгариши натижасида шакланди. Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини фаоллаштиришга, давлат бошқарувини тақомиллаштиришга олиб келиши тушунчаси шакланди.

Ҳозирги пайтда жамоатчилик бирлашмалари ва ҳуқуқ ҳимоячилари учун “очик эшикни бузиб кириш” зарурати қолмади, давлат тузилмалари билан қонун асосида ҳамкорлик қилиш, у томонидан зарур қўллаб-кувватланиш ва ҳимоя олиш имконияти пайдо бўлди.

Ўзбекистонда давлат томонидан **фуқаролик жамияти институтларини ҳар тарафлама қўллаб-кувватлаш** турли шаклларда амалга оширилади.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг таркибида тузилган, 2005 йилда фаолиятини бошлаган **Демократик институтлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари бўйича қўмитанинг** ташкил этилиши нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Парламентнинг ушбу қўмитаси фаолияти ННТ соҳасида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини янги даражага кўтариш, ушбу соҳада қонунчилик ижросининг парламент назоратини ўрнатиш имконини берди.

**Иккинчидан,** ННТ фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий асосини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни ва жамиятни либераллаштиришни амалга оширишда фаол иштирок этишларини рағбат-

лантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 3 июлдаги **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”** ги қўшма қарорининг<sup>1</sup> қабул қилиниши ҳамда олий қонунчилик органи ҳузурида Жамоатчилик фонди ва Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши муҳим воқеа бўлди. Парламент комиссияси таркибига ННТ ва жамоатчилик ташкилотларининг ўзлари томонидан ваколат берган вакиллари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Сенат аъзолари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг эксперплари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари кирди.

**Учинчидан**, сўнгги йилларда ННТ тўғрисидаги қонунчилик жиддий равища либераллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги **“Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги қарори<sup>2</sup> билан ННТни рўйхатта олиш тартиби, улар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш соддалаштирилди, давлат органларининг ННТ билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-хуқуқий механизmlари такомиллаштирилди. Бундан ташқари ННТ ва улар рамзларининг давлат рўйхатига олиниши учун давлат божи ва йиғимлар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, адлия органлари томонидан уларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-хуқуқий механизmlарни ҳамда тартиботларни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартағи қарори<sup>3</sup> билан нодавлат нотижорат ташкилотларини, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу хукумат қарорига мувофиқ, ННТлар томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этадиган хужжатлари рўйхати қисқартирилди, зарур хужжатлар фақат давлат тилида тақдим этилиши ўрнатилди, ННТларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жиддий равища соддалаштирилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 7-сон, 409-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 660-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 11-сон, 126-модда; 2015 й., 15-сон, 181-модда; 2017 й., 35-сон, 922-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2017 й., 09/17/810/0095, 26.10.2017 й., 09/17/873/0180, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон.

Солиқ, божхона, шунингдек, банк қонунчилигига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг (фойда, мулк, қўшимча қиймат ва бошқа солиқлар) 10 турини тўлашдан озод этилди, уларга божхона ва банк тартибларини расмийлаштиришда жиддий имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “**Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги фармонига<sup>1</sup> мувофиқ мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини қучайтириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди.

Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланди:

- давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;
- ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равища хабардор қилиш;
- давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- илмий ва экспертлар гурухлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташабус қўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равища ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;
- фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги

<sup>1</sup> Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.

иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

- фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва маҳсус, шу жумладан, муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;
- фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда қўмаклашиш.

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб қуйидагилар белгилаб қўйилди:

- рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида **хабардор қилиш тартиби** билан алмаштирилади;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобваракларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга оширишучун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулқдан, уларни олиш **рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз** фойдаланилади;
- Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги **исталган банк муассасаларида очилган маҳсус ҳисобваракларига** келиб тушади;
- меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси **15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда** белгиланади;
- жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги керак;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қўлган ҳамда улар ўз фаолиятини амалга ошириши давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланимаётган давлат мулки обьектлари негизида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари» ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича **доимий фаолият юритувчи комиссиялар**ни ташкил этиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни** амалиётга киритиш тавсия этилди.

**Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (кўнгиллilar) ҳаракатини ривожлантириш** бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиладиган бўлди.

Мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносаб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир қўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган «**Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун**» кўкрак нишони таъсис этилади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига **нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминлаш** топширилди.

**Тўртинчидан**, давлат ҳокимиияти ва бошқарувини демократик янгилаш ва модернизациялашнинг ҳозирги босқичи, шунингдек, уларнинг **фуқаролик жамиятининг институтлари, турли жамоатчилик кенгашлари, фуқаролик жамияти вакиллари иштирокидаги ишчи гуруҳлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини таъминлайдиган тузилмалар ташкил этилиши хусусиятига эга** бўлиб, бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 октябрдаги ПҚ-1839-сон қарори билан **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида** жамоатчилик бирлашмалари, фондлар, касаба уюшмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ҳарбий-таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари,

шунингдек, маданият, санъат, фан ва спорт арбоблари, давлат органларининг эксперларидан иборат **Жамоатчилик кенгаши** тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 20 январдаги 11-сон қарори<sup>1</sup> билан **Республика болалар ижтимоий мослашувি маркази** ҳузурида ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш бўйича ННТ, давлат органлари, парламент аъзолари ва олимлардан иборат **Жамоатчилик кенгаши** ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги **“Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”** ги қарорига<sup>2</sup> мувофиқ ҳар бир давлат органи, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳузурида жамоатчилик кенгашини ташкил этиш амалиёти жорий этилди.

Жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи **маслаҳат-кенгаш органи** эканлиги белгилаб қўйилди. Жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилади, ўз фаолиятини Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади. Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрўэтиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгашига қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

- давлат органи томонидан ташкил этиладиган бўлажак очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги **ахборотни олдиндан олиш** ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;
- давлат органининг, жумладан, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;
- давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг **ахборотлари, статистика ва бошқа материаллари**ни белгиланган тартибда олиш;
- **давлат органининг қонун ижодкорлиги фаолиятида**, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва эксперлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш ва бошқалар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 48-модда; 2017 й., 37-сон, 996-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2018 й., 09/18/107/0697-сон, 01.06.2018 й., 09/18/400/1289-сон, 25.08.2018 й., 09/18/680/1791-сон.

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.07.2018 й., 07/18/3837/1454-сон.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ННТ фаолиятини ахборот-таълим таъминоти мақсадларида давлат бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг курсларида икки йил таълим олганларидан сўнг “жамоатчилик бошқаруви” йўналиши бўйича магистр даражасини олишлари ҳамда жамоатчилик бошқаруви соҳасида ўз касбий кўнималари ва билимларини такомиллаштиришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори<sup>1</sup> билан Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари** ташкил этилди.

**Олтинчидан**, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-кувватлаш ижроия ҳокимият органлари даражасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июнданги Протоколи қарори билан ННТ ахборот-ташкилий фаолиятини яхшилашга йўналтирилган тадбирларнинг комплекс режаси тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2015 йил апрель ойида **“Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида 2015 йил учун мамлакатни ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожлантириш долзарб вазифаларини ҳал этиш бўйича ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларнинг комплекс режаси”** тасдиқланган. Ушбу комплекс режа ННТларнинг мамлакатни ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожлантириш долзарб вазифаларини ҳал этишда самарали иштирок этишининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган 50 та банддан иборатдир.

2018 йилнинг январь ойида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунали низом”<sup>2</sup>, “Фуқароларни ва жамоатчилик бирлашмаларини хуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчилик билан курашда фаол иштирок этганликлари учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом”<sup>3</sup> тасдиқланган.

2018 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла институтининг янада самарали амал этишини таъминлаш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 546-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 1-сон, 9-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 2-сон, 26-модда.

чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>4</sup>, 2018 йилнинг март ойида — “Хотин-қизлар ва аёлларни қўллаб-куватлаш бўйича жамоатчилик фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги<sup>5</sup> қарорлар қабул қилинган.

**Еттингидан**, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий сиёсий фаоллиги ортиши, ННТ вакилларининг сиёсий-хуқуқий маданиятининг жиддий равища юксалиши, улар жисплашиши юқори даражасининг ёрқин далолати — сўнгги йилларда **Ўзбекистон ННТ миллий анжуманларини** ўтказиш бўлди. Ушбу анжуманларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг энг долзарб маслалари муҳокама қилинади.

**Саккизинчидан**, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг қарорлар қабул қилишда иштирок этишининг муҳим жиҳати — инсон хуқуқ ва эркинликлари соҳасида таълим тизими мавжудлиги, жамиятда инсон хуқуqlари маданиятини шакллантириш ҳисобланади.

Ноҳуқумат ташкилотлари ҳамкорлик учун фойдали шериклар сифатида алоҳида лойиҳалар ва дастурларга жалб этилади. **Таълим, касбий тайёргарлик ва ахборотни тарқатиш** ҳамкорлик ва биргалиқда иш олиб боришнинг алоҳида истиқболли соҳалари ҳисобланади. Махсус билимга эга ҳар бир ташкилот аниқ бир тадқиқотни ўтказиш учун жалб этилиши мумкин.

Давлат органлари ННТ фаолиятини такомиллаштиришга уларнинг инсон хуқуқлари соҳасидаги малакасини оширишни қўйидагилар орқали ҳар тарафлама қўллаб-куватлайди:

- ННТ учун маҳсус семинарлар ва машқлар ўтказиш;
- уларни хуқуқ-тартибот тузилмалари ходимлари учун ўтказиладиган инсон хуқуқлари бўйича ахборот тадбирларида иштирок этишга жалб этиш;
- ННТ иштироқида инсон хуқуқлари тўғрисида қонунчилик мониторингини ўтказиш;
- БМТ қўмиталарининг Ўзбекистон томонидан инсон хуқуқлари соҳасида ўз халқаро мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги миллий маъruzalарини кўриб чиқишида ННТларни миллий ҳаракатлар режасининг ижрочиси сифатида киритиш;
- Ўзбекистоннинг инсон хуқуқларини таъминлаш соҳасида миллий маъruzalariiga киритиш учун инсон хуқуқларга амал қилиниши тўғрисида тегишли ахборот олиш;
- ННТларни инсон хуқуқлари масалалари бўйича янги адабиётлар билан таъминлаш;
- аҳолининг инсон хуқуқлари масалалари бўйича таълимни даражасини оширишга йўшналтирилган қўшма ахборот-маърифий тадбирлар ўтказиш ва бошқалар.

<sup>4</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) 2018 йил 17 февраль.

<sup>5</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) 2018 йил 16 февраль.

Ўзбекистонда ННТ ўз фаолияти билан жамиятнинг муҳим йўналишлари ва турмуш соҳаларини қамраб олган. ННТнинг энг катта муваффақиятга эришганлиги эътироф этилган соҳалар қаторида қўйидагиларни кўрсатиш зарур:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун кураш олиб бориш ва экологиянинг жуда кўп муаммоларини ҳал этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш;
- таълим бериш соҳасида энг истиқболли ва замонавий дастурларни илгари суришга қўмаклашиш, шу жумладан, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг олий ва маҳсус таълим соҳасидаги тажрибаси билан таништириш;
- гендер тенглигига эришишга қўмаклашиш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий ва ижтимоий-маърифий ишлар олиб бориш;
- хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш, уларни фаол амалий бизнес муҳитга жалб этиш;
- оиласдан зўравонлик билан курашиш, айниқса оиласвий, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик профилактикаси;
- аҳолининг ночор қатламларига, ёлғиз кекса ёшдаги кишилар, кўп болали ва моддий жиҳатдан кам таъминланган оиласлар, ёлғиз оналарни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ногиронларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда тўлақонли ижтимоийлашувига, шу жумладан, уларга таълим ва доимий иш топиш имкониятини тақдим этиш орқали ёрдам бериш;
- мамлакат аҳолисига ва айниқса ёшларга репродуктив саломатлик ва репродуктив маданият масалалари бўйича таълим бериш, ВИЧ-СПИД ва бошқа юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида иш олиб бориш.

Ижроия ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ўзаро иш олиб боришларининг самарали шакллари сифатида жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда ишчи гурухлари ташкил этиш; жамоатчилик ташкилотлари вакилларини ижроия ҳокимияти органлари хузуридаги маслаҳат органлари таркибига киритиш; мақсадли дастурлар амалга оширилиши устидан кузатиш олиб бориш бўйича жамоатчилик комиссияларини ташкил этиш; жамоатчилик нотижорат ташкилотларини бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқаниқ тартиблардан фойдаланишларини таъминлаш ва бошқалар амалиётга кирган.

Фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тизимида ижроия ҳокимият органлари қарорларининг жамоатчилик экспертизаси тобора муҳим аҳамият қасб этмоқда. Жумладан, экология соҳасидаги жамоатчилик бирлашмалари ўз вакилларини давлат экологик экспертизасида иштирок этишлари учун тавсия этиш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш (унинг натижалари давлат экспертизаси органлари тасдиқлагандан сўнг

хуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлади); давлат экологик экспертизасини тайинлашни талаб қилишга ҳақлилар ва бошқалар.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятида ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотларни жалб этган ҳолда қонунлар лойиҳаларининг мустақил экспертизасини ўтказиш амалиёти кенгаймоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов аҳолининг турли жамоатчилик ва ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифода этадиган ҳамда мамлакатда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари ҳисобланган ноҳукумат ва жамоатчилик ташкилотларининг обрўси ва таъсири ортиши катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаб келган. У ушбу ташкилотларнинг одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, мамлакатда содир бўлаётган демократик ўзгаришларнинг кўламларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришдаги роли ва аҳамиятини юксак баҳолаган<sup>1</sup>.**

Давлат, шу жумладан, инсон хуқуқларини таъминлаш соҳасида ўз функцияларини бажаришда “ёлғиз ўзи” бўла олмайди. Ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бевосита фуқаролар билан шериклик ҳозирги пайтда давлатнинг янада тараққиётга эришишида асосий роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг ташкилий-хуқуқий асосларини яратиш учун қуйидаги қатор ўзаро боғлиқ вазифалар изчил ҳал этилмоқда:

- а) давлат органлари тўғрисидаги қонунлар ва қоидаларда уларнинг фуқароларнинг бошқарувда иштирок этишига қўмаклашиш мажбурияти тобора тўлароқ ўз ифодасини топмоқда;
- б) давлат хизматчилари ва депутатлар сиёсий-хуқуқий муомала асосларига ўқитилмоқда;
- в) аҳолининг хуқуқий маориф тизимидан фойдаланиши таъминланмоқда;
- г) давлат органларининг партиялар ва жамоатчилик бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари яхшиланяпти;
- д) аҳолининг давлат ҳокимиятига ўзагараётган муносабати доимий таҳлил этилмоқда ва бу сиёsat сиёсий йўналишга мувофиқ шакллантирилмоқда.

Бундан кейин фуқароларни ҳокимиятни танқид қилишига сабаб бўладиган омилларни дикқатроқ ҳисобга олиш ва улар томонидан аниқ дастурлар ва хатти-ҳаракатлар танолиниши ҳамда кўллаб-куватланишига эришиши керак<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда замонавий давлат хизматчиси ҳам барча ижтимоий ташкилотлар, ҳам аниқ бир фуқаролар ва жамоатчилик бирлашмалари, уюшмалари, ҳам сиёсий партиялар билан иш олиб боришни билиши зарурлиги тушунчаси мавжуд. Бунда улар

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон ва ҳеч кимга қарам бўлмайди. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — Б.89.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланганг тантанали маросимдаги маъруза // Ҳалқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

билин турли даражаларда: шахсий мулокотда (қабул қилиш орқали) ҳамда йирик йиғилишларда иш олиб борилиши керак. **Давлат хизмати ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўзаро муносабатларини ташкил этиш бўйича чоралар тизими давлат хизмати тизимини ислоҳ этиш концепциясида кўзда тутилиши керак.** Бундаги асосий мақсад — давлат хизматчилари, фуқаролар ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги муносабатларни демократлаштиришdir.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасида “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш асосида давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашувларни жорий этиш кўзда тутилмоқда.**

**Ҳар бир минтақада вазиятни мунтазам ўрганиш, энг аввало, фармонлар ва қарорлар бажарилиши, улар ижро этилишининг самарадорлиги, мазкур соҳада давлат органларининг масъулиятини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш тизими шакллантирилмоқда (гап мониторинг тўғрисида кетмоқда).**

Ижроия ҳокимият органларида аввал мавжуд бўлган маслаҳат кенгашларини яна амалиётга киритиш олға қараб қўйилган қадам бўлади. Ижроия ҳокимият органларига аниқ муаммолар бўйича тавсиялар бериш — бу кенгашларнинг асосий вазифасидир<sup>1</sup>.

Давлат органлари ҳам, ННТ ҳам фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни янада фаолроқ ривожлантиришлари ва кенгайтиришлари керак. Амалда ҳар бир давлат органида ННТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик қилишнинг ўз тизими ва механизмлари яратилиши керак.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида** белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари ва ОАВ вакиллари бўлган кенг оммани жалб қилиш керак. Улар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги фармони билан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳам киради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ноздрачев А. Ф. Граждан и государство: взаимоотношения в XXI веке // Журнал российского права, 2005. №9, С. 18–22.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2018 йил 11 декабрь.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишда бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ноҳуқумат ташкилотлари ва жамоатчилик бирлашмалари билан қалин алоқалар ўрнатган ва буни сақлаб турибди. Бунинг бир нечта сабаблари бор.

**Биринчидан**, ушбу органлар Марказнинг мавжудлиги тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишлари туфайли уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тарғиб ниҳоятда фойдалидир. Ноҳуқумат ташкилотлари кўпинча Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан саъй-ҳаракатлар ташаббускорлари бўлади. Бундай алоқалар Марказнинг фаолиятини ёритиш ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш учун фойдаланилади.

**Иккинчидан**, Миллий марказнинг ННТ билан ҳамкорлик қилишининг амалий сабаби — ноҳуқумат ташкилотлари ҳуқуқбузарликлар жабрдийдалари билан Марказ ўртасида воситачи бўлишлари мумкин. ННТ, шунингдек, фуқароларнинг Марказ билан шахсан алоқада бўлишини рағбатлантириш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши мумкин.

**Учинчидан**, ноҳуқумат ташкилотлари муайян билимларга ва хусусиятларга эгалиги учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини хурмат қилиш бўйича миллий муҳитни яратиш бўйича саъй-ҳаракатларда аъло шерик бўла олади. Улар юқори тезкорлик ва эгилувчанликка эга бўлгандиги учун Миллий марказ мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ахволи, таркибий ёки қонунчилик бўшликлари тўғрисида батафсил ахборот тақдим этишга, шунингдек, унинг эътиборини ижтимоий ёки бошқа ўзгаришларга қаратишга кўпинча қодир бўлади. Бундай ахборот Марказ ва унинг раҳбарияти учун ўз фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланишга хизмат қиласиди. Бундай ахборот ҳар бир алоҳида ҳолатда тақдим этилиши мумкин ёки доимий маслаҳатлашишлар (расмий ёки норасмий) орқали мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

**Тўртинчидан**, ноҳуқумат ташкилотлари алоҳида лойиҳалар ва дастурлар бўйича фойдали шериклар сифатида ҳамкорлик қилиш учун жалб этилади. Таълим, касбий тайёргарлик ва ахборотни тақдим этиш ҳамкорлик ва биргаликда иш олиб бориш учун энг истиқболли соҳалар ҳисобланади. Махсус билимга эга ҳар қандай ташкилот Марказ томонидан аниқ тадқиқотни амалга ошириш учун жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистонда жамоатчилик бошқаруви ва қонун устунлигини таъминлаш, шунингдек, инсоннинг шахсий, сиёсий, экологик, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва манфаатларини ишонарли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш учун фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш мақсадларида Марказнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг қўйидаги устувор йўналишларини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**Биринчи йўналиш** — ҳуқуқсубъектлари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига тааллуқли қонун лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган

халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари, жамоатчилик талаблари ва ахоли өхтиёжларига мувофиқлиги масаласида танқидий таҳлилни амалга оширишни таъминлаш;

**иккинчи йўналиш** — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг турли масалалари бўйича янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг мазмуни ва амалга ошириш тартибини фуқароларнинг, айниқса қишлоқ ахолисининг эътиборига ўз вақтида етказища бевосита иштирок этиш, уларни қонунлар ва норматив-ҳуқуқий хужжатларга инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари халқаро стандартларининг имплементация қилиниши даражасидан хабардор қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилганларини тиклаш воситаларини тушунтиришни таъминлаш;

**учинчи йўналиш** — давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан инсоннинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилиниши ҳамда уларнинг ҳимоя қилиниши соҳасидаги вазиятни чуқур таҳлил этиш, мунтазам жамоатчилик назоратини ва мониторингини амалга ошириш орқали инсоннинг ҳуқуқларини қўпол, мунтазам ва кенг тарқалган бузилишларини аниқлаш, тегишли ваколатли органларга инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва бузилишни тиклашга йўналтирилган аниқ тавсиялар бериш;

**тўртинчи йўналиш** — ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ижтимоий начор фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, ҳам марказий, ҳам маҳаллий даражадаги қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини қамраб олган жамиятда инсон ҳуқуқларининг маданияти ва ҳуқуқий тарбияга йўналтирилган маърифий, таълим ва ноширлик фаолиятининг замонавий моделини шакллантириш.

Шуни таъкидлаш керакки, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ нохукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда фақат қайсиdir бир йўналиш билан чегараланиб қолмайди. Марказ амалда инсон ҳуқуқларининг барча соҳалари билан шуғулланиши учун унинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатлари кенг қамровли хусусиятга эгадир.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасида ахолининг ижтимоий начор қатламлари (аёллар, болалар, кекса ёшдагилар, ногиронлиги бор шахслар ва бошқалар) ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиши ҳисобга олинган ҳолда Марказнинг энг барқарор алоқалари хотин-қизлар ва болалар, шунингдек, ногиронлар, кекса ёшдаги фуқаролар муаммолари билан шуғулланадиган нохукумат ташкилотлари билан ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти билан, асосан фақат ўз аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан чегараланиб қолмасдан, мамлакатда давлат органлари фаолиятининг жамоатчилик мониторинги ва назорати тизимини

шакллантириш муҳимлигини тушуниб етган турли ННТ фаоллари шуғулланади. Бу, биринчи навбатда, болалар, аёллар, экология ННТлари, ногиронлар ва кекса ёшдаги фуқаролар ташкилотлари, шунингдек, қасб, қизиқиш бўйича фуқароларни бирлаштирадиган жамиятлар, уюшмалар, иттифоқлар, қўмиталардир.

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китобида жамиятнинг демократлашуви даражасини белгилайдиган камида учта энг муҳим мезон — халқ қарорлар қабул қилиш жарайёнидан нақадар хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан нақадар назорат қилиниши ва оддий фуқаролар давлатни бошқариша нақадар иштирок этиши мавжудлигини таъкидлаган. Агар ушбу соҳаларда амалий силжишлар бўлмаса, демократия тўғрисида барча мулоҳазалар ёки ваъзхонлик, ёки шунчаки сиёсий ўйиндир<sup>1</sup>.**

Давлат органлари ва ННТларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги амалиётининг таҳлили бундан бўён “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун асосида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига амал этиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазиятни биргалиқда мониторинг қилишда ННТ билан ҳамкорликнинг қуидаги энг муҳим йўналишларини ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда:

- а) инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва фуқароларнинг тоифалари, жўғрофияси ва тарқалиши бўйича маълумотлар банкини шакллантириш;
- б) инсон ҳуқуқлари бузилишидан далолат берадиган ахборот, хужжатлар, тадқиқотлар билан айрибошлаш;
- в) инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш бўйича ўзаро маслаҳатлашувлар, мунозаралар;
- г) фуқароларнинг муайян тоифалари ҳуқуқларига амал қилинишини тегишли ноҳукумат ташкилоти томонидан ўрганиши ва тадқиқ этилиши бўйича давлат тузилмалари ва ННТ ўртасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш;
- д) фуқаролар муайян тоифаларининг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқиш;
- е) қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликдаги бўшлиқликларни бартараф этиш бўйича қўшма таклифлар тайёрлаш ҳамда ушбу қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қилиш.

**Ҳуқуқий таълимни яхшилаш бўйича мақсадли комплекс дастурни амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича биргаликдаги ахборот-маърифий фаолиятни қуидагилар орқали амалга ошириш:**

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. — Т. Ўзбекистон, 1997. 315-6.

а) инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва уларни ҳимоя этиш масалалари бўйича шикоятларни таҳлил этишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш (маърузалар, сухбатлар, давра сухбатлари, анжуманлар, семинарлар, кенгашлар ва ҳоказолар), бунда фуқароларнинг турли тоифалари: болалар, аёллар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар ва ҳоказолар; турли мутахассислар, тадбиркорлар, журналистлар, турар-жой-коммунал хизмати ходимлари ва ҳоказолар; бошқарув ва тармоқлар турли бўғинларининг мансабдор шахслари: вазирликлар раҳбарларидан бошлаб давлат хизматчилари гача ҳаммани қамраб олиш;

б) биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан тегишли давлат тузилмаларини жалб этган ҳолда олдиндан ишлаб чиқилган режа бўйича аҳолининг энг noctor қатламларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаларига ўқитиш бўйича маълумот адабиётларини нашр этиш;

в) инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва уларни ҳимоя этишнинг энг долзарб масалалари бўйича биргаликда ва мувофиқлаштирилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида чиқишилар қилишни амалиётга киритиш;

г) ҳуқуқий тарбия, кадрларни тайёрлаш, ногиронларни реабилитация қилиш, ёшлар ишлари бўйича ва бошқа давлат дастурларини амалга ошириш соҳасида биргаликдаги фаолият ва фаол иштирок этишнинг аниқ йўналишларини аниқлаш;

д) ҳалқаро соҳадаги фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш ва ушбу соҳада ахборот айрибошлаш<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда иштирок этиш тўғрисидаги ўз ҳуқуқларидан хабардорлиги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг жамоатчилик назорати турли шаклларини ҳаётга тадбиқ этиш кўникмаларини эгаллаш — умуман жамиятнинг, шунингдек, ҳар бир шахснинг инсон ҳуқуқлари маданиятининг энг муҳим унсуридир.

Сиз давлатнинг қонунчилик, ташкилий, ижтимоий ва иқтисодий даражаларда жамоатчиликнинг жамоат ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини қўллаб-қувватлаши тўғрисида маълумот олдингизми?

Сизнинг ташкилотингизда ушбу жараёнга қандай қўшилиш ёки давлат сектори билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш мумкинми?

---

<sup>1</sup> Сайдов А.Х., Бакаева Ф.Х. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2015 году. — Т., 2016. С. 241, 263; Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека: становление и развитие // под ред. А.Х. Сайдова. — Т., 2007. С. 72, 73.

Амалий ишлар:

**биринчидан**, жамоатчилик назоратини ўтказиш соҳасида ўз имкониятларингиз ва салоҳиятингизни баҳолаш керак;

**иккинчидан**, Сизга қучингиз етадиган ва катта фойда келтирадиган жамоатчилик назоратининг мавзуси ва шаклини аниқлаб беришда ёрдам бериши мумкин бўлган шерикни қидиришни бошланг;

**учинчидан**, жамоатчилик назоратининг хориж тажрибасини ўрганинг, мамлакатимиз учун энг мақбул бўлиши мумкин фаолият йўналишларини аниқланг;

**тўртинчидан**, бошқа ташкилотлар томонидан олиб борилаётган фаолиятни тақрорлаш керак эмас, сиз ўз йўналишингизни топинг.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишлари учун қандай шарт-шароитлар яратилган:

- ҳуқуқий;
- ташкилий;
- ижтимоий-сиёсий ва бошқалар.

2. Ноҳуқумат секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қандай турлари мавжуд?

3. Фуқаролик жамияти институтларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий йўналишлари қайсилар?

## **УЧИНЧИ МАВЗУ: ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ, МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ, ПРИНЦИПЛАРИ, ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ**

### **§1. Жамоатчиллик назоратининг тушунчаси, мақсад-вазифалари ва принциплари**

Давлат ўзининг бош ислоҳотчи функциясидан фойдаланган ҳолда жамоатчиллик барча соҳаларини босқичма-босқич янгилаш, фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини ошириш, шунингдек, ҳалқни қарорлар қабул қилиш жараёнлари тўғрисида хабардор қилиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчиллик назоратини кучайтириш, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиши даражасини оширишга йўналтирилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий-тاشкилий таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Қонунчилик даражаси жамоатчиллик институтларининг, энг аввало, мамлакатда қабул қилинаётган ҳамда амалдаги қонун ва нормаларнинг ижросини, давлат органлари, шу жумладан, унинг тузилмалари фаолияти устидан назорат соҳасидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга боғлиқдир. Афсуски, амалиёт давлат бошқаруви соҳасида қонунчиликка амал қилишни яхшилаш талаб қилинаётганлигидан далолат беради. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари жуда турлича, лекин уларни гурухлаган ҳолда қўйидаги тарзда ифода этиш мумкин:

- а) бошқариш ҳуқуқий жиҳатдан бўш тартибга солинганлиги;
- б) мансабдор шахслар, хизматчиларнинг бошқарув малакаси ва ҳуқуқий маданиятининг пастлиги;
- в) давлат органлари ходимлари бир қисмининг коррупциялашганлиги;
- г) янги қарорлар қабул қилишдан ҳадиксираш, фаолиятсизлик;
- д) қарорлар қабул қилиш, вазиятларни баҳолаш ва ходимлар фаолияти жараёнида қонунчилик ва мақсадга мувофиқликни бир-бирига қарши қўйиш;
- с) орган, мансабдор шахс, хизматчининг қонун ва қонуний ўрнатилган ваколати доирасидан ташқарида маъмурий қарашлар ролига ортиқча баҳо берилиши.

А. де Токвиль “Америкада демократия” ишида (1835) “энг катта қийинчилик ҳукуматни ташкил этиш уқувида эмас, балки ушбу ҳокимият томонидан чиқарилаётган қонунларга бўйсунишга мажбур қилишдан иборатдир” деб таъкидлаган. У демократиянинг табиати амалдорларнинг ўзи бўларчилигидан иборат айбларини яширади ва уларнинг жамиятга таъсирини чегаралаш воситаларидан бири давлат амалдорларига олдиндан улар ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб қўйган ҳолда айрим ҳуқуқларни тақдим этиш орқали ҳокимиятни ажратишдан иборатдир деб ҳисобланган. Фақат шундай қилибгина демократиянинг мақсадларига: ҳокимиятнинг обрўси юқори бўлишига, мансабдор шахсларнинг таъсири эса кичик бўлишига эришиш мумкин.

А. де Токвилнинг фикрича, демократиянинг кафолати жамоатчилик назорати ҳисобланади. “Агар биз босқичма-босқич демократик институтларни жорий этиш ва мустаҳкамлашга муваффақ бўлмасак ва биз барча фуқароларга аввал уларни ҳурлилка тайёрлаб, кейин бундан фойдаланишга имконият бериш ғоялари ва ҳиссиётларини сингдира олмасак, ҳеч ким — буржуазия ҳам, аристократия ҳам, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам эркин бўлмайди”<sup>1</sup>.

Буюк мутафаккирнинг ушбу ғоялари асосида мамлакатимизда демократик янгиланишлар тўғри йўналишда кетаётгандиги тўғрисида хulosага келиш мумкин: фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини кучайтиришга интилиш орқали кучли фуқаролик жамияти ташкил этилмоқда, ноҳукумат ташкилотларининг давлат бошқарувини такомиллаштиришда, қонунчилик даражасини оширишдаги роли ва аҳамияти кучайтирилмоқда.

Қонунчилик — демократик усуlda ташкил этилган жамиятнинг белгисидир. У фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш ва ҳуқуқларини амалга ошириш, демократияни ривожлантириш, фуқаролик жамиятининг амал этиши, давлат аппаратини такомиллаштириш ва фаолиятини оқилона ташкил этиш учун муҳимдир. Қонунчилик давлат механизмининг барча унсурлари (давлат органлари, давлат ташкилотлари, давлат хизматчилари), фуқаролик жамияти (жамоатчилик ва диний ташкилотлар, мустақил газеталар, норасмий бирлашмалар ва ҳоказолар) ва барча фуқаролар учун шартdir.

Франциялик олим Г. Бребан маъмурий ҳуқуқда қонунчилик принципи ўзаро боғлиқ иккита мажбуриятни: қонунга мувофиқ иш кўриш ва қонун бажарилишини таъминлаш учун ташаббус кўрсатишни кўзда тутади деб ҳисоблади. Ижро этувчи ҳокимият томонидан қонунга амал этилиши қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиият томонидан назорат қилинади. Ижро этувчи ҳокимията нисбатан қонунийликнинг асосий талаби қонун ва қонуности норматив ҳужжатларини қўллаш, уларни ҳимоя қилиш ишониб топширилганлар томонидан сўзсиз риоя этилишидан иборатdir. Маъмуриятнинг ўзибўларчилиги билан курашиш жиноятчилик билан курашишдан кам аҳамиятга эга эмас<sup>2</sup>.

Қонунчиликни ҳуқуқий, ҳуқуқий-ташкилий таъминлашнинг воситалари назорат ва мажбурлаш ҳисобланади. Ижтимоий бошқариш тизимида назорат ҳокимиият субъектлари фаолиятининг амалдаги ҳолати, қарорлар бажарилиши тўғрисида маълумот олиш имконини берадиган энг муҳим алоқа воситасидир. Ундан ижро интизомини ошириш, фаолиятни баҳолаш, ноҳуш оқибатларнинг олдини олиш, жараённи тезкор тартибга солиш учун фойдаланилади. Назорат қуйидагиларни қамраб олади:

<sup>1</sup> Қаранг: Зелетдинова Э. А. Российская демократия глазами А. де Токвиля // Вестник Московского университета. Серия 18. Социология и политология. — М., 2000. №1. С. 25.

<sup>2</sup> Қаранг: Бребан Г. Французское административное право. — М., 1988. С. 171.

а) назорат остидаги объектлар фаолиятини кузатиш, улар томонидан қоидалар ва топшириқлар бажарилиши тұғрисида объектив ахборотни олиш, маълумотларни тұплаш шакллари — ҳисоботларни маълумотларини үрганиш, жойларда хужжатларни текшириш, инвентаризация, ревизия үтказиш, тушунтиришлар тақдим этиш ва ҳоказолар;

б) тұпланған ахборотни таҳлил этиш, тенденциялар, сабабларни аниқлаш, прогнозларни ишлаб чиқыш;

в) қонунчилик ва интизом бузилишлари, заарарлы оқибатлар, зарар етказилиши, бағтсиз ҳодисалар, мақсадға мувофиқ бўлмаган ҳатти-ҳаракатлар ва ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўриш;

г) аниқ ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олиш, уларнинг сабабларини аниқлаш;

д) заарарлы оқибатлар, янги ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида ноқонуний фаолиятга барҳам бериш;

е) айбдорларни аниқлаш, уларни жавобгарликка тортиш; айрим ҳолатларда назорат қилувчи органлар айбдорларнинг жавобгарлиги тұғрисидаги масалани ўзлари ҳал этишга ҳақли, бошқа ҳолатларда буни ваколатли органлар олдига қўйишлари шарт.

Ижроия ҳокимиият аппарати устидан назорат мамлакат Президенти, қонунчилик органлари, судлар, прократура, касаба уюшмалари ва фуқароларнинг бошқа жамоатчилик ташкилотлари томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>.

Назорат қилувчи органларнинг асосий вазифаси — давлат аппарати барча бўғинлари фаолиятидаги камчиликларни, улар пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш ва бу сабабларни бартараф этишdir. Назоратнинг энг муҳим принциплари — унинг **доимийлиги, тизимлиги, оммавийлиги, универсаллиги, аниқлиги, ҳолислиги, самарадорлиги, тезкорлиги, ошкоралиги**dir. Ана шу принциплар асосида бошқарув аппаратининг барча бўғинлари устидан назорат амалга оширилади.

Давлат назорати давлат органларининг ва ўзларига бўйсунадиган объекслари (шахслари) олдига қўйилган вазифалар ижроси давомида мунтазам амалга оширилади. Назорат ваколатларининг ҳажми ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда давлат назоратининг қўйидаги турлари фарқланади:

- давлат ҳокимиияти органлари томонидан назорат;
- умумий ваколатга эга бошқарув органлари томонидан назорат;
- тармоқлараро (маҳсус) ваколатга эга органлар томонидан назорат;
- тармоқ (ички идоравий) ваколатига эга органлар томонидан назорат;
- молия ва кредит органлари томонидан назорат;
- маъмурий назорат.

Жамоатчилик назоратининг субъектлари фуқароларнинг оммавий ташкилотлари ва назорат ваколатига эга бўлган уларнинг органлари, аҳолининг қўнгилли

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: : Баҳраҳ Д. Н. Административное право. — М., 1996. С. 237–254.

ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзлари ва фуқароларнинг жамоалари (гурухлари) ҳисобланади. Жамоатчилик назорати давлат бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар устидан амалга оширилади. Демак ҳам жамоатчилик, ҳам давлат назорати обьекти худди улар олдида турган вазифалар каби муштарақдир. Тафовут, асосан, назорат функцияларини амалга ошириш усуллари дадир. Давлат назоратининг органлари давлат номидан иш кўради ва тегишли давлат маъмурий ваколатларига эга бўлади. Жамоатчилик назоратининг органлари эса қонунчилик доирасида жамоатчилик ва унинг ташкилотлари номидан иш кўради. Уларнинг ваколатлари, қоида бўйича, ҳукукий-маъмурий хусусиятга эга эмас, фақат алоҳида ҳолатларда давлат уларнинг айримларига ана шундай ваколатлар бериши мумкин.

Жамоатчилик назоратининг асосий усули қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва ҳукуқбузарларни тарбиялашдир. Шу мақсадларда текширишлар, жамоатчилик рейidlари ва кўриклари, йиғилишлар, кенгашлар, анжуманларда мансабдор шахслар маърузаларининг муҳокамаси, жамоатчилик тақлифлари бажарилишини текширишлар ўтказилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади, жамоатчилик таъсирини ўтказиш чоралари қўлланилади ва ҳоказолар. Бу иш тўғрисида радио, матбуот ва телевидение орқали ахборот бериш катта аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик назорати учун ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, тушунириш ва тарбиявий йўналиш хосдир<sup>2</sup>.

Жамоатчилик назоратини ўтказиш кўникмаларини эгаллаш ва самарали натижаларга эришишда фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари фаолияти устидан амалга ошириладиган назоратнинг тушунчаси, мақсадлари, вазифалари ва принципларини аниқ англаб этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хозирги даврдаги ҳукуққа доир адабиётда “жамоатчилик назорати” тушунчаси, асосан, назорат фаолиятини амалга оширадиган субъектларни кўрсатиш билан чегараланганди.

В. А. Власов<sup>3</sup> жамоатчилик назоратини “мехнаткашларнинг жамоатчилик ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган назорат” деб таърифлайди ва шунга мувофиқ унинг шакллари сифатида партиялар, касаба уюшмалар, меҳнаткашлар маҳаллий кенгашларининг доимий комиссиялари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини ажратиб кўрсатади. Е. П. Попова<sup>4</sup> жамоатчилик назорати тушунчасига юқоридагига яқин, лекин аниқлик киритилган таъриф берган: жамоатчилик ташкилотлари, кўнгилли жамиятлар ва иттифоқлар аҳолининг жамоатчилик

<sup>2</sup> Қаранг: Бакаева Ф. Х. Общественный контроль за реализацией законов, организация и правовые основы; в кн. Узбекистан на пути к гражданскому обществу // отв. ред.: Р. Алимов. — Т., 2003. С. 159–161.

<sup>3</sup> Власов В. А. Обеспечение социалистической законности в советском государственном управлении. — М., 1958. С. 49.

<sup>4</sup> Попова Е. П. О понятии общественного контроля в советском государственном управлении // Правоведение. — М., 1961. № 3. С. 147–152.

органлари ва фуқаролар томонидан давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан амалга ошириладиган кўнгилли тартибдаги оммавий назоратдир.

Хозирги давр ҳуқуқшунослари жамоатчилик назоратини буни амалга оширадиган субъектлар доирасида талқин қиласди. Жумладан, А. Кожухова<sup>1</sup> жамоатчилик назорати маҳсус субъектларнинг (фуқаролик жамияти институтлари, алоҳида фуқаролар) давлат бошқаруви сифатини баҳолаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг белгиланган талабларга мувофиқлигига амал қилинишини текшириш бўйича алоҳида тартибда амалга ошириладиган фаолият деб кўрсатади. Ушбу назорат Россия Федерациясининг Жамоатчилик палатаси, ушбу мамлакат субъектларининг жамоатчилик палаталари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари ва бирлашмалари, ОАВ, алоҳида фуқаролар томонидан амалга ошириладиган назоратдир. С. М. Зубарев<sup>2</sup> жамоатчилик назорати ҳуқуқи ҳар бир фуқарога унинг қайсиdir бир жамоатчилик ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслигидан қатъи назар тегишли эканлигини таъкидлайди.

Назоратнинг моҳияти жихатидан ҳуқуқшунослар И. С. Дрейлер<sup>3</sup> ва В. П. Беляевнинг<sup>4</sup> фикрлари муштарақдир. Улар жамоатчилик назорати ижтимоий назоратнинг икки шаклидан бири эканлигини кўрсатишади. Яъни, жамоатчилик назорати бунинг биринчи шакли бўлса, иккинчиси — давлат назоратидир. Ижтимоий назоратнинг ушбу шакллари ўхшаш ва фарқли белгиларга эгадир. Улар мақсадлари ва туб вазифаларининг принциплари ўхшаш бўлса ҳам, айни пайтда пайдо бўлиши, ҳуқуқий ҳолати, ваколатлари хусусияти бўйича фарқланади.

В. Н. Гарашук<sup>5</sup> турли жамоатчилик тузилмаларининг жамоатчилик назоратини муайян даражада шартли равишда тан олиш керак деб ҳисоблайди. Чунки, уларнинг фаолиятида назоратнинг энг муҳим белгилари — назорат қилинаётган обьект фаолиятига аралашиш ҳуқуқи ҳамда бу обьектни мустақил равишда жавобгарликка тортиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

Жамоатчилик назорати муаммолари бўйича эълон қилинган материаллар сони органига қарамасдан, демократия жихатидан жуда муҳим ҳисобланган жамоатчилик назорати юзасидан тадқиқотларда ҳали бўшлиқлар мавжуд. Яъни, жамоатчилик назоратининг бевосита қонунчилик таърифи мавжуд эмас, уни амалга ошириш механизмлари доираси белгилаб берилмаган.

<sup>1</sup> Кожухов А. На пути к правовому государству // Юридическая практика. 2002. №17 (227).

<sup>2</sup> Зубарев С. М. Контроль за деятельностью государственных гражданских служащих: вопросы теории и право-вого регулирования // подготовлен для системы Консультант Плюс. 15.03.2007.

<sup>3</sup> Дрейслер И. С. О соотношении государственного и общественного контроля как гарантий социалистической законности // Проблемы социалистической законности на современном этапе развития советского государства. — 1968. С. 35.

<sup>4</sup> Беляев В. П. Общественный контроль в современной России // Конституционное и муниципальное право. 2006. № 6.

<sup>5</sup> Гарашук В. Н. Контроль общественных формирований и граждан как способ защиты прав личности в сфере государственного управления // Проблемы законности. 1998. Вип. 3. С. 107.

А. Юсупов ва Т. Кенжаев жамият ўзининг аъзолари, алоҳида бошқарув субъектлари, ижтимоий гурухлар фаолияти назорат қилиниши кафолат қилинадиган восита ва усуслар жамланмасини белгилаш учун хукуқшунослик адабиётида “жамоатчилик назорати” атамасидан фойдаланилади деб таъкидлашади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати дейилганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти қонунийлигини таъминлашга йўналтирилган ваколатли субъектларнинг қонун томонидан ўрнатилган ижтимоий назоратини тушуниш керак<sup>6</sup>.

Давлат органлари фаолияти устидан **жамоатчилик назоратининг мақсадлари** давлат фаолияти жараёнида фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига амал этиш, шунингдек, давлат ваколатларининг жамиятнинг ва унинг асосий субъекти — ҳалқнинг эҳтиёжлари ва иродасига жавоб берадиган тарзда амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир. Бироқ белгиланган масъулият принципидан келиб чиқиш билан бир қаторда ҳам назорат қилинадиганларга, ҳам хукуқий муносабатларнинг назорат қилувчи субъектларига юклangan фуқаролик мажбуриятларидан келиб чиқиши керак. “Акс ҳолда, — деб ёзади С. С. Купреев, — эълон қилинган тегишли нормаларнинг мавжудлиги буни шунчаки қўрсатишдан иборат бўлиб қолади”<sup>7</sup>.

Юқорида қўрсатилган мақсадларга эришиш учун назорат органлари олдида турган вазифаларнинг аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат органлари фаолияти устидан **жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий вазифалари** сифатида қўйидагиларни қўрсатиш мумкин:

- 1) давлат органлари томонидан белгилаб қўйилган хукуқий қоидаларга амал этилишининг назорати;
- 2) давлат органлари томонидан чиқарилаётган хукуқий ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлиги устидан назорат;
- 3) давлат органлари фаолиятни ташкил этиш бўйича бошқарув қарорларини мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш;
- 4) давлат органлари учун ўрнатилган таъқиқлар ва чегаралашлар, хизмат интизоми, давлат органлари томонидан ўз зиммаларига юклangan вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;
- 5) давлат органларининг кадрлар таркибини танлаш, жой-жойига қўйиш, мала-касини оширишни назорат қилиш;

<sup>6</sup> Батафсилоқ қаранг: Юсупов А., Кенжаев Т. Сущность общественного контроля и его влияние на функционирование государства: в кн. Общественный контроль и его формы. Научно-практические аспекты. — Т., 2012. С. 186-191.

<sup>7</sup> Купреев С. С. Общественный контроль как средство противодействия коррупции в органах власти и управления// Административное и муниципальное право. 2010. №9. С. 10-12.

6) қонун томонидан муҳофаза қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига амал қилинишини назорат қилиш;

7) моддий, молиявий ва бошқа ресурсларнинг оқилона тақсимланиши ва ишлатилиши, тежамкорликкә амал қилинишини назорат қилиш.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунида “жамоатчилик назорати” тушунчаси таърифи мавжуд эмаслигига қарамасдан унда жамоатчилик назоартининг обьектлари белгилаб қўйилган. Жумладан, Қонуннинг 4-моддасида давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;
- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;
- ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;
- давлат хизматларини кўрсатишга;
- ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг обьекти эканлиги қайд этилган.

**Назоратнинг ҳуқуқий маъноси** фақат назорат обьектининг амалдаги ҳолати тўғрисида ахборотни олиш ҳамда олинган натижаларнинг қонун ёки бошқа мажбурий қоидалар амалда бажарилишини, назорат қилувчиларнинг фаолияти мақсадга мувофиқлигини текшириш эмас, балки қабул қилинган қарорларда мавжуд ҳуқуқбузарликларни, камчиликларни баҳолаш ва уларни бартараф этиш учун назорат жараёнида чоралар кўришдан иборатдир.

Демак жамоатчиликнинг назорат фаолияти мазмунига қўйидагиларни киритиш керак:

- а) назорат остидаги субъектлар фаолиятини кузатиш;
- б) улар томонидан белгилаб қўйилган вазифалар бажарилиши тўғрисида кенг кўламли маълумот олиш;
- в) ана шу маълумотларни таҳлил қилиш;
- г) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аниқлаш.

Жамоатчиликнинг назорат қилувчи органларини улар ташкил этилиши тартибига боғлиқ равишда қўйидагиларга ажратиш мумкин:

а) жамоатчилик ташкилотларининг (касаба уюшмаларининг назорат қилувчи комиссиялари, туар-жой қўмиталари) ўзлари шакллантирадиган ташкилотлар;

б) ишлаб чиқариш белгисидан (уй қўмиталари) қатъи назар, шунингдек, мазкур корхона муассаса ходимларидан (корхоналардаги назорат гуруҳлари) ташкил этиладиган ташкилотлар;

в) фуқаролар, жамоатчилик томонидан сайланадиган (уй қўмиталари), шунингдек, давлат ёки жамоатчилик ташкилотлари (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комиссиялари) шакллантириладиган ташкилотлар;

г) давлат органлари билан келишилган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТ томонидан сайланадиган ташкилотлар (табиатни муҳофаза қилиш бўйича, экологик назорат бўйича жамоатчилик инспекторлари).

Назорат вазифалари хусусияти ва йўналишларига боғлиқ равишда жамоатчиликнинг назорат қилувчи органларини қўйидагиларга ажратиш мумкин:

а) ўз вазифаларини давлат бошқарувининг барча ёки кўп масалалари бўйича амалга оширадиган ташкилотлар: масалан, касаба уюшмалари саноатни, савдони, бошқариш (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари иши устидан жамоатчилик назорати комиссиялари), меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникиси масалалари, турар-жой-маиший хўжалик соҳасидаги ташкилотлар ва ҳоказолар;

б) давлат бошқарувининг фақат муайян тармоқлари доирасида амал қиладиган ташкилотлар (жамоатчилик автоинспекторлари кенгашлари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича инспекциялар, клублар ва кутубхоналарнинг жамоатчилик кенгашлари);

в) бошқарувнинг маҳсус масалалари бўйича ўз функцияларини бажарадиган ташкилотлар (қўнгилли жамиятлар йўналишида, ихтиро ва кашфиётлар соҳасидаги назоратлар ва ҳоказолар). Назоратни амалга оширишда жамоатчилик органлари ва ташкилотлари давлат назорат органлари билан ёки биргалиқда, ёки ўз ташаббуси бўйича мустақил иш кўради.

Назоратни амалга оширишда жамоатчиликнинг органлари ва ташкилотлари давлатнинг назорат қилувчи органлари билан биргалиқда (параллел равишида), ёки ўз ташаббусилари бўйича мустақил иш кўради<sup>1</sup>.

Жамоатчилик назоратининг амалиёти жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва вазифалари ўзлари шуғулланаётган жамоатчилик назоратининг турига боғлиқлигини кўрсатади.

### **Жамоатчилик назоратини ташкил этишининг икки шакли фарқланади:**

- зарур маълумотларни тўплаш билан шуғулланадиган назоратчилар туридаги ташкилотларнинг бевосита жамоатчилик назорати;
- бевосита бўлмаган назорат — бу олинган ахборотни тўплайдиган ҳамда энг самарали стратегия ва қарорларни ишлаб чиқадиган жамоатчилик кенгashi ёрдамида бевосита жамоатчилик назорати орқали ишлаб чиқилган таклифларни жорий этиш

<sup>1</sup> Қаранг: Бакаева Ф. X. Общественный контроль за реализацией законов, организация и правовые основы. В кн. Узбекистан на пути к гражданскому обществу // отв. ред.: Р. Алимов. — Т., 2003. С. 162–163.

жамоатчилик кенгаши худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари билан шуғулланиб ҳокимиятларга реал ёрдам кўрсатиши мумкин. Бунга бевосита жамоатчилик назоратида эришиб бўлмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро иш қўришдаги эксперт ва жамоатчилик саъй-ҳаракатларининг бирлаштирилиши бевосита жамоатчилик назоратини тўлароқ, мукаммалроқ ва демак жуда самаралироқ қиладиган кўп даражали назоратга айлантиради.

**Жамоатчилик назоратини қўллаш бўйича соҳаларни** бугунги кунда тармоқ ва тармоқларороларга ажратиш мумкин.

Тармоқ назоратига фаолиятнинг муайян йўналишлари, масалан чорвачиликда ветеринария назорати, тураг-жой инспекцияси ва ҳоказолар тааллуқлидир.

Тармоқлараро назорат турлари қуйидагилардир:

- ҳокимият органлари устидан коррупцияга қарши кураш соҳасидаги назорат;
- болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка амал қилиниши устидан назорат ва бошқалар.

Ҳар қандай фаолият, шу жумладан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш асосида ҳам уни самарали оширишга ёрдам берадиган ҳуқуқий ва ташкилий масалалар, ғоялар ётади.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш қуйидаги принципларга асосланиши мумкин:

- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устунлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўнгилли иштирок этиш;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ошкоралиги ва очиқлиги;
- жамоатчилик назорати субъектлари фаолиятининг қонунийлиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органларидан мустақиллиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг объективлиги ва холислиги;
- жамоатчилик назорати натижаларининг ишонарлиги.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунинг 5-моддасида жамоатчилик назоратининг қуйидаги асосий принциплари қайд этилган:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;
- жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

**Жамоатчилик назорати субъектлари фаолияти қонунийлиги принципи** жамоатчилик назорати субъектларининг жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймасликка йўналтирилган.

**Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуверлиги принципи** жамоатчилик назорати фақат қизиқиш ҳиссиётидан келиб чиқкан ҳолда эмас, балки давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши сабблари ва шароитларини аниқлаш учун амалга оширилишини англатади. Жамоатчилик назорати обьектлари фаолиятини текшириш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг аниқ бир соҳасидаги вазиятни яхшилашга, уларни тиклаш чораларини ишлаб чиқишига йўналтирилган.

**Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ихтиёрий иштирок этиш принципи** жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббусини бошлаш ва амалга оширишда жамоатчилик назорати субъектларининг мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган. Ҳеч ким жамоатчиликни жамоатчилик назоратини ўтказишга мажбуrlашга ва уни амалга ошириш жараёнига аралашишга ҳақли эмас.

**Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ошкоралиги ва очиқлиги принципи** жамоатчилик назоратини ўтказиш тўғрисидаги ахборот, уни ўтказиш ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари очиқлигини англатади. Ушбу принцип, шунингдек, давлат органлари томонидан жамоатчилик назорати субъектларининг улар томонидан қонунлар ижроси тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлашни англатади.

**Жамоатчилик назоратини субъектларининг объективлиги ва холислиги принципи** давлат органларига ва мансабдор шахсларга вазиятни жамоатчилик тадқиқотини ўтказишда фақат аниқланган далилларга асосланиб йўналтирилган. Таъма ва қабиҳ хоҳишидан келиб чиқадиган жамоатчилик назоратига йўл қўйилмайди.

**Жамоатчилик назорати натижаларининг ишонарлилиги принципи** назоратнинг хуносалари ва натижалари текширилган далилларга асосланишини, жамоатчилик назорати обьектларидағи реал вазиятни аниқакс эттиришни англатади. Ҳақиқий аҳволга мувофиқ бўлмаган маълумотларга асосланган тавсиялар ҳеч бир амалий аҳамиятга эга эмас ва тегишли давлат органлари томонидан қабул қилинмайди. Келтирилган барча далиллар расмийлаштирилган бўлиши керак.

**Жамоатчилик назорати натижаларининг** давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашишига ва уларга ноконуний таъсир қўрса-тишга йўл қўйилмаслиги **принципи** жамоатчилик назорати субъектларининг ўз ҳуқуқий мақоми чегарасидан чиқмаслигини, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашишга, улар амал қилишига тўсқинлик қилишига ҳақли эмаслигини англатади.

**Жамоатчилик назорати субъектларининг мустақиллиги принципи** уларнинг назорат обьектларини танлаш ва унинг натижаларини жамоатчилик билан муҳокама қилиш, давлат органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш буйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ўтказилган жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишда

мустақиллигини англатади. Ҳеч ким жамоатчилик назорати қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъқиб қилиш ва чеклашга ҳақли эмас.

### **Амалий ишлар:**

- сиз жамоатчилик назорати нима эканлиги ва у давлат назоратидан нимаси билан фарқланишини билганингиздан кейин жамоатчилик назоратини ўтказиш учун нима асос бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришингиз керак;
- ҳар қуни давлат органлари вакилларининг фаолиятини (фаолиятсизлигини) кузатиш сизга бу ҳақда мулоҳазалар юритишига асос бўлишини ёдда туting;
- давлат хизматчиларининг фаолиятига диққат билан ва холис кузатиш уларнинг хатти-ҳаракатлари қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол, мунтазам, кенг ёйилган бузилишларига тааллуқлиги ёки бу алоҳида ҳолатлигини аниқлашга ёрдам беради;
- фуқароларнинг давлат органлари ва бошқа тузилмаларига мурожаатларини ўрганинг, матбуот, Интернет билан танишинг, телевизор кўринг — сиз алоҳида органлар ва шахсларнинг ноқонуний ишлари тўғрисида маълумот оласиз;
- олинган маълумотнинг ишонарлиги бўйича текшириш ўтказиш, ишнинг аниқ бир ҳолатини ўрганиш ёрдамида аниқланилишни ёдда туting.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоатчилик назорати дейилганда нима тушунилади?
2. Жамоатчилик назорати нимага йўналтирилган?
3. Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари нималардан иборат?

## **§2. Жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари ва объектлари**

Жамиятда қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш, фуқаролар, фуқаролик институтларини жамият ва давлат ишларини бошқаришига фаол жалб этишнинг муҳим йўналиши фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкilotлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик институтлари томонидан давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтини изчил ривожлантириш ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунчилик талабларига сўзсиз амал этилишини таъминлаш, улар олдида турган ижтимоий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги вазифа ва ваколатларни самарали амалга оширишнинг энг муҳим омили бўлишга даъват этилган.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ким иштирок этишга ҳақлилиги, улар қандай аниқ ҳуқуқларга эгалиги, жамоатчилик назорати барча субъектлари учун бу умумий ва яхлит эканлиги ёки уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳуқуқларга эгалиги масаласи муҳим ҳисобланади.

Адабиётда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида жамоатчилик назорати субъектларининг<sup>1</sup> турлича тушунчаси мавжуд. Жамоатчилик назорати субъектлари рўйхатининг ҳам кенг, ҳам тор таърифи таклиф этилади. **Кенг маънода** жамоатчилик назорати субъектларига барча нодавлат тузилмалари (сиёсий партиялар, ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик кенгашларининг кузатув комиссиялари, назоратчилар, инспекторлар, ОАВ вакиллари ва бошқалар) ва фуқаролар киради. Жамоатчилик назорати субъектларининг **тор тушунчасида** гап, асосан, фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ тўғрисида кетади.

Ўзбекистон Республикасида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш доирасида жамоатчилик назорати субъектлари тўғрисидаги масалани кенг ва фаол муҳокама қилиш ҳозирги пайтда юқорида қайд қилинган атаманинг тор маъноси мақбуллигини кўрсатди.

Шундай қилиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларига:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- оммавий ахборот воситалари;
- жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари эгадир (“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг З-моддаси);
- Жамоатчилик назоратининг ҳар бир субъекти таърифларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқайлик.

**Фуқаро** — бу мазкур давлатнинг доимий аҳолисига мансуб, ушбу давлатнинг қонунлари билан таъминланган барча ҳуқуқлардан фойдаланадиган ва қонун томонидан ўрнатилган барча мажбуриятларни бажарадиган шахсdir. Юксак маънода айтилганда, фуқаро — бу ўз манфаатларини жамоат манфаатларига бўйсундирадиган, ватани, халқига хизмат қиласиган инсондир<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Субъект — қайсиdir бир фаолият, жараённинг фаол иштирокчиси бўлган шахс, ёки шахслар гурӯҳи, ташкилот жамоаси. “Муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган шахс ёки ташкилот”. Қаранг: Словарь русского языка. Т. 4.— М., 1994. С. 299.

<sup>2</sup> Словарь русского языка. — М., 1981. С. 342.

“Фуқаро” тушунчаси шахснинг давлатга мансублигини англатадиган, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари жамланмасини мужассамлаширган ва уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинадиган шахснинг давлатга мансублигини англатади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунослик луғати фуқароликнинг жисмоний шахсни муайян давлатга мансублигини белгилайди, бу унга ушбу давлатнинг суворен ҳокимияти доимий тарқалишини ифода этиб, бундан ушбу шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларининг жамланмаси келиб чиқади<sup>2</sup>.

Фуқароликнинг ҳозирги даврдаги тушунчаси шахснинг мамлакат ичкарисида ва чет элларда давлатга мансублигини ҳуқуқий тан олишни назарда тутадиган алоҳида мақом сифатида таърифланади ва бунда ушбу шахснинг қонунчилиқда кўзда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўла ҳажмига эгалиги кўрсатилади<sup>3</sup>.

Шу тарзда **Ўзбекистон Республикасида фуқаролик** — бу барча шахсий (фуқаролик) сиёсий, иктиносий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга ҳамда жамият ва давлат олдида қонун ўрнатган тартибда муайян мажбуриятларга эга бўлган жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси мансублигидир.

Шуни таъкидлаш керакки, сиёсий ҳуқуқлар — йиғилишлар, митинглар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқи; жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи; сайланиш ва сайлаш ҳуқуқи; давлат хизматида тенг бўлиш ҳуқуқи; одил судловни амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуки фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мансубдир.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуки фуқароларнинг давлат қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишда иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлади. Юқорида таъкидланганидек, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши ҳам бевосита (сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, референдумда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқалар), ҳам фуқароларнинг жамоатчилик тузилмаларидағи фаолияти орқали (йиғилиш, митинг, намойиш ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш ҳуқуқи, жамоатчилик ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи ва бошқалар), амалга оширилади.

Жамоатчилик назоратининг бевосита иштирокчиси бўлган фуқаро назоратни амалга оширишда бунга ваколат берилган жамоатчилик ташкилотлари, айниқса давлатнинг назорат қилувчи органлари каби ҳуқуққа эга эмаслиги табиийдир. У “хусусий шахс” бўлгани учун ҳокимият ва бошқарув органларига ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, унинг фикрича ноқонуний ҳисобланган ҳужжатларни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин эмас.

<sup>1</sup> Ўша ерда, Б. 342.

<sup>2</sup> Қаранг: Юридический словарь. — М., 1953. С. 140.

<sup>3</sup> Қаранг: Права человека. Учебник. — М., 2015. С. 107.

Бироқ давлат ҳар бир фуқарога давлат органлари фаолиятидаги хуқуқбузарликлар ва камчиликлар билан фаол қураш олиб бориш имкониятини берадиган муайян хуқуқларни тақдим этади. Бу, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки депутатларга аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаатлар қилиш хуқуқидир. Мансабдор шахслар фуқароларнинг мурожаатларини қонун томонидан ўрнатилган муддатларда қўриб чиқишилари, уларга жавоб беришилари ва зарур чораларни қўришилари шарт. Шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш хуқуқи ўзларининг шахсий ташаббуси билан фақат ўз хуқуқларини тиклаш бўйича эмас, балки жамоатчилик ишларини ҳал қилишда иштирок этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида маълумот олиш, уларнинг фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш учун ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг назорат функцияларини амалга оширишдаги хуқуқлари улар у ёки бу жамоатчилик тузилмаларида иштирок этишларида самаралироқ амалга оширилади. Масалан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, улар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йигинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш, тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш хуқуқига эгалар (Қонуннинг 11- ва 12- моддаларига қаранг). Инглиз мутахассиси С. Каммингс Марказий Осиё минтақасини тадқиқ этар экан, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими қўшни мамлакатдагиларга қараганда анча самарали эканлиги тўғрисидаги хуносага келди<sup>4</sup>.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида” қонуннинг 3-моддаси 2-бандига мувофиқ, жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

<sup>4</sup> Узбекистан на пути к гражданскому обществу — Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари (Сборник статей) // отв. ред.: Р. Алимов. — Т.«Шарқ», 2003. С. 164–165.

Жамоатчилик назоратининг механизми фуқаролар иштироқида ташкил этилган тармоқлар ва минтақалар бўйича идоралараро комиссиялар, жамоатчилик кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик назоратининг идоралараро комиссиялари марказ, минтақа ва маҳаллий даражада ташкил этилиши мумкин. Комиссияларни ташкил этиш ташаббускорлари тегишли қонунчилик/ваколатли орган депутатлари, жамоатчилик бирлашмалари бўлиши мумкин.

Фуқарони жамоатчи назоратчи сифатида тайёрлашнинг муҳимлигига эътиборни қаратиш зарур. Фуқаронинг фаол нуқтаи назари муайян соҳада тегишли маълумот асосисиз, эксперт билимисиз, тегишли самара келтира олмайди. Жамоатчи назоратчи камчиликларни кўра олиши, уларни қаердан излаш кераклигини билиши ва бу камчиликларни бартараф этиш йўлларини таклиф эта олиши керак. Назоратчи ўз эътиборига тушган объектив фаолиятининг хусусиятларини билиши, молиялаштириш механизмларидан, тармоқ қонунчилик ҳужжатлари ва ҳоказоларни хабардор бўлиши зарур.Faқат шундагина у муаммони англаб этиш даражасига эга бўлади. Faқат шундагина уларнинг фаолияти энг юқори самара келтиради.

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари** (ННТ) — давлат органлари ва бизнес тузилмаларининг ижтимоий шериклари бўлиб, жамиятда барча ижтимоий қатламлар ва гурухлар манфаатлари мутаносиблини сақлаб туриш, жамият барқарор тарақкий этишини кафолатлашнинг таъсирчан механизмларидан биридир<sup>1</sup>.

ННТ сектори мавжуд бўлиши заруратини белгилайдиган иккита асосий сабаб бор:

1. **Ижтимоий зарурат** — бу нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик жамиятда муҳим вазифани бажаришини, аҳолининг энг ночор қатламларини ҳимоя қилиш учун маҳсус муҳитни ташкил этиши, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни бажаришидан иборатdir.

2. **Иқтисодий зарурат** шундан иборатки, нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолига тадбиркорлар ёки тижорат тузилмалари нуқтаи назаридан етарли даражада фойда келтирмайдиган, давлатнинг ижроия органлари томонидан тўла даражада бошқариш имконини бермайдиган хизматларни кўрсатади ва ижтимоий муносабатларда қадриятларни қарор топтиради. Нотижорат ташкилотлари ўз фаолияти жараёнларида ишлаб топган барча маблағларни дастурларини кенгайтириш ва молиялаштиришга йўналтириб, давлатга ижтимоий муаммоларини ҳал этишда қўмаклашади, давлат бюджетига ортиқча юқ қилмасдан соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъатни кўллаб-куватлайди.

**ННТнинг мақсадлари фаолиятларини қўйидаги йўналишларда амалга оширишга йўналтирилган:**

- фуқароларни ижтимоий қўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, ижтимоий ҳимояланмаган ва кам таъминланган аҳоли тоифаларининг моддий ахволини

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: Негосударственные некоммерческие организации в Узбекистане: правовое регулирование, экономические основы деятельности, бухгалтерский учет и налогообложение в свете последних изменений законодательства. Методическое пособие. — Т., 2010. С. 5, 11, 12, 23-27.

яхшилаш, ишсизлар, ногиронлар ва ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятларига кўра мустақил ҳуқуқларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

- халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мутаҳкамлашга кўмаклашиш;
- жамиятда оиланинг нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасида, шунингдек, шахсни маънавий ривожлантириш бўйича фаолиятга кўмаклашиш;
- фуқароларнинг касалланишларининг олдини олиш ва саломатлигини сақлаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларга аҳлоқий-руҳий ёрдам кўрсатишга кўмаклашиш;
- жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасига кўмаклашиш;
- аҳолини табиий оғатлар, экологик, саноат ёки бошқа фалокатларни бартараф этишга, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;
- террор, табиий оғатлар, экологик, саноат ёки бошқа фалокатлардан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш;
- атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш;
- маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва бошқалар.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади. Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади. (“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси).

Нотижорат ташкилотлари тижорат ташкилотларида аниқ белгилаб қўйилган иккита асосий фарққа эга:

1) ташкил этилишининг аниқ мақсади;

2) олинган маблағни таъсисчилар (ташкилот аъзолари, иштирокчилари) фойда-сига тақсимламаслик.

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир (“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси).

Нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини қўйидагича амалга оширишлари мумкин:

а) улар ташкил этилган мақсадларга хизмат қилгани тақдирда;

б) ушбу мақсадларга мувофиқ бўлганда. Ана шу мақсадга мувофиқлик талаби у ёки бу нотижорат ташкилоти тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириши мумкин бўлган фаолияти хусусиятини мазмунан чегаралашни кўрсатади. Бунда ушбу фаолиятни асосий сифатида қўрмаслик керак. Бундан муҳим — ННТ фаолиятининг хусусияти уларни молиялашибориши ташкил этишнинг хусусиятини белгилаши деган хуроси келиб чиқади.

Нотижорат ташкилотларининг барча мулки, уларга келиб тушаётган пул ва бошқа бойликлар, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойда фақат муайян мақсадлар учун ишлатилиши мумкин ва бундан улар мақсадли эканлиги хуроси чиқади.

Нотижорат ташкилотлари муассислари тижорат ташкилотларидан фарқли равишда мулк ҳуқуқларига эга бўлмаган жисмоний шахслар тоифасига (мулқдор томонидан белгилаб қўйилган мулк қисмидаги муассасалардан ташқари) таалуқлидир.

#### **ННТ тўғрисидаги қонун 7-моддаси ННТларга қўйидаги ҳуқуқларни беради:**

- ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташабbusлар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқиша қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;
- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;
- ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

#### **ННТнинг қўйидаги мажбуриятлари ННТ тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасида белгилаб қўйилган:**

- қонун ҳужжатларига риоя этиши;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;
- нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

- рўйхатдан ўтказувчи солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисботлар тақдим этиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин (ННТ тўғрисидаги қонун 30-моддасининг 1-банди).

Айни пайтда қонунчилик тижорат ташкилотларига хос бўлган фаолиятни нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширишга тааллуқли қатор тақиқларни белгилаб қўйган.

Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйиши мумкин эмас (ННТ тўғрисидаги қонун 25-моддасининг 1-банди).

Бунда ташқари, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун 3-моддасининг 2-бандига мувофиқ:

- фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституцион тузумни ғайрико-нуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси худудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан, синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди;
- ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади;
- аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиласиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

Амалиётда биз нодавлат нотижорат ташкилотлари турлича номланиши ҳолатларида дуч келамиз. Булар — ННТ, нодавлат нотижорат, жамоатчилик, хайрия ташкилотлариdir. Шунинг учун қўпчилик уларни бир хил ёки турличадеб тушунади. Бу тўғри эмас, чунки барча ННТлар ўзаро ташкилий-ҳуқуқий шаклда бир-биридан фақр қиласиди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: Пособие по регистрации и организации деятельности негосударственных некоммерческих организаций. — Т., 2009. С. 271–275, 283, 284.

Масаладан хабардор бўлмаганлар учун ННТнинг шакллари қандайлиги ва уларнинг қандай фарқлаш мумкинлиги мураккаб туюлади. Бундан ташқари, ҳар қандай ташкилий-хуқуқий шаклда ташкил этилган ННТ фаолиятининг мазмуни фойда топиш ва уни ташкилотчилар ўртасида тақсимлаш учун эмас, балки умумий фойда келтирадиган хайрия фаолиятини амалга ошириш, ночорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фан ва маданиятни ривожлантириш, жамият ривожланишига кўмаклашиш мақсадига йўналтирилган бўлади.

Ҳар қандай шаклда ташкил этилган ННТ икки секторга бўлинади: муайян одамлар гуруҳи томонидан ўзларига ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган ташкилотлар ҳамда бошқаларга ёрдам бериш учун ташкил этилган ташкилотлар.

Айтайлик, журналистлар уюшмаси ёки китобсеварлар жамияти одамларни қизиқишлари умумийлиги белгиси бўйича бирлаштиради. Уларда расмий аъзолик мавжуд ва улар фақат ана шу аниқ жамият аъзолари манфаатларини кўзлаб иш кўради. Болалар врачлари уюшмасининг фаолияти эса фақат ўз аъзоларига эмас, балки ана шундай ёрдамга муҳтож ҳаммага кўмаклашиша йўналтирилган.

Шунга қарамасдан **барча жамоатчилик ташкилотлари ўз мақсадларининг вазифаларига принципial ёндашишда ўхшашлар. Одатда, ННТ жамиятда аниқ мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олиш учун ташкил этилади.** Шунинг учун ННТларнинг давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш бўйича энг муҳим масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти каттадир.

ННТ тўғрисидаги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали ишларни кўзлаб тузилган ташкилотнинг фойдаси жуда каттадир.

Қонунчилик ННТнинг ташкилий-хуқуқий шаклларини фақат ташкил этиш мақсадлари, таъсисчилар таркиби, аъзолик мавжудлiği ёки мавжуд эмаслигига қарабина эмас, шунингдек, таъсисчилар ва аъзоларнинг ташкилотнинг мулкига хуқуқлари ҳамда ўз зиммаларига олган мажбуриятлари учун масъулияти бўйича ҳам фарқлайди. ННТни ташкил этишда иштирок этадиган таъсисчилар ва аъзолар ушбу ташкилотга нисбатан мажбуриятларга эга бўлишлари ёки бўлмасликлари мумкинлиги учун ННТнинг ташкилий-хуқуқий шаклларини тўғри танлаш уларнинг мулк хуқуқларини ҳимоя қилишда муайян роль йўнайди.

**Нотижорат ташкилотининг ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, сиз, одатда, нима қилишни хоҳлашингизни тасаввур этасиз, аммо янада муҳими сиз буни қандай амалга оширишингиздир.** Масалан, одамларнинг гуруҳи ёшлар билан ишлаш учун ташкилотни рўйхатдан ўтказишни истайди. Агар

улар турли манбалардан маблағ түплаб, буни муайян ёшлар дастурларини амалга ошириш учун тақсимлаш ниятида бўлсалар, бунда улар фонд ташкил этишлари керак. Агар уларнинг ғояси мамлакат таълими соҳасида хизмат кўрсатиш ва ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган бўлса, улар учун жамоатчилик бирлашмаси мақбул шакл бўлади.

ННТ тушунчаси ва уларнинг ташкилий-хуқуқий шакллари турли қонунчилик хужжатларида келтирилган. Фақат улар хусусиятларини диққат билан ўрганиш ННТ таъсисчиларига ўзлари томонидан белгиланган аниқ мақсадлар ва вазифаларга эришиши учун ННТнинг энг мақбул шаклини танлаш тўғрисида тўғри қарор қабул қилиш имкониятини беради.

### **ННТнинг ташкилий-хуқуқий шаклини танлашда **қуийдагиларни ёдда сақлаш мақсадга мувофиқидир:****

- Ўзбекистонда ташкил этилаётган барча жамоатчилик ташкилотлари қандай ташкилий-хуқуқий шаклда бўлмасин, ННТга мансубдирлар ва улар учун ННТ тўғрисидаги қонунчилик амал этади;
- ННТнинг ташкилий-хуқуқий шакллари ўзаро фаолият мақсадлари, иштирокчилар таркиби, аъзолик принциплари, тузилиш тартиби ва мулкни тасарруф қилиш, бошқарув, назорат тизими ва бошқа қоидаларига қараб фарқ қиласди, ана шулардан келиб чиққан ҳолда улар норматив-хуқуқий хужжатлар асосида тартибга солинади;
- барча ташкилий-хуқуқий шаклдаги ННТлар уларнинг ҳудудий жойлашишига боғлиқ равишда мамлакатнинг адлия органларида давлат рўйхатидан ўтади;
- ННТнинг фаолияти асосий йўналишларини кўрсатадиган таълим, экология, маданият ва бошқалар каби ННТ турларини фарқлаш керак, бунда нотижорат ташкилотларининг турлари кўп бўлиши мумкин. Ушбу ташкилотлар турларининг рўйхати қонун томонидан ўрнатилмайди, чунки ташкилий-хуқуқий шаклларнинг сони фақат қонунчилик хужжатлари томонидан белгиланади (масалан, жамоатчилик бирлашмаси ташкилий-хуқуқий шаклида ташкил этилган ННТ ўз фаолияти хусусияти бўйича экология, таълим ва ҳоказо ташкилоти бўлиши мумкин эмас);
- номланишга киритилган “марказ”, “жамият”, “қўмита” ва ҳоказолар ННТнинг ташкилий-хуқуқий шаклига тааллуқли эмас, улар ННТ номланишида ишлатиладиган атамалардир;
- фаолиятининг мақсадларини ифодалайдиган, масалан “экология”, “болалар”, “ёшлар” ва ҳоказолар ННТ номланишида кўрсатилган ташкилий-хуқуқий шаклга тааллуқли эмас;
- умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида барча нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти Фуқаролик кодекси ва ННТ тўғрисидаги

қонунлар билан тартибга солинади. Бирок ННТ айрим ташкилий-хуқуқий шакларининг фаолияти маҳсус қонунлар билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексининг 73–78-моддаларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳаммаси бўлиб олтита шакли кўзда тутилган. Улар — матлубот ширкати, жамоатчилик бирлашмалари, жамоатчилик фонdlари юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар ва иттифоқлар) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

**ННТнинг ташкилий-хуқуқий шаклларидан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** — шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалардир. Бундай органларнинг хуқуқий қоидалари хусусиятлари “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тарққиётнинг тарихий хусусиятлари, маҳаллий одатлар ва анъаналарга мувофиқ маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишга қаратилган. Ҳар қандай нотижорат ташкилоти каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам жисмоний шахсларнинг хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат ижтимоий фойдалари мақсадларни кўзлади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоатчилик фондлари каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари худудий белги бўйича ташкил этилади. Шуниси эътиборлики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига шаҳарча, қишлоқ ва овулни ташкил этиш, улар чегаралари ва номланишларини ўзгартириш бўйича ташаббус билан чиқишлари мумкин.

ННТнинг бошқа шаклларидан фарқли равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишни унинг кенгashi ва фуқаролар йиғининг раиси (оқсоқоли) амалга оширади. Қонунчилик бўйича, фуқаролар йиғининг раисига (оқсоқолига) фуқароларга уларнинг оиласиий ва мулкий аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар бериш ҳуқуқи берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан барпо этилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший обьектлар ва бошқа мақсадларга мўлжалланган обьектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа қўчар ҳамда қўчмас мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган обьектларни вақтингчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу обьектлар билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат статистика ва солиқ ҳизмати органларига ҳисбот тақдим этади.

Инсон хуқуқларини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқий, сиёсий маданиятини оширишда **оммавий ахборот воситалари** муҳим иш олиб боради. Уларнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари тизимидағи муваффақиятли ва фаол фаолияти учун кенг хуқуқий майдон яратилган бўлиб, ушбу қонунчилик ҳужжатлари халқаро тажриба ва ҳозирги давр амалиётидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириб борилмоқда. ОАВни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашдаги фаолигини ошириш, медиа-худудга илфор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш учун 10 тадан ортиқ қонун қабул қилинган. 2007 йил 15 январдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (янги таҳрир)<sup>1</sup>, 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот кафолатлари ва ундан фойдаланиш эркинлиги тўғрисида”<sup>2</sup>, 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”<sup>3</sup>, 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”<sup>4</sup>, 1997 йил 24 апрелдаги “Журналистларнинг касб фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”<sup>5</sup>, 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида”<sup>6</sup>ги қонулар ахборотдан фойдаланиш эркинлиги кафолатини таъминлади ва журналистлар касб фаолиятини ҳимоя қилишнинг яхлит тизими асосини шакллантириди.

Мустақил оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши ва ривожланишида фуқаролик жамиятининг институтлари, жумладан, Журналистларнинг ижодий уюшмаси, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди муҳим рол ўйнамоқда.

Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари **оммавий ахборот воситасидир**.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркиндир. Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш хуқуқига эгадир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 4-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сонлар, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сонлар, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1997 й., 4-5-сонлар, 110-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 12-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978 модда.

Оммавий ахборот воситалари қонун хужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **Оммавий ахборот воситаларидан:**

- Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;
- уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш;
- давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;
- миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборот тарқатиш;
- агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;
- порнографияни тарғиб этиш;
- қонунга мувофиқжиной ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш **мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди**.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қумматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиб тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади.

#### **Қўйидагилар оммавий ахборот воситасининг муассиси бўлиши мумкин эмас:**

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;
- қасдан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс;
- фаолияти қонун билан тақиқланган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этган юридик шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари таъсис этилишига йўл қўйилмайди.

#### **Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:**

- оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари қонун хужжатларига зид бўлса;
- оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонунга мувофиқ оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлмаган юридик ёки жисмоний шахс номидан берилган бўлса;

- оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада кўрса-тилган маълумотлар ҳақиқатга мос келмас;
- бундан аввал айнан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилган бўлса.

Оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, қарор чиқарилгандан кейин бир кун ичидаги аризачига ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда билдириш юборилади.

Муассис рўйхатдан ўтказувчи органнинг оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд телевизион-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларнинг ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон тарздаги алоҳида чиқарилиши **оммавий ахборот воситаларининг маҳсулоти ҳисобланади**.

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотини тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шунингдек, белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

### **Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари**

Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>1</sup> ва ушбу қарор билан тасдиқланган Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларининг намунавий низомида белгилаб берилган.

Жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгаши давлат органининг марказий аппарати ҳузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти мазкур давлат органининг барча ҳудудий бўлинмалари ва ўзига бўйсунадиган ташкилотларга тарқалади.

Қўйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юклangan ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.07.2018 й., 07/18/3837/1454-сон.

- ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- биргалиқда мұлоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўпприк» ролини бажариш;
  - фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;
  - давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;
  - давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
  - давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
  - давлат органи фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
  - давлат органлари ходимлари ва улар оиласарининг уй-жой, ижтимоий-майший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам қўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва қасбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига юқлатилган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:
  - давлат органининг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташабbusлари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишида иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органига тегишли таклифлар киритади;
  - давлат органининг фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилади, шунингдек, ҳамкорликни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

- давлат органи фаолиятига тааллуқли унинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бүйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган таклифларни мазкур давлат органи ходимлари ўртасида муҳокама қилишга бағишлиланган тадбирларни ташкил этишда қатнашади;
- давлат дастурлари лойиҳаларини, тадбирлар режаларини ва давлат органи фаолиятига тааллуқли, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш тұғрисидаги бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқыш юзасидан таклифлар тайёрлайди, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ваколатлари доирасида иштирок этади, бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилади, шунингдек, йүл қуйилған хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
- давлат органи раҳбарлари ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан, жойларга бориб ташкил этишда қатнашади, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади;
- давлат органи ходимлари ва улар оиласларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда, шунингдек, ишдан бўшатилған ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади;
- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бүйича давлат органи ходимлари ўртасида кенг тушунириш ишларини ташкил этади;
- давлат органида, унинг ҳудудий бўлинмаларида ва тасарруфидаги ташкилотларида соғлом ишчанлик муҳитини ривожлантириш, қонунийликни, юксак хуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда Ватанга содиқлик руҳини ва қонулларга бўлган хурматни кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- мамлакатда ва хорижда кенг жамоатчиликни давлат органи фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда хабардор қилишни таъминлайди ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;
- давлат органи фаолиятига бағишлиланган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил этишда иштирок этади;
- давлат органи фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қилади, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

– ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласи.

Жамоатчилик кенгаши зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

- давлат органи томонидан ташкил этиладиган бўлажак очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;
  - давлат органининг, жумладан, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа обьектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;
  - давлат органи, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;
  - давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;
  - давлат органининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва эксперталар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;
  - жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига давлат органи томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;
  - давлат органи ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;
  - жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;
  - юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.
- Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:
- жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;
  - давлат органи фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;
  - давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;
  - давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолият қўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;
  - фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибашга йўл қўймаслиги;

- жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, махфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашининг зиммасида қонун хужжатлариға мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоатчилик кенгashi аъзоларининг сони чекланмаган. Жамоатчилик кенгashi аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Қўйидаги ҳолатларда жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

- улар томонидан жамоатчилик кенгashi таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;
- жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;
- уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
- вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартишлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичida давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси:

- жамоатчилик кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;
- жамоатчилик кенгашининг мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;
- жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;
- жамоатчилик кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа хужжатларини тасдиқлади;
- жамоатчилик кенгashi қарорларининг ижросини назорат қилади;
- жамоатчилик кенгashi аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;
- давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштирила-диган жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни давлат органи раҳбари билан келишади;
- жамоатчилик кенгashi қарорларини бажариш масалалари юзасидан давлат органи раҳбари билан ҳамкорлик қилади;
- жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Жамоатчилик кенгаси фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чорақда камида бир марта чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси жамоатчилик кенгаси аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг иштироки масалаларини тартибга солиш қонунчилигига мувофиқ, ана шундай иштирок, шу жумладан, жамоатчилик назорати улар томонидан ихтиёрий, мустақил ва муайян асосларда амалга оширилади.

Шу муносабат билан улар ўзларини жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида расман иш кўришлари керакми ёки бу ўз ўзидан тушунарли бўлиб, улар қачон бўлмасин ва қаерда бўлмасин жамоатчилик назоратини қонунда кўзда тутилган шаклларда ўтказишлари мумкини деган савол пайдо бўлади.

Фикримизча, бу назорат тадбирларининг мунтазамлиги ва қамраб олинишига боғлиқдир. Масалан, фуқаро жамоатчилик назоратини мустақил ёки ННТ доирасида амалга оширишига ҳақли. Агар ушбу масала билан мунтазам, малакали шуғулланиладиган бўлса, ўзи аъзо бўлган жамоатчилик ташкилотининг жамоатчи назоратчи мақомини олиши керак. Агар бунда давлат органларига ўз шахсий муаммоларини ҳал этиш учун мурожаат қилиш талаб қилинса, ушбу мақомни олиш талаб қилинмайди.

Фақат ўз аъзолари (қатнашчилари) хукуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган ННТга нисбатан масала ҳам худди шундай ҳал этилади. Муайян мавзу бўйича жамоатчилик назоратини ўтказиш учун маҳсус ташкил этилган ННТ бу ҳақда ўз уставида қайд қилишлари шарт.

Бундан ташқари, мазкур ташкилотнинг жамоатчи назоратчиларининг фаолияти тўғрисидаги йўриқномани (низомни) ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, қабул қилинган қонунлар ҳисобга олинган ҳолда жамоатчилик назоратида иштирок этишларининг шаклларини белгилаш мухимдир.

Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар йигинларининг жамоатчилик назорати бўйича комиссиялари мажбуриятларини шарт. Ана шу ҳақдаги Низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаси даражасида тасдиқланиши мумкин.

Жамоатчилик назоратини ташкил этишда жамоатчилик назорати объектлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳимдир.

**Жамоатчилик назоратининг объектлари.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ жамоатчилик назорати давлат органларининг фаолияти устидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий органлари тизимида қуидагилар киради:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси икки палата — Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган олий давлат вакиллик органидир;

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди;

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштиради ва йўналтирилади, фаолиятини назорат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринbosарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпогистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўзлавозими бўйича киради;

**Тўртинчидан,** республика давлат бошқаруви органлари таркибига вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек, улар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташкил этиладиган давлат бошқарувининг тузилмалари киради;

**Бешинчидан,** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига тизимида, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари киради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манбаатларини кўзлаб, ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

1993 йил 2 сентябрдаги “Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги қонуннинг<sup>1</sup> 1-моддасига мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сонлар, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2013 й., 52-сон, 686-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда; 20-сон, 22-модда; 2015 й., 23-сон, 317-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; 35-сон, 917-модда; 35-сон, 914-модда; 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/476/1087-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларги (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳокими тегишли худудда ваколатли ва ижроия ҳокимиятга бошчилик қиласди;

**олтинчидан**, давлат бошқаруви органлари таркибига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритадиган суд ҳокимияти ҳам киради. Ўзбекистон Республикасида суд тизими ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туман, шаҳар маъмурий судларидан иборат. Судлар фаолиятини ташкил этиш ва унинг тартиби "Суд тўғрисида"ги қонун<sup>1</sup> билан белгиланади;

**еттинчидан**, давлат органлари тизимида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар муҳим ўрин тутади.

Фуқаролар, ННТ ва ОАВ томонидан жамоатчилик назоратининг объектлари давлат фаолиятининг барча соҳалари бўлиши мумкинлигини таъкидлаш керак. Уларнинг айримлари, бутун жаҳонда қабул қилинганидек, ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари, прокуратура, адлия, ички ишлар органлари ва бошқалар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун референдумлар, сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор қидирув фаолияти, суриштирув, тергов, суд иши ва жазони ижро этиш соҳасидаги назоратни амалга ошириш масалалари маҳсус қонунчилик билан тартиба солинади. Улар, ўз навбатида, ушбу соҳада иш олиб борадиган давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатда уларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш масалаларини тартиба солади ("Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасига қаранг).

Шундай қилиб, **жамоатчилик назоратининг обьекти** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг (давлат назорати обьектлари бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларини истисно этган ҳолда) қонулар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2007 й., 29-30-сон, 296-модда; 2009 йил, 52-сон, 553-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

ижросини ўрганишни текшириш ва улар фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича фаолият ҳисобланади.

### **Амалий ишлар:**

Агар фуқаролик жамиятининг институтлари ва фуқаролар томонидан жамоатчилик назоратининг объектлари бўлмаган давлат органлари фаолиятини тартибга соладиган қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар бузилиши аниқланган бўлса, унда:

- давлат назорати субъектлари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Омбудсманни ва бошқаларга ёзма мурожаат қилиш лозим;
- мурожаатга қонунчилик бузилишини тасдиқлайдиган материаллар, хужжатлар ва маълумотларни илова қилиш зарур;
- тегишли давлат органида ёзма жавоб келишини кутиш ва агар тақдим этилган маълумотнинг мазмуни давлат сирига ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган сирга тааллуқти бўлмаса, уни эълон қилиш керак.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоатчилик назорати субъектларига қайси институтлар ва шахслар тааллуқлиди?
2. Жамоатчилик назорати субъектларининг хуқуқий мақоми нимадан иборат?
3. Жамоатчилик назоратининг объектлари нима?

## **§3. Жамоатчилик назорати субъектлари ва улар вакилларининг хуқуқий мақоми**

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг таҳлили қонунларда ва қонунчиликнинг бошқа хужжатларида жамоатчилик назорати бўйича тадбирларни маҳсус шахслар ва тузилмалар: **жамоатчилик назорати бўйича инспекторлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маҳсус комиссиялар, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари** ва ҳоказолар томонидан ўтказилиши кўзда тутилганидан далолат беради. Шу муносабат билан уларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг шакллари ва йўналишлари, шунингдек, қонунчилик бузилган ҳолатлардаги масъулияти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар, ННТ, ОАВ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг фаолияти ихтиёрий бўлиши, ушбу қўлланманинг З-мавзусида баён этилганидек, жамоатчилик назоратини ташкил этиш принципларига зид бўлиши мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамоатчилик назоратини ўтказиш ҳуқуқига эга шахс муайян **ҳуқуқий мақом**га эга бўлиб, уни давлат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими сифатида ифода этиш мумкин. Ҳуқуқлар ва мажбуриятларда ижтимоий тизим меъёрида бўлиши учун мажбурий, фойдали, мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган шахс (ёки ташкилот) иш олиб боришининг стандарт намуналари қайд қилинган, қайд қилинибгина қолмасдан, шунингдек, қатъий тартибга солишни талаб этадиган давлат билан шахс ўзаро муносабатларининг асосий принциплари очиб берилган.

Юқорида қайд қилинганидек, жамоатчи назорати соҳасида ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлишнинг муҳим шарти шахснинг фуқаролигидир. Бевосита худди ана шу ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш ҳамда қонун томонидан ўрнатилган мажбуриятларни бажаришнинг ҳуқуқий асоси, яъни фуқаронинг ҳуқуқий мақоми асосида ҳисобланади<sup>1</sup>.

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органлари фаолияти устидан назорат қилиш бўйича жамоатчи инспекторларининг мамлакатда жамоатчилик назорати тажрибасидан келиб чиқадиган, фуқаролик жамияти институтлари ривожланиши даражасига мувофиқ бўлган ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолиятининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунчилигига мувофиқлиги тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ҳисобга оладиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мутаҳкамлаб қўйилган.

Шу билан бирга, шахснинг қайси бир соҳадаги ҳуқуқлари ҳажмига факат қонунлардангина эмас, балки инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро нормалардан ҳам келиб чиқадиган ҳуқуқлар мажмуаси таъсир кўрсатади. Бу шахснинг ҳуқуқий мақомини кенгайтиришга кўмаклашади. Бироқ ушбу нормалар тегишли ички давлат қонунчилик ҳужжатини чиқариш орқали амалга оширилади.

**Шу тарзда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳуқуқий мақоми инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қамраб олган ички давлат ва халқаро нормаларнинг яхлит мажмуасидир.**

Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқий мақоми, яъни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасида белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ;

Жамоатчилик назорати субъектлари:

- жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташабbusи билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек, уларда иштирок этишга;
- жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;
- жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;

<sup>1</sup> Қаранг: Права человека. Под ред. Е. А. Лукашевой, учебник, — М., 2015. С. 90.

- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;
- давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибида судга шикоят қилишга;
- жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектлари:

- жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;
- қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;
- давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;
- давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;
- фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиб ўйл қўймаслиги;
- жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиши шарт.

Шуни ёдда тутиш керакки, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонулар ижросини текшириш мақсадидаги жамоатчилик назоратини фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет элликлар, фуқаролиги йўқ шахслар, чет эл мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ўзларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши муносабати билан тегишли давлат органларига мурожаат қилишлари мумкин. Аммо бу улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш бўйича мурожаат бўлиши мумкин эмас. Халқаро вакиллар ва комиссиялар фақат Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан маҳсус халқаро шартномалар асосида инсон ҳуқуқлари юзасидан вазиятни мониторинг қилишда иштирок этишлари мумкин. Масалан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) қишлоқ ҳўжалиги соҳасида болалар меҳнатини қўллаш мониторингида иштирок этади.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда жамоатчилик назорати субъектлари вакилларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилигига аниқ таъриф берилган экологик назорат жамоатчи инспектори ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича инспектор мисолида жамоатчилик назорати бўйича инспекторнинг ҳуқуқий мақомини кўриб чиқайлик (2-мавзу).

Энг аввало, “инспектор” тушунчасига аниқлик киритайлик. “Инспектор” тушунчасининг умумий маъноси идоравий бўйсунадиган органлар ва шахслар хатти-

ҳаракатларининг тўғрилигини текширадиган мансабдор шахсни англатади<sup>1</sup>. Ушбу тушунча жамоатчи инспекторга эмас, давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўлган, муайян қоидаларни бузган айбордорни жавобгарликка тортиш ҳақли давлат инспекторига тааллуқли эканлиги тушунарлидир.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор ноқонуний хатти-ҳаракатларини содир этганилиги учун кимнидир жазолаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс эмас. У экологик назорат вазифаларини амалга оширишга кўмаклашишга хоҳиш билдирган, бу хоҳишини билдирган пайтда 18 ёшга тўлган, соғлом, табиият атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарликка йўл қўймаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир<sup>2</sup>.

Белгиланган тартибда маҳсус тайёргарлиқдан ўтган ва экологик назоратда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиши мумкин. Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролар йигинларининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш комиссияларига (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ёки атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотига яшаш жойидан ариза билан мурожаат қиласиди<sup>3</sup>.

Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг аризаси Комиссия йиғилишида ёки атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарни томонидан экологик назорат соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг вакили иштирокида қўриб чиқиласиди. Номзоди маъқулланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг Комиссия йиғилишининг протоколи асосидаги қарори билан ёки нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан бериладиган экологик назоратнинг жамоатчи инспектори гувоҳномасини олади.

Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори гувоҳномаси бир йил муддатга берилади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор номзоди икки йўл билан:  
1) ўзи номзодини ўзи кўрсатиши; 2) фуқароларнинг зхини ўзи бошқариш органдари, давлат ҳокимияти органлари, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоатчилик бирлашмалари ва меҳнат жамоалари томонидан кўрсатилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Словарь русского языка, Том 1.— М., 1981. С. 669.

<sup>2</sup> Қаранг: Табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор тўғрисидаги намунавий низом. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат қўмитаси ҳайъатининг 2000 йил 29 февралдаги қарори билан тасдиқланган.

<sup>3</sup> Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида намунавий низом // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қарорига 1-илова // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2015 й., 41-сон, 526-модда; 2017 й., 37-сон, 996-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон, 22.02.2018 й., 09/18/134/0809-сон.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишга Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат қўмитаси ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳақли. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича инспектор гувоҳномаси бир йил муддатга берилади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ва экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари томонидан жиноят, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши, шунингдек, экологик назорат жамоатчи инспекторининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги уларни экологик назоратнинг жамоатчи инспектори мақомидан маҳрум қилишга асос бўлади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор билан экологик назоратнинг жамоатчи инспектори табиатни ва экологияни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадлари муштараклигига қарамасдан уларнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари ўз Низомларига кўра бир-биридан фарқланади. Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторининг ҳуқуқлари табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекториникига қараганда кенгроқдеса бўлади. Агар табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектори маълумот сўраши ва олиши, табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторларининг рейдларида иштирок этиши, табиатни муҳофаза қилиш бўйича таклифлар киритиш, ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириши мумкин бўлса, **ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИНГ ЖАМОАТЧИ ИНСПЕКТОРИ ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:**

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини кузатиб бориши амалга ошириш;
- давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш;
- атроф-муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот олиш учун тегишли давлат органларига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ва (ёки) нодавлат нотижорат ташкилотининг мурожаатини тайёрлашда иштирок этиш;
- юридик ва жисмоний шахслардан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва ахборотни олиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишда, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишида иштирок этиш;
- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда қўқаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитишида иштирок этиш;

- аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга доир ишларда иштирок этиш;
- экологик назоратнинг барча турлариға оид фаолият бўйича табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш ва яхшилаш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;
- муҳим жамоат тадбирларидаги фаол иштироки ва табиатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишидаги ва айборларни жавобгарликка тортишдаги қўмаги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидан рағбатлар олиш;
- фуқаролар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилишига доир ва ташкилотлар фаолиятини ташқи кузатиб боришда аниқланган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда маълумотномалар ва ахборотлар тузиш.

**Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори қўйидагиларни бажариши шарт:**

- экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- экологик назоратни амалга оширишда экологик назоратнинг бошқа субъектларига қўмаклашиш;
- экологик назоратнинг бошқа субъектлари вазифаларини уларнинг ўрнига бажармаслик.

Экологик назорат жамоатчи инспекторининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, экологик назорат бўйича жамоатчи инспекторлар ўзларининг Намунавий низомларида кўзда тутилмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жумладан, агар жамоатчилик инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки экологик йўналишдаги ННТга тааллуқли бўлса, у мазкур субъектларнинг “Экологик назорати тўғрисида” қонун доирасида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

Масалан, жамоатчи инспекторлар қўйидагиларга ҳақлиидир:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиша иштирок этиш.

Жамоатчилик экологик назорати тўғрисидаги қонунчилиқда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазиятни жамоатчилик мониторингини ўтказиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилмаган бўлса ҳам, жамоатчи инспекторлар жамоатчилик назорати субъектлари сифатида уни ўтказишлари мумкин. Инспекторлар ҳуқуқларининг рўйхати бундай мониторинг ўтказишнинг турли усусларидан фойдаланишлари мумкинлигидан далолат беради, яъни бевосита:

- вазиятни назорат қилиш;
- назорат мақсадларида ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

- давлат органларининг ахборотлари ва ҳисботларини эшитиш;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш, тегишли давлат органига қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик бажарилишини назорат қилиш яқунлари бўйича маълумтономларни расмийлаштириш ва уларни чора кўриш учун тегишли давлат органларига юбориш.

Шу тарзда экологик назорат бўйича жамоатчилик инспекторларининг тизими  
Ўзбекистон Республикасининг қонунларида табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш  
ва фуқароларнинг экологик хуқуқлари бузилишини аниқлашга йўналтирилган  
жамоатчилик назоратининг қўпчилик шаклларини амалга оширади.

### **Жамоатчилик экологик назорати натижаларини амалга оширишнинг шакллари қўйидагилардир:**

- ваколатли давлат органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларни жамоатчилик экологик назорати натижалари тўғрисида хабардор қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилиши бўйича аниқланган далиллар юзасидан чоралар кўриш учун тегишли давлат органларига таклифлар киритиш.

Жамоатчилик экологик назоратини қонунчиликка мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Махсус ваколатта эга давлат органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органларини жамоатчилик экологик назоратининг натижалари тўғрисида хабардор қилиш белгиланган тартибда тақдим этиладиган оғзаки, ёзма ва электрон мурожаат (ариза, таклиф ёки шикоят) шаклига эга бўлиши мумкин.

Мурожаатларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки фуқароларнинг мазкур мурожаатлар моҳияти бўйича аввал қабул қилинган қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек, кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа хужжатлар, шу жумладан, фото, аудио ва видео материаллари илова қилиниши мумкин.

Жамоатчилик экологик назорати инспекторлари фаолияти таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадларида давлат органларининг (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси) экологик назорат бўйича жамоатчи инспекторлар томонидан ўтказилган жамоатчилик экологик назоратининг натижаларига муносабат билдиришни қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш зарурати пишиб етилди.

Бундан ташқари, жамоатчилик назоратининг самарадорлиги экологик назорат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторларнинг малакаси даражасига кўп жиҳатдан боғлиқлигини кўрсатиш керак. Конституциявий, маъмурий

хуқуқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари түғрисидаги билимлар, жамоатчилик назоратининг обьектлари түғрисидаги маҳсус (табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги ва бошқалар түғрисидаги) билимлар, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик әшитишлари, қоидалари, инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг асослари түғрисида ахборот сўраб давлат органларига мурожаат қилиш тартиби, жамоатчилик назоратига кўмаклашиш соҳасида ваколатлар, уларнинг жамоатчилик назоратини самарали ўтказиш бўйича мавжуд бўлмаслиги **жамоатчилик назорати номига ўтказилишига, жамоатчилик назорати нормаларининг назорат қилинаётган соҳадаги вазиятни тубдан ўзгармасдан қолишига олиб келиши мумкин.**

Жамоатчилик назоратини ўтказиш учун маҳсус тайёргарлиқдан ўтиш зарурати муносабати билан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби түғрисидаги Намунавий низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик экологик назорати самародорлигини ошириш учун экологик назорат бўйича жамоатчи инспекторлар учун ҳудудларда ташкил этиладиган маслаҳат марказлари негизида қисқа муддатли курслар ташкил этиш лозимлиги кўрсатилган. Бундай тегишли ҳудудда жойлашган **таълим муассасалари** фуқаролар йиғини сўрови бўйича аҳолининг экологик маданиятини ошириш юзасидан тадбирлар доирасида ўқув жараёнидан бўш бўлган ўқув биноларини экология назорати жамоатчилик инспекторларига қисқа муддатли курслар ташкил этиш учун тақдим этишлари мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик назоратни амалга ошириш учун мутахассислар ва эксперктларни қонунчиликка мувофиқ равишда шартнома асосида жалб этишлари мумкин.

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари қўйидагиларни қилишлари мумкин:**

- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришда ёрдам кўрсатишлари;
- оммавий ахборот воситаларида атроф-муҳитни ва аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, давлатнинг табиатни сақлаш дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича эълон қилган материалларини тўплаш ва таҳлил этишлари;
- қонунчилик билан ўрнатилган тартибда жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича Интернет умумжаҳон тармоғида ҳамма фойдаланадиган ресурслар яратишлари, оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳаммуассасислари бўлишлари, ноширлик фаолиятини оширишлари;
- жамоатчилик экологик назорати натижаларини оммавий ахборот воситалари ёритишида иштирок этишлари;
- атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, давлат экологик дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича ишчи гуруҳлари, комиссиялари, илмий-техника кенгашлари ташкил этиш

ташаббуслари билан чиқишлари, уларда иштирок этиш учун мутахассислар ва эксперктарни жалб этишлари.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик экологик назорати бўйича фаолиятни амалга ошириш учун давлат томонидан ўрнатилган тартибда тақдим этиладиган субсидиялар, ижтимоий буюртмалар ва грантлар шаклида қўллаб-қувватланиши мумкин.

Давлат органларининг фаолиятини назорат қилиш бўйича жамоатчилик институтларининг иши фақат қўйидаги ҳолатларда самарали эканлигига ёътибор беринг:

- жамоатчилик инспекторларининг қонунлар бузилиши тўғрисидаги маълумот ва далилларни тўглаш, умумлаштириш ва таҳлил этишни амалга оширишда давлат инспекторлари билан қалин алоқада бўлганида;
- айрим ҳуқуқбузарликлар тарқалиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш бўйича ушбу институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилишда;
- тадқиқ этилаётган соҳада қонунчилик ҳамда органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича асосланган таклифларни биргалиқда ишлаб чиқиша;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида вазиятни яхшилаш учун ижтимоий шериклик, ўзаро ҳамкорлик усул ва шакларини қўллашда, бу жамоатчилик назоратини ўтказишга тўскىнлик қилмайди.

Умуман, экология соҳасида жамоатчилик назорати бўйича инспекторлар фаолиятини ҳуқуқий тартиба солишга асосланган ҳолда келгусида жамоатчи назоратчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бирхиллаштириш, ана шундай институтларни жамоатчилик назоратининг бошқа соҳаларида ташкил этиш ҳуқуқини тақдим этиш, жамоатчилик субъектларининг низомларига жамоатчилик назорати бўйича тадбирларни жамоатчи назоратчи (инспектор) институтлари, назорат бўйича жамоатчилик комиссиялари (инспекциялари) орқали амалга ошириш имкониятини киритиш зарур. Бу Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини ривожлантиришнинг институционал асосларини мустаҳкамлаши шубҳасизdir.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик назорат бўйича ким жамоатчи инспектор қилиб кўрсатилиши мумкин?
2. Уларнинг қандай ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бор?
3. Жамоатчи инспектор вазифасини бажариш хоҳишини билдирган фуқароларни бунга маҳсус ўқитиш шартми?



**ИККИНЧИ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУNLАРИ ИЖРОСИНИНГ  
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ  
ШАКЛЛАРИ**

## **ТҮРТИНЧИ МАВЗУ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИННИГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ**

“Жамоатчилик назорати түғрисида”ги қонун, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг чет эл ва миллий тажрибасини тадқиқ қилиш жамоатчилик субъектлари томонидан жамоатчилик назоратининг асосан қўйидаги шакллари амалга оширилишини қўрсатмоқда:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлислирида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик эшитуви;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш;
- жамоатчилик назоратининг бошқа шакллари.

### **§1. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар**

#### **Давлат органларига мурожаатлар**

Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролар шахсий ва умумий (гурӯҳий) манфаатларини ҳимоя қиласиган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакилларининг хатолари ва съистеъмолликларининг олдини оладиган ва тўғрилайдиган фаол ташабbusкор куч сифатида иш кўради. Бунда давлат ҳокимиятига ана шундай таъсир давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан ва самарали механизмлари мавжудлиги билан таъминланади. Бу мазкур ҳуқуқ, бир томондан, ҳокимиятга халқнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини етказиш, шунингдек, давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш воситаси, бошқа томондан — инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг воситаси бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи — инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқларидан биридир. У ёки бу жамиятда инсоннинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи қандай расмийлаштирилгани ва ҳимоя қилинишига асосланган ҳолда ушбу жамиятдаги демократия даражаси түғрисида мулоҳаза юритиш мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари аҳоли турли гуруҳларининг ўзлари яшаётган жойларидағи (туман, шаҳар, қишлоқдаги) ижтимоий-иктисодий аҳвол, фуқароларнинг эҳтиёжлари түғрисидаги маълумотлар манбаларидан бири ҳисобланади. Мурожаатларда баён этилган муаммоларни ўз вақтида ва сифатли ҳал этиш фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг обрўсини ошириш, уларнинг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлашга жиддий равишда ёрдам беради.

Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар жамоатчилик назоратининг шакли сифатида фуқаролар ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар ҳамда норматив-хукукий хужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хукуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Кўриб чиқилаётган соҳада Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган хукукий муносабатларни тартибга соладиган қонунлар орасида, биринчи навбатда, 2004 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида” (янги таҳрир)<sup>1</sup> қонунни кўрсатиб ўтиш керак. Унда фуқароларнинг ўз хукуқлари ва эркинликлари бузилиши муносабати билан давлат органлари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарыш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан шикоят билан судга мурожаат қилиш хукуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда<sup>2</sup> фуқароларнинг прокуратура органларига мурожаат қилишлари тартиби ўрнатилган. Ушбу қонун 7-моддаси 1-бандига мувофиқ, прократура органларида уларнинг ваколатларига мувофиқ равиша фуқароларнинг аризалари, шикоятлари, юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади ҳамда бузилган хукуқлари тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги Фармони асосида фуқароларнинг давлат, шу жумладан, хукуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш бўйича конституциявий хукуқлари кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари ташкил этилган. 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга ҳар қандай масалалар бўйича мурожаатлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

қабул қилишнинг рад этилиши ман қилиниши киритилган, амалиётдан фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш учун сайёр, шахсий ва оммавий қабуллар ўтказиш ўрин олган. Шунингдек, аниқ вақт тартибида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ишонч телефонлари, давлат органларининг шошилинч линиялари ва видеоконференция алоқаси йўлга қўйилган. Қонунда давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот воситасида мурожаатларни самарали кўриб чиқишини назорат қилиш учун ташкил этилган Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган.

Мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқига, шунингдек, қатор қонуности норматив ҳужжатларида аниқлик киритилади. Улардан энг муҳими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий низом”<sup>1</sup> ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар Ўзбекистон Республикаси ва чет эл давлатларининг жисмоний ва юридик шахслари ва фуқаролиги йўқ шахслар бўлиши мумкин. Мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий муносабатлар субъектлари бўлган давлат ҳоқимиятининг органлари ва мансабдор шахслари, одатда, мурожаат қилинадиган манзил бўлади.

Жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органларига мурожаатлари ҳуқуқларини тартибга солишда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири)<sup>2</sup> муҳим роль ўйнайди. Ушбу Қонунда мурожаатларнинг турлари, мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳимоя қилинишининг кафолатлари, давлат органлари томонларидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, давлат органларининг ушбу соҳадаги асосий мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

**Ариза** — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўrsatiш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаатdir.

**Таклиф** — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатdir.

**Шикоят** — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаатdir.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Давлат органларининг, ташкилотларининг «ишонч телефони»га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 09/18/341/1202-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.

Давлат органининг, ташкилотининг расмий веб-сайти орқали ёки давлат органининг, ташкилотининг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июнданги 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисида низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда хамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Давлат органларининг, ташкилотларининг «ишонч телефони»га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Давлат органининг, ташкилотининг расмий веб-сайти орқали ёки давлат органининг, ташкилотининг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (кейинги ўринларда Ҳукумат портали деб аталади) орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июнданги 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисида низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда хамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

**Фуқароларни ва фуқаролик жамияти институти вакилларини қабул қилиш.** Давлат органларида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институти вакилларининг қабули давлат органининг раҳбари ёки бу борода ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан қабул қилинади. Давлат органида, ташкилотида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг

вакилларини қабул қилиш белгиланган қун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни давлат органлари, ташкилотларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак. Агар аввал худди шу масала бўйича мурожаат юзасидан қарор қабул қилинган бўлса, қабул қилиш рад этилиши мумкин.

Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш давлат органи, ташкилоти ёки уларнинг мансабдор шахсининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилот раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда маҳсус техника воситалари (аудио- ва видеоёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакили давлат органи, ташкилотининг раҳбари ёхуд уларнинг мансабдор шахсларга видеоконференсалоқа восита-сида мурожаат бериши, олдиндан тасдиқланган маҳсус ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда видеоконференсалоқа жадвал орқали амалга оширилади. Бунинг учун мурожаат этувчи видеоконференсалоқа ўрнатилган тегишли давлат органи, ташкилотига белгиланган тартибдаги талабнома билан мурожаат қиласи.

Давлат органи, ташкилотининг раҳбари талабномани кўриб чиқиб, видеоконференсалоқа орқали кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи. Қабул қилинган қарор, видеоконференсалоқа орқали мурожаатни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида давлат органи, ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларни белгиланган тартибда огоҳлантиради.

Видеоконференц-алоқа орқали келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқиласи.

**“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда фуқаро мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уни камситишга йўл**

**қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.** Мурожаат этиш хукуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-хукуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

**Мурожаат этиш хукуқлари кафолатлари.** Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органлари ташкилотларга якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш хукуқи кафолатланади.

**Мурожаат этилганда хукуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилишининг кафолатлари.** Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холи-сона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган хукуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

**Мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш кафолатлари.** Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**Мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги кафолатлари.** Мурожаатларни кўриб чиқишида жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди. Жисмоний шахснинг илтимосига қўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан улар хавфсизлигининг кафолатлари.** Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органлари ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доира-сига кирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибида берилиши мумкин.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек, уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа хужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур хужжатлар қайтарилимайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган хужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсларининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни тъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида **юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечикитирмай берилади.**

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш хуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат давлат органининг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза давлат органлари, ташкилотлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Кўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотига келиб тушган мурожаатлар **беш кун муддатдан кечиктирумай** давлат органининг, ташкилотининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органдарига, ташкилотларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар **беш кун муддатдан кечиктирумай** асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни **ўн кун ичидаги тақдим** этиши шарт.

Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, мурожаатни кўриб чиқувчи давлат органи мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин.

Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий низомнинг б-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мурожаатларни кўриб чиқиша жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинлик-

лари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаганда, улар давлат органи, ташкилотининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат қилувчи келмаган тақдирда давлат органи, ташкилотининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

Мурожаатга жавоб хати давлат органи, ташкилоти ёки унинг таркибий бўлинмаси раҳбари томонидан имзоланади.

Агар мурожаатда қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатларни кўриб чиқиша иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқиша хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш, шу жумладан, молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) зарурати юзага келса, текшириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда **мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш ҳуқуқига эга**. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат давлат органининг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза давлат органлари, ташкилотлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан **ўн беш кун ичida**, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, **бир ойгача бўлган муддатда** кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни

кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида **узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин**, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

**Таклиф** давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан **бир ойгача бўлган муддатда** кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга **ўн кунлик муддатда** ёзма шаклда хабар қилинади.

Аноним мурожаатлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда; мазкур Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

### **Мурожаатни кўриб чиқиша жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари.**

Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар қуидаги ҳуқуқларга эга: 1) мурожаатни кўриб чиқишининг бориши тўғрисида ахборот олиш; 2) важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш; 3) мурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш; 4) қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш; 5) адвокат ёрдамидан фойдаланиш; б) мурожаатни қабул қилишини ёки кўриб чиқишини қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш ва бошқалар.

**Мурожаатларни кўриб чиқиша давлат органлари қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаш; жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиш бўйича дарҳол чора кўришлари шарт.**

Мурожаатлар кўриб чиқкан давлат органи мурожаатда қўйилган барча масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида ташкилот ёки мурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қиласди.

**Мурожаатларга жавоблар мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни** (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

Мурожаат юзасидан қарор қабул қилган давлат органларининг мансабдор шахслари мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши, қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар етказилган бўлса, **қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт**.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадларида **ҳар чоракда** мурожаатларни умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра мурожаатлар билан ишлаш бўлинмалар ёки тегишли таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилиган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоидабузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чоралар акс эттирилган маълумотномалар (шарҳлар) тузилади ҳамда давлат органи раҳбарига давлат органи, ташкилотида мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар (шарҳлар) тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида, давлат органларининг расмий веб-сайтларида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳар ойда эълон қилиниши мумкин.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси тушган мурожаатларни таҳлил қилиш якунлари бўйича давлат органи, ташкилотининг расмий веб-сайтида тегишли статистика маълумотларини ҳар ойда эълон қилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равища рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳукуклари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик

шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахснинг мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

## **Давлат органларига сўровлар**

Ахборот эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан тартиба солинади. Конституциянинг 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин” деб қўрсатилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ахборот муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар томонидан тартиба солинади.

Фуқаролар, НИТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида ахборот олиш тўғрисида сўровлар қилишлари мумкин. Сўровларни хуқуқий тартиба солиш тартиби **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”<sup>1</sup>**, **“Ахборот эркинлигининг принциплари ва кафолатлари тўғрисида”<sup>2</sup>**, **“Ахборотлаштириш тўғрисида”<sup>3</sup> ги<sup>3</sup> қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар** томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, ушбу масалаларни тартибида соладиган қатор қонуности хужжатлари: “Норматив-хуқуқий хужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонунчиликнинг электрон маълумотлар базасини яратиш қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 декабрда рўйхатга олинган, 2290-рўйхат)<sup>4</sup>, “Ахборотни хужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 4 апрелда рўйхатга олинган, 1558-рўйхат)<sup>5</sup>, Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва маълумотлар базаси тармоғида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида низом” мавжуддир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Миллий қонунчилик маълумотлари базаси, 19.04. 2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 520-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 120-модда.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга нисбатан татбиқ этилади<sup>1</sup>. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ушбу органларнинг вертикал ва горизонтал бўйича тузилишини (босқичма-босқич бўйсунилишини) акс эттиради. Масалан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таркибий жиҳатдан бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимлар ва ҳоказолардан иборат бўлиб, бу унинг таркибий ташкилот эканлигини кўрсатади. Унинг ҳар бир вилоятдаги ҳудудий органлари вилоят ички ишлар бошқармалари, шаҳар (туман) ички ишлар бўлимлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори<sup>2</sup> билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг жамоатчилик назоратини ривожлантириш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари тўғрисида ахолининг кенг қатламлари ва ННТлар хабардор бўлишларини таъминлаш мақсадларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

### **Давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот тушунчаси.**

Хукуқий тизимдаги роли бўйича ахборот **хукуқий ва хукуқий бўлмаган ахборотга** бўлинади. Агар норматив-хукуқий ахборот хукуқ ижодкорлиги тартибида яратилаётган ва норматив-хукуқий ҳужжатдан ўрин оладиган бўлса, норматив ҳисобланмаган ахборот, қоида бўйича, хукуқни қўллаш ва хукуқ-тартибот фаолияти тартибида тайёрланади. Норматив ҳисобланмаган ахборотга қўйидагилар тааллуқлидир:

**Биринчидан**, қонунийлик ва хукуқ-тартиботнинг ҳолати тўғрисидаги умумий ахборот:

прокуратура, суд органларига қонунчиликка амал қилиш тўғрисида келиб тушадиган аризалар;

суд, жиноий ишлар ва прокуратура статистикаси;

қонунчилик ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар самарадорлиги бўйича социологик тадқиқотлар;

**Иккинчидан**, фуқаролик-хукуқий муносабатлар, шартномавий ва бошқа мажбуриятлар тўғрисидаги ахборот;

**Учинчидан**, ижроия ҳокимият органларининг норматив кўрсатмаларнинг ижросини таъминлаш бўйича маъмурий фаолияти тўғрисидаги ахборот;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 45-сон, 575-модда; 2016 й., 42-сон, 490-модда; Қонун ҳужжатлари мальумотлари миллий базаси, 14.02.2018 й., 09/18/107/0697-сон, 25.08.2018 й., 09/18/680/1791-сон.

**тўртинчидан**, судлар ва суд органларининг ахборотлари;  
**бешинчидан**, хукуқбузарликларнинг аниқланиши ва уларни текшириш билан боғлиқ ахборотлар.

**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров (бундан буён матнда сўров деб юритилади) ахборотдан фойдаланувчининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақида ушбу органларга ва (ёки) уларнинг мансабдор шахсларига йўлланадиган оғзаки ёки ёзма шаклдаги (шу жумладан, электрон хужжат шаклидаги) талабидир.**

Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда (шу жумладан, электрон хужжат шаклида) бўлиши мумкин. Аммо амалий нуқтаи назардан назорат қилиш қулайлиги туфайли ёзма шакл мақбулроқдир. Оғзаки сўров берилганда эса ахборотдан фойдаланувчи унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва (ёки) мансабдор шахсларга юбораётган сўрови зарур тарзда рўйхатга олиниши ёки қайд қилинишига эътибор қаратиши керак. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари эса, ўз навбатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун берилган ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклдаги (шу жумладан, электрон хужжат шаклидаги) сўровлар ижросини назорат қилиш тизимини ўрнатиши керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига доир **оғзаки сўровлари шакли** қабул пайтида, давлат органлари маълумотнома хизматлари ёки мансабдор шахсларнинг телефонлари орқали берилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига доир **ёзув шаклдаги сўровларда** ахборотдан фойдаланувчининг манфаатларида сўровни икки нусхада бериш керак. Сўров қонунда кўзда тутилган барча талаблар ҳисобга олинган ҳолда расмийлаштирилган бўлиши керак.

**Электрон хужжат шаклидаги сўровга келганд** эса 2004 йил 29 апрелдаги "Электрон хужжат айланиши тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконияти бўлган электрон хужжатнинг бошқа реквизитлари мавжуд электрон шаклдаги ахборот ҳисобланади.

### **Сўровга қўйиладиган талаблар**

Жисмоний шахснинг сўровида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Юридик шахснинг сўровида юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма сўровлар ахборотдан фойдаланувчининг шахсий имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Сўровни шахсий имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, у қўшимча равишда тузувчининг ҳам фамилияси, исми, отасининг исми қўйилган ҳолда унинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ахборотдан фойдаланувчини идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Сўров унда қўйилган масалалар юзасидан ахборот тақдим этиш ваколатига кирадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига ёки мансабдор шахсга юборилади.

Белгиланган тартибда юборилган сўров кўриб чиқилиши шарт.

**Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши керак.**

Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Агар ахборотдан фойдаланувчининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатларига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, ахборотдан фойдаланувчи эса бу ҳақда хабардор қилинади.

Расмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган (чоп этилган) ёхуд расмий веб-сайтларда жойлаштирилган ахборот сўралганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари сўровга бериладиган жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган (чоп этилган) расмий нашрнинг, оммавий ахборот воситасининг номи, чиқарилиш санаси ҳамда рақамини ва (ёки) сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилини кўрсатган ҳолда ҳавола бериши мумкин.

Агар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олинган сўров бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари ваколатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмаса, ахборотдан фойдаланувчига сўров рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида тегишли жавоб юборилади.

**Сўров рад этилган тақдирда ахборотдан фойдаланувчига асослантирилган жавоб юборилади.**

Қонуншунос келиб тушган оғзаки ёки ёзма шакллардаги (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклидаги) сўровларни рўйхатга олиш муддати ва тартиби тўғрисида ҳеч нарсани кўрсатмаган<sup>1</sup>. Ҳужжатларни юритиш умумий қоидаларига мувофиқ сўровлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида келиб тушган куни рўйхатга олиниши керак.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирлеклари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича Намунаий йўрикнома / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 марта даги 140-сон қарорига 2-илова.

## **Ахборотдан фойдаланувчи сўровини рад этиш**

Шуни таъкидлаш керакки, қонунда “**тегишли жавоб**” ва “**асосланган жавоб**” каби қайдлардан ташқари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва (ёки) улар мансабдор шахсларнинг жавобига қўйиладиган бошқа ҳеч қандай аниқ талаблар кўзда тутилмаган. Ахборотдан фойдаланувчининг сўровига жавобининг шакли ва мазмуни тўғрисида ҳам ҳеч нарса дейилмайди. Афтидан, ушбу талаблар келгусида мазкур қонунга мувофиқ ишлаб чиқиладиган тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади (Қонуннинг 23-моддаси).

Қонуннинг мазмуни ва талабларидан келиб чиққан ҳолда **ахборотдан фойдаланувчининг сўрови қўйидаги ҳолатларда рад қилиниши мумкин**:

- agar сўровнинг мазмуни бўйича ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида сўралаётган ахборотни аниқлаш имконияти бўлмаса;
- agar сўровда жавоб бериш учун почта, электрон почта манзили ёки факс, ахборотдан фойдаланувчи билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақами бўлмаса. Бундай ҳолатларда ахборот тақдим этиш имконияти бўлмайди;
- сўралаётган ахборот сўров келиб тушган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятига тааллуқли бўлмаса;
- сўралаётган ахборот маҳфий бўлса ёки уни ошкор қилиш шахснинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлатнинг манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлса;
- сўралаётган ахборот аввал ахборотдан фойдаланувчига тақдим этилган бўлса;
- сўровда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларни хуқуқий баҳолаш, давлат органи фаолиятини таҳлил қилиш масаласи қўйилган бўлса.

Давлат органларига жамоатчилик назоратининг шакли сифатидаги мурожаатлар ва сўровлар жамоатчилик назоратининг бошидан охиригача — барча босқичларда амалга оширилиши мумкин.

Масалан, инсон хуқуқлари соҳасидаги вазиятнинг жамоатчилик мониторингини ўтказишда жамоатчилик назоратининг субъекти у ёки бу соҳада (таълим, соғлиқни сақлаш, иш билан бандлик ва бошқалар) бошқарувни амалга ошираётган давлат органига муайян ахборотни тақдим этиш, эксперталар ва мутахассислар билан учрашувни ташкил этиш, жойларга чиқиш, идора ходимлари сўровини ўтказиш, материаллар ва ҳужжатларни тақдим этиш, муаммони муҳокама қилишни ташкил қилиш орқали мониторинг ўтказиш, шунингдек, мониторинг якунларини кўриб чиқиш, таклиф этилган тавсияларга жавоб беришда кўмаклашиш илтимоси билан мурожаат қиласди.

Бу жамоатчилик назоратининг энг фаол ва тез-тез қўлланиладиган шаклидир.

Шутарзда давлат органларига мурожаатлар ва сўровларнинг Конституциявий хукуқи мазмуни унинг субъектлари қуйидаги хукуқларга эгалигини қамраб олади:

**биринчидан**, давлат органлари фаолиятини танқидий таҳлил этиш хукуқи;

**иккинчидан**, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар бериш хукуқи;

**учинчидан**, фуқароларнинг ўзларининг хатти-ҳаракатлари (жамоавий мурожаатлар бериш) орқали давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг норматив-хукуқий ҳужжатлари ва бошқа қарорларини қабул қилиш ёки бекор қилиш ёхуд ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқиш хукуқи;

**тўртингидан**, давлат органларидан аниқ хукуқ ва эркинликларни амалга оширишда ёрдам беришни талаб қилиш хукуқи;

**бешингидан**, ўзларининг бузилган хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, бошқа шахсларининг қонунлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш (тиглаш) бўйича мурожаат қилиш;

**олтингидан**, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликни бузганликларидан хабардор бўлганларида бу ҳақда маълум қилиш хукуқи ва бошқа хукуқлар.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоатчилик назоратини ташкил этганда давлат органларига мурожаат қилинишининг қандай роли бор?
2. Жамоатчилик назоратининг субъектлари давлат органларига қандай мақсадда сўровлар билан мурожаат қиласди?
3. Давлат органларининг жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровларини кўриб чиқиш бўйича қандай мажбуриятлари бор?

## **§2. Давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиши**

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш хукуқига эга. Жамоатчилик назорати субъектлари қуйидаги шароитлар яратилгандагина давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок эта олади:

**биринчидан**, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан мувофиқлаштириш ва маслаҳат ҳайъатлари ташкил этилганлиги тўғрисидаги ахборот эълон қилинган бўлса;

**иккинчидан**, мажлисларни ўtkазиш режаси, уларнинг кун тартиби, ўtkазиш жойи, санаси, вақти ва ҳозир бўлиш тартиби билан танишиш имконияти бўлганида.

Асосан, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳайъат ва мувофиқлаштириш органлари ташкил этилишини таъкидлаш лозим.

**“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун** давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Коргаҳлопогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқдепутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари), уларнинг қўмиталари (доимий комиссиялари), комиссияларига очиқликни таъминлаш мақсадида ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, режалаштирилаётган мажлислар ва тадбирлар, кўриб чиқилиши мўлжалланаётган масалалар, қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборот ўз вақтида эълон қилинишини (чоп этилишини) таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳайъат мажлислари очиқ тарзда ўтказилади, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ёпиқ мажлислар фақат кун тартибига оммавий ахборот чегаралаганлигига тааллуқли масалалар киритилган ҳолатларда ўтказилади.

Барча бошқа ҳолатларда, юқорида кўрсатилганидек, ҳайъат мажлислари очиқ бўлиши ва шу сабабли ахборотдаги фойдаланувчилар учун уларда қатнашиш имконияти бўлиши керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратади. Ахборотдан фойдаланувчилар кўплиги ва уларнинг ҳаммасини мажлисга таклиф қилишнинг иложи йўқлиги ҳисобга олинган ҳолда Қонун давлат органларининг ўз мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг муайян сони ҳозир бўлиши учун шароит яратиши мажбуриятини кўзда тутади. Ҳайъат мажлисларида ўзга шахсларнинг (ахборотдан фойдаланувчиларнинг) иштирок этиш шартлари деганда уларнинг ушбу мажлисларга уларнинг кун тартибига қўйилган масалалар бўйича ихтисосликлари ва малакаси ҳисобга олинган ҳолда рўйхат бўйича, муайян сонини таклиф қилиш тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши шарт.

**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштирок этиши шартлари ва тартиби қай тарзда белгиланиши масаласи очиқ қолмоқда.**

Ушбу ва шу каби бошқа масалаларни ҳал этишда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун 5-моддасининг 14–15-банд-

лари, 8-моддасининг 9-бандига амал қилиш керак. Уларда давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан, кун тартиби лойиҳалари, мажлисни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисида ахборотни тақдим этиш, шунингдек, ахборотдан фойдаланувчиларни мажлисларда ҳозир бўлиш шартлари ва тартиби тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятлари кўрсатилган. Масалан, ҳокимиятнинг кун тартибига муайян кўчада гаражларни бузиш масаласи қўйилган бўлса, ушбу кўча, маҳалла, гараж ширкати вакиллари ана шу мажлисга таклиф қилинишлари сўзсиз шартдир. Тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг мажлисларда иштирок этишга жалб этиш барча қоида ва тартибларини тартибига соладиган норматив-хуқуқий хужжат қабул қилиниши шарт.

Ҳайъат органларининг очиқ мажлисларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳозир бўлишлари мумкинлигини таъкидлаш керак. Ҳайъат органлари мажлисларга таклиф этилган шахсларнинг таркиби давлат органи раҳбари томонидан кун тартиби масалаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади. Мажлисларда унинг дастури, хужжатлар лойиҳаларининг матнларини қамраб олган материалларни тақдим этиш таъминланади.

Мажлисда ҳозир бўлганлар қайдлар қилиш, шунингдек, агар бу мажлисни ўтказишга халақит бермаса, сурат олиш, аудио ва видео ёзувини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Шундай қилиб жамоатчиликнинг давлат ҳокимияти бошқаруви органларида иштирок этиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш керак. Жумладан:

**биринчидан**, оммавий ахборот воситаларида мажлислар ўтказиш режаси, кун тартиби, мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши;

**иккинчидан**, таклиф қилинганларнинг ҳозир бўлиши тартиби ўрнатилиши;

**учинчидан**, мажлисда иштирок этишни хоҳловчиларни рўйхатга олиш;

**тўртинчидан**, мажлисларнинг кун тартиби, вақти ва ўтказиш тартиби жойлаштириладиган ахборот стендини барвақт жиҳозлаш;

**бешинчидан**, таклиф этилганлар қайдлар қилиш, суратга олиш, аудио ва видео ёзувини амалга оширишлари учун жой тайёрлашлари керак.

Ахборот олиш эркинлиги жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари учун давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш хуқуқини қамраб олади. Мажлисларни ўтказиш вақти тўғрисидаги ахборот барвақт жамоатчилик эътиборига етказилиши керак.

Шу муносабат билан давлат ҳокимияти бошқарувининг ҳар бир органи тегишли регламентни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

**Ахборотдан фойдаланишни таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш регламентида ахборотдан фойдаланишни таъминлаш** бўйича қуидаги қоидалар аниқ ва батафсил қайд қилиниши керак:

- тақдим этилаётган ахборотнинг ишонарлиги;
- ахборотни тақдим этиш муддати ва тартибига риоя қилиш;
- тақдим этилаётган ахборотдан чегараланган равишда фойдаланидиганларга тааллуқли маълумотларни олиб ташлаш ва бошқалар<sup>1</sup>.

Қонунга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакилларини ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қиласди, уларга ўз касбига доир вазифаларини бажаришда кўмаклашади.

Аkkreditatsiya — оммавий ахборот воситалари вакилларининг ваколатларини давлат ҳокимияти органлари томонидан эътироф этиш тартиботидир.

Аkkreditatsiya — лотинча “acredere” сўзидан таржима қилинганида ишонч билдиришdir.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилишлари ҳам қилмасликлари ҳам мумкинлигини таъкидлаш керак.

Шунга асосланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари оммавий ахборот воситалари вакилларини улар тўла очиқлик шароитида фаолиятларини олиб бораётганиклари учун аккредитация қилмасликлари мумкин. Бу оммавий ахборот воситалари вакилларига қийинчиликлар туғдириши мумкин. Улар ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор бўлмай қолишлари, давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.

Фақат расмий рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилиниши мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисида низом / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 ноябрдаги 243-сон қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 461-модда.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш журналистарнинг ўз ишини пухта билиш, ОАВларнинг мустақиллиги принципларига асослаади. Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўз ишини пухта билишини аниқлаш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг норматив ҳужжатлари билан белгиланади. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг соҳаси ҳисобга олинади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш ОАВларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш, журналистларга ўз касби вазифаларини бажариш учун қулай шарт-шароитлар яратишга даъват этилган. Аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакиллари қонунчиликда қўзда тутилган ҳолатлар истисно этилганда бўлажак мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш имкониятига эга бўлади. Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ОАВ ходимларига аудио-, видео ёки киносуратга олиш, овоз ёзиш учун зарур бўлган техник аппаратлардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб беради.

Оммавий ахборот воситалари ахборотдан фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифаларини ажратмасдан унинг барча фуқаролар ва ташкилотлар учун тўла очиқлигини таъминлайди.

#### **Давлат органларининг мансабдор шахслари:**

- цензура қилганлик;
- журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;
- журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;
- журналистга тазиик ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик учун **жавобгарликка тортиладилар**.

“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, журналистнинг белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг журналистлик касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

### **§3. Жамоатчилик эшитуви, муҳокамаси ва давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари**

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда жамоатчилик эшитуви ва муҳокамасини ўтказишни жамоатчилик назоратининг алоҳида шакллари сифатида

белгилайди, улар шакли бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам бир-бирига яқиндир. Қонуннинг 9-моддасида ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш **жамоатчилик муҳокамаси** эканлиги кўрсатилган.

Қонуннинг 10-моддасида давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш **жамоатчилик эшитуви** эканлиги қайд этилади.

Чет эл мамлакатларининг амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг демократик ривожлантириш тажрибаси фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг муҳим шаклларидан бири **давлат органлари билан биргаликда жамоатчилик қизиқишига эга соҳалардаги қайсиидир бир давлат тузилмасидаги вазият ёки улар фаолиятини очиқ муҳокама қилиш ҳисобланади**. Жамоатчилик муҳокамаси доирасидаги йиғилиш ва мажлисларда, қоида бўйича, тизимли мулоқотни йўлга кўйиш, давлат органлари билан фуқароларнинг жамоатчилик бирлашмалари ўртасида барқарор шериклик муносабатларини ўрнатиш, жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалалари бўйича сифатли ва ўз вақтида қарорлар тайёрлаш мақсадларида давлат органлари, жамоатчилик, ОАВ вакиллари тингланади.

Жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар оммавий жамоатчилик муҳокамаси шаклида (бевосита шакл) ва жамоатчилик фикрини ўрганиш шаклида (билвосита шакл) ўтказилади.

**Жамоатчилик билан маслаҳатлашувларнинг оммавий жамоатчилик муҳокамаси шаклидаги маслаҳатлашувлар қуйидагиларга нисбатан ўтказилиши шарт:**

- муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ҳамда фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва мажбуриятларига тааллуқли **норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари**, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари учун имтиёзлар тақдим этиш ёки чеклашлар ўрнатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга оширишга тааллуқли ҳужжатлар;
- иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш **давлат ва минтақавий дастурларининг лойиҳалари**, уларнинг бажарилиши ҳолатига нисбатан қарорлар;
- **давлат органлари раҳбарларининг бюджет маблағлари**дан фойдаланилиши, ўтган йилда маблағларнинг сарф қилиниши тўғрисидаги **ҳисоботлари**;
- давлат ва жамоатчилик назорати бўйича **ўтказилган тадбирлар якунлари**;
- **инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари**, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш;

- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларини бажариш юзасидан маърузалари кўриб чиқиш натижаларини эштиш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига тааллуқли қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган **таклифларни ишлаб чиқиш**;
- давлат органлари ва ННТларнинг аҳолининг ижтимоий ночор тоифалари ижтимоий-ҳуқуқий мақомини яхшилаш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этиш юзасидан **ҳамкорлигининг асосий йўналишларини аниқлаш** ва бошқалар.

**Жамоатчилик эшитувларининг шакллари.** “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

Жамоатчилик эшитувларини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитувлари турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан, муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитувлари оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик эшитувларининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишига ҳақли.

Жамоатчилик эшитувларининг ташкилотчиси жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалалар, эшитувни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қиласи. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик эшитувининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

Жамоатчилик эшитувлари учун қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзининг фаолияти доирасига кирадиган масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар **ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари**нинг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига киравчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш хосдир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон.

Фуқаролар йиғини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилишга ҳақлидир. Ушбу тадбирларда ННТ ва фуқаролар ҳам иштирок этишига ҳақлидирлар.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг<sup>2</sup> 25-моддасига мувофиқ, тегишли ҳалқ депутатлари кенгашлари томонидан вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитишига ҳақлидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботи тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган мажлисида эшитилади. Мазкур мажлис вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай, туманлар ва шаҳарларда эса вилоятларда ва Тошкент шаҳрида тегишли мажлислар ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ўтказилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари таклиф этилади.

Туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли сайлов округларидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва ҳалқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат бошқаруви органларининг вакиллари, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими ёки унинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари, **тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарининг, муассасаларининг, ташкилотларининг, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг,**

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 39-сон, 399-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2013 й., 52-сон, 686-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 35-сон, 914-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

## **сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар тақлиф этилади.**

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, унда тегишли ҳоким ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигига комплекс баҳо берилади, уларнинг ишини такомиллаштиришга доир тавсиялар ва тақлифлар, шунингдек, қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади. Мазкур қарор ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрларда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шарт.

**Жамоатчилик эшитувлари ва муҳокамасини ўтказиш ташаббуси.** Жамоатчилик муҳокамаси давлат органларининг фаолияти тўғрисида зарур ахборот олиш учун ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларини тақлиф этган ҳолда ташкил этилади.

Бунда:

- муҳокамага олиб чиқиладиган масалага аниқлик киритилади;
- муҳокамани ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади;
- муҳокамани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилади (зарурат бўлса);
- аҳолининг тегишли ижтимоий гуруҳлари, шунингдек, хўжалик юритиш субъектлари, фуқаролик жамиятининг институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа манфаатдор субъектларни тадбирда иштирок этишини таъминлаш чоралари кўрилади;
- муҳокамани ташкил этаётган органнинг расмий веб-сайти ва бошқа ОАВларда жамоатчилик эшитуви ва муҳокамаси ўтказилиши тўғрисидаги ахборот албатта эълон қилинади;
- ҳал этиш учун тақлиф этилган масаланинг муҳокама қилиниши самарадорлиги жамоатчилик томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот тўпланади ва таҳлил этилади;
- эксперталар томонидан масалани муқобил ҳал этиш бўйича билдирилган тақлифлар шакллантирилади;
- якуний қарор қабул қилинишида муҳокама натижаларини ҳисобга олиниши таъминланади;
- аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва манфаатдор томонларга тааллуқли қарорлар қабул қилинганда муҳокама натижаларининг таҳлили ўтказилади;
- муҳокамани ўтказган органнинг расмий веб-сайтида ва бошқа имконияти бўлган воситалар билан муҳокама натижалари эълон қилинади.

Оммавий жамоатчилик муҳокамасини ўтказишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун ишчи гуруҳи ташкил этилиши мумкин.

Оммавий жамоатчилик муҳокамасини ўтқазиш тўғрисидаги ахборотда қўйидагилар кўрсатилади:

муҳокамани ўтқазадиган органнинг номланиши;

муҳокамага қўйилган масалалар ёки ҳужжат лойиҳасининг номланиши;

масалани ҳал этиш варианtlари;

қабул қилинган қарорларнинг амал этиши тааллуқли бўлган аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ва манфаатдор томонлар;

аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва манфаатдор томонлар учун ҳар бир муқобил қарорни ҳаётга тадбиқ этиш оқибатларининг эҳтимол тутилган оқибатлари;

тадбирларни ўтқазиш муддати, жойи ва вақти тўғрисидаги маълумотлар, муҳокама қилиш тартиби, оммавий ахборот воситалари вакилларининг аккредитация қилиниши, иштирокчиларни рўйхатга олиш;

аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари ва манфаатдор томонлар вакилларининг муҳокамада иштирок этишларини таъминлаш воситалари;

ёзма шаклдаги таклиф ва мулоҳазаларнинг эгаси, муддати ва шакли;

оммавий жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилган масала бўйича маслаҳат бериладиган манзил ва телефон рақами;

муҳокамани ташкил этаётган орган масъул ходимининг фамилияси ва исми;

муҳокама натижаларини эълон қилиш муддати ва воситалари.

Жамоатчилик билан электрон маслаҳатлашувлар орқали оммавий муҳокамани ўтқазиш учун ҳукумат веб-сайтлари, ижро этувчи ҳокимият органлари, НИТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг расмий веб-сайтларидан фойдаланилиши мумкин.

Жамоатчилик билан электрон маслаҳатлашувлар ўтқазиш учун ҳукумат веб-сайтида қўйидагилар жойлаштирилади:

- оммавий эшитувларни ўтқазиш тўғрисида ахборот;
- муҳокамага қўйилган ҳужжат лойиҳасининг матни;
- таклифлар ва мулоҳазаларни жўнатиш учун электрон манзил ҳамда оммавий жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилган масала бўйича маслаҳат тақдим этиладиган телефон рақами.

Оммавий жамоатчилик эшитуви уни ўтқазиш тўғрисида ахборот эълон қилинган кундан бошланади.

Оммавий жамоатчилик эшитувини ўтқазиш муддати бир ойдан кам бўлмаслиги керак.

Таклифлар ва мулоҳазалар оғзаки ва ёзма шаклда тақдим этилади, электрон почта орқали муҳокамани ташкил этган органнинг масъул шахси манзилига юборилади.

Ҳукумат веб-сайтига келиб тушаётган таклиф ва мулоҳазалар келиб тушгандан сўнг камида 10 кун мобайнида ушбу сайтда эълон қилиниши мумкин. Оғзаки

таклифлар ва мулоҳазалар, шу жумладан, телефон орқали билдирилганлари фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми, почта манзили қўрсатилиши шартлиги билан қайд қилинади.

Фуқаролик жамияти институтлари, илмий ва эксперт ташкилотлари, бошқа юридик шахслар таклифлар ва мулоҳазаларни ўз номланишлари ва жойланишлари кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда тақдим этадилар.

Аноним таклифлар рўйхатга олинмайди ва қўриб чиқилмайди.

Конференциялар, анжуманлар, жамоатчилик эшитувлари, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, давра сұхбатлари, мажлислар, жамоатчилик билан учрашувлар пайтида протокол олиб борилиб, унда билидирилган таклиф ва мулоҳазалар қайд қилинади. Протокол матни ижро этувчи ҳокимият органнинг ёки ННТнинг расмий веб-сайтида икки ҳафта мобайнida эълон қилинади.

Оммавий жамоатчилик муҳокамаси пайтида келиб тушган таклифлар ва мулоҳазалар зарурат бўлганда тегишли мутахассислар жалб этилиб ўрганилади ва таҳлил этилади.

Жамоатчилик эшитувини ташкил этган органлар оммавий муҳокама натижалари бўйича ҳисобот тайёрлайди. Унда қўйидагилар қайд этилади:

- муҳокамани ўтказган органнинг номланиши;
- муҳокамага олиб чиқилган масала ёки ҳужжат лойиҳаси мазмuni ва номланиши;
- муҳокамада иштирок этган шахслар тўғрисида ахборот;
- муҳокама натижалари бўйича ижро этувчи ҳокимият органига келиб тушган таклифлар тўғрисидаги ахборот;
- жамоатчиликнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинишининг ахбороти, бунда қабул қилинган қарор албатта асосланиши ҳамда таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинмагани сабабли қўрсатилиши керак;
- муҳокама натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида ахборот.

Оммавий муҳокама натижалари албатта орган томонидан жамоатчилик эътиборига расмий веб-сайтда ёки имконияти бўлган бошқа восита билан муҳокама тугагандан сўнг икки ҳафтадан кечикмасдан жамоатчилик эътиборига етказилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоатчилик эшитишлари, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш қандай шаклларда ўтказилиши керак?
2. Жамоатчилик эшитишлари ва муҳокамаларини ўтказиш ташабbusкори ким бўлиши мумкин?
3. Улар қайси масалалар бўйича ва қандай тартибда ўтказилади?

## **§4. Жамоатчилик мониторинги**

Ўзбекистонда жамоатчилик мониторинги каби жамоатчилик назорати шаклининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши мамлакатда ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилган бўлишига қарамасдан ҳали бу жараён охирига етмаганлиги билан боғлиқдир. Ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий принциплари конституциявий мустаҳкамлаб қўйилган, Конституцияда инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг асосига қўйилган.

Бироқ ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида конституциявий қонунийлик муаммолари ҳали ўз долзарблигини йўқотмаган.

Кўпгина қонулларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ, фуқаролар ва ОАВ инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилиши соҳасидаги вазиятни кузатиш, уларнинг бузилиши ҳолатларини аниқлаш, ушбу ҳолатлар тўғрисида тегишли давлат органларини хабардор қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари вакиллари иштирокида тўпланган материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш якунларини кенг ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқларга эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бошқача қилиб айтганда, гап мамлакатда **Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, фақат қонунларнигина эмас, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг жамоатчилик мониторинги тизими** шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида кетмоқда. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳалқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларининг давлат ҳуқуқий тизимида устунлиги фуқаролик жамияти институтларининг фақат қонунларнигина эмас, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича ҳалқаро ҳужжатларнинг жамоатчилик мониторингини ўтказиш ҳуқуқидан далолат беради.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳалқаро ташкилотларнинг иштирокисиз ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий ҳалқаро ҳужжатларга қўшилмасдан туриб, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мумкин эмаслигини англаб етган. Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига ҳалқаро мажбуриятларни олиб, уларнинг ижроси тўғрисида ўз вақтида ҳисобот беради. Ўзбекистон 1998 йилдан бошлаб БМТнинг тегишли қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни юборади. Мустақиллик йилларида ҳалқаро конвенциялар ва пактларнинг ижроси тўғрисида 40 тага яқин миллий маърузалар тайёрланди ва жўнатилди.

**Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши тўғрисида ҳалқаро органларга миллий маърузаларини тайёрлаш ва тақдим этиш қўйидагиларга кўмаклашади:**

- миллий ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиётини халқаро шартномаларда мавжуд мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида таҳлил қилишни амалга ошириш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият назарияси ва амалиётини таҳлил этиш, инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мунтазам асосда кузатиш тизимини яратиш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳар қандай муаммони аниқлаш ва шундан кейин уни бартараф этиш, фақат умуман мамлакатда эмас, балки турли минтақа аҳоли гуруҳларида умумий вазиятнинг аниқ ҳолатини аниқлаш;
- халқаро шартномалардаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;
- ҳукуматнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши тўғрисида фақат халқаро органлар олдида эмас, балки ўз фуқаролари олдида ҳам ҳисобот беришини кенгайтириш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида ютуқларга эришилгани ёки муваффақиятларнинг мавжуд эмаслигини баҳолаш;
- ҳал этишни талаб этаётган муаммолар мавжудлигини тан олиш;
- турли давлатларда пайдо бўладиган инсон ҳуқуқларининг умумий муаммолари тўғрисида ахборот билан айрибошлаш.

**Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича халқаро мажбуриятлари бажарилишининг мониторинги қўйидаги имкониятларни беради:**

- мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилишининг аниқ халқаро-ҳуқуқий асосларини аниқлаш;
- халқаро мажбуриятлар бажарилиши ички давлат ҳуқуқий асосини такомиллаштириш;
- ривожланган давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни имплементация қилиш тажрибасини ўрганиш;
- олинган мониторинг маълумотларини инсон ҳуқуқлари таъминлаш бўйича халқаро стандартларини самарали имплементация қилиш давлат-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиша фойдаланиш;
- ушбу соҳада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари фаолиятини яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлар бажарилиши соҳасида инсон ҳуқуқлари миллий институтлари (Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ) ролини кучайтиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини аниқлаш;
- давлат органларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг шаклларини аниқлаш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича мамлакат миллий маърузаларини тайёрлаш учун маълумотларни тўплашни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти мониторингини** давлат функцияларини бошқариш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантиришнинг энг зарур ҳисобланган замонавий механизмлари деб ҳисоблаш мумкин.

**Ҳуқуқий мониторинг:**

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини назорат қилишнинг таъсирчан воситаси;
- норматив-ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини баҳолашнинг шакли;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар амал этиши натижалари ўртасидаги алоқа канали;
- қонунчиликка аниқлик киритиш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, қонунчиликни қўллаш сифати ва самарадорлигини ошириш механизми.

**Ҳуқуқий мониторинг объектлари турличадир.** Улар қўйилган мақсадларга боғлик равишда қўйидаги намоён бўлиши мумкин:

- умуман ҳуқуқий ҳудуд;
- ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳаларини тартибга соладиган ҳуқуқтармоқлари ва институтлари;
- ижтимоий муносабатларнинг айрим соҳаларини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамланмаси;
- алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ моддалари (нормалари).

**Ҳуқуқий мониторинг мазмунига нисбатан мустақил уч йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин:**

- 1) ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳасини таъсирчан норматив-ҳуқуқий тартибга солиш мазмунини кузатиш;
- 2) кузатиш мъалумотларини таҳлил этиш, фаолиятнинг норматив асоси ҳолати, унинг самарадорлигини баҳолаш;
- 3) ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг босқичига боғлик равишда ҳуқуқий мониторинг **лойиха ишлаб чиқишдан олдинги мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларини тайёрлашдан аввал, ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи ўрнатилган босқичда амалга оширилади.** У ҳуқуқий тартибга солиш керак бўлган ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиш, уларнинг ҳуқуқий тартибга солишини текширишга йўналтирилган.

Ҳуқуқни қўллаш мониторинги ҳуқуқий кўрсатмаларда ифода этилган давлат иродасининг даражасини аниқлаш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал этиши, ижтимоий муносабатлар иштирокчилари амалий фаолиятига жорий этилиши самарадорлигини баҳолаш учун мўлжалланган.

Хуқуқий мониторинг обьектлари доирасининг кенглиги унинг умумий, тармоқ ва нуқтали турларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Умумий мониторинг қонунчилик умуман қўлланиши тўғрисида ахборот олиш учун амалга оширилади.

Тармоқ мониторинги норматив-хуқуқий ҳужжатларни хуқуқий тартибга солишининг муайян соҳасида қўллаш амалиёти тўғрисида ахборот олиш мақсадини қўзлайди.

Нуқтали мониторинг аниқ норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг муайян қисмлари (нормалари) амал этишини баҳолашга йўналтирилган.

Хуқуқий мониторинг бутун мамлакат миқёсида, минтақа ҳудудида муниципал ҳудуд доирасида ёки давлат бошқарувининг тегишили соҳасида амалга оширилиши мумкин.

Давомийлиги бўйича хуқуқий мониторинг доимиий (узлуксиз), вақтнинчалик (муайян вақт оралиғида амалга ошириладиган), ёки тезкор (норматив-хуқуқий ҳужжат амал этишининг биринчи йилида амалга ошириладиган) бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Хуқуқий мониторинг жамиятда содир бўлаётган қонунчиликнинг ҳолати, барча хуқуқий жараёнларнинг таҳлилидир. Хуқуқий тартибга солишининг самарадорлиги хуқуқий нормаларнинг ижтимоий муносабатларга ва уларнинг иштирокчиларига улар мамлакатда амал этиш даврида ижобий таъсир кўрсатишига қодирлиги сифатида кўрилади<sup>2</sup>.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда қуйидагилар мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон хуқуқларини жамоатчилик мониторинги инсон хуқуқларига нисбатан ўтказилаётган хуқуқий сиёсатнинг тўғрилигини баҳолашга ёрдам беради, давлат органларининг хуқуқни қўллаш фаолияти натижаларини, улар томонидан йўл қўйилаётган хуқуқбузарликлар ва улар тарқалишининг сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Мониторинг ёрдамида инсон хуқуқларининг энг қўпол ва кенг ёйилган ҳолатларини аниқлаш ҳамда аҳволни ўнглаш учун чоралар кўриш мумкин. Шу билан бирга қонунчиликдаги муаммоларни ёки ҳам марказий, ҳам маҳаллий даражадаги давлат органлари фаолиятини ташкил этишдаги камчиликларни аниқласа бўлади.

### **Инсон хуқуқларининг жамоатчилик мониторинги тизими вазифаларига қуйидагилар киради:**

1. Мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари ва қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, инсон хуқуқлари халқаро стандартларига мувофиқлигини аниқлаш.
2. Инсон хуқуқлари бузилишини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: Москалькова Т. Н., Черников В. В. Нормотворчество.— М., 2014. С. 170–174.

<sup>2</sup> Қаранг: Фаткуллин Ф. Н., Челюкин Л. Д. Социальная ценность и эффективность правовой нормы. — Казань, 1977. С. 26.

- Давлат органларининг ўзаро ва жамоатчилик сектори билан инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва уларни ҳимоялашни таъминлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишни таҳлил этиш.
- Жамоатчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолатдан хабардор қилиш.

**Жамоатчилик мониторингининг мақсади** — инсоннинг асосий ҳуқуқлари, яъни бевосита шахсий ва фуқаролик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий, экологик ва маданий ҳуқуқларининг ҳолатини аниqlашdir. Мониторингнинг пировард мақсади батафсил ахборотни тақдим этиш билан бир қаторда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш бўйича асосланган тавсияларни ишлаб чиқишидир.

**Инсон ҳуқуқларининг жамоатчилик мониторинги объектлари** қўйидаги лардир:

- қандайдир аниқ бир ҳуқуққа, масалан, сўз эркинлиги ёки таълим олиш, саломатликни муҳофаза этиш ҳуқуқига риоя этилиши;
- муайян минтақада, муассасада ёки бутун мамлакат ҳудудида яшаётган ўзига хос гурухлар (маҳбуслар, ҳарбий хизматчилар, беморлар ва бошқалар) ҳуқуқларига риоя этишини текшириш;
- тарқоқ гурухлар ҳуқуқларига (очликни ташкил қилувчилар, ногиронлар, чет элликлар) ҳуқуқларига риоя этилишини текшириш;
- фаолиятнинг алоҳида турларини — ўзига хос ҳолатларни, масалан, пулини олиш мақсадида болаларни ўғирлашни текшириш бунда ана шу қилмишда мансабдор шахс аралашгани ёки турли жиноятлар учун айбизиз одамлар ҳукм қилинганига шубҳа қилишга асос бўлса.

Мониторинг мавзусини танлашда аввал тадқиқ қилинмаган масалаларга эътиборни қаратиш зарур. Масалан, афсуски, давлат бошқаруви соҳасида меҳнатни муҳофаза қилишга, яъни давлат хизматчилари томонидан ўз вазифаларини бажариш учун зарур шароитлар яратилишига етарлича эътибор берилмайди. Давлат хизматчиси ишга қабул қилинганда асосан стол, стул, компьютер ва идора буюмлари билан таъминланади. Бошқарув ходими мөхнат фаолиятини амалга оширадиган хонага, унинг ёритилиши, шамоллатилиши, ходимларнинг зичлиги, компьютернинг заарарли таъсиридан ходимни ҳимоя қиладиган маҳсус қурилмалар ўрнатилиши ҳамда саломатлик ва хавфсизликка таъсир кўрсатадиган бошқа омилларга жиддий эътибор берилмайди.

Давлат аппаратининг жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилишдаги роли ва аҳамияти кучайиши муносабати билан кейинги пайтларда давлат хизматчиларига талаб ортмоқда. Бу давлат муассасалари иш берувчилари билан касаба уюшмалари ўртасида фақат давлат хизматчилари мөхнати муҳофазасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш бўйичагина эмас, шунингдек, мөхнат қонунчилигига риоя этилиши мониторинги ва назорати тизимини шакллантириш давлат аппарати ходимлари мөхнат фаолиятининг хавфсиз соғлом шароитларини яратиш юзасидан ижтимоий шериклик даражасини ошириш заруратини туғдирмоқда. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурӣ ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига жавоб беради.

## **Жамоатчилик мониторингини ўтказиш ахборот манбалари қуидагилар ҳисобланади:**

*Давлат органлари (марказий):*

- вазирликлар ва идоралар;
- судлар;
- прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари;
- Омбудсман;

- Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқалар.

*Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий органлари:*

- вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари;
- судлар;
- прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш орғанлари;
- маҳаллий даражадаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар.

## **Жамоатчилик сектори:**

- фуқаролар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- ҳуқуқий ижтимоий тузилмалар (адвокатура, судлар ассоциацияси ва бошқалар);
- ННТ;
- ОАВ.

## **Инсон ҳуқуқлари жамоатчилик мониторингининг асосий босқичлари**

Инсон ҳуқуқларининг мониторинги, асосан, қуидаги босқичлардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятлари бажарилиши нуқтаи назаридан миллий қонунчиликнинг шарҳи.
2. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муайян категориялари бузилиши тўғрисидаги ахборотни тўплаш.
3. Унинг натижаларини умумлаштириш.
4. Вазиятни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
5. Унинг якуний ҳужжатларини муҳокама қилиш.

Мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ўтказишга тайёргарлик қўришда тадқиқетилаётган муаммога алоқадор бўлган барча норматив ҳужжатларни қуидагиларни аниқлаш учун ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон қўшилган халқаро стандартларига мувофиқлиги;
- қонунлар, қонуности ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мутаносиблиги;
- қонуности ҳужжатларининг мамлакат қонунларига мувофиқлиги;
- маҳаллий ҳокимият органлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқлиги.

## **Инсон ҳуқуқларининг у ёки бу категориялари бузилиши далиллари тўғрисидаги ахборотни тўплаш**

Инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги далилларни турли манбалардаги ахборотларни тўплашга йўналтирилган мониторинг тадқиқотларини амалга ошириш даставвал тадқиқ этилаётган соҳадаги вазиятнинг таҳлилини ўтказишни назарда тутади. Бу таҳлил имконияти бўлган ва ишонарли манбалардан қидирилиш асосида амалга оширилиб, мониторинг концепциясини ва дастлабки иш кўриш стратегиясини танлашга кўмаклашади.

### **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни дастлабки таҳлили учун қуйидаги манбалардан фойдаланилади:**

- ушбу муаммо билан шуғулланадиган шахслар билан сухбатлашиш;
- ушбу мавзу билан боғлиқ давлат органлари, ноҳукумат ташкилотлари вакиларидан гуруҳий интервью олиш;
- илмий-тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш;
- ОАВ материалларини таҳлил этиш;
- фуқаролар шикоятларини таҳлил этиш;
- ташкилот ва муассасаларда бўлиш.

Дастлабки таҳлилга асосланган ҳолда мониторингни ўтказиш стратегияси ва аниқ хатти-ҳаракатлар ишлаб чиқилади.

Фуқароларнинг аниқ ҳуқуқларига риоя этиш **МОНИТОРИНГИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ** тадқиқотнинг обьекти, соҳасини, алоҳида тадқиқот муаммолари, алоҳида саволларни аниқлашдан иборат бўлиб, мониторинг ўтказишда эътибор қаратилиши керак бўлган.

Мониторинг концепция асосида ахборотни тўплашнинг усуллари ва воситаларини танлаш амалга оширилади, уларни тўплаш воситалари (саволномалар, шикоятлар таҳлилиниң ҳужжатлари, матбуот материаллари, интервью режаси ва бошқалар) ишлаб чиқилади.

Мониторингни ўтказишда мониторингни ташкил этишда **иштирок этадиган шахсларни ўқитиш**, уларнинг ахборотни тўплаш ва таҳлил этиш услублари, тадқиқ қилинаётган йўналишда инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасидаги вазият тўғрисидаги билимларини эгаллашлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Мониторинг натижасида тўпланган инсон ҳуқуқлари бузилиши далолатлари ҳужжатларнинг (қарорлар, судларнинг ҳукмлари, фуқароларнинг мурожаатларига жавоблар, маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлар ва бошқалар) ҳамда жабрдийдалар ёки гувоҳлар томонидан имзоланган аризалар, матбуот материаллари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Мониторинг пайтида олинган ахборотни инсон ҳуқуқлари бузилишининг у ёки бу ҳолатлари ёйилишига сабаб бўлаётган ҳолатларни аниқлаш мақсадида бошқа манбалар, жумладан, давлат органларининг расмий ҳисботлари билан таққослаш зарур.

## **Мониторинг натижаларини умумлаштириш**

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш соҳасида амалдаги вазиятни мамлакат Контитуцияси ва қонунларига мувофиқлигини текшириш ўтказилгандан сўнг мониторинг натижалари маърузалар (хисоботлар) тарзида умумлаштирилади ва холосалар чиқарилади.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши мониторинги натижалари бўйича маъруза (хисобот) мониторинг мавзуси бўлган соҳадаги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги тўлиқ ва обьектив аҳборот бўлиши, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни ўзгартириш йўлларини кўрсатадиган тавсияларни қамраб олиши ҳамда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган инсон ҳуқуқларининг бузилиши аниқ ҳолатларини кўрсатиши керак.

Маърузага (хисоботга) адабиётлар рўйхати, тадқиқот ўтказилган муассасалар, мониторинг қатнашчилари рўйхатлари, ҳуқуқий ҳужжатлар, экспертизалар, матнлар, ашёвий далиллар суратлари ва бошқа материалларни илова қилиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

## **Мониторинг якуний ҳужжатларини муҳокама қилиш**

Маъруза (хисобот) шаклида расмийлаштирилган инсон ҳуқуқларига риоя этилиши мониторигини якунларини мониторинг мавзуси билан боғлиқ давлат муассасалари даражасида, парламент, ҳукумат, назорат қилувчи органлар, Омбудсман, маҳаллий ҳокимият органлари, ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ вакиллари ва бошқалар иштирокида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маъруза (хисобот) билан ушбу мавзу билан қизиқадиган илмий доиралар вакиллари ва айниқса барча даражадаги ваколатли органлар депутатлари танишиши жуда муҳимдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти жамоатчилик мониторингини ўтказишнинг қандай зарурати бор?
2. Жамоатчилик мониторинги тушунчаси, унинг мақсадлари, вазифалари ва функциялари нималардан иборат?
3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари жамоатчилик мониторингини ташкил этишнинг тартиби қандай?
4. Жамоатчилик назоратини ўтказиш учун энг долзарб мавзулар нималардан иборат?

---

<sup>1</sup> Қаранг: Аналитический доклад на тему: «Мониторинг прав инвалидов на доступ к транспортным услугам». —Т., 2016.

## §5. Қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси

Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда, қонунчилиқда ҳали мавжуд бўлган бўшлиқларни тўлдирадиган янги қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, жамиятни ислоҳ қилишга тўсқинлик қилаётган эскириб қолган нормалар ва кўрсатмалар бекор қилинмоқда.

Хуқуқ ижодкорлиги фаолиятида эришилган шубҳасиз ютуқлар манзарасида қонунчилиknинг давлатни мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатишини заифлаштираётган камчиликларни ҳам сезмасликнинг иложи йўқ.

Қонунчилиknинг асосий камчилиги у давлат ва ижтимоий ҳаётдаги тез ўзгариб бораётган воқелик кетидан кўпинча улгура олмаётгандигидир. Шу сабабли қонунчилиқда пайдо бўлаётган бўшлиқлар тартибга солинмаган кўп масалаларни туғдирмоқда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни шакллантиришда бетизимлик ва чалкашликлар, хуқуқий тартибга солища устуворликларнинг бузилиши, амалдаги қонунчилик тизимида номутаносиблиқ, янги қонунларнинг амалдагилари билан узвий боғлиқ ҳолда қабул қилинмаслиги, қонунлар билан қонуности ҳужжатлари ўртасида тизимли алоқадорликнинг бузилиши, амалиёт билан ишлаб чиқилган хуқуқ ижодкорлиги қоидаларига риоя этмаслик ва бошқалар кузатилади.

Жамоатчилик хуқуқий экспертизаси жамият ҳаётининг барча томонларини ва биринчи навбатда фуқароларнинг хуқуқлари, эркинлеклари ва манфаатларини ҳимоя қилишни хуқуқий тартибга солиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган хуқуқий нормалардаги камчиликларга қарши курашишга йўналтирилган<sup>2</sup>.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур. Мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмаслиги оқибатида охирги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган<sup>3</sup>.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартағи “Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига<sup>4</sup> мувофиқ, республикада қонун ижодкорлиги фаолияти тизимида норматив-хуқуқий ҳужжатлар барча турлари бўйича шаклланган тизимни чуқур танқидий таҳлил қилиш

<sup>2</sup> Қаранг: Кузнецова О. В. Пороки правовой нормы: диагностика и предупреждение // Журнал российского права. 2015. №3. С. 127-133.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровон-лигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

<sup>4</sup> Миллий қонунчилик маълумотлари базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2018 йил, 28 март.

режалаштирилган. Бу таҳлил норматив-хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилишининг ҳар бир босқичида — жамоатчилик муносабатларини хуқуқий тартибга солиш таклифлари ташаббуси амалиётидан бошлаб, уларнинг зарурати ва мақсадга мувофиқлигини асослаш, турли экспертизалар ва таҳлиллар ўтказиш, қонунлар қабул қилингандан сўнг қонунчилик хужжатларини таъсирини баҳолашгача чуқур танқидий таҳлил қилинади.

Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилишида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

- эски, бюрократик ва ўзини оқламаган тизимдан тўла воз кечган ҳолда давлат самарали хуқуқий сиёсатининг таркибий қисми сифатида қонун ижодкорлиги фаолиятининг инновацион механизмлари ва ёндашишларини аниқлаш;
- қонунчиликнинг адолатли, инсонпарвар ва амалий хужжатларини қабул қилишни, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг ҳар тарафлама таъминланишини қўзда тутадиган қонун ижодкорлиги фаолиятининг янги принципларини ишлаб чиқиш;
- жаҳон стандартларига мувофиқ қонунчилик ташабbusларини илгари суриш ва киритиш, уларнинг жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилиниши, келишиш ва қабул қилиш тартиби, умумқабул қилингандан ҳалқ манфаатлари, ривожланишнинг умумдавлат стратегияси аниқ мезонлари ва шартларини ўрнатиш;
- қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш;
- иқтисодий, аввало хусусий бизнесга тартибга солиш босимини босқичма-босқич камайтириш, тартибга солишнинг мукобил турларига (жамоатчилик назорати, рақобат, ўзини ўзи тартибга солиш, ихтиёрий декларация қилиш ва ҳоказоларга) ўтиш;
- норматив-хуқуқий хужжатларни фаол тизимлаштириш ва кодификация қилиш, тўғридан-тўғри амал қиласидан қонунлар қабул қилиш механизмларини босқичма-босқич жорий қилиш натижасида идоравий норматив хужжатлар қабул қилиш амалиётини истисно қилган ҳолда жамоатчилик муносабатларини қонун орқали тартибга солишни камайтириш;
- бизнес юритиш учун энг қулай шароитларни яратиш, мамлакатда инвестициявий муҳитни мустаҳкамлашга йўналтирилган, башорат қилинадиган, изчил ва барқарор қонунчилик асоси шакллантирилишини таъминлаш;
- қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш илмий-назарий ва услубий асосини мустаҳкамлаш, қонунчилик хужжатларини ишлаб чиқиш босқичида башорат қилиш ва унинг таъсирини баҳолашнинг замонавий услубларини, шунингдек, тизимли асосда қабул қилингандан кейин мустаҳкамлаш;

“Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси,

вазирликлар ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатларнинг турлари мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг турлари қўйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

### **Норматив-хуқуқий хужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак.**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари эълон қилинадиган **расмий манбалардир.**

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган **расмий манбалардир.**

«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатлари эълон қилинадиган **расмий манбалардир.**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қилинадиган **расмий манбалардир**.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрса-тилган бўлmasa, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қонунчилик ҳужжатлари эълон қилинганидан кейин аҳоли ва мансабдор шахслар амал қилиши зарур бўлган норматив кўрсатмаларнинг аҳоли томонидан танишиши, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари бўйича тушунтириш олиш мақсадида мутахассисларга мурожаат қилиш учун шароит яратилади, шунингдек, тегишли норма-лардан олиш мумкин бўлган аҳборот ва билимларнинг турларига аниқлик киритилади.

Фуқаролик жамияти институтларининг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасининг ўтказишида иштирок этишлари учун қўйидаги зарур шароитлар яратилиши керак:

**Биринчидан**, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг веб-сайтида эълон қилиниши керак. Веб-сайтда қўйидаги аҳборот жойлаштирилиши керак:

- 1) норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланганлиги тўғрисидаги билдириш;
- 2) норматив-хуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси;
- 3) билдиришнинг ва (ёки) норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси мuddати тўғрисида аҳборот;
- 4) билдиришнинг ва (ёки) норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасининг натижалари тўғрисида аҳборот;
- 5) норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари тўғрисида аҳборот.

Билдириш қўйидагиларни қамраб олади:

- норматив-хуқуқий ҳужжатнинг тури, номланиши ва кучга кириш мuddатининг режаланаётганлиги, у амал этадиган шахсларнинг доираси, шунингдек, ўтиш даври ўрнатилиши зарурати;
- норматив-хуқуқий ҳужжат томонидан тартибга солинишнинг мақсади ва тегишли ижтимоий муносабатларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, уни қабул қилиш заруратининг асосланиши;
- норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиққанлар тўғрисида маълумот;
- лойиҳани ишлаб чиққанлар томонидан таклифлар қабул қилинадиган муддат ва таклифларни тақдим этишининг энг қулай усувлари;
- норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиққанларнинг уни тайёрлаш тўғрисидаги маълумотларга тааллуқли қарорлари бўйича бошқа маълумотлар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: Москалькова Т. Н., Черников В. В. «Нормотворчество» научно-практическое пособие. — М., 2014. С. 198–200, 202, 245–248, 250.

**Иккинчидан**, жамоатчиликнинг қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларининг экспертизасида иштирок этишининг муҳим шарти — қонун ижодкорлиги фаолиятини тўғри ва ўз вақтида режалаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш дейилганда яқин пайтда ва келажақда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қонун ижодкорлиги (хуқуқ тайёргарлиги) ишларининг лойиҳалари англанади.

**Хуқуқ ижодкорлиги фаолиятига режали ёндашиш** бугунги кунда айниқса объектив заруратdir. У, энг аввало, ижтимоий тартибга солиш сифатида хуқуқ ролининг ортиши билан боғлиқdir. Бевосита хуқуқий нормалар демократик хуқуқий давлат барпо этилиши шароитларида ходимларнинг хуқуққа амал қилган ҳолда иш кўришининг энг таъсирчан ва рағбатлантириш воситаси ҳисобланади. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи органлар қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий ва истиқболга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаши мумкин.

Хуқуқ тайёргарлиги ишларининг ушбу турлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва бошқа органларнинг тегишли режалари (дастурлари ва бошқа режаланаётган ҳужжатларида) мустаҳкамлаб қўйилади.

Режа ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар (уларнинг изчиллиги, амалга ошириш муддатлари ва ижрочилар кўрсатилган ҳолда) хуқуқ ижодкорлигига тааллуқли бошқа чора-тадбирларнинг рўйхатини ўрнатадиган ҳужжатдан иборатdir.

Режанинг асосини ишлаб чиқилиши керак бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Уларнинг батафсил рўйхати хуқуқ ижодкорлигини режалаштиришнинг асосий мазмумнини англатади.

### **Режалаштирилиши мумкин бўлган хуқуқ ижодкорлигининг асосий турларига қўйидагилар тааллуқлидир:**

- 1) норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш;
- 2) норматив-хуқуқий ҳужжатларни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши;
- 3) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;
- 4) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини инстанцияларда тақдим этиш;
- 5) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига мулоҳазалар, хулосалар ва тузатишларни тайёрлаш;
- 6) хуқуқ ижодкорлигига йўл қўйилган хатолар мониторингини ўтказиш;
- 7) хуқуқни қўллаш мониторингини (умуман аниқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича);
- 8) қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш;

- 9) норматив-хуқуқий ҳужжатлар юзасидан шикоятлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш;
- 10) ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳасида норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиниши муаммолари бўйича оммавий ахборот воситаларининг материаллари, фуқаролар, жамоатчилик ташкилотлари, давлат органларининг мурожаатларини ўрганиш;
- 12) персонални ҳуқуқ ижодкорлиги бўйича тайёрлаш;
- 13) ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш чораларини ишлаб чиқиш ва жориш этиш ҳамда бошқалар.

**Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига режали ёндашиш, айниқса бугунги кунда объектив заруратдир. Бу, энг аввало, ҳуқуқнинг ижтимоий тартибга солиш роли ортиши билан изоҳланади. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитларида бевосита ҳуқуқ нормалари одамларнинг ҳуқуққа амал қилишлари учун энг таъсирчан ва рағбатлантирувчи омилга айланган.**

Қонун ижодкорлигига режали иш кўриш ҳозирги давр ҳуқуқий тизимининг ҳолати билан боғлиқдир. Бир неча йиллардан кейинги қадамларни режаламасдан норматив-хуқуқий ҳужжатларни мақбуллаштириш, уларнинг кўп сонлилигини, номувофиқлигини камайтириш, ҳуқуқнинг алоҳида институтлари, тармоқлари ва тармоқ остидагиларининг бир хил ривожланмаслигини бартараф этиш, жамият ҳаётида қонуннинг ролини ошириш ва ҳоказоларни ҳал этиш қийиндир.

Тайёрланган лойиҳани муҳокама қилиш мутахассислар ва жамоатчиликнинг кенг доираси томонидан унинг асосий қоидаларини ҳар тарафлама баҳоланишини, шу жумладан, лойиҳанинг заиф ва noctor жойларини аниқлаш мақсадини кўзлади. Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси билан танишишни истаган барча шахсларга бундай имконият яратиш энг мақбул ҳисобланади.

### **Муҳокама натижалари бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсанлар қуидаги имкониятларга эга бўладилар:**

- 1) лойиҳага ўзgartериш ва аниқлик киритиш, унинг шакли ва мазмунини такомиллаштириш;
- 2) ҳуқуқий моделнинг мавжудларидан шаклланган шароитларида мақбулини танлаш;
- 3) лойиҳада жиддий камчиликлар мавжудлиги сабабли унинг яроқсизлиги учун лойиҳадан воз кечиш.

**Учинчидан**, амалиётда муҳокама босқичига зарур аҳамият берилиши керак. Баъзан лойиҳалар ўз вақтида жўнатилмайди, шу сабабли муҳокама иштирокчиларида уларни синчиклаб таҳлил этиш ва баҳолаш учун вақт етишмайди. Бундан ташқари барча ахборот материаллари (масалан, тушунтириш, молиявий-иктисодий асослаш) жўнатилмайди. Баъзан муҳокамага тайёргарлик кўрилмайди, унинг иштирокчилари барвақт огоҳлантирилмайди ва ҳоказолар. Бунинг оқибатида лойиҳа расмиятчилик

учунгина юзаки муҳокама этилади. Бунда сифатли муҳокама қилиш лойиҳанинг ўзининг ҳам ва бутун қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигининг, чинакам демократлиги далолатлигининг ҳам сўзсиз шарти эканлиги ёддан кўтарилади.

**Тўртинчидан**, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқиладиган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажбурий тарзда ушбу ижро этувчи ҳокимият органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиниши, баҳолаш учун илмий муассасалар, жамоатчилик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга юборилади.

**Бешинчидан**, давлат органининг қарори бўйича жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ёки унинг алоҳида қоидлари бўйича аҳоли ўртасида тегишли сўров ўтказилиши мумкин.

**Олтинчидан**, норматив ҳужжатлар ва бошқа турдаги давлат қарорлари жамоатчилик экспертизасининг жамоатчилик вакиллари сифатида ўтказиш жараёнини муваффақиятли шакллантириш ва давом этириш учун фаолиятнинг ушбу турини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш керак.

Қонунчилик фаолиятининг жамоатчилик назорати самарали шаклини ривожлантириш ва тенг ёйиш зарурати “Жамоатчилик экспертизаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишини талаб этмоқда. Ушбу қонунда жамоатчилик экспертизаси ўтказишнинг вазифалари, принциплари ва тартиби белгилаб қўйилиши мумкин.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва бошқа давлат органлари фаолиятида қонун лойиҳаларининг мустақил экспертизаси ўзини ўзи тартибга соладиган ташкилотларни жалб этган ҳолда ўтказиш амалиёти қарор топмоқда. Бироқ бу баъзан расмий хусусиятга эга бўлиб, номига ўтказилмоқда, жамоатчилик экспертларининг тавсиялари зарур даражада қабул қилинмаяпти.

“Экспертиза” атамаси лотинчадан таржима қилинганда “тажриба”, “синов” маъносини англатади. Кенг маънода экспертизани эксперт томонидан тадқиқ этилаётган соҳада маҳсус билимлар талаб қиласидиган қандайдир масала, муаммони ўрганиш сифатида талқин қилиш мумкин. Ҳар қандай экспертизани амалга ошириш асосланган хулосалар билан тугаши, унда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бўлиши керак.

Жамоатчилик экспертизасининг мақсади — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишини ва ҳимоя қилишини таъминлашга кўмаклашишдир. Улар ёки айрим ижтимоий институтлар фаолиятининг фуқароларнинг устуворликлариiga, ижтимоий сиёсатнинг мақсадлари ва вазифалариiga, шунингдек, ана шундай мувофиқликка эришиш бўйича таклифларни, шу жумладан, қонунчилик нормаларини шакллантиришдир.

Жамоатчилик экспертизаси демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат ривожланиши шароитларида жамиятнинг давлат тузилмаларига таъсир кўрсатишнинг зарурый воситасидир. Бошқача қилиб айтганда, **жамоатчилик экспертизасининг асосий вазифаси** — ижтимоий эҳтиёжни акс эттириш ҳамда таркиб топаётган жамоатчилик муносабатлари тизимиға жавоб бермайдиган ҳуқуқий нормаларни ҳуқуқни қўллаш соҳасига киритилишига йўл қўймаслиқдир. Жамоатчилик экспертизаси амал этаётган экспертиза институтларини тўлдириши ёки улар камчиликларини бартараф этишлари керак<sup>1</sup>.

Экспертизани ўтказиш — жуда мураккаб, масъулиятли ва кўп меҳнат талаб қила-диган фаолият бўлиб, муайян қоидалар, тартиблар ва шартларга амал қилинишини назарда тутади. Бироқ ҳозирга қадар ҳам экспертизанинг назарий асослари фанда етарлича ишлаб чиқилмаган.

Жамоатчилик экспертизасини амалга ошириш учун қўйидаги вазифаларни ҳал этиш керак:

- жамоатчилик экспертизаси моҳиятини таҳлил этиш ва унинг ижтимоий назорат тизимидағи ролини аниқлаш;
- қонун лойиҳаларининг ижтимоий экспертизасини тадқиқ этиш ижтимоий ҳудуддаги эҳтимол тутилган хавфни баҳолашдир;
- жамоатчилик экспертизаси институционаллашиши жараёнини кўриб чиқиш;
- жамоатчилик экспертизасининг қонун лойиҳалари сифатига таъсирини аниқлаш;
- қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси концептуал моделини ишлаб чиқиш;
- ижтимоий жиҳатдан мұхим давлат қарорлари қабул қилиниши жараёнида жамоатчилик экспертизасининг механизмини асослаш.

Давлат органларининг ҳуқуқий асосини тартибга соладиган Ўзбекистон қонунчилигида давлат органлари ва ННТларнинг жамият ҳаётининг турли соҳапарida ўзаро иш кўришларини рағбатлантирадиган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, 2006 йил 11 октябрдаги “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунда<sup>2</sup> қонунчилик фаолиятида жамоатчилик тузилмалари ва фуқароларининг иштирок этишларининг қўйидаги шакллари белгилаб қўйилган:

1) қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи таркибидан қонун лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашиш;

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: Бакаева Ф., Арсланова К. О правовом регулировании вопросов проведения общественной экспертизы // Демократизация и права человека. № 1. 2014. С. 110–113.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

- 2) қонунчилит ташаббуси хуқуқи субъектининг буюртмаси асосида қонун лойиҳасини ёки шартнома асосида ёхуд танлов асосида мүқобил қонун лойиҳасини тайёрлаш;
- 3) нодавлат нотижорат ташкилотининг қонун лойиҳаси бўйича мулоҳазасини тақдим этиш.

2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда (янги таҳрир)<sup>3</sup> шунга ўхшаш қоидалар билан бир қаторда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчиларнинг қуидаги мажбуриятлари кўрсатилган:

- ташкилотларнинг, айрим фуқароларнинг таклифларини, маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;
- норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларини унинг матни билан олдиндан таништиради.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда жамоатчилик экспертизаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини назорат қилишнинг шакли сифатида белгиланган. Қонунинг 12-моддасида “Жамоатчилик экспертизаси норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манбаатларига, жамият манбаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатdir” деб кўрсатилган.

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

Бироқ юқорида қайд қилинган қонунларда давлат ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий ва аҳолининг манбаатларига бевосита тааллуқли бошқа соҳалар бўйича қабул қилиаётган қарорларига эксперт тартиблари ва жамоатчиликнинг таъсир кўрсатиш механизмлари жуда ожиз ишлаб чиқилган. Шунинг учун самаралироқ ва замонавийроқ усул — жамоатчилик экспертизаси усулини қўллашни қонун томонида мустаҳкамлаб қўйилиши ва услубий таъминланиши зарурати пишиб етилди.

Жамоатчилик экспертизасини давлат ҳокимияти ва бошқаруви турли даражаларда қабул қилинадиган бошқарув қарорларини такомиллаштириш бўйича таклифларни жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш ва таклифлар ишлаб чиқиш орқали фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишлари контитуциявий хуқуқларини амалга оширишнинг шакли сифатида кўриб чиқиш мумкин.

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

Жамоатчилик экспертизасини ўтқазишда умуман ҳуқуқий экспертиза вазифалариға, унинг мавзуси, принциплари, асосий босқичлари ва усулларига эътибор қаратилиши керак.

**Ҳуқуқий экспертизанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатdir:**

1. Лойиҳа норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларининг олий ҳуқуқий кучга эга ҳуқуқий нормаларга мувофиқлигини баҳолаш.
2. Лойиҳа қоидаларининг бир тартиб ҳуқуқий кучига эга ҳужжатлари (масалан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқа идоравий ҳужжатлар) билан мувофиқлаштирилганлигини баҳолаш.
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари ва бошқа унсурларининг ички мувофиқлаштирилганлигини баҳолаш.
4. Коррупция кўриниши учун шароит яратишга кўмаклашадиган қоидаларни аниқлаш.
5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатини расмийлаштириш қоидаларига риоя этилганлигини текшириш.

Ушбу вазифалар агар унинг мазмуни битта сўз ёки гап билан чегараланган бўлса ҳам ҳуқуқий экспертизага тақдим этилган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан ҳал этилади.

Бироқ ҳуқуқий экспертизанинг вазифаси юқоридагилар билан чегараланиб қолмайди. Экспертиза давомида, шунингдек, қуйидагилар ўрнатилади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиб олаётган шахсада уни қабул қилиш ваколатининг мавжудлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси мазмуни ва номланишининг ўзаро мувофиқлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси тили ва услубига қўйиладиган талабларга риоя этилганлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси тузилишига қўйилган талабларга амал қилиниши;
- лойиҳага тушунтириш хатининг тўлиқлиги ва ишонарлиги, молиявий-иқтисодий асосланиши ҳамда унга илова қилинган бошқа ҳужжатлар<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий экспертиза, шу жумладан, жамоатчилик экспертизаси ҳам, энг аввало ҳуқуқ ижодкорлиги учун хос бўлган умумий принциплар, демократизм, объективлик, иммийлик ва ҳоказолар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши керак.

Шу билан бир қаторда қонун ижодкорлиги амалиёти экспертиза ўтказиш фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган қатор маҳсус қоидаларни ишлаб чиқкан. Улар қуйидагилардир:

---

<sup>1</sup> Батафсилоқ қаранг: Москалькова Т. Н., Черников В. В. «Нормотворчество» научно-практическое пособие. — М., 2014. С. 340-349.

1. Ҳуқуқий экспертизанинг кенг қамровлиги. У норматив-ҳуқуқий ҳужжатни лойиҳалари қандай хусусиятга эга бўлмасин уларнинг барчаси бўйича ўтказилиши керак. Фуқароларнинг ҳамда идоралароро хусусиятга эаг ташкилотлар ҳуқуқий мақомини ўрнатадиган ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таал-луқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаларига нисбатан айниқса синчиклаб экспертиза ўтказилади.

2. Экспертизанинг мустақиллиги. Экспертиза уни ишлаб чиқсан бўлимга бўйсуниш муносабатларига эга бўлган субъектлар томонидан ўтказилмаслиги керак. Давлат органларида бундай мустақил эксперталар сифатида ҳуқуқий хизматлар ҳамда уларнинг мустақил бўлинмалари, жамоатчилик эксперталари, олимлар, чет эл мутахассислари бўлади.

3. Экспертизани ўтказиш учун вақтнинг етарли бўлиши. Эксперталар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини синчиклаб ўрганиш, фақат юзаки очик кўзга ташланадиган камчиликларнигина эмас, шунингдек, лойиҳани ишлаб чиқувчилар томонидан йўл қўйилган чуқур (аниқлаш қийин бўлган) хатоларни ҳам аниқлашлари учун ҳам зарур вақтга эга бўлишлари керак. Вақтнинг камчилиги эксперталар касб малакаси даражаси пастлиги билан бир қаторда экспертиза сифатини пасайтирадиган асосий омиллардан биридир. Экспертизани ўтказиш муддатларини чегаралаб қўйиш лойиҳани тўлиқ баҳолашга, айниқса лойиҳа мураккаб бўлганида, матнни батафсил ўрганиб чиқишига таъсир кўрсатади.

4. Экспертизанинг тўлиқ бўлиши тадқиқотчи эксперт томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг барча ўлчовлари қамраб олинган бўлиши керак. Ҳуқуқий экспертиза предмети бўлган лойиҳанинг барча таркибий қисмлари ҳуқуқий мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

5. Эксперталарнинг касбий малакаси. Экспертизанинг ҳуқуқнинг тегишли тармоғида мутахассис бўлган, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мазмуни ва расмийлаштирилишига қўйиладиган талабларни биладиган, ҳуқуқшунослик техникаси кўниумасига эга шахслар ўтказиши керак. Фақат шундай ҳолдагина экспертиза белгиланган муддатларда зарур даражада сифатли ўтказилиши мумкин.

6. Ҳуқуқий экспертизанинг кўп босқичлиги. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси давлат бошқарувининг жуда муҳим ва жуда таъсирчан восита-сидир. Шунинг учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳуқуқий жиҳатдан бенуқсон, мантиқан ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаб тизимиға боғлиқ бўлиши ўз-ўзидан равшандир. Бундай вазифалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ҳужжатларини расмий ҳужжатга айлантириш йўлида кўп марта ҳуқуқий экспертизалар ўтказилиши жараёнида ҳал этилади. Ушбу экспертизалар бир-бирини тўлдиради ва ўзининг жамланмаси билан ҳуқуқ ижодкорлигига хатоларни анча камайтириш имконини беради. Лекин, афсуски буни мутлақ истисно этиб бўлмайди, холбуки бундай хатоларга йўл қўймаслик ҳуқуқий экспертизанинг пировард мақсадидир.

*7. Ҳуқуқий экспертиза натижаларининг мажбурийлиги.* Ҳуқуқий экспертиза хulosасидаги фикрлар лойиҳани ишлаб чиқувчилар томонидан тўла қабул қилиниши керак. Лойиҳани ишлаб чиқувчилар ҳуқуқий экспертиза натижаларини ҳисобга олишни рад этганида ҳуқуқий бўлинма асосланган хulosса тайёрлади. Бу қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган раҳбар эктиборига етказилади.

Ҳуқуқий экспертиза технологик жихатдан ўзаро боғлиқ бир неча босқичлардан шаклланди. Экспертизанинг қуйидаги изчилликда амалга оширилиши талаб этилади:

- 1) ҳужжатларни экспертизага қабул қилиш;
- 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни даставвалги ўрганиш;
- 3) қўшимча маълумотларни тўплаш;
- 4) лойиҳани тадқиқ этиш (амалда ҳуқуқий экспертиза);
- 5) экспертиза ўтказиш давомида лойиҳани қайта ишлаш;
- 6) экспертиза натижалари бўйича хulosса тайёрлаш.

#### **Жамоатчилик экспертизаси:**

1. Қонун, дастур ва ҳоказоларни қабул қилиш ҳамда/ёки амалга ошириш самарасини баҳолайди.
2. Тегишли соҳада катта амалий фаолият тажрибасига эга фуқароларнинг жамоатчилик бирлашмаси мутахассислари томонидан ўтказилади.
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда пайдо бўлиши мумкин бўлган хатоларнинг салбий оқибатларини камайтиришга йўналтирилган.
4. Фуқаролик жамияти институтларининг ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишига кўмаклашади.
5. Ижтимоий манфаатларни аниқлайди, чунки жамоатчилик ташкилотлари минтақавий ва маҳаллий муаммоларнинг бутун кўп турлилигидан хабардорлар.
6. Фуқаролик жамиятини уларнинг эксперт салоҳиятини, касб малакаси ўсиши ва институционал ривожланиши орқали ривожланишга кўмаклашади.
7. Жамият томонидан катта ишончга эга.
8. Жамият ўзининг интеллектуал ресурсларини жалб этишга йўналтирилган.

Амалиётнинг далолат беришича, жамоатчилик экспертизаси турли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Жумладан, қонунларнинг гендер тенглиги принциплари, боланинг энг мақбул манфаатлари ва бошқаларга мувофиқлигини текширишга йўналтирилган жамоатчилик экспертизаси катта аҳамият касб этади. Гендер ва ювенал жамоатчилик экспертизаси билан биргалиқда коррупцияга қарши жамоатчилик экспертизаси ҳам ўтказилади. Унинг моҳияти ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 25 декабрда 2745-сон билан рўйхатга олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётида белгилаб қўйилган. Унда жумладан, қуйидагилар таъкидланади:

### **Коррупцияга қарши экспертиза:**

- 1) лойиҳаларда коррупция ҳуқуқбузарликларини содир этиш имкониятини берадиган омилларни аниқлади;
- 2) лойиҳани қабул қилиш оқибатларини коррупция ҳуқуқбузарликларини содир этиш имконияти қисмидаги оқибаталарини умумий баҳолайди;
- 3) норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавф пайдо бўлиши имкониятини башорат қиласди;
- 4) лойиҳаларда аниқланган коррупция хусусиятига эга омилларни бартараф этишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқади ва чоралар кўради.

Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш қўйидаги принципларга асосланади:

- қонунийлик — норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳалари нормалари мазмунининг юкорироқ ҳуқуқий кучга мувофиқлиги;
- ҳуқуқнинг қўлланиши — норматив-хуқуқий ҳужжатлар қоидаларини талқин этиш ва қўллашда зиддият келтириб чиқариши мумкин бўлган нормаларни олиб ташлаш;
- нормаларнинг шаффоғлиги ва барқарорлиги — лойиҳа матнини лўнда оддий ва равshan тил билан баён этиш. Лойиҳада қўлланиладган тушунча ва атамалар турлича талқин қилиш имкониятини истисно этадиган, қонунчиликда қабул қилинган маъносига мувофиқ бир хил қўлланади. Оғзаки нутқ шакллари, давлат тилида бир хил маънога эга сўз ва тушунчалар бўлганида чет эл атамаларини, эскирган ва қўп маъноли сўзлар ва ифодаларни, эпитетли таққослашларни, мажозларни қўллашга йўл қўйилмайди;
- объективлик коррупцияга қарши экспертизани объектив ва ҳолис, қатъян қонунчилик, назарий ва амалий асосда, тегишли ихтисослик доирасида, ҳар тарафлама ва тўла ҳажмда ўтказиш;
- мустақиллик — коррупцияга қарши экспертизани мустақил шахс томонидан ўтказиш. Коррупцияга қарши экспертиза орқали манфаатдор шахс фойдасига хулоса олиш мақсадида таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

### **Амалий ишлар:**

Қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ўтказиша иштирок этиш учун қўйидагилар талаб қилинади:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралардан ҳар йили ушбу органнинг қонун ижодкорлиги режаларини сўраш;
- парламент ва бошқа давлат органларининг веб-сайтларида қонун лойиҳалари эълон қилинишини мунтазам кузатиб бориш;
- ҳуқуқка доир матбуотни кузатиб бориш;
- қонун лойиҳалари концепцияларини тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларга юбориш;

- жамоатчилик экспертизасини ўтказишга ёрдам бериши мүмкін бўлган хуқуқ-шунос олимларнинг маълумотлар банкини шакллантириш;
- ўзининг веб-сайтида қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаларини ҳамда ушбу ташкилот томонидан ўтказилган жамоатчилик экспертизаси бўйича тайёрланган хуросаларни эълон қилиш;
- қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоатчилик экспертизасини ўтказиш қайси норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади?
2. Хуқуқий, шу жумладан, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш тартиби қандай?
3. Жамоатчилик экспертизасининг инсон хуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришдаги роли қандай?

### **§6. Жамоатчилик фикрини ўрганиш**

Давлат ва унинг органлари фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш назорат қилишнинг кенг тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу назорат ҳар куни ва мунтазам ўтказилади. Миллионлаб фуқаролар давлат органлари фаолиятининг натижаларини кузатади, уларни қабул қилинган қонунларга мувофиқлигини солиштиради. Шунинг учун социологлар ва хуқуқшунослар олдида фуқароларнинг бевосита назорати ва жамоатчилик ташкилотларининг назорати билан бир қаторда жамоатчилик фикрини назоратнинг мустақил субъекти сифатида ўрганиш вазифаси пайдо бўлади.

**Жамоатчилик фикрининг назорати** ўзига хосдир. У назоратнинг бошқа турларидан қуидагилар билан фарқланади:

- маҳсус хуқуқий тартибга солишни талаб этмайди, у йўё жамоатчилик назорати турларининг хуқуқий асосидан фойдаланади;
- унинг натижалари ҳамиша ҳам ёзма шаклдаги хужжатларда расмийлаштирилмайди, чунки жамоатчилик томонидан баҳолаш ижтимоий онгда мавжуд ва у график шаклда ифода этилишидан кўпроқ англанишилади;
- бу, қоида бўйича, ошкор ва оммавий назоратдир, унинг натижалари тегишли органларга маълум қилинади, аҳоли оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этилади;
- у мажбурий хусусиятга эга эмас, бироқ уни ҳисобга олишади, унга қулоқ тутишади.

Шундай қилиб, агар давлат назоратининг натижалари хуқуқий аҳамиятга эга бўлса, жамоатчилик фикрининг назорати кўпроқ психологик хусусиятга эгадир. Шунга қарамасдан, жамоатчилик фикри хуқуқий нормаларни шакллантиришга,

мансадбор шахслар ва фуқароларнинг онги ва хатти-ҳаракатига таъсир қилиши мумкин<sup>1</sup>.

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик фикрининг назорати жамоатчилик тузилмалари ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Шу маънода у ноҳуқумат ташкилотларининг ташкилий, сиёсий, мафкуравий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда муайян даражада институционаллашади.

Ҳозирги пайтда давлат хизматчилари “бошқарув жамиятга хизмат қилиши кераклиги”, бошқарув қарорлари жамоатчилик манфаатларига зид келмаслиги учун давлат бошқарувининг жамоатчилик фикрига боғлиқлигини англаб етмоқдалар. Жамоатчилик фикрининг назорати умуман давлат тизимида, жумладан, бошқарув жараёнида қандай ўрин эгаллаши, унинг самарадорлиги қандайлигига қараб жамият билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ва хусусияти тури тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Мамлакатимизда жамоатчилик фикри фақат давлат аппарати фаолиятининг натижаларини ва ундаги камчиликларни қайд этиб қолмасдан, бу камчиликларни бартараф этишга кўмаклашишлари мумкинлиги учун ушбу муносабатларни янада такомиллаштириш юзасидан катта иш олиб бориш талаб қилинади.

Давлат органларининг қонун томонидан белгилаб қўйилган доирада жамоатчилик фикрига боғлиқлигининг механизмлари ва тартибларини ташкил этиш муҳимдир. Қонун давлат органлари фаолиятининг фуқароларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқлигини баҳолашнинг мезони бўлиши, жамоатчилик фикри томонидан амалга оширилаётган назоратнинг ҳажми, мазмуни оқибатларини белгилаб бериши керак. Назорат қилиш ҳуқуқига давлат органларининг жамоатчилик фикри томонидан билдирилаётган мулоҳаза ва таклифларга муносабат билдириш мажбурияти мувофиқ бўлиши керак<sup>2</sup>.

Сўнгги йилларда жамоатчилик фикри институти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини тартибга соладиган қонунчилиқда ҳисобга олинаётганлигини таъкидлаш лозим.

Жумладан, давлат органларининг жамоатчилик фикрини қўйидагиларда ҳисобга олиши мустаҳкамлаб қўйилмоқда:

- қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда;
- мамлакатни ривожлантиришнинг давлат ва минтақавий дастурларини, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиша;
- давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш ва мониторингини амалга оширишда;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда ва бошқаларда.

<sup>1</sup> Қаранг: Сафаров Р. А. Общественное мнение и государственное управление. — М.: Юриздат, 1975. С. 201.

<sup>2</sup> Қаранг: Бакаева Ф. Х. Общественный контроль за реализацией законов // в кн. «Узбекистан на пути к гражданскому обществу». — Т., 2003. С 168–170.

Масалан, “**Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида**”ги қонуннинг 16 ва 17-моддаларида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритгунига қадар жамоатчилик фикрини ўрганиши, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритулгунга қадар нодавлат ташкилотларга тақриз учун юбориши белгилаб қўйилган.

“**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги қонунда ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик бирлашмалари, ОАВ томонидан билдирилган тақлифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилган (16-модда). Жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга “**Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси тўғрисида**”ги қонунда ҳам эътибор қаратилган.

“**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида**”ги қонуннинг қабул қилиниши жамоатчилик фикрини кенг ҳисобга олишга кўмаклашади. Унда фуқаролар, жамоатчилик ва ОАВнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши, ушбу органлар томонидан ташкил этиладиган очиқ мажлисларда иштирок этиши, уларнинг ахборот хизматлари билан ўзаро муносабатлари тартиба солинган.

“**Экологик назорат тўғрисида**”ги қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш ваколатини берган (15-16-17-моддалар). Экологик назорат соҳасидаги давлат органлари аҳолига экологик хавфсизлик масалалари бўйича ахборотни тақдим этишлари шарт.

Жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш зарурати тўғрисидаги қоидалар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ўз фаолиятлари тўғрисида аҳоли олдида ҳисоб бериш даражасини оширишга йўналтирилган ўз вақтида қарорлар қабул қилиш учун **давлат хизматчиларининг касб ахлоқ кодексига** қўшила бошланди.

#### **Жамоатчилик фикрини ўрганиш қуидагилар орқали амалга оширилади:**

- ижтимоий тадқиқотлар ва кузатишлар ўтказиш (сўров, анкеталаш, ахборот материалларининг контент-таҳлили, фокус гуруҳлар ва ҳоказолар);
- “шошилинч телефон” ташкил этиш, шарҳлар, интервьюлар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари бошқа материалларининг аҳоли турли ижтимоий гуруҳлари ва манфаатдор томонларининг нуқтаи назарини аниқлаш учун;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш талаб қиласидиган масала бўйича фуқароларнинг тақлиф ва мулоҳазаларида билдирилган фикрларни қайта ишлаш ва умумлаштириш ҳамда бошқалар.

## **Жамоатчилик фикрини ўрганиш жамоатчилик назорати субъекти томонидан қўйидаги тартибда ташкил этилади ва ўтказилади:**

- алоҳида масала бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишга эҳтиёж аниқланади;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш ўтказиладиган масалалар бўйича уларни ҳал этиш юзасидан муқобил таклифлар ҳисобга олинади;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш муддати, шакллари ва усуллари аниқланади;
- жамоатчилик фикрини ўрганишни ўтказадиган тадқиқот ташкилотлари, мутахассислар, эксперtlар, жамоатчилик ташкилотлари танлов асосида ўрганилади;
- тадқиқот олиб бориладиган аҳолининг ижтимоий гурухлари ва манфаатдор томонларнинг хусусиятлари аниқланади;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари тўғрисида якуний ахборот олинади;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш талаб қилинадиган масалаларни таклиф этилган ҳал этишга нисбатан жамоатчилик фикри умумлаштирилади;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш талаб қилинган масалалар бўйича ижроия ҳокимият органи томонидан узил-кесил қарор қабул қилинишида жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши таъминланади;
- ижроия ҳокимият органнинг расмий веб-сайтида ва бошқа имконият бўлган воситалар орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари албатта эълон қилинади.

## **Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ҳисботда қўйидагилар қайд қилинади:**

- жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этган (жамоатчилик фикрини ўрганганд) органнинг номланиши;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш алоҳида худудда амалга оширилган тақдирда маъмурий-худудий бирликнинг номланиши;
- фикрлари ўрганилган аҳолининг ижтимоий гурухлари ва манфаатдор томонлари;
- жамоатчилик фикрини ўрганилган мавзулар ва масалалар;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш учун қўлланилган усуллар;
- танланган тадқиқот моделидан чекланишга йўл қўйиш даражаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганишни ўтказган шахслар тўғрисидаги ахборот;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш талаб қилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклиф этилган жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва уни ижроия ҳокимияти органи томонидан узил-кесил қарор қабул қилишда ҳисобга олиш;
- жамоатчилик фикри эътиборга олинмаган ҳолатларда қабул қилинган қарорни асослаш.

Шундай қилиб, жамоатчилик фикрини ўрганиш — турли ижтимоий гурухларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, давлат органдарининг фуқароларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича фаолияти тўғрисидаги фикрларини баҳолаш мақсадида ахборотни тўплаш, умумлаштириш, қайта ишлаш таҳлил этишdir.

Жамоатчилик назоратининг субъекти объектив ва ишонарли ахборот олиш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиши ташкил этиш учун қонунчиликка мувофиқ тадқиқот ташкилотлари, мутахассислар, экспертлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан очиқ танлов шартлари асосида шартномалар тузиши мумкин. Давлат органлари фаолиятида жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга профессионал, илмий, социологик кузатишлар, экспресс таҳлиллар, ахолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва манфаатдор томонларнинг таклифлари, жамият ҳаётининг турли жиҳатлари бўйича аҳоли ўртасида сўровлар ўтказадиган маҳсус социологик тузилмалар катта ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнданги фармони билан "**Жамоатчилик фикрини ўрганиш ижтимоий фикр маркази**" ташкил этилган.

Марказ барча замонавий техника турлари билан жиҳозланган ва таҳлилий ва амалий фаолиятда катта тажрибага эга юқори малакали мутахассислар (социологлар, психологлар, сиёsatшунослар, демографлар, иқтисодчилар) штатига эга.

Марказ чуқурлаштирилган интервью, **фокус-гуруҳий мунозаралар** каби усууллардан фойдаланган ҳолда жамият турли гуруҳлари қайфиятлари, қизиқишлиари, хатти-ҳаракатлари, баҳолашлари ва қарашлари, умидлари ва ниятларини ўрганади, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши тўғрисида жамоатчилик фикрининг таҳлили, қонун чиқарувчи органлар ва институтлар ижроия ҳокимииятга ишонч мониторинги ўтказилади. Бундан ташқари марказ шартнома асосида истеъмол товарлари бозорлари, шунингдек, хизмат соҳасининг маркетинг тадқиқотларини олиб боради.

Марказ томонидан ишлаб чиқилган "**Даврий матбуот контент-таҳлилиниңг услубиёти ва услуги**"га асосланган ҳолда Ўзбекистон матбуотининг доимий мониторинги амалга оширилади. 1999 йилдан бошлаб марказий ва минтақавий нашрларда маънавият, демократик янгиланишлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, давлат дастурларининг амалга оширилиши ва бошқа масалаларнинг ёритилиши каби муаммоларнинг 115 тадан кўпроқ тадқиқоти ўтказилди.

Марказ ташкил этилгандан бўён ўтган даврда энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий муаммолар бўйича 400 тадан кўпроқ сўров мониторинги тадқиқотлари амалга оширилди. "Ўзбекистон: жамоатчилик фикри", "ОАВ жамоатчилик фикри кўзгусида", "Ўзбекистон мустақиллик йилларида", "Ўзбекистон электорати икки палатали парламентга сайловлар арафасида", "Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий дунё", "Ўзбекистон хотин-қизлари: ижтимоий ҳиссиёт ва ижтимоий қайфият", "Суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳоти жамоатчилик фикри кўзгусида", "Миллий ўзлигини англаш", "Ўзбекистондаги амалий муҳит тадбиркорлар нигоҳида", "Фуқаролар ННТ тўғрисида: тасаввурлар, фикрлар, умидлар", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар", "Ўзбекистон ўшлари: ижтимоий фаоллик, маънавият, келажак режалари" ва бошқалар шулар жумласидандир.

1998 йилдан 2016 йилнинг октябрь ойигача жамоатчилик сўровлари билан мамлакатнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкентдаги 520 минг нафардан киши кўпроқ қамраб олинди.

Марказ доимиийлик асосида ЮНЕСКО, ЮНФПА, Фридрих Эберт номидаги фонд (Германия), Конрад Аденаур номидаги фонд (Германия), Россия Фанлар академия-сининг Социология институти билан ҳамкорлик қиласди.

2003 йилдан бери Ижтимоий фикр маркази Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан йилнинг ҳар чорагида мамлакатнинг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда **“Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари”** мавзуусида илмий-амалий семинарлар ўтказади.

“Ижтимоий фикр” маркази Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан биргалиқда **“Жамоатчилик фикри. Инсон ҳуқуқлари”** журналини нашр этади. Журнал йилнинг ҳар чорагида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилади. Журналнинг “Дунё турли нигоҳлар билан қаралганда англанади” шиори остида эълон қилинадиган материаллари кўп жиҳатдан ушбу нашр йўналишини белгилайди.

### **Назорат саволари:**

1. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?
2. Давлат органларининг ўз фаолиятида жамоатчилик фикрига муносабати қандай бўлиши керак?
3. “Жамоатчилик фикри” ноҳукумат маркази фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

## **§7. Жамоатчилик назоратининг бошқа шакллари: жамоатчилик текшируви**

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда жамоатчилик назорати шакларининг рўйхати очиқ ҳисобланади, чунки Қонунинг б-моддасида жамоатчилик назорати қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган шаклларда амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган. Яъни “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг<sup>1</sup> 5-моддасидан келиб чиқсан ҳолда биз журналист текшируви каби жамоатчилик назорати шакли мавжудлиги тўғрисида гапиришимиз мумкин.

“Текшириш” тушунчаси қандайдир масала ёки ҳодисани ҳар тарфлама кўриб чиқиши, тадқиқ этиши, ўрганишни англатади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, шунингдек, жамоатчилик тузилмалари фаолиятига хос бўлган текширишнинг турли усуслари мавжуддир. Улардан энг машҳурлари парламент

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

текшируви, Омбудсман институти текшируви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга ошириладиган дастлабки текширишлардир.

Жумладан, 2016 йил 31 мартағи “Парламент назорати тұғрисида”ги қонун<sup>1</sup> ҳамда 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тұғрисида”ги<sup>2</sup> ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тұғрисида”ги<sup>3</sup> қонунларга мувофик, **парламент текшируви** — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари бажарилишининг парламент назорати шаклидир. Парламент назорати тұғрисида”ги қонуннинг 18-моддасыда жамият ва давлатнинг эңг муҳим манфаатларига дахл қылувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир күрсатиши мүмкін бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишида куйидагиларга ҳақли:

- давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассислар, эксперталар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш;
- давлат органларидан, ҳўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек, фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш;
- давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек, фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилиш.

Комиссия бажарилган иш тұғрисида Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланган муддатда уларни хабардор қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тұплами, 2016 й., 15-сон, 141-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тұплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда; 29-30-сон, 298-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2009 й., 15-сон, 179-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2013 й., 16-сон, 215-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тұплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда; 29-30-сон, 298-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2009 й., 15-сон, 179-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2013 й., 16-сон, 215-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

Тезкор-қидириув, дастлабки тергов ва тергов, суд органлари томонидан кўриб чиқилаётган аниқ ишлар ва материаллар, шунингдек, ижрони таъминлаш ва нотариал ишлари билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг обьекти бўла олмайди.

### **Парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича:**

- ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши;
- тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг амалга оширилиши самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклифлар ва тавсиялар киритиши;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисботларни, ахборотни ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориши;
- парламент назорати материалларини ваколатли давлат органларига ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун юбориши;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиши;
- мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига таклифлар ва тавсиялар киритиши;
- янги қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиши;
- парламент назорати натижаларини эълон қилиши мумкин.

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

- парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг кўриб чиқилиши ва ижро этилишини таъминлайди;
- парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қиласди;
- таклифлар ва тавсияларни кўриб чиқиш натижалари ҳамда улар бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида парламент назорати субъектларига хабар қиласди;

– қонун хужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўради.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг<sup>1</sup> 32-моддасига мувофиқ, парламент назорати доирасида Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилиш бўйича комиссияси ташкил этилган бўлиб, у Сенатнинг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари бўйича қўмитаси билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг хисоботини эшитади ва унинг натижалари бўйича Қарор қабул қиласди.

Қонунчилик палатаси, Сенат ва унинг органларининг парламент назорати натижаларини кўриб чиқиш бўйича мажлислари **очиқ** ва **ошкора** ўтказилади. Уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви, **нодавлат нотижорат ташкилотлари**, илмий муассасалар, **оммавий ахборот воситалари вакиллари**, мутахассислар ва олимлар таклиф қилиниши мумкин. Зарурат бўлганида Қонунчилик палатаси, Сенат ва унинг органлари **ёпиқ мажлис** ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Парламент назоратининг натижалари оммавий ахборот воситаларида ва Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши мумкин.

2004 йил 27 августдаги “Олий Мажлиснинг Инсон хуқуqlари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонунга (янги таҳрири)<sup>2</sup> кўра, Омбудсман **шикоятларни текширишга** ҳақлидир.

Аниқ бир шикоятларни кўриб чиқиш ва текшириш<sup>3</sup> ҳамда инсон хуқуqlари бузилган ҳолатларда ҳамда ўз ташабbusи бўйича текшириш Вакил зиммасига турли давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга турли ахборотларни тақдим этишга қўмаклашиш учун мурожаат қилиш мажбуриятини юклайди. Жумладан, жиноий-хуқуқий, маъмурий-хуқуқий, жиноий-ижро этиш хусусиятидаги шикоятлар ва ҳолатларни кўриб чиқишида Вакил ахборот сўраб Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, Олий, шаҳар судлари, фуқаролик-хуқуқий можароларни кўриб чиқишида эса Олий, Олий хўжалик судлари ва бошқа инстанцияларга мурожаат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда; 29-30-сон, 298-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2009 й., 15-сон, 179-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2013 й., 16-сон, 215-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда.

<sup>3</sup> “Олий Мажлиснинг Инсон хуқуqlари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонунда ишлатилган “текшириш” тергов ва дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган “текшириш” билан айнан бир хил эмас. “Олий Мажлиснинг Инсон хуқуqlари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонуннинг 13- ва 14-моддаларида кўрсатилганидек, Вакилнинг ўз ташабbusи билан “текшириши” арз қилувчи ўз хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан ташкилотлар ва мансабдор шахслардан хужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олишни англатади.

қиласи. Ушбу органлар Вакил текшириш ўтказаётганда унга ёрдам беришлари, фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганини тааллуқли, Вакил сўраган ҳужжатлар, материаллар ҳамда бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Вакил шикоятларни кўриб чиқишида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш, ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига, қамоқда турган шахслар мурожаатларини текширишда жазони ижро этиш муассасаларига, қамоқда сақлаш жойларига ва маҳсус қабулхоналарга монеликсиз кириш, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланыётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказишга ҳақлидир.

Мансабдор шахслар, яъни ижроия ва суд ҳокимиятининг, мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва жамоатчилик ташкилотларининг раҳбарлари Вакилга фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятларини кўриб чиқиши ва текшириш ёки ўз ташаббуси бўйича текшириш ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ахборот, маълумот, ҳужжатларни ҳеч бир монесиз ва тезкор тақдим этишлари зарур.

Турли давлат ва жамоатчилик тузилмаларининг мансабдор шахслари Вакилга нафақат тегишли ахборотларни тақдим этибгина қолмасдан, шунингдек, ҳам фуқароларнинг алоҳида шикоятларида баён этилган далилларни, ҳам ўзларига бўйсунадиган органлар ва давлат хизматчилари томонидан инсоннинг хукуқ ва эркинликларини қўпол бузганликлари тўғрисидаги маълумотларни қабул қилишлари ва эшитишлари керак<sup>4</sup>.

Вакил фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиши ва ўз ташаббуси бўйича инсон хукуқлари бузилиши ҳолатларини текшириш натижалари юзасидан айрим шахслар томонидан инсон хукуқларини қўпол ва мунтазам бузиш ҳолатларини аниқлаганида тегишли органларга уларни жавобгарликнинг тегишли турларига жалб этиш тўғрисида мурожаат қилишга ҳақлидир. Бунда ушбу мурожаатни олган ташкилот ёки мансабдор шахс шикоятини кўриб чиқиши ва бир ойдан кечикмасдан унга асосли жавоб берishi шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ноқонуний рад этиш, узрли сабабларсиз уларни кўриб чиқиши муддатларини бузиш, қонунга зид бўлган асоссиз қарорлар қабул қилиш, шунингдек, фуқароларнинг бузилган хукуқларини тиклашни таъминламаслик, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорларни амалда бажармаслик учун таъсир кўрсатиш чоралари кўзда тутилган (43-модда). Вакил инсон хукуқларининг бузилиши ушбу тури учун тегишли шахсларни жавобгар-

<sup>4</sup> Каранг: Бакаева Ф. Х. Комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об Уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (омбудсмене)» // под ред. С. Ш. Рашидовой. — Т., 1998. С. 38-39, 41-42.

ликнинг ушбу турига жалб этиш ёки жиноий жавобгарликка тортиш мурожаати билан чиқишига ҳақлидир (Жиноят кодексининг 144-моддаси).

Вакил томонидан маҳфийликнинг алоҳида тартиби бўлган корхона ва ташкилотларда бўлиши, шунингдек, унинг томонидан давлат сири бўлган ёки қонун билан муҳофаза этиладиган ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунчилиги билан тартибга солинади<sup>1</sup>.

**Дастлабки тергов** — бу жиноят иши жараёнининг босқичи ҳисобланниб, унинг доирасида терговчи Жиноят-процессуал кодексида кўзда тутилган тарзда жиноят ҳодисасини ўрнатиш, ишни суддда қўриб чиқишига тайёрлаш мақсадларида жиноятни содир этишда айбдорни, жиноятнинг барча ҳолатларини аниқлашдир.

Суд мажлиси доирасида жиноий ишларни қўриб чиқиш мақсадларида шахснинг айбдорлигига нисбатан дастлабки текшириш материалларини текшириш ҳамда Жиноят-процессуал кодекснинг дастлабки тергов ва тергов пайтида судланувчининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича қоидаларини сўзсиз бажаришга йўналтирилган **суд тергови** амалга оширилади.

Жамоатчилик назорати масалалари бўйича қонунчиликнинг таҳлили фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳукуқлари ва эркинликларини қўпол бузиш ҳолатларини мустақил равишда текшириш ваколатига эга эмасликларини кўрсатади. Уларга кўп даражада қонунчилик бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бу ҳақда тегишли давлат органларини хабардор қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар тақдим этиш функцияси мустаҳкамлаб қўйилган.

ОАВ бундан истисно ҳисобланади, уларга **“журналист текшируви институти”** орқали инсон ҳукуқлари ва эркинликларини бузилиши билан боғлиқ ишлар ҳолатларини ўzlари текшириш ҳукуқи тақдим этилган. Журналист текшируви давлат тузилмалари, дастлабки текшириш органлари томонидан ўтказиладиган текширишлардан тубдан фарқ қилиши табиийдир.

### **Журналист журналистилик фаолиятини амалга ошириш чоғида қўйидаги ҳукуқларга эга:**

- ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш;
- ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

<sup>1</sup> Қаранг: 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини муҳофаза этиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 232-модда.

- давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;
- **журналист текшируви ўтказиш:**
- ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида ҳозир бўлиш;
- журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;
- маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;
- судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий оғат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;
- эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;
- башарти қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;
- ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик, ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;
- ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;
- тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган мъявавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;
- жамоат бирлашмаларига, шу жумладан, журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.

Журналист ўзига қонун ҳужжатлари билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

### **Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналистнинг мажбуриятлари:**

- қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;
- ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;
- айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;
- журналистика соҳасининг сирини ошкор этмаслиги;
- журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши;
- шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига таалуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва хужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Журналист ўз текширувлари жараёнида 1997 йил 24 апрелдаги “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун<sup>1</sup>, 2007 йил 15 январдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун<sup>2</sup>, 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун<sup>3</sup> ва бошқа қонунларга амал қиласди.

### **Назорат саволлари:**

1. Давлат органлари томонидан қонунчиликда белгилаб қўйилган текширишларнинг қайси турлари амалга оширилади?
2. Фуқаролик жамияти институтлари текшириш ўтказиш ҳуқуқига эгами?
3. Журналист текшируви нима?

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда; 2018 й., 16-сон, 326-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 9978-модда.

## **БЕШИНЧИ МАВЗУ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

### **§1. Жамоатчилик назорати натижаларини расмийлаштириш**

Жамоатчилик назоратини ташкил этиш амалиёти унинг натижадорлиги тайёрланган якунловчи ҳужжатнинг шакли ва сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчилик бузилишининг аниқланган ҳолатлари, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан тегишли қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари бажарилмаслиги ҳолатлари пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида ишонарли ахборот, шунингдек, тадқиқ этилган соҳадаги вазиятни яхшилаш бўйича қонунчилик ва бошқа тақлифлар тақдим этилади.

**Жамоатчилик назорати натижалари бўйича якуний ҳужжатларнинг баённомалар, маълумотномалар, ахборотлар, актлар, ҳисоботлар, маърузалар, хulosалар, тақдимномалар ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар тайёрланиши мумкин.**

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасида жамоатчилик натижалари шаклида якуний ҳужжат тайёрланиши мумкинлиги қайд этилган.

Якуний ҳужжатнинг турини танлаш, асосан, амалга оширилган жамоатчилик назоратининг шаклига боғлиқдир. Масалан, жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик эшитуви, одатда, **баённома** сифатида расмийлаштирилади. Унда қуйидаги ахборотлар бўлади:

- муҳокама иштирокчилари;
- муҳокама қилинган масалалар;
- муҳокама ташаббускорлари;
- муҳокаманинг мақсадлари ва вазифалари мазмuni;
- муҳокама мавзуси бўйича билдирилган фикрлар;
- мавжуд ҳолатни яхшилашга йўналтирилган тақлифлар;
- муҳокамага олиб чиқилган масалаларга тааллуқли тақдим этилган қўшимча материаллар;
- эшитув ёки муҳокама натижасида қабул қилинадиган чоралар рўйхати.

Жамоатчилик муҳокамаси ёки жамоатчилик эшитуви ўтказилганлиги тўғрисидаги баённомага муҳокама ёки эшитувни ўтказиш учун асос бўлган тадқиқот материаллари илова қилинади.

Кўпинча жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат, давлат ҳаракатлар дастури ёки бошқа дастурлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини, шунингдек, инсоннинг у ёки бу ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги вазиятнинг жамоатчилик мониторингини, жамоатчилик фикрини ўрганишни ва жамоатчилик фикрининг бошқа шаклларини ўтказиш асос бўлади.

Шундай қилиб, баённомалар жамоатчилик назоратининг натижаларини расмийлаштириш шаклида жамоатчилик манфаатларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш жараёнини, ушбу масалаларни муҳокама қилиш якунларини чиқариш ҳамда муҳокама қилинаётган соҳада вазиятни яхшилаш ёки муҳокама қилинаётган хужжат матнини такомиллаштиришга йўналтирилганdir. Баённомалар тегишли иловалар билан муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли ваколатга эга давлат органларига юборилади. Жамоатчилик назоратининг субъектлари вақти-вақти билан ушбу давлат органларига кўрилган чоралар тўғрисида ахборот олиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратининг субъектлари, жумладан, “**Экологик назорат тўғрисида**”ги қонунга мувофиқ атроф-муҳит ҳолатини ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига таҳдид соладиган табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишни кузатишни амалга оширишга ҳақлидиrlар. Кузатиш жараёнида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқаролар ушбу соҳада қонунчилик бузилиши далилларини аниқлашлари мумкин. Бундай ҳолатда улар тегишли давлат органлари, шу жумладан, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектларга кузатиш натижасида олинган **ахборотни** юборишга ҳақлидиrlар.

Жамоатчилик назорати субъектларининг **ахбороти** давлат органларининг гайрим масалалар бўйича қонунчиликни бажариш юзасидан фаолиятини кузатиш якунларини расмийлаштириш тури сифатида қаерда, қачон ва қандай вазиятда қонун бузилиши аниқланганлиги, ўрнатилган шаклда расмийлаштирилган хужжат шаклида баён этилган ушбу далилларни исботлайдиган маълумотларни, шунингдек, бузилишларга олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитлар, тегишли давлат органлари томонидан қонунчиликка амал қилишга йўналтирилган таклифларни қамраб олиши керак.

Инсон ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги вазият тўғрисида хабардор қилишнинг энг мақбул шакли ҳамда улар фаолиятида конституция ва қонулар устунлиги принципини таъминлаш мақсадларида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг самарали шаклиdir.

**Маълумотнома** жамият ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида жамоатчилик назорати натижаларини расмийлаштиришнинг энг универсал ва тез учраб турадиган туридир. Хужжатнинг ушбу тури қонунчилик ва ҳукуқни қўллаш фаолиятидаги вазиятни, ҳам марказий, ҳам маҳаллий даражадаги давлат бошқарувининг аниқ органи фаолияти, фуқаролар, ННТ, ОАВ ҳукуқларини амалга ошириш соҳасидаги ишларнинг ахволини таҳлил этиш, шунингдек, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқаролар ўртасида социологик сўровлар ўтказиш ва бошқалар учун мақбулдир.

## **Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун маълумотнома аниқ тузилмага:**

кириш қисми, асосий қисм, якунловчи қисм, хulosалар ва таклифларга эга бўлиши керак. Кириш қисмida ҳужжатнинг мақсадлари ва вазифалари, унинг ташаббускорлари, расмийлаштиришда фойдаланилган ахборот манбаларини кўрсатиш мақсадга мувофиқdir. Асосий қисмда тадқиқ этилган соҳадаги вазиятнинг кенг хусусиятлари, ўрганилаётган соҳадаги ишларнинг аҳволини тўғри баҳолашга ёрдам берадиган ишонарли маълумотлар келтирилади. Якунловчи қисмда маълумотнома муаллифларининг асосий хulosалари, қонунчилик бузилишига олиб келган сабаблар, вазиятни яхшилаш учун талаб қилинадиган ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш, давлат органлари билан ННТ ўртасидаги фаолиятни яхшилаш учун зарур ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар келтирилади.

Маълумотномага унда тақдим этилган ахборотнинг ишонарлилигини тасдиқлайдиган қўшимча материаллар илова қилиниши мумкин.

Маълумотнома кўриб чиқиш учун тегишли ваколатли давлат органларига, шу жумладан, юқори органларга, шунингдек, ижроия ҳокимият органлари фаолиятини ташқи, идорадан ташқари назорат қилиш ва мониторингини амалга оширадиган органлар: Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, Адлия вазирлиги, Бosh прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқаларга юборилади.

Жамоатчилик назорати якунлари бўйича муҳим жамоатчилик манфаатига эга маълумотнома ҳам фуқаролик жамияти институтлари, ҳам давлат органлари томонидан ташкил этиладиган жамоатчилик муҳокамасининг мавзуси бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назоратининг субъектлари қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадларида давлат хизматчилари фаолияти устидан кузатишни амалга оширади. **Қонуннинг аниқ (кўпинча қўпол) бузилиши аниқланганда ҳуқуққа зид амаллар содир этилиши вазиятларини қайд этиш учун акт** жамоатчилик назоратини расмийлаштиришнинг тури сифатида қўлланилади. Акта қўйидагилар кўрсатилади:

- у тузилган сана ва жой;
- кузатишни амалга оширишда иштирок этган шахсларнинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;
- кузатишнинг амалда бошланган ва якунланган санаси;
- қонунчилик бажарилмаганлиги ёки бузилганлиги далиллари;
- қонунчилик талаблари бузилишининг аниқланган далиллари бўйича чоралар қўриш юзасидан таклифлар.

## **Акт кузатишни амалда оширишда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.**

Агар назорат қилингандай ташкилот вакили актни имзолашни рад этса, актда бу ҳақда тегишли ёзув қайд этилади.

Актга тушунтириш ва маълумот материаллари, тушунтиришлар ва мулоҳазалар, назорат қилинаётган ташкилот вакилининг эътиrozлари илова қилинади.

Назорат қилингандай ташкилот раҳбари жамоатчилик назорати натижалари бўйича актни имзолашни рад этган ҳолатда унда баён этилган далилларнинг ишонарлиги масаласи идора раҳбари томонидан актга илова қилингандай материалларни ҳамда назорат қилингандай ташкилот раҳбарининг актни имзолашдан воз кечишининг ёзма равишда асослашини ўрганиш орқали аниқланади.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таҳлилий ҳисоботи (маъруза) сифатидаги шакли жуда кенг тарқалган.

Таҳлилий ҳисоботни (маърузани) тайёрлаш билан жамоатчилик назоратининг жамоатчилик мониторинги қаби шакли якунига етади. У инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги алоҳида қонун ёки ҳалқаро ҳужжатнинг бажарилиши билан боғлиқ ахборот, аниқ ҳуқуқни, вазирлик ва идора фаолияти мониторинги, фуқароларнинг ижтимоий ночор тоифалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳоказолар тўғрисидаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этишга йўналтирилган.

Жамоатчилик мониторинги бўйича таҳлилий ҳисоботда (маърузада) тадқиқ этиладиган соҳадаги вазият таҳлил этилади, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун бузилишлари аниқ ҳолатларининг далиллари, статистика маълумотлари, чиқарилган хulosаларнинг тўғрилигини кўрсатадиган жадваллар, графиклар, шунингдек, тегишли давлат органлари (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиюти), фуқаролик жамияти институтлари, таълим ва илмий муассасаларга тавсиялар асосланади.

### **Таҳлилий ҳисобот қўйидаги аниқ тузилмага эга бўлиши керак:**

- мониторингни ўтказиша ёрдам берган ташкилотлар, рецензентларга миннатдорчилик;
- мониторинг ташкилотчилари, унинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида лўнда кириш қисми;
- асосий матн бўлимларга ажратилади, ҳуқуқий нормалар, статистика, инсон ҳуқуқларининг аниқ бузилишлари қамраб олинади;
- ҳуқуқбузарликларни аниқлаш усуслари;
- тақлифлар;
- адабиётлар;
- мониторинг материалларидан иборат иловалар, намуналар, ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари ва ҳоказолар.

## **Жамоатчилик мониторинги бўйича таҳлилий ҳисобот (маъруза) қўйидаги муайян талабларга жавоб бериши керак:**

1. Ҳисобот ишонарли бўлиши керак, миш-мишлар ва текширилмаган ахборотларга эмас, балки аниқ баён этилган далиллар ва исботларга асосланishi керак.
2. Ҳисобот тантанавор хусусиятга эга бўлмаслиги керак, унинг мақсади — вазиятни яхшилаш учун аниқ чоралар қўрилишидир.
3. Ҳисоботдаги барча далиллар ҳужжатлаштирилган, аниқ ва текширила оладиган бўлиши керак.
4. Ҳисобот тушунарли, оғзаки нутқ ишлатилмаган, лекин содда, эҳтиrossиз, умумий ноаниқ ифодаларсиз бўлиши керак.
5. Ҳисобот жуда чўзилиб кетмаслиги керак, ахборотнинг бир қисмини иловалар тарзида (масалан, қонунчиликни) бериш мумкин.
6. Ҳисобот мантиқий, изчил, тизимли ва ўқувчи томонидан осон ўқиладиган бўлиши керак.

Жамоатчилик мониторинги бўйича таҳлилий ҳисоботда (маърузада) тадқиқ этиладиган соҳадаги вазият таҳлил этилади, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун бузилишлари аниқ ҳолатларининг далиллари, статистика маълумотлари, чиқарилган хulosаларнинг тўғрилигини кўрсатадиган жадваллар, графиклар, шунингдек, тегишли давлат органлари (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти), фуқаролик жамияти институтлари, таълим ва илмий муассасаларга тавсиялар асосланади.

Таҳлилий ҳисоботни олувчилар давлат органлари: парламент, ҳукумат, Омбудсман, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқшунослар ва илмий жамоатчилик ҳамда бошқалар бўлиши керак. Олувчиларни танлаш ҳисобот мақсадлари ва мавзусига боғлиқдир<sup>1</sup>.

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва минтақавий дастурлар ва режалар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказганда жамоатчилик назоратини расмийлаштиришнинг **хулоса** тури тайёрланади. Хулоса юқорида қайд қилинган ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик мафаатлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг халқаро стандартлари, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манбаатларига, шунингдек, гендер тенглиги, коррупцияга йўл қўйилмаслик принципларига мувофиқлигини тадқиқ этиш ва баҳолашга яқун ясайди.

Шунитақидлаш керакки, жамоатчилик экспертизаси ўтказилганлиги тўғрисидаги хулоса кўриб чиқилиши ва унга асосланган жавоб тақдим этилиши талаб қилинади.

<sup>1</sup> Каранг: Мониторинг прав ребенка.— Т., 2011; Концепция национального мониторинга прав женщин в Узбекистане.— Т., 2014. С. 31–34; Концепция мониторинга прав человека в контексте ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан.— Т., 2015. С. 115–120.

## **Хуросада жамоатчилик эксперти ёки экспертларининг қуидагилар бўйича мустақил фикри ўз ифодасини топади:**

- тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасининг қонунчилик техникасига мувоғиқлиги;
- ушбу масала бўйича хорижий мамлакатларда тўпланган тажриба;
- ўрганилаётган мавзу бўйича жамоатчилик фикрининг ҳисобга олинганлиги;
- қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ўтказилган мониторинг натижалари ва ҳоказолар.

Жамоатчилик экспертлари ва мутахассислари томонидан экологик, гендер, коррупцияга қарши ва экспертизанинг бошқа турлари ўтказилиши мумкин. Уларнинг асосий мақсади — ҳужжат лойиҳасининг камчиликларини аниқлаш, лойиҳаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни асослашдир.

Ҳужжат лойиҳаси бўйича хуроса белгиланган муддатларда, ҳужжат лойиҳасининг тилида тайёрланади, у қонун лойиҳасини тайёрлаган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига ёки тегишли давлат органи ҳузурида ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган ишчи гуруҳига ёхуд лойиҳани жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилган давлат органининг сайтига юборилади. Хуроса ушбу ҳужжатни тайёрлаган жамоатчилик ташкилотининг сайтида муҳокама қилиш ҳамда унинг мазмуни бўйича мулоҳазалар ва тавсиялар олиш мақсадида эълон қилиниши мумкин.

Касаба уюшмаларининг меҳнат, аҳолининг бандлиги, касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари қонунчилиги нормаларига амал қилиниши бўйича жамоатчилик назоратининг натижалари аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги **ёзма ҳужжат** шаклида расмийлаштирилади. Иш берувчи қонунчилик бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги ёзма ҳужжатни кўриб чиқиши ва касаба уюшмаларига 15 кун давомида кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълум қилиши шарт.

Бундан ташқари касаба уюшмалари иш берувчи томонидан жамоавий шартномалар ва битимлар шартларини бузадиган қарорлар қабул қилганида унга ёзма ҳужжат тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолатда ёзма ҳужжат бир ҳафта ичida кўриб чиқлади.

Шундай қилиб, ёзма ҳужжат жамоатчилик назоратига якун ясашнинг шакли сифатида расмий ҳужжат ҳисобланиб, у қонунчилик бузилишига йўл қўйилганлиги ва белгиланган муддатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги илтимосномадир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, касаба уюшмалари фақат ёзма ҳужжат тақдим этибигина қолмасдан, шунингдек, ходимларни ҳимоя қилиш учун **судга даъво**

**аризаси ҳамда суд буйруғи чиқариш түғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақындарлар<sup>1</sup>.**

Жамоатчилик назорати бўйича якуний ҳужжатларни тайёрлаш тартиби-нинг қисқа таҳлили ушбу иш муайян билим ва қўнималарни талаб этишини, расмиятчиликка, малакасизликка, жўнликка йўл қўйиб бўлмаслигидан далолат беради. Фақат сифатли, малакали тайёрланган ҳужжат жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунлар ижросини бажаришлари устидан назорат қилиш вазифаларини бажаришга жиддий муносабатларини кўрсатади.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоатчилик назоратининг якуни қайси ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?
2. Жамоатчилик назорати бўйича якуний ҳужжатлар нималари билан фарқланади, уларнинг мазмуни нимаадан иборат?

## **§2. Жамоатчилик назорати якунларини эълон қилиш**

Жамоатчилик назорати соҳасига мамлакатда ҳақиқий демократия, Конституция ва қонунлар устунлиги принципи, жамоатчилик онгига демократик қадриятлар мустаҳкамланишини шакллантириш учун улкан аҳамиятга эга жамоатчилик назорати турли шаклларини қонунлар доирасида амалга оширишга тобора кўпроқ фуқаролар, жамоатчилик ташкилотлари, ОАВ жалб этилмоқда. Ушбу иш мутахассисларнинг тор доираси томонидан ўтказилмаслиги кераклиги табиийdir.

Жамоатчилик назорати субъектларининг вазифаси жамият аъзолари, давлат органларини жамоатчилик назорати доирасида ўтказилаётган тадбирлар түғрисида тўлиқ ахборот билан таъминлашдан иборатdir. Аммо бу билан чегараланиб бўлмайди. Фуқаророларни жамоатчилик назоратининг ҳукуқий ва ташкилий асослари, унинг асосий шаклларинин амалга ошириш воситалари, энг асосийси — жамоатчилик назорати якунлари бўйича эришилган натижалар түғрисида хабардор қилиш мухимdir.

Жамоатчилик вакиллари томонидан амалга оширилаётган назорат тадбирлари ошкора, яъни жамоатчиликни танишириш ва муҳокама қилиш учун очиқбўлиши керак.

“Жамоатчилик назорати түғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, жамоатчилик назорати оммавийлик ва очиқлик принципи асосида амалга оширилиши керак.

<sup>1</sup> Қаранг: 2016 йил 28 ноябрдаги “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари түғрисида”ги қонуннинг 11-, 14-моддалари.

Жамоатчилик назоратининг ошкоралиги принципи давлат ва фуқароларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Шунинг учун давлат, хизмат ёки тижорат сири ёхуд жамоатчилик назоратини ўтказиш доирасида олинган фуқароларнинг хусусий турмуши тўғрисидаги маълумотларни эълон қилмаслик ва муҳокама этмаслик керак.

### **Жамоатчилик назоратини ўтказиш масалалари билан боғлиқ ахборотни эълон қилишда қўйидаги принципларга амал қилиниши лозим:**

- фуқаролар жамоатчилик назорати соҳасида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида билишга ҳақлидирлар;
- улар фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат қилишда иштирок этиш воситаларини тартибга соладиган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий хужжатлар билан танишишга ҳақлидирлар;
- барча назорат тадбирлари, уларни амалга ошириш жараёнлари ва якунлари ОАВда, шу жумладан, электрон ОАВда эълон қилиниши керак;
- фуқаролар жамоатчилик назорати якунларини Интернет тармоқлари, журналлар, газеталар саҳифаларида анжуманларда, ушбу масала бўйича ўтказиладиган муҳокамалар ва эшитувлар доирасида иштирок этишга ҳақлидирлар;
- жамоатчилик инсон ҳуқуқларини қўпол ва мунтазам бузәётган органлар ва мансабдор шахслар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш, бу ҳақда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва ОАВга хабар қилишга ҳақлидир;
- фуқаролар ўз иродаларига мувофиқ, ихтиёрий равишда ОАВда эълон қилинган назорат тадбирларида иштирок этиш, қонунларни ҳамда жамоатчилик назорати ўтказилган органлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдиришга ҳақлидирлар;
- жамоатчилик назорати тўғрисидаги ахборот факат ОАВларда эмас, шунингдек, давлат органлари, фуқароларнинг турли тоифалари, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар вакиллари билан учрашувларда ҳам эълон қилиниши керак.

Жамоатчилик назорати бу ҳақда билишлари, унинг натижаларини ҳисобга олишлари ва ўрганилган соҳадаги вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чоралар кўрилиши билан фойдалидир. Жамоатчилик назоратини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар эълон қилинmasa, у мантикий якунига етмайди.

**Жамоатчилик назорати бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги ахборот,** энг аввало, қўйидагиларни қамраб олишини таъкидлаш керак:

- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиюти органлари вакилларини;
- марказий ва маҳаллий даражадаги давлат бошқаруви органлари (вазирликлар, идоралар, ҳокимииятлар) ходимларини;
- ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари (адлия, прокуратура, ички ишлар ва бошқалар) ходимларини;

- инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар (Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ) вакилларини;
- фуқаролик жамияти институтларини;
- аҳолининг турли гуруҳларини (болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва бошқалар);
- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларни ва бошқаларни.

**Эълон қилиш** — бу ҳамиша жамоатчилик назоратининг якунларини расмий эълон қилиш, фуқаролар, мансабдор шахслар ташкилотларга буни етказишdir.

Жамоатчилик назорати якунларини **эълон қилишнинг қўйидаги шакллари** амалиётга киритилган:

- жамоатчилик назорати якуний ҳужжатларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муайян соҳасида умумий раҳбарликни амалга оширадиган давлат бошқаруви органларининг юқори органларига;
- жамоатчилик назоратининг якунлари тўғрисида қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини ташқи, идорадан ташқари назоратини амалга оширадиган давлат органлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни хабардор қилиш;
- жамоатчилик назорати якунларини давлат органлари, ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ иштирокида жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш;
- ОАВда жамоатчилик назорати якунлари тўғрисида хабарлар, мақолалар, очерклар эълон қилиш;
- жамоатчилик назорати якунлари мақсадлари ва вазифаларини тушунтириш мақсадида аҳолининг турли тоифалари билан учрашувлар ўтказиш;
- жамоатчилик назорати фаолияти соҳасида амалга оширилган ишлар ва қабул қилинган чоралар тўғрисида хабардор қилиш мақсадида ОАВ учун брифинглар, матбуот анжуманларини ташкил этиш ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш керакки, ахборот олувчиларни танлаш жамоатчилик назорати бўйича тадбирнинг мақсади ва мавзусига боғлиқдир.

Жамоатчилик назорати якунларни эълон қилмаслик фуқароларнинг аниқ ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш, ушубу соҳада вазиятни яхшилашга хизмат қилмаслиги мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат ННТ фаолияти тўғрисидаги ахборотни кенг ёйишдан манфаатдордир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминлаш вазифаси юклантган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18-сон, 361-модда.

## **Жамоатчилик назорати якунлари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш қўйидагиларга эришиш имкониятини беради:**

- органлар ва мансабдор шахслар томонидан бузилган инсон ҳуқуқларини тиклаш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг алоҳида жиҳатларини ушбу соҳада давлат органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни аниқлаш;
- инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик бузилишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш;
- қонунчилик нормалари бажарилишининг ташкилий ва институционал механизмлари мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммоларга эътиборни қаратиш;
- инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти назорати ва мониторингини ташкил этиш соҳасидаги вазиятни англаб етиш;
- аҳолининг ҳуқуқий тарбияси соҳасидаги камчиликларни аниқлаш, давлат хизматчилари ва жамоатчилик вакилларида ҳуқуқий онг ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш;
- фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш ёки чеклашда айбдор мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларини ҳуқуқий жавобгарликка тортиси бўйича аниқчоралар кўриш;
- қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва бошқалар.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоатчилик назоратини ўтказишида ошкоралик ва очиқлик қандай таъминланади?
2. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги ахборотни эълон қилишнинг асосий принциплари нималардан иборат?
3. Қайси органлар жамоатчилик назорати тўғрисидаги ахборотни олувчилар ҳисобланади?

## **§3. Давлат органларининг ўз фаолиятида жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Ўзбекистонда шакллантирилаётган ҳуқуқий давлатнинг асосий унсурларидан бири қонунийлик принципидир. Қонунийлик принципи барча давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аниқ ва изчил амал қилиш ҳамда уларни ижро этиш сифатида англаанди.

Қонунийлик принципининг бузилиши, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бутун тизими фаолиятига таъсир кўрсатади. Уларга қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти органлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари киради.

## **Қонунийликнинг асосий принциплари қўйидагилардир:**

**Қонунийликнинг умумийлиги** — бу хуқуқнинг барча субъектлари: фуқаролар, жамоатчилик тузилмалари давлат органларининг хуқуқий нормаларга сўзсиз бўйсуниш мажбуриятини англатади.

**Қонунийликнинг бирлиги** — норматив кўрсатмаларнинг бир хил тарзда тушунилиши.

**Қонун устуналиги** — бу олий хуқуқий қучга эга қонунларга барча қонуности хужжатларнинг мувофиқлиги.

**Қонунийликнинг, мақсадга мувофиқлик ва адолатнинг бирлиги** — бу қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар мазмунига мақсадга мувофиқлик ва адолат сингдирилган бўлишини англатади.

**Қонунийликнинг ҳам аҳоли, ҳам давлат аппарати мансабдор шахсларининг хуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги<sup>1</sup>.**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, қонун устуворлигини таъминлашда хуқуқий маданиятни юксалириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш мухим аҳамият касб этади. Бунга жамиятда хуқуқий маданиятни юксалириш бўйича янги Миллий дастурни яратиш хизмат қиласди<sup>2</sup>.

Фуқароларнинг Омбудсман, Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, адлия ва прокуратура органлари га келиб тушаётган шикоятлари таҳлили, инсон хуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчилик бузилиши давлат органлари хуқуқий мақоми, хуқуқий тартибга солиш муаммолари, давлат хизматчиларининг хуқуқий билимлари, малакалари паст даражадалиги, юқори раҳбарлик органларининг қўйи тузилмалари устидан ички идоравий самарали назорат мавжуд эмаслиги, меҳнатни илмий ташкил этиш қўлланмаслиги туфайли давлат органлари ходимларининг иши қўплиги, улар томонидан вазифалари га кирмайдиган функцияларни бажариши, манфаат ва муайян неъматлар топиш учун хизмат вазифасини сунистеймөл қилиши, шунингдек, ходимлар бир қисмининг эгаллаб турган лавозимига муносиб эмаслиги ва ҳоказолар билан боғлиқдир.

Давлат органлари, мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар билан ўрнатилган ваколатлари ва хизмат вазифалари ташқарисига чиқадиган хатти-ҳаракатлари ўзбошимчалик сифатида баҳоланади. Ўзбошимчалик учун аҳлоқ ва хуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини бузадиган, қонуннинг умумийлиги принципини инкор этадиган аҳлоқий, хуқуқий ва сиёсий нигилизм хосдир<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Проблемы общей теории jus, учебник для магистрантов юридических вузов // под. ред. В. В. Лазарева. — М., 2012. С. 460–461.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлилангган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

<sup>3</sup> Қаранг: Права человека. Энциклопедический словарь. — М., 2016. С. 231.

Хозирги пайтда кўп нарса давлат органлари ва мансабдор шахслар қонунийлик принципига амал қилган ҳолда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши масалаларини тартибга соладиган миллий қонунчилик нормаларига амал қилиши ва буни амалиётда қўллашига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги фармонида давлат органларининг ННТ билан ўзаро муносабатларидағи фаолияти жиддий танқид остига олинган.

Фармонда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнаётганлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини жамоатчилик назорати соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қўйидагиларни қилишлари шарт:

- жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси ва ташкилий механизmlарини такомиллаштиришга қўмаклашиш;
- жамоатчилик тузилмаларини давлат органлари фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганишга жалб этиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ, фуқаролар ва ОАВларнинг жамоатчилик назорати соҳасидаги фаолиятига аралашмаслик;
- жамоатчилик назоратини қонунда ўрнатилган тартибда ўтказиш учун ўз вақтида ахборот, ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш;
- ўзларининг ҳайъат органларида ўтказиладиган, жамоатчиликни қизиқтирадаган масалалар бўйича мажлисларига жамоатчиликнинг манфаатдор вакилларини тақлиф этишни амалиётларига киритиш;
- давлат органларинг веб-сайтларида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича дастурлари ва режалари лойиҳаларини жойлаштириш;
- давлат органлари ва ННТларнинг ижтимоий фойдали вазифаларни ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўйича тузилмаларни, шу жумладан, жамоатчилик комиссиялари ва кенгашлари, мувофиқлаштириш марказларини шакллантириш ва бошқалар.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасида давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатилган.

Давлат органлари:

- жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;
- жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;
- ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;
- жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишига ҳақли.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари:

- жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;
- ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;
- жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек, якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт.

Давлат органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **Ушбу талабларни шартли равища қўйидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин:**

- жамоатчилик назорати яқунлари тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиши бўйича талаблар;
- жамоатчилик назорати доирасида тақдим этилган материаллар ва маълумотларни ўрганиш бўйича талаблар;
- жамоатчилик назорати ўтказишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш бўйича талаблар;
- жамоатчилик назорати субъектларини кўрилган чоралар тўғрисида хабардор қилиш.

**Биринчидан**, давлат органлари ва мансабдор шахслари қуидагиларни қилишлари шарт:

- жамоатчилик назорати масалалари бўйича оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларни давлат ва бошқа тилларда ўрнатилган тартибда монесиз қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- жамоатчилик назорати субъектларини шахсан қабул қилиш.

**Иккинчидан**, давлат органлари жамоатчилик назорати бўйича якуний ҳужжатларни ва уларга илова қилинган материалларни синчиклаб ўрганиш бўйича қуидаги ишларни ташкил этиш:

- инсон ҳукуқлари бузилиши тўғрисида аниқланган маълумотларни текшириш учун тузилмани тайёрлаш;
- қонунчилик бузилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан хизмат текширишини амалга ошириш;
- мурожаатни объектив кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотларни талаб қилиш, аниқланган камчиликлар бўлиб ўтган жойларга бориш.

**Учинчидан**, давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида етказилган моддий зиён ёки маънавий зарарни компенсация қилиш, ноқонуний ҳаракатлар, ҳаракатсизликларга чек қўшиш учун шошилинч чоралар кўриши шарт. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликни бузишида айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жамоатчилик назорати субъектларининг инсон ҳукуқларини тиклаш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича давлат органлари қуидагиларни қилишлари шарт:

- жамоатчилик назорати натижаларининг асосланганлигини текшириш ва ўрганиш давомида уларнинг ахборотдан фойдаланишларини таъминлаш;
- жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатни текшириш материаллари ва мурожаатни кўриб чиқиш натижалари билан танишишларини таъминлаш;
- бошқа давлат органлари ва тузилмаларидан қўшимча материалларни тақдим этиш, қонунчилик бузилиши гувоҳларини чақиришга ёрдам бериш;
- бир ойгача бўлган муддатда мурожаатга ёзма ёки электрон шаклда мурожаатда кўрсатилган ҳар бир банд бўйича далилларни рад этадиган ёки тасдиқлайдиган асосларга жавоб бериш;
- жамоатчилик назорати субъекти мурожаати натижалари бўйича қабул қилинган қарор ижросининг назоратини таъминлаш.

Жамоатчилик назорати якунларини кўриб чиқиш давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш механизмларини тартибга соладиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар ижроси бўйича давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини такомиллаштириш учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жамоатчилик назорати субъектларининг қонунчилик ва бошқа тавсиялари давлат, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятидаги камчиликларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларининг бузилишига олиб келадиган ҳақиқий сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш имконини беради.

Шу муносабат билан давлат органлари томонидан жамоатчилик назорати бўйича тадбиrlарни ишлаб чиқиш ташабbusини амалиётга киритиш, жамоатчилик вакилларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида давлат назорати ва мониторингини ўтказишга жалб этиш мухимдир. Масалан, 2014–2015 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ўзбекистоннинг БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик кўриш доирасида “Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ти қонун ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронларнинг транспорт хизматларидан фойдаланишни таъминлаш қисми бажарилиши мониторингини ўтказиш ташабbusини илгари сурди. Ушбу мониторинг ўтказишга Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” фонди ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жалб қилинди. Мониторинг якунлари бўйича Тахлилий ҳисобот тайёрланиб, парламент тузилмалари, ижроия ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа тузилмалардан ногиронларнинг транспортдан фойдаланиши учун аниқ қонунчилик ва ташкилий чоралар кўриш учун юборилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийлик принципи нимани англаади?
2. Давлат органларининг жамоатчилик назоратини ўтказишни қўллаб-қувватлаш бўйича қандай мажбуриятлари бор?
3. Давлат органларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш якунлари бўйича мурожаатларини текшириш юзасидан қандай талаблар қўйилган?

## ХУЛОСА

Жамоатчилик назорати инсон ҳуқуқларининг жамоатчилик ҳимояси шаклларидан бири ҳисобланиб, у Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал этилиши мониторингини ўтказиш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини аниқлашда ёрдам бериш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ, бевосита фуқаролар ва давлат органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашларининг фаолиятидир. Бу жамоатчилик ва давлат органлари биргаликда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат тизимиға кирадиган органлар фаолиятида Конституция ва қонунийлик устунлиги принципини амалга оширишга ёрдам берадиган ижтимоий шерикликнинг энг самарали шаклларидан биридир.

Турли давлат органлари, шу жумладан, Омбудсман Котибияти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллӣ марказга келаётган шикоятларнинг таҳлили одил судлов соҳасида жамоатчилик назорати, айниқса мұхимлигидан далолат беради. Чунки, фуқаролар бевосита ана шу масалалар бўйича тегишли давлат тузилмалариға энг кўп шикоятлар билан мурожаат қиласди.

Ҳозирги пайтда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, ушлаб туриш ва жазони ижро этиш жойлари, судлар фаолиятининг очиқлигига нисбатан жамоатчилик назоратини ривожлантириш зарурати мухокама этилмоқда. Ўзбекистонда жамоатчилик назорати институтини янада ривожлантириш жамоатчиликнинг қонунчиликка амал қилинишини кузатиш, юқорида қайд қилинган органларнинг ўзбўларчилиги ва ноқонуний хатти-ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш учун ушбу муассасаларда бўлишларига ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга боғлиқдир.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқтизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлиги таъкидланган. Шунинг учун амалиётга судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чорақда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш киритилмоқда<sup>1</sup>.

Ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати таъсирини кучайтириш доирасида давлат ва ижтимоий қурилишда барча ННТларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қўйидагилар орқали амалга оширилмоқда:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 28-сон, 574-модда.

- ННТги тааллуқли эскириб қолған, ҳозирги давр талабарига жавоб бермайдыган қоидаларини бекор қилиш, ННТни ташкил этиш ва фаолиятига түсқинлик қиладыган мавжуд зиддиятлар ва бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликнинг тўла инвентаризациясини ўтказиш;
- ижтимоий фойдали функцияларни бажараётган, аҳолининг ночор қатламларига ёрдам кўрсатаётган, инсон ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилишга кўмаклашаётган ННТлар фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш учун солиқ қонунчилигини такомиллаштириш;
- адлия, солиқ органлари ва бошқа назорат қилувчи тузилмалар томонидан ННТ фаолиятининг ташқи давлат назорати тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш;
- янги илғор қонунчилик, шу жумладан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қоидаларини амалга оширишга қодир бўлган, ҳуқуқни ҳимоя қилиш хусусиятига эга янги турдаги ННТларни ташкил этиш жараёнини рағбатлантириш;
- ночор аҳволга тушиб қолган фуқаролар, аёллар, ногиронлар, болалар, оғир касалликларга чалингнларга молиявий ёрдам кўрсатадиган жамоатчилик жамғармаларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- болалар, хотин-қизлар, бошпанасизларга ёрдам кўрсатиш бўйича институтлар (бошпаналар, инқироз марказлари ва бошқалар) ташкил этиш соҳасидаги ННТнинг хайрия салоҳиятини қўллаб-қувватлаш бўйича маҳсус чоралар ишлаб чиқиш.

Келажақда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қоидаларини амалиётга жорий этиш бўйича қўйидаги маҳсус чоралар кўриш:

- ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун асосида фуқароларнинг алоҳида тоифалари, биринчи навбатда болалар, хотин-қизлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оиласларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини назорат қилиш бўйича “жамоатчи инспектор”, “жамоатчи кузатувчи”, “жамоатчи омбудсман”, “Жамоатчилик комиссияси” институтларини шакллантириш ҳуқуқи тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш;
- жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқларини, жамоатчилик назоратининг шаклларини ҳамда давлат органларининг жамоатчилик назорати натижаларига муносабати ягона қоидаларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида жамоатчилик назоратини масалаларини тартибига соладиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг инвентаризациясини ўтказиш;
- жамоатчилик назорати шаклларини амалга ошириш тартибини белгилайдиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш;
- суд, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва назорат қилиш тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларини бажаришлари бўйича фаолияти устидан жамоатчилик

назоратини ўтказиш тартибининг шакллари тўғрисидаги норматив-хуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш;

- Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида давлат органларининг инсон хукуқлари ва эркинликлари соҳасидаги фаолиятининг парламент ва жамоатчилик назорати тўғрисидаги маълумотлари ҳамда ҳар йили қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаларида ва ОАВда эълон қилинадиган қарорлари банкини ташкил этиш;
- парламентнинг ҳар йилги қонун лойиҳалари режаларига фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган таклифларни киритиш амалиётини жорий этиш;
- Ўзбекистоннинг инсон хукуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилиши бўйича муқобил маърузаларни тайёрлаш бўйича услубий тавсияларни тайёрлаш;
- ННТнинг инсон хукуқларининг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик назорати юзасидан тадбирларининг 2020 йилгача биргаликдаги режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Адлия вазирлиги муассасалари амалиётига ННТларнинг жамоатчилик назорати бўйича амалга оширилган тадбирлари, давлат органларининг жамоатчилик назорати якунлари бўйича қабул қилган чоралари тўғрисидаги ахборотларни эшитувини киритиш;
- инсон хукуқлари бўйича таълим дастурларига ҳам олий таълим муассасалари, ҳам лицей ва коллежлар даражасида Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратини ташкил этиш билан боғлиқ мавзуларни киритиш;
- Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллый ассоциацияси ҳузурида инсон хукуқлари ва эркинлари соҳасидаги вазиятнинг жамоатчилик назорати ва мониторинги масалалари бўйича Ресурс маркази ташкил этиш;
- Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллый ассоциацияси билан Ўзбекистон телерадиокомпанияси ўртасида ННТнинг 2020 йилгача бўлган муддатда фаолияти, уларнинг ижтимоий фойдали вазифаларни бажаришдаги роли ва аҳамияти тўғрисида аҳолини мунтазам хабардор қилиб бориш тўғрисида битим тузиш;
- ОАВнинг Фуқароларнинг хукуқий таълими даражасини ошириш, ёшларни инсон хукуқлари маданияти руҳида тарбиялашда иштирок этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- инсон хукуқлари қўпол бузилиши ҳолатлари бўйича журналист текширувини ўтказиш ва бу ҳақда аҳолини хабардор қилишни амалиётга киритиш;
- Ўзбекистонда 2020 йилгача ННТ фаолияти масалалари бўйича ННТ билан келишилган Ноширлик фаолиятининг режасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва бошқалар.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузалари**

- 1.1. Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.
- 1.2. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.
- 1.3. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантаришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2017 йил 17 январь.
- 1.4. Мирзиёев Ш. М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга этишда таянчимиз ва суюнчимиздир / “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқ // Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль.
- 1.5. Мирзиёев Ш. М. Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
- 1.7. Мирзиёев Ш. М. Билимли авлод — буюк келажакнинг, тадбиркор халқ — фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2018 йил 8 ноябрь.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

- 2.1. 1992 йил 8 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т. Ўзбекистон, 2018.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси.
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий-процессуал кодекси.
- 2.4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

- 2.5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
- 2.6. 2002 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонун.
- 2.7. 2002 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонун.
- 2.8. 2017 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги конституциявий қонун.
- 2.9. 1991 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик бирлашмалари тўғрисида"ги қонун.
- 2.10. 1992 йил 9 декабридаги "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун.
- 2.11. 1993 йил 2 сентябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун.
- 2.12. 1996 йил 26 декабрдаги "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун.
- 2.13. 1997 йил 24 апрелдаги "Ахборот кафолатлари ва ундан фойдаланиш эркинлиги тўғрисида"ги қонун.
- 2.14. 1997 йил 24 апрелдаги "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун.
- 2.15. 1998 йил 1 майдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун (янги таҳрир).
- 2.16. 1998 йил 1 майдаги "Аҳолининг бандлиги тўғрисида"ги қонун (янги таҳрир).
- 2.17. 1999 йил 14 апрелдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонун.
- 2.18. 2000 йил 25 майдаги "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонун.
- 2.19. 2000 йил 14 декабрдаги "Судлар тўғрисида"ги қонун.
- 2.20. 2000 йил 14 декабрдаги "Қонунлар муҳокамасининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги қонун.
- 2.21. 2001 йил 29 августдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун.
- 2.22. 2002 йил 12 декабрдаги "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун.
- 2.23. 2003 йил 29 августдаги "Жамоатчилик фондлари тўғрисида"ги қонун.
- 2.24. 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги қонун.
- 2.25. 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонун.
- 2.26. 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонун.
- 2.29. 2003 йил 11 декабрдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун.
- 2.30. 2004 йил 30 апрелдаги "Сиёсий партияларни молиялаш тўғрисида"ги қонун.
- 2.31. 2004 йил 27 августдаги "Олий Мажлиснинг Инсон хукуqlари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонун (янги таҳрири).

- 2.32. 2004 йил 3 декабрдаги "Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тұғрисида"ги қонун.
- 2.33. 2006 йил 11 октябрдаги "Қонунлар лойихаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Қонунчылық палатасига киритиш тартиби тұғрисида"ги қонун.
- 2.34. 2007 йил 15 январдаги "Оммавий ахборот воситалари тұғрисида"ги қонун (янги таҳрир).
- 2.35. 2007 йил 2 майдаги "Хомиийлик тұғрисида"ги қонун.
- 2.36. 2008 йил 11 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тұғрисида"ги қонун (янги таҳрири).
- 2.37. 2012 йил 24 декабрдаги "Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тұғрисида"ги қонун.
- 2.38. 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тұғрисида"ги қонун.
- 2.39. 2013 йил 27 декабридаги "Экологик назорат тұғрисида"ги қонун.
- 2.40. 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очылуғи тұғрисида"ги қонун.
- 2.41. 2014 йил 14 майдаги "Хуқуқбизарліклар профилактикаси тұғрисида"ги қонун.
- 2.42. 2015 йил 26 августдаги "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталығы тұғрисида"ги қонун.
- 2.43. 2016 йил 31 мартдаги "Парламент назорати тұғрисида"ги қонун.
- 2.44. 2016 йил 19 сентябрдаги "Ҳайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тұғрисида"ги қонун.
- 2.45. 2016 йил 21 сентябрдаги "Үсимлик дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тұғрисида"ги қонун.
- 2.46. 2016 йил 28 ноябрдаги "Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг хуқуқлари ва кафолатлари тұғрисида"ги қонун.
- 2.47. 2017 йил 15 январдаги "Оммавий ахборот воситалари тұғрисида"ги қонун (янги таҳрири).
- 2.48. 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тұғрисида»ги қонун.
- 2.49. 2018 йил 12 апрелда "Жамоатчилик назорати тұғрисида"ги қонун.
- 2.50. 2016 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан тако-миллаштиришга доир чора-тадбирлар тұғрисида"ги фармони.
- 2.51. 2017 йил 3 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида"ги фармони.
- 2.52. 2017 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

- оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.
- 2.53. 2018 йил 4 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.
- 2.54. 2018 йил 4 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
- 2.55. 2018 йил 28 марта даги Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиши тъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши.
- 2.56. 2018 йил 10 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори.
- 2.57. 2015 йил 6 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.
- 2.58. 2008 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгashi ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги кўшма қарори.
- 2.59. 2019 йил 17 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.

### **III. Инсон хуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар**

- 3.1. Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
- 3.2. Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
- 3.3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
- 3.4. Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция.
- 3.5. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция.
- 3.6. Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция.
- 3.7. Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг болаларнинг қуролли можароларда иштирок этишларига тааллуқли Факультатив протокол.

- 3.8. Бола хукуқлари түғрисидаги конвенциянинг болалар савдоси, болалар фоҳи-шабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол.
- 3.9. Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция.
- 3.10. Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенцияга Факультатив протокол.
- 3.11. Ногиронлар хукуқлари түғрисидаги конвенция.
- 3.12. Жамоатчиликнинг ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ва атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича одил судловдан фойдаланиш түғрисидаги конвенция.
- 3.13. Инсон хукуқлари бўйича Вена Декларацияси ва Ҳаракатлар дастури.
- 3.14. БМТнинг Алоҳида шахслар, гуруҳлар ва жамият органларининг умумэътироф этилган инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш хукуқи ва мажбуриятлари түғрисидаги декларацияси.
- 3.15. Европа Иттифоқининг расмий ҳужжатлардан фойдаланиш түғрисидаги конвенцияси.
- 3.16. Европа Иттифоқининг халқаро ноҳукумат ташкилотларини юридик шахслар деб тан олиш түғрисидаги конвенцияси.

#### **IV. Қонунларга шарҳлар**

- 4.1. 1997 йил 24 апрелдаги "Олий Мажлиснинг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) түғрисида"ги қонунга шарҳ.
- 4.2. 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиқлиги түғрисида"ги қонунга шарҳ.
- 4.3. 2014 йил 3 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари түғрисида»ги қонунга шарҳ.

#### **V. Махсус адабиётлар**

- 5.1. Власов В. А. Обеспечение социалистической законности в советском государственном управлении. — М., 1958. С. 49.
- 5.2. Попова Е. П. О понятии общественного контроля в советском государственном управлении // Правоведение. 1961. № 3. С. 147–152.
- 5.3. Дрейслер И. С. О соотношении государственного и общественного контроля как гарантий социалистической законности // Проблемы социалистической законности на современном этапе развития советского государства. 1968. С. 35.
- 5.4. Ведель Ж. Административное право Франции. — М., 1973. С. 185.
- 5.5. Сафаров Р. А. Общественное мнение и государственное управление. — М.: Юриздат, 1975. С. 201.

- 5.6. Фаткуллин Ф. Н., Челюкин Л. Д. Социальная ценность и эффективность правовой нормы. — Казань, 1977. С. 26.
- 5.7. Бребан Г. Французские административное право. — М., 1988. С. 171.
- 5.8. Гегель Г. В. Ф. Философия права. — М., 1990. С. 335.
- 5.9. Гаращук В. Н. Контроль общественных формирований и граждан как способ защиты прав личности в сфере государственного управления // Проблемы законности. 1998. Вып. 3. С. 107.
- 5.10. Бакаева Ф. Х. Комментарий к закону Республики Узбекистан «Об Уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсмане)» // под редакцией С. Ш. Рашидовской. — Т., 1998. С. 38–39, 41–42.
- 5.11. Зелетдинова Э. А. Российская демократия глазами А. де Токвиль // Вестник Московского университета. Серия 18. Социология и политология. 2000. №1. С. 25.
- 5.12. Кожухов А. На пути к правовому государству // Юридическая практика. 2002. №17 (227).
- 5.13. Бакаева Ф. Х. Общественный контроль за реализацией законов // в кн. «Узбекистан на пути к гражданскому обществу». — Т., 2003. С. 168–170.
- 5.14. Рашидова С. Ш., Бакаева Ф. Х. О необходимости разработки и реализации Концепции развития и укрепления системы мониторинга за соблюдением прав и свобод человека в Республике Узбекистан // в кн. «Мониторинг прав человека». — Т., 2003. С. 135–144.
- 5.15. Узбекистан на пути к гражданскому обществу — Ўзбекистон фуқароликжамияти сари (Сборник статей) // отв. ред.: Р. Алимов. — Т.: Шарқ, 2003. С. 155–161.
- 5.16. Понятие национальной и международной правовых систем // Журнал российского права. 2004. №11. С. 98–112.
- 5.17. Тихомиров Ю. А. О модернизации государства // Журнал российского права, 2004. №4. С. 3–16.
- 5.18. Ноздрачев А. Ф. Гражданин и государство: взаимоотношения в XXI веке// Журнал российского права, 2005. №9. С. 18–22.
- 5.19. Бакаева Ф.Х.Государство и личность: взаимные права и обязанности//журнал «Гражданское общество», 2005. №1 (2). С. 49.
- 5.20. Беляев В. П. Общественный контроль в современной России // Конституционное и муниципальное право. 2006. № 6.
- 5.21. Зубарев С. М. Контроль за деятельностью государственных гражданских служащих: вопросы теории и правового регулирования // Подготовлен для Системы Консультант Плюс. 15.03.2007.
- 5.22. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека: становление и развитие // под ред. А.Х. Сайдова. — Т., 2007. С. 72, 73.
- 5.23. Бахрах Д. Н. Административное право России. — М.: Норма, 2009. 712 с.

- 5.24. Пособие по регистрации и организации деятельности негосударственных некоммерческих организаций. — Т., 2009. С. 271–275, 283, 284.
- 5.25. Аринин А. Мировой опыт общественного контроля над деятельностью власти: уроки для России // URL: <http://www.lawinrussia.ru/mirovoi-opryt-obshchestvennogo-kontrolya-nad-deyatelnostyu-vlasti-uroki-dlya-rossii>, 22.03.2010.
- 5.26. Сайдов А., Бакаева Ф. Конституция Республики Узбекистан и права человека: от норм к реализации. — Т., 2010. С. 14–20.
- 5.27. Купреев С. С. Общественный контроль как средство противодействия коррупции в органах власти и управления // Административное и муниципальное право. 2010. №9. С. 10–12.
- 5.28. Негосударственные некоммерческие организации в Узбекистане: правовое регулирование, экономические основы деятельности, бухгалтерский учет и налогообложение в свете последних изменений законодательства. Методическое пособие. — Т., 2010. С. 5, 11, 12, 23–27.
- 5.29. Мониторинг прав ребенка. — Т., 2011.
- 5.30. Проблемы общей теории jus. Учебник для магистрантов юридических вузов // под. ред. В. В. Лазарова. — М., 2012. С. 460–461.
- 5.31. Бакаева Ф. Х. Участие институтов гражданского общества в осуществлении общественного контроля: опыт Узбекистана: в кн. Общественный контроль и его формы: научно-теоретические аспекты. — Т., 2012. С. 139–140.
- 5.32. Кутыбаева Е., Шабаев А. Общественный контроль за деятельностью государственных органов в Республике Узбекистан: состояние и перспективы: в кн. Общественный контроль и его формы: научно-теоретические аспекты. — Т., 2012. С. 158–160.
- 5.33. Юсупов А., Кенжаев Т. Общественный контроль за деятельностью государственных органов в Республике Узбекистан: состояние и перспективы: в кн. Общественный контроль и его формы: научно-теоретические аспекты. — Т., 2012. С. 190–191.
- 5.34. Юсупов А., Кенжаев Т. Сущность общественного контроля и его влияние на функционирование государства: в кн. Общественный контроль и его формы. Научно-практические аспекты. — Т., 2012. С. 186–191.
- 5.35. Международный опыт по вопросам социального партнерства и общественного участия в принятии государственных решений // под ред. А.Х. Сайдова. — Т., 2014. С. 582–588.
- 5.36. Концепция национального мониторинга прав женщин в Узбекистане. — Т., 2014. С. 31–34.
- 5.37. Бакаева Ф., Арсланова К. О правовом регулировании вопросов проведения общественной экспертизы // Демократизация и права человека. 2014. № 1. С. 110–113.
- 5.38. Права человека. Учебник. // под ред. Е. А. Лукашевой. — М., 2015. С. 107.

- 5.39. Кузнецова О. В. Пороки правовой нормы: «диагностика» и предупреждение // Журнал российского права. 2015. №3. С. 127–133.
- 5.40. Концепция мониторинга прав человека в контексте ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан. — Т., 2015. С. 115–120.
- 5.41. Дмитриенко М. О. Общественный контроль как элемент государственно-общественного управления // URL: <http://отрасли права.рф/article/12410,01.10.2015>.
- 5.42. Москалькова Т. Н., Черников В. В. Нормотворчество. Научно-практическое пособие. — М., 2014. С. 198–200, 202, 245–248, 250.
- 5.43. Сайдов А. Х., Бакаева Ф. Х. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2015 году. — Т., 2016. С. 241, 263.
- 5.44. Токвиль А. Демократия в Америке / А. Токвиль; пер. с фр.; предисл. Г. Дж. Ласки. — М.: Прогресс, 1992.
- 5.45. Аналитический доклад на тему: «Мониторинг прав инвалидов на доступ к транспортным услугам». — Т., 2016.
- 5.46. Аналитический Вестник №18 (270) Способы оценки эффекта воздействия законотворческих решений в странах Европы. Совет Федерации Федерального Собрания Российской Федерации — Москва, 2005, июль.



Муҳаррир: М. Рихсибекова  
Компьютерда тайёрловчи: А. Холматов

Нашриёт лицензияси АI № 263 31.12.2014  
Босишга рухсат этилди 10.12.2019 й. Бичими 70x100 1/16  
«Myriad Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи 16,0.  
Адади 200 нусха.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
тел.: +998 (71) 233-23-84

ООО «MEGA BASIM» босмахонасида чоп этилди

ISBN 978-9943-5812-3-4



ISBN: 978-9943-5812-3-4



9 789943 581234